



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРЖИМАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Республика илмий-назарий анжумани
материаллари
2017 йил 18-май, Тошкент




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРЖИМАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ
Республика илмий-назарий анжуман материаллари

Тошкент,
2017 йил 18 май



Таржимашунослик муаммолари. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. Тошкент, 2017 йил 18 май. 216 бет.

Мазкур илмий мақолалар тўплами Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида таржима назарияси ва амалиётининг долзарб муаммоларига бағишлаб ўтказилган республика илмий-назарий анжумани материалларидан иборат. Тўпلامга таржима соҳасида илмий ва ижодий фаолият олиб бораётган етакчи олим-мутахассислар, тадқиқотчилар, шунингдек, магистр-талабаларнинг мақолалари киритилган.

Тўпلام таржима назарияси, бадиий таржима ва таржимашунослик муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига бағишланган.

Тўпладан ўрин олган мақолалар савияси, улардаги илмий далиллар ҳаққонийлиги ҳамда мазмун учун муаллифлар масъулдир.

Масъул муҳаррир:

Ш.С.Сирожиддинов

Нашрга тайёрловчилар:

Гулноза Одилова

Маҳфузахон Хомидова

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети

Тошкент- 2017 йил

ТАРЖИМАШУНОСЛИК: СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР, ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМ

Бугунги глобаллашув даврида таржима ишларига бўлган эҳтиёж хар қачонгидан кўп. Интернет тармоги берган имконият дунё давлатлари ва халқлари ҳаётини батафсил ўрганишга тўлиқ шароит яратганлиги, аввало, таржима ишларининг изчил амалга ошириб борилаётганлиги туфайлидир.

Таржимачилик фаолиятининг бош йўналиши турли тилларда гаплашувчи халқларни ўзаро таништириш, адабиёт орқали ўзаро мулоқотини ташкил этиш, бошқача айтганда, маданиятлараро коммуникация имкониятини яратишдир.

Шунинг учун ҳам 2016 йил 13 майда қабул қилинган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш асосий вазибалар қаторида санаб ўтилади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида таржима (ўзбек-инглиз) факультетининг очилиши ҳам ана шу олий мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Маълумки, мустақилликка эришилгандан кейин республикамызда таржимачилик анъаналарини тиклаш ишлари 2010 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ташаббуси билан бошланган эди.

Шу даврдан эътиборан ЎзДЖТУ таржимонлик факультети ўқув режалари қайта кўриб чиқилган ва бир қанча янги авлод адабиётлари яратилган эди. Ўзбек адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш бўйича давлат гранти асосида машхур ўзбек адибларининг бир неча роман ва қиссалари таржима қилинди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган таржима назарияси ва амалиёти кафедраларида ўзбек тилидан бевосита шарқ ва ғарб тилларига таржима қилиш ишлари муваффақиятли олиб борилди. Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Қарши давлат университетларида ёш таржимонлар мактаби ташкил этилиб, ёш таржимонларнинг йиллик альманахлари чоп этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бадиий таржима ва халқаро алоқалар кенгаши томонидан ёш таржимонларнинг йиллик семинарларини ўтказиш анъанага айланди. Натижада бугунги кунда мамлакатда таржима ишлари анча жонланиб, таржимонларнинг янги қатлами шаклланди.

“Жаҳон адабиёти” ва “Ер юзи” журналлари томонидан мунтазам равишда янги таржималар ўқувчиларга етказиб берилмоқда.

Олий ўқув юртларида ўтказиб келинаётган конференциялар таржима назарияси соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар учун ўзига хос йиллик ҳисобот минбарига айланди.

Шу билан бир қаторда ҳали ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Таржимачиликда асосий эътибор бадиий таржимага қаратилган ҳолда илмий-техник адабиётлар таржимаси масаласида катта оқсоқлик мавжуд. Халқаро анжуман ва олий даражадаги расмий учрашувларда юқори савияда синхрон таржима қилиб бера оладиган таржимонларимиз деярли йўқ.

Илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш Президент Фармонида белгиланган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбек тилини халқаро муносабатларда расмий таржима тиллари сафига киритиш учун барча асосларни яратиш, ҳар томонлама муқаммал илмий, бадиий адабиётларни инглиз тилига таржима қилиш орқали маънавиятимизни дунёга тарғиб этадиган чуқур компетенцияга эга филолог таржимонларни тайёрлаш таржима (ўзбек-инглиз) факультети зиммасига юклатилган. Бундай факультетнинг очилишига тўртки бўлган асосий сабаблардан бири таржимонларнинг ўзбек тилидан чет тилларга таржима қилиш компетенциясини шакллантиришидир. Таржимон, аввало, она тилини яхши билиши, бошқа халқларнинг, хусусан таржима қилинаётган асар мансуб халқнинг адабиёти, тарихи, маданияти ва менталитетини чуқур ўрганган бўлиши лозим.

Таржимонга қўйиладиган талаблардан яна бири филологик билимларининг юқори даражада бўлишидир. Ўз она тилини ва унинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиш, фонетика, грамматика, лексикология ва стилистика масалаларини теран тушуниш, шунингдек, адабиёт назарияси, бадиий ифода усулларини чуқур ўзлаштириш таржима матннинг талаб даражасида ишлов берилишини таъминлайди. Шундагина таржимон аслият матни мазмунини тўлиқ узатиш, муаллиф мақсади ва ғоясини аниқ етказиши мумкин.

Мутахассисларни тўлиқ касбий компетенцияга эга бўлиши, шубҳасиз, ўқув-услубий адабиётлар ва луғатлар билан етарли даражада таъминланишини тақозо этади. Бу соҳада ҳам камчиликларимиз кўп. Талабаларнинг тил амалиётларини ташкил этиш ҳам яна бир оқсаб турган соҳаларимиздан. Чет эллик тил соҳибларининг қўпайтириш ҳам бўлажак таржимонларимизнинг етук мутахассис бўлишларига жиддий ижобий таъсир қилиши аниқ.

Бу каби муаммоларни ҳал этиш йўллари университетнинг 2017-2021 йилларга муўжалланган тараққиёт дастурида ўз аксини топган. Айни максадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораторияларни яратиш каби вазифаларга уйғундир.

Энг аввало таржимашунослик фанини ўқитишга бўлган ёндашув тубдан ўзгартирилди. Жаҳон олий таълим тизимида таржимашуносликка оид ўқув дастурлар дунёнинг илғор 11 та олий ўқув юртлари мисолида аналитик таҳлил қилинди. Фанларни номлашдан тортиб маърузалар мазмунига қадар хорижий тажриба янгитдан яратилган ўқув адабиётлар негизига сингдирилди. Бунга мисол қилиб бутунлай янгича мезонлар асосида яратилган ва яратилаётган – “Мутахассисликка кириш”, “Таржима назарияси”, “Таржима амалиёти” “Синхрон таржима” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларни келтириб ўтиш мумкин.

Мутахассислар учун бўлган банк-молия, ҳарбий замонавий лугатларга талаб ўрганиб чиқилиб, бадий тасвир, илмий-техникавий терминлар лугатларини яратиш лойиҳалари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

2021 йилга келиб таржимонларнинг қуйидаги уч ихтисослик бўйича: бадий (ёзма), илмий-техник адабиёт, синхрон (оғзаки) таржимонлар тайёрланиши назарда тутилмоқда.

2016-2017 ўқув йилида 1-босқич талабаларининг юқоридаги уч ихтисосликка мойиллик даражаси ва қобилияти тест орқали аниқланади ва мос равишда тегишли тўғараклар ташкил этилиб, йил давомида базавий маълумотлар, таянч сўз ва терминлар мажмуаси билан таништирилади.

Шу даврда 2-босқичда ўтиладиган фанлар бўйича ўқув-методик материаллар яратилади. Ёз ойида ўқув амалиёти ташкил этилади.

2017-2018 ўқув йилида таҳсилнинг иккинчи босқичидан бошлаб ўқув режасига умумқасбий фанлар билан айрим мутахассислик фанлари киритилади. Шунингдек, таржима маҳорати тренинглари ва семинарлари ташкил этилади. Йил давомида кейинги 3-босқич учун ихтисосликлар бўйича, яъни бадий, илмий-техник ва синхрон таржима ихтисосликлари бўйича меъёрий ва ўқув-методик таъминот ишлари амалга оширилади. Жумладан, ушбу ихтисосликлар бўйича дастурлар, ўқув-услубий адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар ва курснинг лексик минимумига мувофиқ кичик ҳажмдаги лугатлар яратилади. Ёз ойида ўқув амалиёти ташкил этилади.

2018-2019 ўқув йилида 3-боскич талабалари ихтисосликлар бўйича гурухлаштирилади. Ўқув режасига биноан ихтисослик фанларига, амалий машғулотларга катта ўрин ажратилади. Бу даврда ҳам бадиий, илмий-техник ва синхрон таржима ихтисосликлари бўйича меъёрий ва ўқув-методик таъминот ишлари давом эттирилиб, фан дастурлари асосида ўқув-услубий мажмуалар яратилади. Ушбу йилдан 3-курс талабаларининг касбий малакасини ошириш, ўқув ва малакавий амалиёти ҳамда компетенциясини шакллантириш чоралари кўрилади.

2019-2021 ўқув йилларида боскичма-боскич бадиий, илмий-техник ва синхрон таржима соҳалари бўйича магистратура мутахассисликлари очилади.

Миллий адабиётимизни жаҳонга танитиш учун уни таржима қилиш билан бирга қадимий мумтоз адабиётимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини кўрсатиб бериш нихоятда муҳим. Шу мақсадда университетимизда Шарк Реннесанси алломаларининг Ғарб адабиётига таъсири масаласида иккита йирик фундаментал тадқиқот олиб борилмоқда. Дарс жараёнида олинган назарий билимларни мустахкамлаш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фаолият юритаётган “Ёш таржимон ижодхонаси” тўғарагида ўзбек адабиётидан инглиз тилига бадиий таржималар нашрга тайёрланмоқда. Қилинаётган ишлар, албатта, самара беради, миллий адабиётимизни хорижий тилларда тарғиб этишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу конференция замонавий таржимашуносликнинг ҳамма муаммоларини қамраб олган, баҳс-мунозаралар майдонига айланади десак муболага бўлмайди. Хусусан, “Бадиий таржима муаммолари”, “Ўзбек тилидан инглиз тилига синхрон таржиманинг назарий ва амалий масалалари”, “Замонавий таржимашунослик фанини ўқитиш истиқболлари” “XXI асрда илмий-техникавий таржима тараққиёти”, “Икки тиллик таржима лугатларини яратиш принциплари ва таржимада ахборот технологияларининг ўрни” номли шўъбалар доирасида кўтариладиган таржимашуносликнинг долзарб муаммолари соҳа истиқболини белгилабгина қолмай, янгидан янги таклифлар ва илмий лойиҳаларнинг яратилишига сабаб бўлади деган умиддамиз.

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети
ректори Ш.Сирожидинов**

БАДИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ТАРЖИМАШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Иброҳим Гафуров,
филология фанлари номзоди,
“Дўстлик” ордени соҳиби, таржимон*

МОҲИР ВА ТАЛАБЧАН ТАРЖИМОН

Атоқли шоир ва адиб Эркин Воҳидов ватан ва ватанпарварлик, инсон ва инсонпарварлик, маърифат ва маърифатпарварлик, эрк ва эркпарварлик соҳаларида чамбарчас боғлаб фаолият юритарди. У ниҳоятда серқирра ижодкор эди. Лирик шеърят, дostonчилик, драматургия, публицистика, бадий таржима соҳаларида баробар муваффақият билан қалам тебратарди. Унинг ижодкорликнинг ушбу ранг-баранг соҳаларидаги масъулияти ва талабчанлиги мақолга айланган ва катта- кичик адаб аҳлига юксак ибрат бўларлик эди.

Эркин Воҳидов олтмиш беш йил давом этган ижодий фаолиятида бадий таржимага ҳам катта аҳамият бериб қаради. У маърифатга бутун умр жондилдан интилгани ва маърифатни ҳаётининг мазмуни деб билгани учун унга умуминсоний залвор ва салмоққа эга ҳодиса каби ёндошар ва қабул қиларди. Бадий таржимага умуминсоний бадий ҳодиса каби муносабатда бўларди. Бадий таржиманинг халқаро микёсда ранг-баранг маданиятлар ва ранг-баранг миллий адабиётларни, миллий санъатларни ўзаро яқинлаштирувчи, ўзаро тушунарли қилувчи, ўзаро дўстлик ва қардошлик туйғуларини уйғотувчи ва

мустаҳкамловчи эътиборли хусусиятларидан чин маънода завқланар ва бу масалалар устида ижодкор сифатида доимо мушоҳада ва мувоҳасалар олиб борарди.

Таржима китобхонлик, китобсеварлик билан худди опа-сингилдек бирга ва бир-бирини доим тўлатиб, бойитиб, кенгайтириб боради. Шунинг учун китобхонлик ривожланган элларда илмий, бадиий, техникавий, ижтимоийсиёсий таржималар ҳам бекиёс тараққий этган. Таржималар ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларига мос равишда тўхтовсиз кенг қанот ёзиб боради. Зеро таржималар тараққиёти ақл-идрок тараққиётини ташкил этади.

XX асрда Ўзбекистон жаҳондаги ақл тараққиёти билан узвий боғланган ҳолда таржималар айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда катта ривожланиш йўлига кирди. Ўзбек ўқувчилари дунё адабиётлари намуналари билан тобора кўпроқ ошно бўлиш имкониятига эга бўлдилар. Бу жараёнда каламкашлар, журналистлар, сиёсат намоянадалари пешқадамлик килдилар. Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Уйғун, Зулфия, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор каби адиблар мислсиз фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Улар қаламининг мўъжизакор гайрат-шижоати билан Толстой, Шекспир, Пушкин, Лермонтов, Тургенев, Ҳюго, Ҳёте, Марк Твен. Жонатан Свифт каби ақл, тафаккур, инжа нафосат хазиналари ўзбек хонадонларига, ўзбек театри сахналарига кириб келди. Замонавий ўзбек ўқувчиларининг жаҳон мўъжизалари билан ошнолиги бошланди.

Қардош халқлар бой маданиятининг қанчадан қанча ёрқин намуналарини ўз тилимизда ўқиш ва завқланишга муяссар бўлолди.

Ёрқин Воҳидов мана шундай ёрқин таржима жараёнлари билан яхши таниш, таржима асарларини кузатиб борар, юрагида таржима завқи уйғонар, Маяковский, Есенин, Светлов, Ҳамзатов асарларини таржима қилиш устида ўйланарди. Бу каби аллақанча шоирларнинг асарларини аслият тилида жуда кўп ёдлаган ва шуниси эътиборлики, буларнинг барини у улғувор Шарк адабиётлари намуналарига қиёсан ўрганар, Навоий оламларини, Муҳаммад Иқбол, Тагор, Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз, Лutfий оламларини Байрон, Ҳейне, Ҳёте, Шиллер, Пушкин оламларига қиёсан ўрганар, ўзи учун, ижод келажаги учун хулосалар чиқарарди. Зеро Ёрқин Воҳидов халқларнинг маданий ҳодисаларини қиёсан ўрганиш ва таҳлил қилишга ғоятда қизиқарди. У ижод тажрибаларининг маълум босқичига чиққандагина бадиий таржималарга лаёқатини синаб кўриш ниятини амалга оширди. У университет даргоҳида таҳсил олиб юрган кезлари Сергей Есенин, Александр Блок, Владимир Маяковский сингари рус шоирларини завқланиб мутолаа қиларди. Уларнинг юзлаб шеърларини ёддан билар, ҳамкасб дўстлари давраларида қизиқ-қизик таҳлиллар қиларди. Бу каби шоирлар ҳаётини ҳам жуда чуқур билар, улар тўғрисида кўп нарсалар ўқирди. У Есенин ва Блокни худди туғишганлари каби севарди. Унинг бу самимий муҳаббати Есениннинг гўзал “Фурс тароналари”ни ўзбекчаштириш билан яқунланди. Фурс тароналарининг юксак шоирона жарангларидан илҳомланиб, у сўнг Александр Блокнинг “Скифлар” ва “Булбул боғи” дostonларини ўзбекчаштирди.

Мен ҳам шу даврларда аслиятда бу шоирларни кизикиб ўқиб юрардим, улар шу қадар образлари рамзий гўзал эдики, наздимда уларни бошқа тилларга ўгириш ўша пайтларда имкондан ташқари бир иш бўлиб кўринарди. Лекин ичимиздан мана бир ёрқин шоир етишиб чикдики, бу ноёб асарларни худди ўзбек тилида ёзилгандек серёғду, сержаранг қилиб бошқа тилда қайта дунёга келтирди. Эркин Воҳидов илк таржималарини дўстларига ўқиб берар, бизга дунёга янги бир таржимон даҳо қадам ранжида қилгандек туюларди. Улар Ойбек, Чўлпон, Усмон Носир юксак иқтидорли таржималарига нисбатан олганда ҳам, маърифати ва саводхонлиги билан ажралиб турарди, ўзбек ўқувчиси буларни ўз заминида тугилган жонбахш сеҳрсоз шеърлардек ёд ўқирди. Эркин Воҳидов таржима учун асар танлашга алоҳида масъулият ва эътибор билан қарарди. У ўзига севимли бўлган, ўзининг руҳий-маънавий интилишлари, адабий фаросатига яқин жондош ва дилдош асарларнигина ўзбекчалаштирарди. Унинг ўз гоъвий-бадий, услубий қарашлари, мезонлари бор эди. Таржимага шундай бадий-эстетик мезонлар ва талаблар билан ёндашарди. Бунда унинг жуда ривожланган бадий нафосат фаросати сира адашмасди. У олтмишинчи йиллар охирларида авар шоири машҳур Расул Ҳамзатовнинг “Догистоним” деб аталган ўша пайтларда жуда кенг шов-шувларга сабаб бўлган лиро-эпик, бадий эсса йўналишидаги ёрқин асарини таржима қилишга ўтирди ва унинг биринчи қисмини “Гулистон” журналида эълон қилди. Бу асар ўша пайтда дикқинафас еоветлар маконларида худди баҳор насимлари, жонбахш нафосатлари эсгандек барчани илҳомлантирган, миллий ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга

бекис хисса кўшганди. Ўзбекча таржимадан мусаффо тоғ жилгаларининг сазолари, залворли Кавказ тоғ чўккиларидан тушиб келаётган сарин охангдорлик эшитилар, Эркин Вохидов ниҳоятда жозибадор бир услуб яратганди. Бу таржималарни ўқиб китобхон шоирни алқади, ўзини янги бир дунё кашф қилгандай сизди. Қандай гўзал ритмлар, музыкалар оханграболари янгради бу таржималар бадий услубларида. Ўзбек ўқувчиларининг хаёл ва идрок оламларини кенгайтириш учун Эркин Вохидов яна А. Твардовский, Мухаммад Икбол, Ҳофиз, Бедил, Светлов, Шиллер ва бир қанча талантили афгон шоирларининг асарларини ўзбекчалаштирди.

У очигини айтганда, таржима қилмади, шеър яратти. Уларнинг ҳаммаси қўйма оханглари, тўлиқ мазмундорлиги билан Ўзбек шеър дунёсида қайта тугилганди. Бу таржималарда Ватан, Инсон, Она тили, Эрк, Озодлик жуда юксак ноталарда, пардаларда тараннум этиларди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида Эркин Вохидов дунё адабиётининг шох асарларидан бири, жаҳон адабиётларининг мундарижасига жуда баракали таъсир кўрсатган немис улуғ адиби Ҳётенинг оламшумул “Фауст” трагедиясини таржимаси устида йиллар тер тўқди. Асарнинг дунёнинг бошқа тилларига таржималари билан қизикди, кутубхоналарда ўтириб унинг рус тилига ўгирилган бир қанча (ўнлаб!) насрий ва шеърий таржималарини ўрганди. Ҳёте ҳақида қўли етадиган барча тадқиқот адабиётларни кўздан кечирди. Асарнинг ўзини бир неча мароталаб шоир кўзи билан ҳижојалаб мутолаа қилди. Катта миқёсда ижодий тайёргарлик олиб борди. У бизга “Фауст” дебчасини ва кейинроқ иш якунланаётганда асар хотимасидаги Фаустнинг сўнгги монологини зўр бир хаяжон билан ўқиб берганди. Ушанда биз ўзбек адабиёти осмонига бадийятнинг янги қуёши кўтарилганлигини ҳис қилгандик. Шу қадар табиий ва қўйма жаранглари бу бетимсол тафаккур силсилалари! Бу таржима Эркин Вохидов ижодига жуда қучли таъсир кўрсатти. “Фауст”дан кейинги ижодининг мундарижаси, бой шеърий шакллар билан безанишида ва айниқса, “Истамбул фожеаси”, “Рухлар исёни” шох

асарининг яратилишида бу таъсирнинг қудратли нишонлари баралла кўзга ташланиб туради.

Эркин Воҳидовнинг оригинал ижодиёти билан бадий таржималари бир-бирини ўзаро органик тарзда тўлдириб боради ва изчил фавқуллода давомийлик, чамбарчаслик ҳосил қилади. Унинг таржималарида аслият билан яқин, маърифатли ҳамкорликнинг буюк намуналарини кўрамиз. Фауст бир ўринда: “Тўхта, эй дақиқа, гўзалсан ғоят!” – деб нидо қилганди. Дунё пайдо бўлгандан буён қанча нидолар бўлган. Аммо Фаустнинг бу нидоси барча ўша нидоларнинг гултожидир. Бу лаҳзаларни ўз сатрларига муҳраб қолдира оладиган ягона рост шеърятнинг нидоси! Зеро, шеърятгина ҳеч қачон тўхтатиб бўлмайдиган лаҳзаларни тўхтатиб мангу лаҳзалар яратолади!

*Муҳаммаджон Холбеков,
ЖиззахДПИ профессори, ф.ф.д.*

ЖАҲОН ТАРЖИМАЧИЛИГИ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Жаҳон таржима мактаблари анъаналарини тадқиқ қилар эканмиз, биз ҳозирги замон таржимашунослигининг шаклланиш жараёнини қадимги даврлардан бошлаб бугунга қадар бўлган ривожланиш босқичларини аниқлашга ҳаракат қилмоғимиз лозим бўлади.

Ушбу мақолани ёзишдан асосий мақсад нафақат замонлар қарида қолиб кетган мавзуга доир фикрларни топиб оммалаштириш, балки таржима амалиёти ва назарияси моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам бериш, бу орқали ҳозирги замон таржимашунослиги муаммоларини атрофлича таҳлил этиш, уларнинг ечимини топишнинг турлича усул ва йўлларини тадқиқ қилиш, турлича миллий адабиётларга, турли тил тизимларига, лингвостилистик ўзига хосликларга боғлиқ бўлган бадий асарлар таржимасининг айрим муаммоларини янгича ёндашувлар асосида ёритишдан иборат.

Бундай тарихий экскурсадан мақсад тарихни ўрганиш учун эмас, уни замонавий нуқтаи назардан талқин қилиш, айти пайтда таржиманинг ўз

тарихи ва назарияси мавжудлигини инкор қилаётган, қадимий сўз санъати ҳисобланмиш бу назария ўтган даврлардан буён қарийб ўзгармай келаётганлигини таъкидлаётган айрим тадқиқотлардаги ёндашувларни рад этишдир.

Таржима назарияси тарихига бағишланган тадқиқот яратиш жараёнида қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, бадий таржима тарихи ва назарияси ўзининг барча мураккабликлари ва ҳар бир мамлакатнинг миллий ва тарихий ўзига хосликлари билан турли-туман бўлиб туюлсада, у айна пайтда инсониятнинг бадий ривожланишини ўзида акс эттирувчи эркин бадий (яъни оригинал) ижод тури ва уни ўрганувчи фан тармоғи ҳамдир. Бу ўз навбатида тилларнинг умумий ривожланиши, турлича аниқ тилларни тадқиқ қилувчи тилшунослик ва бошқа фанларнинг ривожланиши жараёни билан ҳам узвий боғлиқдир. Бадий таржима тарихи ва назариясини ўрганиш жараёнида муаммонинг ва таржима методларининг ривожланиши, уларни назарий англаниши бўш жойларда эмас, жамият ва тил, бадий ижод ва уларга боғлиқ бўлган фанлар тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда узоқ давом этган анъаналар ва тарихий янгиликлар асосида шаклланган. Бу жараёнда таржима амалиёти ижодий тафаккур каби (бу соҳа билан барча одамлар шуғулланмасалар ҳам) ҳеч қачон тўхтаб қолмаганлигини таъкидлаш жоиз. Маданиятнинг барча жабҳаларида ҳар доим ўтмиш рудимент (ўз аҳамиятини йўқотган)ларини ва келажак фермент (ривожланиш)ларини, яъни жонли табиат ривожига аниқ ўз ифодасини топган ҳодисаларни кузатиш мумкин. Назаримизда бундай ёндашув бизни қандайдир даражада бой ва турғунлашган европача таржима анъаналари ҳисобланмиш европоцентризмга йўғрилган схематизм (соддалаштириш; бир схемага солиш) ва модернизация (замонавийлаштириш) таъсиридан қутқаради. Бу, биринчидан, таржима амалиёти ва назариясига доир тадқиқотлар ҳеч жойда ва ҳеч қачон бунчалик кўп амалга оширилмаганлиги билан боғлиқ. Шу ўринда Европа мамлакатларида турлича қиёсий тадқиқотларга доир мавзу ва материалларнинг кўплигини ҳам ҳисобга олмоқ жоиз. Иккинчидан, айнан Европада таржима

назариясига доир баҳслар, таржима амалиётига доир ким ўзарлик мусабакалари жуда кўп уюштирилиб келинганлигини ҳам эътибордан четга қолдирмаслик керак. Дарвоқе, европа тилларидан бирдан иккинчисига бадиий таржима амалиётининг турлича имкониятлари синаб кўрилди ва бу жараён ҳамон давом этиб келаётганлигини, дунёнинг бошқа тилларидан хинд-европа тилларига таржима ва хинд-европа тилларидан бошқа тилларига таржима қилиш ҳам интенсив ривожланиб келаётганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Яна шуниси эътиборга моликки, айнан Европада таржима билан у ёки бу даражада фан, санъат ва маданиятнинг буюк намоёндалари ҳам шугулланишган. Тўғри, бу ўринда ўзларининг варварлар устидан устунликларини намоён қилган юнонларни истесно сифатида келтириш мумкин. Уларнинг фикрича варварларнинг ўзлари юнон тилига ҳурмат ила қарашсин ва уни ўрганишга мойиллик сезсин деган ғоя ётган. Дарвоқе бу аъна Александр Македонский ҳукмронлиги давригача давом этган. Македонский даврида эса унинг ҳарбий юришлари Ўртаер денгизи ҳовзасида эллинизмнинг кучайишига олиб келди. Орадан икки аср ўтгач, Грецияни ўз тасарруфига ўтказган жанговор Рим ҳам қадим юнон тили ва маданияти асирига айланди. Қўлимизда ҳали қадимий юнонлар маданияти ва адабиётининг дастлаб таржима орқали ривожланганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, умумий таржима амалиёти юқорида таъкидлаганимиздек, барча янги миллатлар адабиёти ва маданиятининг равноқи учун катта таъсир кўрсатди.

Тилларнинг ва тиллараро мулоқотнинг равноқ топиши ҳам ўз навбатида таржима назариясининг ривожланишига туртки бўладиган асосий омиллардан биридир. Дастлаб, тиллар ўзларининг лингвостатистик ва лингвистик хусусиятлари билан ўзаро фарқланишлари сабабли таржима жараёнида катта қийинчиликлар туғилишига сабаб бўлди. Иккинчидан, ўз навбатида таржима ҳам тобора такомиллаша борди ва бу: а) сўз ва тушунчага доир ҳамма халқлар учун умумий бўлган тафаккурнинг ривожланиши туфайли юз берди ва бу тилларнинг мантикий тушуниш функциясини кенгайтишига олиб келди; б) оригинал адабиётнинг ривожланиши юксак даражадаги адабиётнинг

шаклланишига катта таъсир кўрсатди; в) таржима амалиётини тушунтириш ва таржимонга ёрдам кўрсатиш зарурати туфайли таржима назарияси тобора адабиётшунослик, тилшунослик ва бошқа гуманитар фанлар қўлга киритган ютуқлардан ҳам фойдалана бошлади. Охир оқибат, назария гоҳо амалиётдан бирмунча узоқлашиб кетган ҳолатлар юзага келдики, назария ҳам амалиёт ҳам узоқ вақтлар ўз ҳолича мавжуд бўлган бўлсада, гоҳо улар ўзаро узвий боғланган ҳолда назария амалиётга тадбиқ қилинган кўйда ривожланган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин, аммо бундай ҳолат таржима тарихида жуда кам учрайди. Ҳозирга қадар, немис олими А.Нойберт томонидан илгари сурилган куйидаги фикрлар таржимон ва таржимашунослар олдида ушалмас орзу тарзида сақланиб келинапти: “Қачонки, таржима амалиёти “таржимоннинг буюк иктидорига” ва “синаш ва хатолар”га таянилса, назариянинг орта чекинишига сабаб бўлади, таржима назариясига суянилмай вужудга келган муваффақиятли таржималар кам учрайдиган тасодифий ҳолатлардир. Таржима амалиёти таржима назариясига асосланса ва махсус тайёргарликдан ўтган таржимонлар томонидан амалга оширилса, таржима асарларини нашр қилиниши манифактура ҳолатидан ишлаб чиқарувчи саноат даражасига кўтарилади”[1, 172].

Демак, таржима амалиёти ва таржима назариясини, жумладан бадий таржима жараёнини аниқ тарихий даврларга бўлиб ўрганиш инсоният маънавий ривожланишининг хронологик босқичларига, кўп асрлик маданиятнинг ривожли босқичларига, шунингдек оламнинг ижтимоий тарихий хронологик босқичларига мос келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, инсоният ёзма адабиёти тарихида таржима амалиёти ва назариясининг куйидаги тўрт босқичи аниқ кўзга ташланади: 1. Қуллик ва феодализм даврларини ўз ичига оловчи қадимий босқич; 2. Капитал жамғарилишининг илк даврдан то XVIII аср илмий-техникавий инқилоб даврини ўз ичига оловчи босқич; 3. XVIII аср охири ва XIX асрни биринчи яримини ўз ичига оловчи босқич; 4. XIX аср охири ва XX асрни ўз ичига оловчи босқич.

Мавжуд даврлаштириш шуни тасдиқлайдики, таржима – инсониятнинг миллий-бадий ва лисоний-услубий тажрибасидан келиб чиқиб, ақл-идрок, қобилият маҳсули сифатида намоён бўларкан, бу жараён даврдан даврга ўтиб боргани сайин ўзининг муфассал моҳиятини аниқлаб олди.

Дастлабки, ёки қадимги – қулдорлик ва феодализмдаврида оғзаки таржима турларига монанд ёзма таржиманинг ҳам эркин ва сўзма-сўз таржима каби турли кўринишлари юзага келди. Сўнгра эса фақат ёзма анъаналар ўзанида мавжуд бўлган хусусий таржиманинг ҳам айрим қуртаклари (бошламалари) кўрина бошлади. Ушбу даврга хос ютуқлардан бири сўзма-сўз таржиманинг юксалишидир. Адиблар ва нотик-ваъзхонларнинг ушбу таржима турига муносабати ўларок, эркин таржима (Цицерон в.б.) ҳам юзага келди. Назария ва амалиётда хусусий таржима (Иероним в.б.) учун кураш ибтидолари сезила бошлади. Дастлабки давр якунида Римнинг марказий ҳудуди билан биргаликда Ғарбий Ўртаер денгизи Европа таржима мактаби анъаналарининг тарқатувчиси сифатида фаолият юритди.

Иккинчи, ёки ўрта (XIV-XVIII асрлар) давр бўлиб, капитал жамғариш босқичининг бошидан то XVIII аср техника ва саноат инқилобигача бўлган капитализм даврини қамраб олади. Бу даврда сўзма-сўз таржима в унинг айрим назарий масалалари такомиллашди, бир қатор, масалан, Германия, Франция, Россия каби мамлакатларда хусусий-бадий таржима амалиёти ва назариясини ёқлаш учун кескин кураш борди. Шу билан бирга, кейинчалик Уйғониш ва Классицизм даврларига хос ахлоқий ўзгаришлар юз бераётган, асосий ўрин тутган бир пайтда эркин таржима назарияси ва амалиёти янада ривож топди. Ушбу даврда Европа таржима анъаналарининг қонун чиқарувчиси ва вориси сифатида Франция майдонга чиқди.

Учинчи, ёки янги(XVIII аср охири – XIX аср)давр феодал ҳукмронликни мағлуб этган буржуазия давридан тортиб, то Октябр тўнтарилишига қадар сўзма-сўз ва эркин таржима назария ва амалиёти амалда бўлиб келди. Шунингдек, хусусий таржима назарияси ва амалиёти ҳам юксалди, хусусан, бу анъана Германия, Россия каби илғор мамлакатларда

саниб қолди ва улар бу даврида Европа таржима мактабларининг ворислиги ва қонун чиқарувчилик мавқеини ўз қўлига олди.

Тўртинчи, ёки энг янги (октябр тўнтаришидан кейинги жаҳон шўровий тузумининг тан олинган) **даври** – Европа таржима мактабларига таалуқли илғор ютуқлар вориси ва назария яратувчиси сифатида эътироф этилган совет таржима мактаби ҳаммадан кўра олдинги сафга ўтди. Ушбу жараёнда асосан, бадий таржима назария ва амалиёти устун турганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Агар, шўра давригача бўлган даврларнинг биридан бошқасига ўтиш мобайнида муфассал таржима мезонлари ишлаб чиқилган ва шу мезонлар асосида таржима натижасини тадқиқ этувчи таржимашунослик фанининг анъанавий меъёрлари тобора шаклланиб келган бўлса, тўртинчи даврга келиб, таржимашунослик соҳаси кўпроқ назарий тус олди, яъни юқоридагилардан ташқари таржимани амалга ошириш босқичларини объектив тавсифлаш ва нутқий мулоқот табиатига хос бўлган барча адабий-лисоний, психологик ва бошқа хусусиятларни таржима жараёнида очиб бериш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Эндиликда, замонавий таржимашунослик фанини янада тараққий эттириш учун собиқ шўро таржимашунослик мактаби ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг таржимашуносликка қўшган улушини қайтадан бағолаш, илғор анъаналарини ҳисобга олиб иш кўрмоқ лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Neubert A. In: *Fremdsprachen*. 11. 1968. S.V.

*Муҳаббат Бақоева,
БухДУ профессори, ф.ф.д.*

ШЕЪР ТАРЖИМАСИ МУКАММАЛ БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

Маълумки, бадий таржимани адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишнинг қамрови жуда кенг. Ҳар бир таржимашунос олимнинг асарини ўрганар экансиз, унда изланиши керак бўлган анчагина мавзуларга дуч келасиз. Шеърий таржима эса бадий таржиманинг энг мунозарали муаммоларидан саналиб, унга нисбатан муносабат доимо турлича бўлган.

Устоз таржимашунос Ғайбулла Саломов шеърий таржима қийинчиликларини қуйидагича баён этади: “Ҳар қандай таржима - икки тилни муқояса этиш жараёни. Бас, бунда маҳорат тиллар орасидаги фарқни енгиб ўтишдан бошланади. Жумладан, шеърий таржимада ҳам аҳвол шу. Аммо шуниси борки, бу фарқлар шеърий таржимада янгича маъно касб этади, лисоний тўсиқларни енгиб ўтиш қийинчилиги кучаяди.” [1,177] “Насрий асарни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш қанчалик қийин бўлмасин, шеърни таржима қилиш ундан кўра анча мушкул, чунки шеърий асар таржимасининг ўзига хос томонлари мавжуд”[2, 30].


Бадий таржима, айниқса, шеърий таржима жараёнида учрайдиган қийинчиликлар XVIII – XIX асрлар Ғарбий Европа таржимашунослигида “имкондан хориж” ақидаларининг ривожланишига олиб келди. Кейинчалик бу ақиданинг нотўғрилиги ва зарарли эканлиги исботланди[2,31].

Аммо, фикримизча, “таржима имкондан хориж” ақидасини ҳамма вақт ҳам зарарли деб бўлмайди, чунки бу ақида бадий таржима олдига қўйилган улкан талаблардан келиб чиққан. Қизиги

шундаки, шу ақидани ривожлантирган французлар Уильям Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясини ўз она тилларига ўн тўрт марта таржима қилганлар. Бу уларнинг таржимага жуда талабчанлик билан ёндашганларидан, мукамал таржима яратиш йўлида барча кийинчиликларни енгиб ўтишга ҳаракат қилганларидан дарак беради. Аммо улар бу таржималардан биронтасини ҳам мукамал деб тан олмаганлар.

Бу мисолни келтиришимизга сабаб шуки, ҳозирги пайтда таржимашунослигимизда, айниқса ёш тадқиқотчилар ишларида, “мукамал таржима қилинган” деган баҳо тез-тез учраб туради. Ҳатто телевидение орқали кўрсатиладиган дастурларда ҳам “мукамал” сўзининг кўп қўлланишига гавоҳ бўламиз. Президент, Навоий стипендиатлари ҳақида сўз борганда, баъзида: “Бу киши инглиз, немис, рус, француз тилларини мукамал билади” ёки “Бу киши шеърятни инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига мукамал таржима қилади”-, деган гапларни эштамиз. Шунда бизнинг давримизда “мукамал” сўзининг маъноси анча кадрсизланга ўхшайди, деган фикр туғилади.. Аслида бир тилни, ҳатто у она тилингиз бўлса ҳам, мукамал билиш кийин.

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида таржимашунослигимизнинг мумтоз намояндалари Санжар Сиддик, Жуманоёз Шарипов, Файбулла Саломов асарларини диққат билан ўрганиб чиқдик ва улар шеърин таржимага нисбатан “мукамал” баҳосини деярли қўлламаганларининг гувоҳи бўлдик. Мисол учун, Жуманиёз Шарипов Тарас Шевченко асарларининг Иброҳим Даврон томонидан амалга оширилган ўзбекча таржималари ҳақида сўз юритар экан, “Таржимани асл нусхасига солиштириб, кунт билан текшириб чиққанимиздан кейин, асл нусханинг бадий мазмуни берилганлиги, вазн, қофияларга таржимон жиддий эътибор қилганини аниқладик.



Вазнда сохталик йўқ, кофиялар тўлақонли.”- деб эътироф этади.[3,326]

Файбулла Саломов Данте Алигьерининг “Илоҳий комедия” асари ҳақида сўз юритаётиб : “... шоир Абдулла Орипов бу асарни ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилди.” - деб, ёки Эркин Воҳидовнинг таржимонлик маҳорати ҳақида фикр билдираётиб: “Шоир Эркин Воҳидов Гётенинг “Фауст”ини ўринлатиб ўзбек тилига таржима қилди.” деб ёзади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Таржимашунослик тарихида фақат бир ҳолда, маълум бир даврда, маълум шеърий таржималарнинг мукамаллиги таржимашунослар томонидан вақтинча тан олинган. Булар С.Маршак таржимасидаги Шекспир сонетлари эди. Мохир таржимон С.Маршак 1940-йилларда Шекспир сонетларини рус тилига ўгира бошлади. 1948 йилда Шекспир сонетларининг ҳаммаси тўла ҳолда рус тилида нашр эттирилди ва бу таржималар учун С.Маршак давлат мукофоти билан тақдирланди. Энди гўё Шекспир сонетларининг рус тилига таржимаси масаласи ҳал қилинган, улар тўла-тўқис, яъни мукамал қайта яратилган эди. 1940-50- йилларда С.Маршак таржималари кўқларга кўтариб мақталди ва бу мақтовлар орасида онда-сонда учраб турадиган танқидий фикрлар билинмай кетди. Фақат 1960-йилларнинг ўрталарига келиб, рус таржимашунослигида С.Маршак таржималарига бўлган муносабат ўзгара бошлади. Унинг таржималари ҳамон юқори баҳоланиб, лекин шу билан бирга, уларда асарнинг заифлашиш ҳоллари ҳам сезилиши таъкидланди ва айрим ўринларда Пастернак ва Брюсов таржималарининг афзалроқлиги қайд этилди.[4, 283] Рус таржимонлари энди С.Маршак ўгирмалари билан қаноатланмай, Шекспир сонетлари таржимасига яна қайта-қайта урина бошладилар.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, Шекспир сонетларининг Маршак томонидан амалга оширилган таржималари мукамал деб тан олингандан кейин, 1940-1950- йилларда сонетларни рус тилига қайта таржима қилишга уринишлар бўлмаган.

Баъзида шеърни худди аслиятнинг ўзидай қайта яратиш, яъни мукамал таржима қилиш, ҳақиқатдан ҳам имкондан хориж масаладай туюлади. Шеърини асарлар нима учун қайта-қайта таржима қилинади? Чунки ҳар бир янги таржимон улардаги қандайдир бир хусусиятнинг таржимада ифода этилмаганлигига амин бўлади ва ўз таржимасида шу хусусиятни қайта тиклайди, аммо шеърини таржимадаги мушкулотлар туфайли, қандайдир бошқа бир жойда қусурга йўл қўяди. Навбатдаги таржимон билан ҳам шу ҳол содир бўлади ва таржима яна қайталанadi... Иқтидорли ва маҳоратли мутаржим томонидан амалга оширилган шеърини таржима аслиятга ниҳоятда яқин бўлиши мумкин, аммо шунда ҳам худди ўзидай қабул қилиниши қийин, чунки бу икки халқнинг тил, тафаккур, урф одат, борлиқни қабул қилиш хусусиятлари билан боғлиқ.

Шеърини асар қанчалик сермазмун, сербўёқ, аҳамиятли бўлса, унинг таржимасига талаб шу даражада юқори бўлади, ва унга эришиш учун, бу қанчалик қийин бўлмасин, интилишлар шунча кўп бўлади. Жумладан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си рус тилига ўн беш марта таржима қилинган экан. Маълумки, “Шоҳнома” - жуда катта ҳажмдаги, нодир хусусиятларга эга бўлган, қайта яратилиши учун улкан меҳнат талаб қилинадиган асар. Шунга қарамай, унинг рус тилига ўн беш марта қайта-қайта таржима қилиниши рус таржимонлари ва рус таржимашунослик мактабининг ниҳоятда талабчан эканлигидан дарак беради.

Бизнинг фикримизча, бадиий таржимага, айниқса, шеърини таржимага “мукамал” деб баҳо беришдан эҳтиёт бўлиш керак. Бу, биринчидан, шу асар таржимасининг қайтадан амалга оширилишига

маълум бир маънода тўсик бўлса, иккинчидан, таржимашуноснинг шеърий таржима хусусиятлари ва талабларидан етарли даражада вокиф эмаслигидан дарак беради. Шеърий таржима учун мукаммаллик – бу энг баланд чўкки бўлиб, таржимон уни забт этишга ҳаракат қилади ва бунинг натижасида маълум маънода муқобилликка эришади, ўринлатиб таржима қилади, асар руҳиятини қайта яратади, аслиятга мазмун, тил, услуб жиҳатидан ниҳоятда яқинлашади ва ҳоказо. Бу эса ўз навбатида янги-янги таржималарнинг яратилишига, таржимашуносликнинг ривожланишига замин яратади.

Адабиётлар:

1. *Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.*
2. *Саломов Ф., Комилов Н. ва бошқалар. Таржимон маҳорати. – Тошкент: Фан, 1979.*
3. *Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965.*
4. *Зорин Андрей. Сонеты Шекспира в русских переводах. // Уильям Шекспир. Сонеты. – Москва: Радуга, 1984.*

*Улугбек Ҳамдамов,
филология фанлари номзоди,
ТошДУТАУ Жаҳон адабиёти кафедраси мудири*

ЖАҲОН АДАБИЁТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ: ТАРЖИМА

Глобализм ўз домига тортган замонавий дунёда адабиёт ўз маҳалласи кайфиятини куйлаб, хотиржам бўлолмайди. Ўзбек шоир “Икки дарё оралиғида Қолиб кетди менинг овозим” (Абдулла Орипов) дея куйиниб ёзганди. Энди инсонни кизиктирадиган, унинг ҳаётига таъсир қиладиган майдон икки кутб ўртасидир. Бугун шоир (умуман, ижодкор) бутун дунё муаммоларини куйлашга маҳкум ва мажбур. Бунинг у атай қилмайди, балки табиий равишда адо этади. Бугун дунё сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик, психологик жиҳатдан яхлит аренага айланиб улгурган. Натижада инсон бадний тафаккурида ҳам

20

Ўзгаришлар суръати мисли кўрилмаган даражаларда тезлашмоқда. Адабиётдаги ўзгаришлар ҳам шунга кўра тез-тез янгиланиб бормоқда. Чунки жамият кайфияти янгиланмоқда. Жамият кайфияти эса адабиётнинг янгиланишини тақозо этади. Янгиланиш адабиёт тарзини, йўналишларини ўзгартиради, демакки, унинг тарқалишида янгидан янги муаммоларни пайдо қилади.

Замонавий адабиётнинг муаммолари ўзгарган, ўзгаришда шиддат билан давом этаётган дунёнинг муаммолари билан боғлиқ. Москвада ўтказилган дунё конгрессида машҳур ёзувчи Ч. Айтматовга журналист Н.Болтянская қуйидагича савол беради: “Форум ёзувчиларнинг муҳим масалаларидан бири дунё адабиёти муаммосидир. Замонавий жаҳон адабиётининг бош муаммоси нимада, деб ўйлайсиз?”. Ч. Айтматов: “Бу саволга жавоб бериш жудаям қийин. Қўлида калами бор ҳар бир ёзувчи инсон ҳаётининг энг муҳим қисмини, юрагини нишонга оляпман, деб ўйлайди. Назаримда, инсон жуда катта синовлар арафасида турибди. Бу синовлар дунёвий конфликтлар, урушлар ва шу қабила билан боғлиқдир. Синовларда инсон ўзини қандай кўрсата олади? Эҳтимол, шу нарса (адабиётдаги – У. Ҳ.) энг муҳим масаладир. Аммо жудаям оғир масала...” [У. Ҳ.] дея жавоб беради.

Демак, замонавий жаҳон адабиёти муаммоларини ёзувчи Чингиз Айтматов шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда инсоннинг ўзини қандай тутишида кўради. Яъни бу ерда бирламчи бўлган нарса – муносабат. Атроф- жавонибда содир бўлаётган оламшумул воқеа-ҳодисаларга замонавий инсон қандай қарайди ва қандай муносабатда бўлади, деган савол нафақат дунёнинг, айни дамда, адабиётнинг ҳам тақдирини ҳал қилар экан.

Мана шундай кайфият кучоғида нафас олаётган дунёда таржима муҳим ўрин тутди. Айниқса, соғлом руҳли адабиётнинг таржимаси ва тарғиби яшаётганимиз мураккаб дунёни маълум маънода эзгулик нурига чулғашимизга олиб келади. Чунки таржима - мулоқотнинг энг таъсирчан ва узоқ яшовчан шакллари билан, у нафақат бир инсоннинг ўзга бир инсон билан, балки бутун бошли бир миллатнинг бошқа бир миллат билан дийдор кўришувидир. Бугунги ахборот асрида, ҳар томонлама интеграциялашув тигизлашган, тезлашган

замонда маданиятлараро мулоқотсиз олдинга хотиржам бир одим ҳам қўйиб бўлмаслигини тобора чуқурроқ тушуниб борилаётгани - ҳақиқат. Жаҳон адабиёти ҳам таржима билан тирик. Фақат ҳар қандай таржима эмас, балки миллат кўнглининг, миллат ботиний кифёсининг таржимасигина ўзини оқлайди. “Ҳар бир одамнинг юрагида ўз халқининг жажжи кифёси яшайди”, деган экан А. Фрейтаг. Миллат гули ҳисобланмиш ижодкор зиёлилар фаолиятида эса (яъни ижодларида) бу кифё ўзининг бутун кирралари билан, айниқса, тўлиқроқ намоён бўлади. Бу кифё, авваломбор, миллатнинг ўзгармас, барқарор табиатини, ҳар бир халқнинг ўзигагина хос ўзак хусусиятларини ўзида мужассам этади. Таржима орқали мана шу ўзликни танитиш керак бўлади. Бундай танишув эса ўзга тилларга таржимасиз, хорижий тилларни мукамал билишсиз мумкин эмас. Зеро, “Тил робитаи воситаи оламиёнди” (Аваз Ўтар). Мана, нима учун таржима бугун ҳаёту мамот масаласига айланиб борапти экан. Акси тақдирда, ўз жавҳаридан, турланмайдиган асос-моҳиятидан маҳрум бўлган миллат кифёсиз бир ҳолга тушиб, глобализмнинг аёвсиз гирдобига тортилади-да, ўз илдиздан, бора-бора эса ўзлигидан ҳам айрилиб ўзи бор-у, номи ва шони йўқ одамлар тўдасига айланади. Бундай қисматни ҳеч бир халқ асло ўзига раво ҳам кўрмайди. Демак, жаҳонга сўз билан ўзликни намоён қилишнинг бирдан бир йўли - баланд савияли, аслиятга муқобил бадий таржима йўлидир.

Бироқ таржимада ҳам таржима бор. Таржима бор - аслиятнинг “панжасига панжа уради”, таржима бор – аслият моҳиятини тўла етказиб беролмайди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, дунёда ҳар бир катта ижодкорнинг ўз таржимон(лар)и бўлади. Ана ўша таржимон(лар) пайдо бўлмагунча ижодкор ўзга миллат учун номаълумлигича қолаверади. Ҳатто унинг юзлаб таржимонлари бўлиб, ҳар йили биттадан китоби ўнлаб тилларга таржима қилинса ҳам, фойдаси кам бўлади. Аксинча, номарғуб таржима ижодкор ҳақидаги тасаввурни бузиб, ўқувчининг назаридан туширади. Ана ўша муносиб таржимон (лар) пайдо бўлмагунча у - “ҳеч ким!”. Унинг фақат номигина давралардаю китоблардаги санокларда айланиши мумкин. Лекин ҳеч қачон

Таржима этилган миллат вакилларининг юракларига кириб, онглирида эъзоз
сезмайди. Шу маънода рассом ёки бастакорга хавас қилиш мумкин. Чунки
таржиманинг бири ранг, бошқаси эса оҳанг тилида ижод қилишади. Ранг ва оҳанг
эса универсал тиллар ҳисобланиб, ҳамма даврларда ва барча эллар учун
тушунарли бўлиб қолаверади. Яъни бу “тил”лар таржимага эҳтиёж сезмайди.
Бу “тил”лар таржима ходисасидан устун ходисалардир. (Ҳаракат санъати -
айрим драматик асарлар ҳам шундай. Яъни, масалан, сўзсиз, мимика асосига
қурилган спектаклларни олинг). Сўз санъати эса айна шу ерда юқоридаги
санъатлар билан беллаша олмай қолади. Айна шу ерда адабиётнинг худудига
чегара урилади. У таржима бўлгандан сўнггина “божхона”дан чет мамлакат
худудига ўтиши мумкин. Бироқ у энди каттароқ бошқа бир давонга дуч
келадики, унинг исми ўзга тилли, бошқа тафаккурли ўқувчидир. Сўз санъати
намунаси муваффақият билан таржима этилгандагина ўзга мамлакат
ўқувчисининг юракларига кириши мумкин. Шу маънода, аслиятда хатто ҳар
томонлама дурдона ҳисобланган асар ҳам таржимадаги ўз муваффақиятини
юзлаб йиллар кутиши мумкин. Унгача эса у “ёпиклиқ қозон”дек сирини ичида
яшириб тураверади.

Таржима оғир юмуш. Ўзбек шоири Эркин Воҳидов ёзади:

Ой ўртанар, кўзларида ёш,

Кўкси доғу юраги қийма:

Дер: “Эй фалак, мен эдим қуёш,

Нега мени қилдинг таржима?” [5, 209]

Дарҳақиқат, таржима қилинган асарлар моҳиятини жуда теран бир тарзда очиб
берадиган тўртлик бу. Чунки ой бир пайтлар қуёш эди, таржима қилингандан
сўнг ой даражасига тушиб қолди, яъни кичрайиб, нури озайди. Демак, ҳар
қандай асар таржимадан сўнг бир даража қўйига қараб кетади, деган хулоса
яширинган юқоридаги тўрт қатор шеърда. Дарҳақиқат, кўпинча шундай бўлади.
Лекин ўз ишининг устаси бўлган ҳақиқий таржимон аслиятга муқобил таржима
устида ўйлайди, изланади. Зеро, таржимадан кейин қуёшнинг қуёш, ойнинг ой
бўлиб қолиши энг мукамал таржима натижаси ҳисобланади. Қуёшнинг ой
даражасига туширган ва ёки, аксинча, ойнинг қуёш даражасига кўтариб қўйган

таржима ҳам мукамол саналмаслиги лозим. Чунки тўғри ва баланд таржима аслият руҳини саклаб қола олган таржимадир.

Таржимон асар руҳига кира олиб, асар маъзини “Ўзиники”га айлантириб олсагина унинг ўғирмалари муваффақиятга эришади. Шундай муваффақиятли таржималардан бири ўзбек шоири Усмон Носирга тегишли бўлиб, у рус шоири Михаил Лермонтовнинг “Демон” достонини юксак даражада ўзбекчага ўгирган. Таржимон дoston мазмунини “Ўзиники”га айлантириб олган. Асар худди ўзбекчада битилган каби, раvon, хароратли ўқилади. Айни чоғда айтиш жоизки, таржимада “Фамонингга йиғлаб чўкай тиз” деган “ортикча” мисра пайдо бўлиб қолган. Бу мисра Усмон Носирда бор-у, Лермонтовда йўқ. Хўш, нега? Таржимоннинг бунга нечоғли ҳаққи бор? Назарияга қарасангиз, ҳаққи йўқдек. Аслият ва таржимани киёслагандан кейин эса англашиладики, таржимон дoston руҳига шу даражада чуқур кирганки, гўё унинг ижодкорига айланган. Худди Лермонтов каби. Ҳамда ижодкор руҳ кайфиятини қоғозга тўққан:

Денгизларнинг тубларин кучай,
Булутлардан баландга учай.
Ер неъматин сенга тутай қиз,

*Фармонингга йиғлаб чўкай тиз,
Севгин мени!..*

Дарҳақиқат, гўзал, хароратли мисралар! Айнан шу мисра мамлакатнинг энг баланд тоғи чўққисига тикилган байроққа ўхшайди. Бу ўринда байроқ ўша мамлакатнинг борлигига, куч-қудратига йўналтирилган бир рамз бўлгани янглиғ, “Фармонингга йиғлаб чўкайтиз” мисраси ҳам ошиқнинг севгилисига бўлган чексиз ишқидан бир далил, нишон. Айнан шу мисрада унинг маъшуқаси учун ҳар нарсага тайёр эканлигини аёнлашади. Қолаверса, айнан шу мисра “Усмон Носир” деб аталган таржимон, айни пайтда, шоир-мамлакат қудратини ҳам кўз-кўз қилгувчи байроқдир. Биргина шу байроққа қарабоқ таржимоннинг юсак истеъдодига гувоҳ бўлиш, ундан хайратланиш мумкин. Бу мисралар аслиятда қуйидагича:

Я опускаюсь на дно морское,

Я полечу за облако.

Я дам тебе все, все земное –

Люби меня!..

Таржимадаги ижодкорлик (“Фармонингга ййглаб чўкайтиз”) ни кофия (“киз – тиз”) такозоси деб ҳам талкин қилиш мумкиндир, эхтимол. Лекин гап фақат бунда эмас. Аслият кофиясига эътибор берилса, - у йўқ (“Морское – земное” - кофия эмас). Бу борада (яъни кофия масаласида) таржима варианты устун эканлигини эътироф этмоқ керак. Лекин аслият узича гузал. У шу даражада гузалки, ҳатто кофияга муҳтож эмас. “Я опущусь на дно морское, Я полечу за облако” мисраларининг маъно, яъни тўғридан тўғри таржимаси “Денгизларнинг тубига тушаман (тушай), Булутларнинг ортига учаман (учай)” булар эди. Усмон Носир Лермонтов чизган манзарани Лермонтов таклиф қилган бадий гап конструкциясига кўра эмас, балки ўз сўзлари билан қайта ёзадики, натижада “Денгизларнинг тубларин қучай, Булутлардан баландга учай” каби олтин мисралар, чинакам ижод, аслиятга тенгма тенг ижод намунаси дунёга келади. Чунки денгизнинг тубига тушиш билан уни қучиш, булутларнинг ортига учиш билан улардан баландга учиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Худди оддий гап билан шеърый мисра орасидаги тафовут каби.

Таржима тарихига назар ташласак, асосан, икки хили кўзга яққол ташланиб туради. Бири - тағламали (подстрочный) таржима, иккинчиси - мазмун таржимаси. Аслида, бадий таржиманинг неча хили бўлишига қарамай, энг муҳими, асар руҳи тўғри таржима этилмоғи шарт. Шу руҳ берилдими, қолгани катта-кичик таҳрирлар билан тузатилиши мумкин. Руҳ берилмасачи, барчаси бекор: чиройли сўзлар, силлиқ гап конструкциялари, хикматли сўзларнинг ўринли эквивалентлари, қўйингки, бутун “тоат-ибодат” сувга оқади-кетеди.

Таржима муҳим. Шу даражада муҳимки, у асар тақдирини ё бор қилади, ё йўқ. Ҳозирги замонга келиб эса жаҳон адабиёти ва таржима қаршисида талай муаммолар пайдо бўлди. Хусусан, Москвада ўтказилган давра суҳбатига таржимон ва журналист Ирина Кузнецова айтади: “таҳририятга французча шеърлар оқиб келади. Улар, асосан, Рембо, Верлен, Малларме шеърларидир.

XX асрнинг иккинчи ярмига оид шеърлардан жуда кам юборишади. Юборишса ҳам турган-битгани дахшат! Улар таржимасини ҳеч ким уддалай олмайди, ахир!.. Гап шундаки 50- ва 60- йилларда француз адабиётида навбатдаги инкилоб содир бўлди. Назаримда, худди шундан Францияда замонавий поэзия бошланди. Янги авлод “реаллиқни бошдан оёқ рамзлаштирган” сюрреализм меросига қарши бош кўтаришган эди. Сюрреализм эстетикасини Франсис Понж “романтик-лирик саратон ишиғи” деб атаган. Хуллас, лирика маъносини оханжамадан холи қиламан, дея новаторлар ошириб юборишди: ахлат уюмига нафақат кофия ва поэтик кўчимларни чиқариб ташлашди, балки шеърятнинг барча воситаларини гумдон қилишларига сал қолди. Уларни услубларида шеърга жой қолмади. Бир француз танқидчиси бу даврни “музлаш даври” деб номлаганди, адашмасам. Ниҳоят, мана яқиндагини “эриш” бошланди. “Музлаш даври”нинг шеърлар икки учта, бир-бири билан ҳатто грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлардан иборат эди. 70 йилларнинг охирида француз шоирлари бизга (Россияга) келганда сўрадик: “ҳар бир сўзингизнинг ортида нима турибди? Улар ортидаги бўшлиқни нима биландир тўлдиришимиз керак, ахир!..” Чунки, мас., хитой ва япон шеърларининг ортида анъана, ўқиши билан маърифатли инсон қалбида туғиладиган кўплаб ассоциация туради. Бу ерда эса урушдан кейинги манзара ёдингизга тушади”. Бу фикрга жавобан форумнинг яна бир иштирокчиси Евгений Бунимович қуйидагича фикр билдиради: “замонавий француз шеърятини замонавий таржимонлар таржима қилиши керак. Мен бой маданий контекст фақат японларда бор, деган фикрга қўшилмайман. Ўқимишли француз учун ўз контексти ортида қўп нарса турган бўлиши, уни русчага оддий сўзлар билан таржима қилганимизда у сезилмаслиги мумкин. Чунки русчада у контекст йўқ...” Давра суҳбатининг яна бир иштирокчиси Марк Фрейдкин айтади: “Дейлик, менинг қизиқишим XIX ва XX асрнинг биринчи ярми.30 ёшлиларни 30 ёшлилар ва ҳатто ундан ҳам ёшлар таржима қилиши керак. Айниқса, бугунги шеърят шаклан бутунлай бошқа, янги қиёфага кириб бораётганда. Мен баъзан инглиз тилида қандай ёзишаётганига қизиқиб интернетга қираман. Айтиш керакки, каминанинг

аънавий қарашлари билан ҳамоҳанглиги йўқ интернетдаги шеърларнинг. Шу учун менга катта гонорар таклиф килишса-да мен уларни таржима қилмайман. Бу уларнинг расволиги ёки ёзишни эплай олмаганидан эмас. Йўқ, улар бор-йўғи бошқа тилда ёзишяпти, улар қўллаган бадний приёмлар менга нотаниш. Бошқа аудиторияга мўлжалланган шеърят бу”.

Бу мунозарадан ҳам кўриниб турибдики, таржимада, таржимонда гап кўп. Таржимон ҳаммани таржима қила олмайди. Таржимон ўз руҳи, ўз дунёқарашини, ўз диди ва ўз йўналишига мувофиқ тушган асарнигина қойиллатиб таржима қилиши мумкин. Қолаверса, бир хил тизилган сўзлар зимнида икки миллат ижодкори ҳам, ўқувчиси ҳам тамомила бошқа-бошқа маъноларни тушуниши мумкин. Уларнинг бир бирига мувофиқ тушиши учун икки миллат вакилининг яшаш шароитлари, шартлари ва бошидан кечирганлари ўртасида талай муштарак жиҳатлар бўлмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. *Интернет материаллари. "Все поэты В Контакте", "МУ стихи".*
2. *Мир без границ. Литературная беседа с австралийской писательницей Н. Крофтс. Звезда Востока. Журнал. Ташкент. 2014. №1*
3. *"Жаҳон адабиёти" журнали, Т.2013., май.*
4. *"Шарқ юлдузи", Т.2015., апрель.*
5. *Эркин Воҳидов. 3 жилдлик "Сайланма". 1 жилд.*

*Ровияжон Абдуллаева,
Турон ФА сининг фахрий академиги,
ф.ф.номзоди, доцент*

И.БАЛДАУФ : „ЧАЛА МУЛЛА БЎЛИШДАН ҚЎРҚАМАН ...”

(И. Балдауф таваллудининг 60 йиллигига бағишланади)

1995 йил *DAAD* [Der Deutsche Akademische Austauschdienst - Германия Академик алмашинув хизмати] стипендиати бўлиб, Берлин Хумбольт университети профессори, шиллершунос Айке Миддел таклифига биноан Германияга илмий таътилга борганимда, университет маъмурияти илтимосига кўра, Ўрта Осиё ва Африка фанлари институтининг Ўрта Осиё маданиятлари ва тиллари кафедрасининг талаба ва магистрантларига „*Blockseminare*” [Das

Blockseminar- ўқитиш методикаси киёсий аспектдаги амалий машгулот. Бу ўқув программасида дарслар тингловчиларни кизиктирган саволлар асосига курилади. Биринчи сабоқни А.С.Чўлпоннинг „Халк“ шеъри билан бошлаб, шеърни ўзбек ва немис тилларида шарҳлаб, таржима қилиб, сўнгра тахлил қилганмиз эсимда.] амалий машгулотини ўтган эдим. Дарсда немис турколог олимлари ҳам иштирок этган. Шу бахонада, менга Германияда *туркийшунослик тарихи, унинг илмий асослари* билан танишиш имкони ҳам туғилди.

Пруссия маданий бойликлари давлат кутубхонаси, Берлин Фанлар академияси кутубхонаси, архив ва музейларда бўлганимда, бу масалага доир анчагина илмий - назарий ва тарихий аспектдаги тадқиқотларни кўздан кечирдим ва етарли материал ҳам тўпладим. *Петер Циме, Барбара Келлнер - Ҳайнкеле, Зигрид Клайнмихель, Ингеборг Балдауф, Кристиан Муккел, Татьяна Муккел, Лутц Ржак, Бригитта Хойер, Томас Штайнбах, Гундула Залк* ҳамда *Паул Залк* каби турколог, социолог, файласуф ва форсийшунос немис олимлари билан танишиш бахтига мушарраф бўлдим. Айниқса, университет профессори, қадимги қўлёзмалар (Турфон матнлари) тадқиқотчиси, қадимшунос олим *Петер Циме* ва доктор *Татьяна Муккел* билан „*Буюк Инак йўлларида йўқолиб кетган маданиятлар*“ юзасидан қилган суҳбатимиз жуда мароқли ўтган эди. Улар билан мулоқот қилиб, бу борада етарли факт ва маълумотлар тўплагач, менда „*Германияда туркийшунослик тараққиётининг тарихи*“ хусусида аниқ тасаввур пайдо бўлди ва бу масалани ойдинлаштириш мақсадида фундаменталь изланиш олиб бориш фикри туғилди. Натижада ушбу проблема докторлик ишимнинг бир бобига айланган эди.

Кузатишлар шунини кўрсатадики, VII асрларда арабларнинг Испанияни босиб олиб, у ерда узок йиллар ҳукмронлик қилиши, нафақат Испанияга, балки Испанияга қўшни давлатларга ҳам шарқона руҳни олиб кирганига шубҳа йўқ. Ғарбий Европа туркийшунослигининг тараққиёт тарихини (эволюциясини)

кузатганда, унинг илдишларини албатта, ўша давр ва ўша заминдан излаш мақсадга мувофиқдир.

Аслида, Ғарбий Европада туркий қавмлар ҳақидаги маълумотлар Амир Темур даврларига бориб тақалади. Европаликлар Шарқнинг маънавий мулкчи кадриятларини, араб, форс, хинд тилларини, ҳатто қадимги яҳудий (иврит) тили Санскритни, Куръони Каримни, Қобуснома ва ҳадисларни зўр иштиёқ билан ўрганишган, тарих қатларини титкилаб, илм излаб Ўрта Осиёнинг саҳрою чўлларида дарбадар кезганлар. Шу ўринда, европаликларга Туркия ва турклар, Ўрта Осиё ҳақида биринчилардан бўлиб хабар берган инсон бавариялик зодагон Йоханн Шильтбергер (1381-1440)ни эслаш жоиздир. Й. Шильтбергер Никополе яқинида Султон Боязид ҳарбийлари билан бўлган жангда асир олинади (28.X.1396). У Анкарадаги жангда турк ҳарбийлари таркибида ҳам қатнашган (1402). Бу ерда у Сирия, Паластин, Эгипет, Ироқ ва Ўрта Осиё бўйлаб то Самарқандгача бўлган жойларни босиб ўтган Амир Темурга асир тушади. Темур ўлими (1405) дан сўнг у Олтин Ўрдага жўнатилади. 1427 йил Батуми ва Константинопол шаҳарлари орқали, юртига қайтади [12].

Маълумки, жўгрофий жиҳатдан Хитойдан тортиб, Жануби-Шарқий Европагача, Узоқ Шимолий собиқ совет давлатларидан то Яқин Шарқ мамлакатлари ҳудудларигача тарқалиб кетган туркийгўй халқларнинг тарихи, маданияти, маънавияти, ҳатто мумтоз мусиқасини ҳам ўрганишга Европа мамлакатларида қизиқиш ниҳоятда кучли.

XVIII аср охирларида Германиядаги бир немис ўқув қўлланмасининг муқовасида турклар билан европаликлар мулоқоти акс этган сурат ва сурат остида:

Ein Glück für jeden fremden Mann,

Der selbst mit Türken sprechen kann

каби сатрлар учрайди. Мазмуни:

Турклар билан мустақил гапириша олмақ,

хар бир хорижлик учун бахтдир.

(сўзма-сўз таржима бизники-А.Р.)

Кейинги йиллар немис туркийшунослигида ушбу мисралар дастуруламалга, шиорга айланган. Ва у шу қадар оммалашиб кетадики, кейинчалик бу сурат ва мисралар „*Немис тиллик давлатларда турк тилларини ўрганиш тарихига доир*“ [4, 5] тўпламининг ҳам муқовасини безайди. Китобга *С. Тезкан, М. Хартман, Б. К. Ҳайнкеле, П. Циме, И. Балдауф, К. Крайзер, Э. Д. Петрич, Ҳ. Штайн* сингари таниқли немис туркийшунос, шарқшунос ва қадимшуносларининг мақолалари киритилган ва туркий тилларда гапирувчи вилоятларнинг жўғрофий харитаси ҳам илова қилинган [5, 5-6].

Бу шиор немисларни нафақат турк тилини ўрганишга, балки Шарқ ва Ғарб ўртасида адабий - маданий рва илмий алоқаларни мустаҳкамлаш билан биргаликда Шарқ билан савдо - сотик ишларини ҳам жадаллаштиришга ундаган. Бу Ғарбнинг Шарққа интилишининг жонли тимсолидир. Ахир *Гёте, Ҳердер, Куреллалар* бекорга „*Ҳаёлимизни Шарққа қаратмоғимиз керак!*“, „*Шарқни шиддат билан ўрганмоқ даркор!*“ дейишмаган-ку.

Германия туркийшунослигининг тарихи *П. Х. Мезизер* (1554-1619) номи билан боғлиқ. Кейинги асрларда Шарқ дунёси билан шуғулланган *Ф. фон Менинский* (1623-1698), *Й. Б. Подеста* (1625-1703), *А. Аколутус* (1654-1704), *Й. К. Клодиус* (1676-1745), *Й. Шифердекер* (1672-1722) ва *Х. Пургштал* (1744-1856) каби олимларни эслаш ўринли.

XIX асрларда Германияга Махмуд Ғазнавий, Фирдавсий, Анварий, Низомий, Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий сингари форс адабий-маданий доираларининг маънавий мулки кириб кела бошлади. Айниқса немисларга Ҳофиз Шерозий ижоди узоқ йиллар завқ-шавқ бағишлади. Ва Ҳофиз газаллари таъсирида шарқона руҳда газаллар битган *Ф. Рюккерт, А. фон Платен, Г. Ф. Даумер*, Кунчиқар мамлакатлари жамиятига асос солган *Х. Л. Флайшер* сингари шарқшунослар пайдо бўлди. Улар изидан *М. Хартман, Х. Штумме, В. Б. Кауп, Р. Хартман, Г. Якоб, А. фон Габайн, К. Х. Менгеслар* етишиб чикди. *В. Б. Кауп* ўз даврининг (XX аср) машхур инглизшуноси бўлиш билан бирга туркийшунослик соҳасида ҳам тан олинган

стук олим хисобланган. *А.фон Габайн, К. Х. Менгес* каби Фарбий Европадаги туркологлар унинг шогирдларидир.

Иккинчи жаҳон уруши (1940-1945)дан кейинги йилларда *А. фон Шиммель, А. Курелла, Г. Хазай, Д. Шульц, Г. Дүрфер, Б. К. Хайнкеле, З. Клайнмихель, Я. Таубелар* салафлари бошлаган анъанани давом эттирдилар. Бутун ушбу сафда *кўп ва хўп* меҳнат қилаётган, ёш аммо катта ишларга бош, қичкинагина жуссалик бир аёл бор. У ўзбекларнинг содик дўсти, ўзбек адабиёти ва маданиятининг жонқуяр мухлиси, Берлин Хумбольтдт университети профессори, турколог ва ориенталист *Ингеборг Балдауфдир*.

1990 - йилларнинг бошлари эди чоги, Ингеборгхоним Фрайбургдан Тошкентга илмий таътилга келди. Институтимиз раҳбарияти уни кузатиб юришни менга топширган эди. Режа бўйича академия тизимидаги илмий ходимлар, адабиётшунослар ва талабалар билан учрашишимиз керак эди. Биз Тошкент давлат университетининг профессорлари *О. Шарофиддинов, У. Норматов, Н. Худойбергано*влар ишлаётган ўзбек адабиёти кафедрасига бордик. Кечагидек эсимда, чамаси ўттиз беш (35) ёшлар атрофидаги ёш олимага сўз берилди. У суҳбатни ҳаяжонланмай, эзмаланмай, ҳаммани лол қолдириб, соф ўзбек тилида, „*чала муллалар*“ ҳақидаги қадимги бир ривоятдан бошлаган эди. (унинг нутқида афғон ўзбекларининг лаҳжасига хос оҳанг сезилиб турарди - А.Р.) Ўша кезлари жуда ҳаяжонланганимданми „*Фарбий Берлинда туркона хонадон*“ номли мақоламда бу ҳақда ёзган эдим. „*Эмишки, иқтидорсиз, чала муллаларнинг жойи дўзахнинг туб-тубида экан. Ўшани ўқиганимдан бери, оромим йўқолган, негаки мен чала мулла бўлишдан қўрқаман*“ [9], деган эди олима ўшанда. Булар жимжимадор гаплар эмас, бу И. Балдауфнинг қатъий илмий дастури эди. Университет талабаларига дарсга кирганида ҳам олима гапни ўша ривоят билан бошлаб, билим инсонларнинг мушуқларини осон, йўлларини равон қиладиган, юксак маънавият эшикларини очиб берадиган қалит эканлиги ҳақида гапирди. Ўша йиллари Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимлари ва

университетнинг таникли олимлари бу ривоятни узок йиллар завқланиб эслаб, ҳатто хотиралар ёзиб, ҳайратланиб юрганига гувоҳман.

Ингеборг Балдауф 1956 йилда Австриянинг Лилиенфельд кишлоғида туғилган. Ёшлигидан туркий оламга қизикганлиги боис, Австриянинг Вена университетида араб ва турк тилларидан таҳсил олган. Ислом илмлари бўйича бошланғич таълимни олаётган чоғидаёқ вужудини мусулмонлар дунёси камраб олади ва талабалик йиллари Афғонистон сафарига бўлиб, „*Ўзбек халқ қўшиқлари*“ бўйича материал йиғади. Натижада „*Афғонистон ўзбеклари халқ қўшиқлари*“ номли минг бетдан зиёд (1095) икки жилдлик китоб дунёга келади. Шу мавзуда диссертация химоя қилади. Кейинчалик Австрия ФАда ишлаганида „*Туркий халқлар топишмоқлари*“ мавзуида изланади. У Фрайбург ва Бамберг университетларининг турк тили, маданияти ва тарихи кафедрасида илмий ходим бўлиб ишлади.

1991-1992 йиллар Американинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университети *Рокфеллер* стипендиати бўлади. Бу олимага бир томондан жаҳон фани олдида билдирилган ишонч бўлса, иккинчидан Ғарбнинг туркий оламни билишга интиқлиги белгиси эди. И. Балдауф у ерда *Рокфеллер* лойиҳаси хомийлигида амалга оширган ишларидан бири Махмудхўжа Бехбудийнинг „*Ойна*“ журналини қисқартиб инглиз тилига ўғиргани бўлди.

1991-1993 йиллар олима ҳаётидаги маҳсулдор давр дейиш мумкин. У профессор К.Х.Менгес раҳбарлигида „*Совет турклари ва мусулмон Русиясида ёзув ислоҳоти (1850-1937) сиёсий-маданий, тарихий-ғоявий тараққиётнинг симптоми*“ мавзуидаги иккинчи диссертациясини химоя қилди.

1995 йилда у малакали мутахассис сифатида Фрайбургдан Хумболдт университетининг Осие ва Африка фанлари институтига ишга таклиф қилинади. Университет талабаларига сабоқ бериш билан бирга, кафедра мудираси, институт раҳбари лавозимларида ишлайди.

*И.Балдауф*нинг изланиш уфқлари жуда кенг. У Берлин Хумбольдт университети доктори З. Клайнмихел билан урф-одати, тили, лаҳжаси ўзгача

Хоразм воҳасида бўлганида (1993) халфа, бахши, ёзувчи-шоирлар учрашади. Эски қўлёзмаларни йиғади. Муқаддас авлиёларни, Юсуф Қасбийнинг қабристонини зиёрат қилади. Зиёрат чоғида уларни кузатиб юрган расм Ш.Бобожон ва модернист шоир Б. Рўзимухаммадга И. Балдауф: *„Тўқлари қабристонда Давсаман деган маҳлуқ юрар экан, унинг қиёфаси қандай?“* деб берган саволига, шоир: *„Эни икки метр, баландлиги жуда баланд, ўн метрлар чамаси-ёв“*, деганида И. Балдауф: *„Йўзе, жуда катта шайманг, бунақа катта маҳлуқ Шухратни расмлар полотносига сизмайди“*, деб жавоб беради. Ингборгда Давсаманни тимсол сифатида ўзбек шеърляти расмлар галериясида кўриш истаги бўлганлиги ижодкорлар билан бўлган суҳбатдан аён. Сал ўтмай Баҳром ижодида бу маҳлуққиёфаси тасвирланган, *„Давсаман“* шеъри пайдо бўлди. Йиллар ўтди, бироқ расм полотносида бу маҳлуқ қиёфаси акс этмади. Балки Давсаманни тасвирлашга расмнинг тафаккур қуввати, ижодий маҳорат кучи етмагандир. Ўзбек расмлар галериясида бу образ пайдо бўлмаганини афсус билан эслаш жоиз. *„Давсаман“ - Саман - учқур қанотли от.* Бу *от* жаҳон поэзиясида шоир илҳоми образи - *Пегас*. Давсаманда *дев* ва *учар от*нинг хусусиятлари жамланган.

Дарвоқе, шеърдаги Давсаман тимсоли шоир тасвирлагандай бўлмаслиги ҳам мумкин, бу унинг хаёллари маҳсулидир. Й. П. Эккерманнинг *„Гёте билан суҳбатлар“*ида Гёте бундай тасвирлаш усулини *„антисипация - воқеа-ҳодисаларни олдиндан ҳис-туйғу орқали кўра билиш“*, деган. Ўйлаймизки, бу таъриф, Давсаман тимсоли тасвирига ҳам мос тушади. Шоир мифологик образ Давсаман ҳақидаги билимини Гёте айтмоқчи бўлган *антисипация* тасвири орқали эгаллаганига шубҳа йўқ. Бу ерда унинг ижодий тафаккур қуввати, тасвирий фикр маҳорати ётибди. Балки бошқа бир шоир уни бошқача идрок қилар, тасвирлар, чунки ҳар бир ижодкор алоҳида бир индивид. Демак, Давсаман хаёлдаги ярми от-у, ярми дев - образ.

Шеърни И. Балдауф немис тилига ўгириб, 1995 йил Берлинда расмлар кўргазмасида ўзбек ва немис тилларида ўқиганини ўзим эшитганман. Таржима жараёни билан кизиқиб, сураганимда, у: *„Ich habe dieses Gedicht in einem*

Atemzug übersetzt” [“Бу шеърни мен бир нафасда ўгирганман”] деган эди. Мутаржимнинг „*бу шеърни бир нафасда ўгирдим*” дейиши, албатта бироз муболагали бўлса-да, бу катта ҳажмдаги яхлит шеърнинг қисқа вақтда таржима қилинганига ишорадир. Демак, шоир ва таржимон руҳи бир нуқтада кесишган, шуни учун ҳам таржима тез амалга ошган. Шу ўринда, бир *парадокс* фикр айтмоқчиман.

Ўзбек эртаклари, афсона ва ривоятлари, руҳлар, ҳаёлий шарпалар, арвоҳлар, аникроги, мавзуи „*алвастилар*” бўлган Лайпциг университети доктори Якоб Таубе Б. Рўзимуҳаммад ижодидан бир даста шеърларни таржима қилиб, тўпламини „*Мен ўзимни унутдим*” [8] деб атаб, ўзбек ва немис тилларида чоп эттирди. 2013 йил 16 мартда Я. Таубе Лайпциг китоблар ярмаркасида „*Қандай қилиб Баҳромнинг шеърлари таржимасига киришганим ҳақида*” мавзуида маъруза қилади ва унинг шеърларидан намуналар ўқийди. Маърузада шундай сатрлар бор: „*Буюк арафа*” шеърдаги „*қоралама*” сўзига мос келадиган немисча сўзни 15 йил кутдим. „*Die Skizze*”, „*die Vorzeichnung*” деб кўрдим. Бироқ булар „*қоралама*”га мос тушмас эди. Йиллар ўтди. Бир куни уйим олдидаги чорбоғда *сигарета чекиб, шеърларни ўзим билан ўзим айтиб юрган эдим, „лон” этиб, мен узоқ ахтарган „der Entwurf” сўзи чиқиб қолди*”. Қаранг, И. Балдауф „*шеърни бир нафасда ўгирдим*” деса, Я.Таубе битта сўзнинг муқобил вариантини 15 йил кутган. Бу ҳам таржима жараёни, аммо бошқа бир мутаржимнинг иш усули, имконияти. Иккаласидаям объект модерн поэзия намуналаридан бўлган.

Шу ўринда бир мулоҳазали фикрни айтиш жоиз. Авваломбор таржимадаги характерли хусусият бу бадий тил воситаларининг сероблигидир. Бу шоир ва таржимонга хос бўлган шеърый услуб (поэтика). Шеърнинг бешинчи бандида „*Чинқириб йиғлайди чақалоқ*” мисраси „*Es wimmert der Säugling*” деб ўгирилган. Назаримизда, бу таржима бироз мунозарали. Лангеншайдт луғатида „*wimmern*”- „*leise, klagende Töne von sich geben, oder leise jammern*” деб изоҳланган. Бу „*секингина, норози*

...гда, (аянчли аҳволда) ўзи билан ўзи йиғламоқ”ни англатади. Бизнингча,
...мада „чинқириб йиғламоқ” ҳолати йўқдай.

Шунингдек, таржималарда „*ҳовжираган овоз ила йиғламоқ* - *weinen*
welkender Stimme”, „*кимгадир (нимагадир) тикилиб қараб қолмоқ* -
starr”, „*ҳеч кимга сездирмасдан, жимгина... -mucksmäuschenstill*”,
...ғулалар бир бирин изидан қувар -*jagen die Mondstrahlen einer den anderen*”,
...ки томчи қондек қузини... - wie zwei Bluttröpfchen sind seine Augen...”
...нгари киёсий лингвопоэтик таҳлилга эҳтиёж туғдираётган сўз ва бирикмалар
...м мавжудки, улар ўзбек германист олимларининг навбатдаги илмий
...зланишаридан ўрин олади, деган умиддаман.

И. Балдауф ҳозиржавоб олима. У Ўзбекистон Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига бир неча бор ташриф
буюриб, *Иzzат Султон, Ж. Шарипов, С. Мамажонов, М. Қўшжонов, Н.*
Каримов, Н.В. Владимирова, Э. Абдуллаев, Б. Назаров, Париза Мирза-Ахмедова
каби устоз олимлар билан ҳамсухбат бўлган. Ўзбек халқ кўшиқларини
йиғиб юрганидан хабар топган институтимизнинг катта илмий ходими,
адабиётшунос олим Шерали Турдиев Сизнинг кўшиқлар коллекциянгизда:

Кичкина чорбоғ ичинда
Айланур бошим менинг
Ёр юрган кучаларда
Тўжилур ешим менинг,

кўшиғи ҳам борми?, деб сўраб колди. У бўлса :

Оқ илон оппок илон
Ойдинда ётган қани,
Мен ёмондин айрилиб
Яхшини топгонинг қани,

деб, ҳатто манаву кўшиқ ҳам бор, дегандай жилмайиб жавоб қайтарган эди.

Олиманинг „*Афғонистон ўзбекларининг халқ кўшиқларига доир*
материаллар” [7] китобини кўрганингиз захотиёк оддий бир талабанинг
шундай иш қилганидан хайратланасиз. Чунки бу каби ишларни академия
тизимда, йиллар давомида, бутун бир бўлим ёки илмий жамоа билан амалга
ошириш мумкин. Бунинг замирида жуда катта меҳнат ва маънавий куч ётибди.
Олима бу ерда фақат ўзбек халқ кўшиқларини йиғибгина қолмаган, балки
уларни немисчага таржима ҳам қилган. Китобда сўзбоши ва киришдан

ташқари китобдан фойдаланувчилар учун йўриқнома, қўшиқ категорияларининг рўйхати (индекси), таржима қилиш қийин бўлган қўшиқ матнларига эса изоҳлар ҳам берилган. Шу йўсинда, муаллиф халқ оғзаки ижоди билан шуғулланаётган немис туркологлари ишини бир қадар енгиллаштирган ҳам. Китобдан мисоллар келтирамиз:

Қошингни корасига
Холбулай орасига
Сани раҳминг келма(с)йми
Ошиқнинг ноласига

Бу қўшиқ афғон ўзбеклари орасида кенг тарқалган. Аммо унинг Ўзбекистон ўзбеклари орасида:

Қошингни корасига
Хол бўлай орасига
Асло раҳминг келмайди-ё
Бировнинг боласига,

каби версияси ҳам бор. Немис тилига И. Балдауф таржимаси:
Der Schwärze deiner Brauen -

ich will ein *Schönheitspunkt* zwischen sein.

Hast du den gar kein Mitleid
mit dem Klagen des Liebhabers?

Таржима жараёнида мутаржим кўз олдига маъшуқасига етолмай нола қилаётган ошиқ қиёфаси ифодаланган бир лирик мәнзара келган бўлиши шубҳасиз. Қўшиқдаги „ҳол“ тимсолида „*лешонангга битилган ёринг бўлай*“ деган мажозий маъно мужассам, дейиш мумкин.

Шеър техникаси принципларидан келиб чиқиб, таржимада *қофия*, *вазн* каби унсурлар кўринмайди, дейиш мумкин. Бирок, таржимага камчилик сифатида бундай талабларни қўйяолмаймиз. Нима учун? Чунки, мутаржимнинг мақсади ўзбек халқ қўшиқларидан немисча қўшиқ яратиш бўлмаган. У буни немис аудиториясига мўлжаллаб, мазмунини, сўзма-сўз таржимасини берган, холос. Аммо диққатни тортаётгани бу эмас, қўшиқдаги „ҳол“ сўзидир. Русчада „*родинка*“ эканини биламиз. Матнни ўқийтганимда ҳаёлимга келган биринчи сўз „*das Muttermal*“ бўлган эди. Лекин таржимон „*ein Schönheitspunkt*“ни танлаган. Ўйлаб қолдим. Нима учун немис лексикографиясида „ҳол“ни аниқ таржимаси „*das Muttermal*“тайёр турса-ю, таржимон лугатда бўлмаган „*ғўзаллик нуқтаси*, *белгиси*“ деб, ўзича янги сўз яратса. Бунга эҳтиёж йўқ-ку, каби фикрлар ҳаёлимдан ўтди. Тўғри, бу сўздаги

„Der Punkt“нинг „das Zeichen“ - „белги“ деган маъноси ҳам бор. „Ein Schönheitspunkt“ „ғўзаллик нуқтаси, белгиси“ деб ўгирилади. „Der Schönheitspunkt vadas Muttermal“ ларни аввалига контекстуал синоним бўлиши мумкин, деб ўйлаган эдим, бироқ мутаржим билан суҳбатлашгач, бу фикрдан қайтдим. Чунки немислар „das Muttermal“ да салбий маъно (оттенка) кўрарканлар. Улар „қора ҳоли“ бор кишига юзида доғи бор, нега уни жарроҳлик йўли билан олдириб ташламади экан-а, дейишарканлар.

Демак, таржимон Ғарб менталитетидан келиб чикиб, „қора ҳол“ Шарқда аёлларнинг ғўзаллик белгиси эканлигини инобатга олиб, „ein Schönheitspunkt“ сўзини ишлатган ва немис лексикографиясида янгилик яратиб, немис луғат таркибини бойитган, деган хулоса фикрга келдим.

Шарқ аёллари ғўзаллигининг муҳим белгиларидан бири бу *қора нуқта*га муносабат, уни баҳолашнинг меъёр ва ўлчовлари турли халқларда турлича. Мумтоз адабиётимизда бу *нозик нуқта*га хайратни оширадиган даражада қанчадан қанча газаллар битилмаган дейсиз. Шу онда беихтиёр Хофиз Шерозийнинг маълуму-машхур:

*Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонони
Қора ҳолига бахш этгум Самарқанд-у Бухорани,*

байти хотирга келади. Қизик, Шарқда жононнинг битта ҳолига Самарқанд-у Бухорани ҳадя қилиб туришса-ю, немислар уни инсон бетидаги *қорадоғ* деб, жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш керак, дейишса?!

И. Балдауф танлаган „ein Schönheitspunkt“ ни ички бир интуиция билан ўринли эканлигини ҳис қиламиз. Ҳатто, З. Клайнмихель ҳам „*Навоий - бенаво*“ номли тадқиқотида Навоий газалларини қиёсий методда (немисча - арабча-форсча-ўзбекча) лингвопоэтик таҳлил қилар экан, „*қораҳол*“ ни ғўзаллик рамзи эканлигини англаб, „*das Schönheitsmal*“ деб ўгирган. Бу ерда „*Schönheitspunkt*“ ва „*Schönheitsmal*“ лар бир-бирларига муқобил синоним сўз бўлаолади.

Узоқ йиллар Туркия университетларида усмонли турклар орасида фаолият кўрсатган, Навоийнинг „*Соқийнома*“ ва рубойларини немисчага таржима қилган можор туркологи, навоийшунос Янос Экман шоиримизнинг

„*Kuz бирла қошинг яхши, қабозинг яхши*” деб бошланувчи „*яхши*” радифли таронаи рубойида „*қораҳол*” ни И.Балдауф ва З. Клайнмихеллар каби, „*dein Schönheitsmal*” деб ўгирган. Чунончи Я.Экман:

„*Deine Augen und Brauen sind schön, deine Lider sind schön,
Dein Gesicht und deine Worte sind schön, deine Lippen sind schön,
Deine Wangen und dein Schönheitsmal sind schön. Dein Kinn ist schön,
Was soll ich sie einzeln aufzählen! Dubist von Kopf bis Fuß schön*” [1, 211].

Айнан шу рубойни ва бир неча ғазалларни Навоийнинг 550 йиллик юбилейи муносабати билан немис адибаси *Нора Пфедфер* ва германист *Йўлдош Парда* ҳаммуаллифликда таржима қилган эдилар. Бироқ, улар „*ҳол*” ни „*das Muttermal*” деб беришган. Й. Пардани тушунса бўлар, чунки унинг миллати ўзбек ва немис мухитидан анча йироқда яшаб ўтган. Бироқ, *Нора Пфедфер*нинг миллати немис-ку, ахир! (кузатишлардан маълум бўлдики, Н. Пфедфер собиқ совет немисларидан бўлиб, умр ниҳоясида Германияга кўчиб кетган экан - А.Р.) Шу бахонада, Навоийни немис тилига ағдарган *Й. Варкентин, Н. Пфедфер, З. Клайнмихель, Я. Экман* ижодий фаолиятларини кузатиб, амин бўлдики, И. Балдауф таржима жараёнида тўғри йўлдан борган. Такрор бўлса-да айтиш жоизки, „*Schönheitspunkt, Schönheitsmal*” каби янги сўзлар ҳисобига немис лексикографияси бойиган.

Олиманинг ўзбек маърифатпарварлари ва жадид адабиёти намоёндалари хақидаги чуқур таҳлил қилинган „*Ҳақиқат излаб...*” [3, 84-93], самарқандлик жадид Бехбудийга бағишланган „*Махмудхўжа Бехбудий Фаластинда*” катта ҳажмли тадқиқотлари, Фарбий Европанинг халқаро аренадаги нуфузли анжуманларининг бирида, адабий таъсир ва типология масалалари кўтарилган „*Тавфиқ Фикрат ва Чўлпон*” сарлавҳали маърузаси ва шу каби бир қанча илмий - назарий мақолалари борки, улар хақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. Ҳатто „*Тавфиқ Фикрат ва Чўлпон*” тадқиқоти камина томонидан ўзбек тилига таржима ҳам қилиниб, „*Илмнинг нурли чўққилари сари*” сарлавҳали мақола билан матбуотда эълон ҳам қилинган [2, 10-13].

Олиманинг таржимонлик фаолиятининг ўзи алоҳида бир саҳифани ташкил этади. „*Шайтоннинг тангрига исёни*” (А.Фитрат) саҳна асари, „*Чаён йили*” (У. Назаров) романи, „*Кафансиз кўмилганлар*” (Шукрулло) хотира -

ва Э. Вохидов, А.Орипов, Б.Рўзимухуммад шеърлари унинг қаламида тилига маҳорат билан ўтирилган. Бу асарларнинг немислар ўлкасида, наърий назарда чоп этилгани қувонарли ҳол, аммо таржималар ўзбек тилига мунаққидлари томонидан таҳлил объектига тортилмагани эътиборли. Уларга муносабат билдирмаганимиздан, немис ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда хижолатдамиз. Бугун бу асарлар ўз тадқиқини кутмоқда.

Унинг Германиядаги ўзигача бўлган ориенталист ва туркологлар *Й. Бенцинг, А. Габайн, А. Шиммель, Д. Шульц, Б. К. Ҳайнкеле, З. Клайнмицеллар*нинг ишлаш усулларидан фарқли томони шундаки, у адабиёт тарихи тилининг маълум бир даври ёки маълум бир қисми билан эмас, балки бу соҳада образли қилиб айтганда, илмнинг нурли уфқлари сариқулочини кенг ёйиб изланаётган маҳсулдор олима.

И. Балдауфнинг илм йўлларидаги заҳматларини тўксон икки йил умр кўриб, тўрт юздан ортиқ тадқиқотлар яратган, „*буюк немис турколог* *Марям она*“ деб, Ғарбу Шарк илм аҳли тан олган *А. фон Габайнга* қиёслаш мумкин. Зеро, илмий манбаларда кўрсатилишича, *А. фон Габайн* вафотидан сўнг унинг био-библиографиясини тузишга ўнга яқин шогирди банд бўлган экан.

Немис олимаси тадқиқотларида, беш юз, минг йил илгариги манба ёки факт бўладими, уни излаб топиш мушкулликларига қарамасдан, имкон қадар илк манбаларга суянади. Факт ва манбалар аниқ кўрсатилади. Бу унинг нафақат ҳақиқий илмга фидойи олималигидан дарак беради, балки бугунги илм оламига эндигина кириб келаётган ёш олимларга ибрат бўладиган томони ҳамдир.

Олиманинг илмдаги ҳолиселигига проф. О.Шарофиддиновдан ошириб бир нима дейиш қийин. „*У Мунаввар Қори тўғрисида гапирадими, Авлонийдан баҳс юринадими, Бехбудийни тилга оладими, уларнинг шахсиятига, қолдирган асарларига, миллат манфаатлари йўлида кўрсатган жасоратлари ва фидокорликларига нисбатан теран бир ҳурмат билан гапирарди. Бу ҳурмат замирида шу буюк сиймоларни берган халққа, унинг*

маданиятига, иқтидорига муҳаббат жўши урейтганини сезмаслик мумкин эмас эди [10, 3-4]” деган эдилар устоз.

И.Балдауфнинг изланиш уфклари жуда кенг, илмий-ижодий фаолияти серкирра. Олима фаолиятини кузатиш шуни кўрсатадики, унда адабиёт, маданият ва тил муаммоларини бадиият масалаларидан кўра, мухит, тарих, ижтимоий - сиёсий шарт - шароитлар билан боғлаб ёритишга мойиллик кучли. Унинг ижод лабораториясида *„Халқ оғзаки ижоди, Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракати, қатагон қилинган жадидлар, Эрон маданияти, Марказий Осиёни маданий советлаштириш, Маърифатпарварлик даври ўзбек адабиёти, ўзбек тили тараққиётида татарчанинг роли, Усмонли турк адабиёти, қадимшунослик, мусулмонлар дунёсидаги ислоҳотчилик ва модернизм, Шимолий Афғонистонда зиёратчилик, толибонлар даврида Афғонистон ўзбеклари, янгиланиш жараёнида тилга алоқадор ижтимоий муаммолар, таржималар, адабий -маданий алоқалар, типология, ижодий таъсирланиш масалалари, қадимги битикларнинг изоҳли лугати – глоссарийлар*[6, 15-18] гача учратиш мумкин. Булар олима ҳаётининг мазмунидир.

Унинг ташкилотчилик қобилиятини айтмасликнинг иложиси йўқ. Кези келганда, Фарбий Европанинг коқ марказида туриб, З. Клайнмихель билан биргаликда Германия - Ўзбекистон маданияти кунларида (1995) адабиёт шўъбасига, Навоий, Чўлпон каби классикларимизга бағишланган илмий - назарий конференцияларга бош - кош бўлганини эслаймиз. У1986 йил Тошкентда РІАС (Туркологларнинг Олтойшунослик анжумани) да ҳам катнашган. 1987 йилда Германияда ўтказилган Ҳалқаро доирадаги биринчи туркологлар конференциясининг фаол иштирокчиси.

Тиниб тинчимас бу олимани бир қарасангиз *Ўзбекистонда*, бир қарасангиз *Афғонистон*, *Тожикистонда* ёки *Евросиё мамлакатларида* халқаро доирадаги анжуманларда катнашаётганидан хабар топасиз. У расмиятчиликни, маъмурият қабулларида бўлишни хуш кўрмайди, оддий халқ ичига киради, жонли маиший ҳаётни кузатади, маҳаллий халқни тинглаб, улар билан мулоқот қилади.

Дарвоке, И. Балдауф Германиядаги ягона туркийшунос олима эмас. Эслаб ўтганимиздек, бундан 300 - 400 йиллар мукаддам ҳам у ерда туркологлар бўлган, бугун ҳам мавжуд, худо хоҳласа эртага ҳам бўлади. Чунки, Германияда туркийшунослик фанининг уфқлари кенг. Бирок улар орасида немис туркийшунослигининг навкирон вакиласи **И. Балдауфдек** бутун вужуди билан ўзбек воқелиги ичига сингиб кетиб, халқимизга, кадрятларимизга меҳрини бериб, худди ўзбекнинг ўзидек ўзбек тилида қарсиллатиб гапирадиганлари кам.

Хуллас, ўзига ўта талабчан бу камтарин олиманинг ўзбеклар, ўзбек тили ва адабиёти билан алоқадор юзлаб илмий-назарий мақолалари, ўнлаб монографиялари, нашрга тайёр қўлёзмалари мавжуд. *Ингеборгхоним* Австрияда тугилиб, Венада Ислом илмларини ўрганиб, Германияда яшаб, **В. Б. Кауп, Й. Бенцинг, А. фон Габайн, К. Х. Менгессингари** салафлари анъанасини давом қилдираётган экан, уни ўз мақсади, йўли ва илм аҳлига айтар ўз сўзига эга, бахтли туркийшунос олима дейишга ҳақлимиз.

Ҳа, ИнгеборгБалдауф ана шундай фазилатларга бой, илм фидойиси. Назаримизда, ўнлаб Фарб ва Шарқ тилларини биладиган ва шу тилларда бемалол илмий фикрлай оладиган олимага бу сифатлар камлик қилади. У том маънодаги феномен.

У *Кунигунди, Лилия, Люция* исмли мунчокдай учта кизни тарбиялаб вояга етказиб, катта йўлга чиқарган меҳрибон она, турмуш ўртоғи жаноб *Герҳард*нинг суюкли рафикасидек бахтга мушарраф бўлган бағри бутун ажойиб аёл.

Олисадаги яқин дўстимизни қўтлуг ёши билан муборакбод этиб, унга яна бир олтмиш йиллик умрни (60) истаган ҳолда, *Гурўгли* ёшини тилаб қоламиз.

Адабиётлар:

1. *Baymirsa Hayit. Turkestan im Herzen Euroasiens. Studienverlag. Köln. 1. Auflage. 1980. (немисча таржима шу рисоладан олинди.)*

2. Guliston. 2006. № 6.10-13 betlar (Ingeborg Baldauf. „Tevfik Fikret und Cülpon“. Ровияжон Абдуллаева таржимаси.)
3. Forschungsforum.Berichte aus der Otto-Friedrich-Universität Bamberg.Heft 2.1990.
4. Germano-Turcica. Zur Geschichte des türkisch-Lernens in den deutschsprachigen Ländern. Bamberg. 1987.
5. Germano - Turcica. Zur Geschichte des Türkisch - Lernens in den deutschsprachigen Ländern. Ausstellung des Lehrstuhls für Türkische Sprache, Geschichte und Kultur der Universität Bamberg in Zusammenarbeit mit der Universitätsbibliothek Bamberg. Bamberg.1987.
6. I.Baldauf. Missionshilfe oder Kuriositätensammlung? Das komanisch-deutsche Glossar im Codex Cumanicus (14. Jh.) Sieh: Germano-Turcica. Zur Geschichte des türkisch-Lernens in den deutschsprachigen Ländern. Bamberg. 1987.
7. Ingeborg Baldauf. „Materialien zum Volkslied der Özbeken Afghanistans“. Verlag Andreas Gehling. 1989.
8. Jakob Taube. Ich habe mein Selbst vergessen. Literaturverlag. Leipzig. 2013.
9. Абдуллаева Р., Фарбий Берлинда туркона хонадон. ЎзАС.1995. август.
10. Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизилср. Маънавият. Тошкент. 2001.
11. Кононов А.Н., История изучения турецких языков в России. Издание второе. Ленинград. Наука. 1982.
12. Кононов А.Н. Очерк изучения турецкого языка. Ленинград. Наука. 1976.

Gulnoza Odilova
ToshDO‘TAU Tarjima nazariyasi va amaliyoti
kafedrasi mudiri,
filologiya fanlari nomzodi

BADIIY TARJIMA: XORIJLIK KITOBXON TALABI, MAVZULARNI SARALASH, MUALLIFLARNI TANLASH

Badiiy tarjimaga kirishishdan oldin munosib adabiyotni tanlash masalasi ham tarjimon oldidagi bosh qotirishni talab qiladigan muhim masalalardan biri hisoblanadi. Agar tarjima buyurtma asosida amalga oshirilsa, tarjimon ish bajaruvchi sanaladi. Biroq badiiy asarlarni ba’zan tarjimonlar o’z xohishi va ixtiyori bilan tarjima qilishga kirishadilar. Ana shunday tashabbus va milliy g’urur, o’z ona tilida yozilgan badiiy asarni xorijiy tillarga tarjima qilish va targ’ib qilish istagi yuragida jo’sh urgan yosh tarjimonlar to’qnashadigan muammo-nimani tarjima qilish masalasidir.

Tarjima orqaligina xalq adabiyotining badiiy kamoloti, yozuvchi va shoirlar dodi xorijliklar e'tirofiga sazovor bo'lishi mumkin. Badiiy asar tarjimoni avvalo adabiyotshunos kabi matnni tahlil eta olmog'i lozim. Badiiy tarjima bilan shug'ullanuvchi tarjimon adabiyot nazariyasi, qiyosiy adabiyotshunoslik, lingvokulturologiya kabi fundamental fanlardan xabardor bo'lmasa, nimani tarjima qilish-u, kimni tarjima qilish masalasida chalkashliklar yuzaga kelaveradi.

Tarjimon xorijlik kitobxon talabini o'rgansa, qanday mavzulardagi asarlar ularning e'tiborini tortishiga guvoh bo'ladi. Masalan, so'nggi yillarda o'tkazilgan ijtimoiy so'rovnomalar natijasida, Buyuk Britaniyalik kitobxonlarni asosan bolalar adabiyoti, fantastika, qo'rqinchili asarlar, mistika, melodramma, ilmiy-badiiy, qisqa badiiy, triller, 15 yoshdan 20 yoshgacha bo'lganlar uchun mo'ljallangan kitoblar qiziqtirishi ma'lum bo'ldi. Biz o'zbek adabiyotini o'zimiz uchun emas, balki xorijlik kitobxonlar o'qib bahramand bo'lishi uchun tarjima qilmoqchimiz. Biroq, ming afsuski bugungi kunda xorijlik kitobxon uchun tushunarsiz "tilda", badiiyligi past, tili g'aliz, va eng asosiysi tanlangan mavzu jihatdan xorijlik o'quvchi diqqatini tortmaydigan tarjimalar shunchaki ko'rgazma uchun yoxud olqishbozlik uchun amalga oshirilmoqda. Davlatimiz tomonidan badiiy tarjimoni kuchaytirish borasida muayyan ishlar qilinishi kerakligi aytilganda, bunday ko'zbo'yamachiliklar nazarda tutilmagan. Qilgan tarjimalarimizni o'zimiz o'qiymizmi? Mashaqqat evaziga qilingan tarjima faqat o'zimizning kito'b rastalarimizdan nariga o'tmasa, xorijlik kitobxon uchun tushunarsiz tilda va qiziq bo'lmagan mavzularda bo'lsa, asosiy maqsad – milliy adabiyotimizni dunyoga tanita olamizmi? Xorijlik kitobxon talabini o'rganib, jahon kitob bozoriga qachon milliy adabiyotimiz mahsullari bo'lgan kitoblarimizni olib kiramiz?

Shunday ekan, xorijlik kitobxon talabini o'rganib chiqish tarjimonning ishni boshlashdagi ilk qadami hisoblanadi. Mavzular tanlangach, mualliflar saralanadi. Buning uchun yosh tarjimonda o'zbek adabiyoti haqida kengqamrovli tushuncha bo'lishi kerak. Ya'ni qaysi yozuvchi qanday yo'nalishda ijod qiladi, kimning qaysi mavzuda yozgan asarini badiiyligi yuqori-yu, qaysi asarining saviyasi biroz bo'shroq.

Chet ellik kitobxon uchun ko‘proq umuminsoniy g‘oyalar (do‘stlik, hayvonot olami, muhabbat, tabiat hodisalari va hkz mavzuidagi)tarannum etilgan mavzular qiziqish uyg‘otadi. Tarjimon o‘z xohishi bilan ona tilidan badiiy tarjima qilmoqchi bo‘lsa, avvalo mahsulot, ya’ni tarjimaning xaridorlari – chet ellik kitobxon ehtiyojini ham nazardan qochirmasligi lozim. She’riy tarjimada ham eng avval mavzu tanlanishi maqsadga muvofiqdir. Dastavval qanday she’rlarni chet tiliga tarjima qilish kerak degan savolga javob topish kerak. Millatimizgagina xos bo‘lgan odob-axloq, pand-nasihat ruhidagi she’rlarda shoir kuyunib, urg‘u qaratgan muammo xorijliklar nazdida normal hodisa sanalishi mumkin. Zero, xorijlik kitobxon she’r deganda lirik kechinmalarga yo‘g‘irilgan ijod namunalari tushunadi. Badiiy tarjima uchun tanlab olinadigan asarda xorijliklar uchun notanish bo‘lgan milliy xususiyatga ega urf-odatlar bilan bog‘liq tushunchalar mavjud bo‘lsa, ularga izohlar ilova qilinishi maqsadga muvofiqdir. 2013-yil Amerikaning “Author-house” nashriyotida chop etilgan o‘zbek hikoyalari tarjimalaridan iborat to‘plam muallifi Mahmuda Saydumarova shunday yo‘l tutgan. Mazkur to‘plam uchun tarjimon eng sara o‘zbek hikoyalari tanlagan. Tarjimon kitob muqaddimasida har bir hikoyani ingliz tilida sharhlaydi. Masalan, G‘afur G‘ulomning “Mening o‘g‘rigina bolam” hikoyasining qisqacha mazmunini sharhlar ekan, hikoyada tasvirlangan voqelik 1917-yilning oqshomlarida sodir bo‘lgan realizmligini ta’kidlaydi. O‘g‘rining aslida o‘g‘ri emas sharoit majbur etgan kishi ekanligi ingliz tilida chiroyli tushuntirib berilgan. Milliy mentalitetimiz tasvirlangan qaynona-kelin munosabatlarini yoritadigan Said Ahmadning “Kelinlar qo‘zg‘oloni” hikoyasini chet elliklar uchun aynan shunday sharhlanganligi ma’qul. Jumladan, tarjimon bu hikoya haqida ingliz tilida shunday deydi: *“Bu hikoya o‘zbek urf-odatlari va an‘analarining portreti bo‘ladigan hikoyadir. Zero, o‘zbek jamiyatida qaynona va kelin munosabatlari mavjud. Bu hikoyaga asoslangan sahna asari teartlarda bir necha yillar davomida namoyish etilgan”*[1].

Bugungi kun tarjimachiligi talabi – asliyatdan xorijiy tillarga tarjimani kuchaytirish masalasidir. Ona tilidan xorijiy tilga tarjima ishini boshlashdan avval, badiiy asarni ona tilidan qaysi chet tiliga tarjima qilgan ma’qul degan degan

ustida bosh qotirish kerak. Buning uchun kitob mutolaasi bo'yicha dunyoning davlatlari yetakchi o'rinlarida turishini va qanday mavzulardagi adabiyotlar o'qilishini yillik tahlil qilib boruvchi statistik tahlildan o'tkazib boruvchi boshqaruv instituti IPA ning yillik hisobotlarini ko'rib chiqish maqsadga muvofiq bo'ladi:

Readers round the world

Worldwide Book Report 2014

Worldwide Book Report 2014



What's Reading Now?



2014-yilda olingan ma'lumotlarga ko'ra dunyoning rivojlangan davlatlari Angliya va AQSHda kishilarning 68% kitob mutolaasiga bo'sh vaqtlarini sarflar ekanlar. Yuqoridagi jadvaldan ko'rinib turibdiki, eng ko'p kitob o'qiladigan davlat – Hindiston, eng past ko'rsatkich Koreya hisoblanar ekan. Adabiy janrlar bo'yicha esa eng ko'p fantastika 32%, tarixiy qissa 29%, detektiv janrlar 26% o'qilishi aniqlangan. Xorijlik kitobxonlarning 30% rus klassikasini, 24% jahon klassik adabiyoti namunalari o'qishi ma'lum bo'ldi. So'nggi yillarda xorijlik kitobxonlar orasida sevib o'qilayotgan janrlar esa – bolalar adabiyoti (Children's), fantastika(Fantasy), qo'rqinchli janr (Horror), mistika (Mystery), romanslar, ya'ni muhabbat mavzusidagi asarlar (Romance), ilmiy-badiiy (Science Fiction), qisqa hikoyalar, romanlar, qissalar (Short Fiction) qo'rqinchli asarlar (Thriller) psixologik triller (Suspense), Amerika mustamlakasidan keyingi tarixiy davr haqidagi asarlar (Westerns Young Adult) kabilar ekanligi ma'lum bo'ldi[2]. Bu talab tez-tez o'zgarib, yangilanib boradi.

So'nggi statistik ma'lumotlar bilan esa internet tarmog'idagi Yevroitiffoqqa tegishli rasmiy jamoatchilik birlashmalarining yillik hisobotlari orqali tanishish mumkin. Yuqoridagi jadvalni ko'zdan kechirar ekanmiz, Hindiston, Tailand, Xitoy, Fillipin, Misr, Chexiya Respublikasi, Rossiya, Shveysariya kabi asosiy tili ingliz tili bo'lmagan mamlakatlar kitob mutolaasi bo'yicha yuqori o'rinlarda turibdi. Shunday ekan, mutaxassisligi ingliz tili bo'lgan tarjimon bu davlatlarda o'z ona tilida yozilgan badiiy asarlarni tarjima qila oladimi? Albatta, "ha" deb javob berish mumkin. Sababi ingliz tilining mavqei jahonda yuqori o'ringa turadi. Biroq, tarjima uchun ingliz tilining qaysi darajasini tanlagan ma'qul? Sababi yuqorida kuzatganimizdek, ingliz tiliga tarjima qilingan milliy adabiyotimizni aslyat tili vakillari emas, balki boshqa xalqlar ko'plab mutolaa qilishi mumkin.

Britaniya fanlar akademiyasi professori Devid Kristalning ta'kidlashicha, dunyo bo'yicha uch ingliz tili vakili bo'lmagan (none native speaker) kishiga, bir ingliz tili vakili (native speaker) to'g'ri kelar ekan. Demak, dunyo bo'yicha ingliz tilida so'zlovchi shu til vakili bo'lmagan kishilar soni haqiqiy ingliz tili vakillariga qaraganda uch barobar ko'proqni tashkil etadi. Ingliz tili vakili bo'lmagan inglizabonlarning ko'pchiligi aynan o'rtacha (intermediate) ingliz tilidagi kitoblarni mutolaa qiladilar. Shunday ekan, keng omma hukmiga havola etishni ixtiyor etsak, tarjimalarni aynan shu darajaga moslab amalga oshirish kerak bo'ladi. Undan ortig'i (advanced English)ga yaqin o'n yillikda tajriba va malaka kamlik qiladi.

Tarjima tili, til darajasi va xorijiy kitobxon sevib o'qiydigan janrlar aniqlashtirib olingach, "kimlarning asarlarini tarjima qilish kerak?" degan savol ustida bosh qotirishga to'g'ri keladi. Bu o'rinda tarjimon tajribali adabiyotshunos sifatida fikrlay olmasligi mumkin. Chunki, asarlardagi originallik va badiiy saviyaga baho beradigan mutaxassis adabiy jarayonlardan yaxshi xabardor kuzatuvchi va adabiyotshunos hamdir. Bu borada tarjimonning tajribasi kamlik qilsa, malakali adabiyotshunoslardan ko'mak so'rashi yoki so'nggi yillarda adabiyotshunoslikka oid tahlillar olib borayotgan olimlarning ilmiy ishlari bilan tanishib chiqishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Masalan, taniqli yozuvchi va adabiyotshunos olim Ulug'bek Hamdam o'zbek adabiyoti namoyondalarini quyidagicha tavsiflaydi:

“Said Ahmad, Pirimqul Qodirov, Asqad Muxtor, Odil Yoqubov, Shukur Xolmirzaev, Ahmad A’zam kabi marhum, Erkin A’zam, Xurshid Do’stmuhammad, Normurod Norqobilov singari bugun badiiy salohiyati ayni qaymoq bog’lagan olamish va yetmishning nari-berisidagi zabardast adiblar bilan bir qatorda Shoyim Bo’taev, Nazar Eshonqul, Salomat Vafo, Nabi Jaloliddin, Sobir O’nar, Isajon Sulton, Luqmon Bo’rixon, Zulfiya Qurolboy, Qo’chqor Norqobil, Ismoil Shomurod kabi ellikni qoralagan, yana yigirmadan endi xatlab o’tgan mustaqillik tengdoshlaridan hisoblanmish Muyassar Tilavova, Bibi Robiya, bulardan sal kattaroq Nurilla Chori, Jasur Kengboev kabi o’nlab nosirlarni ko’z oldimga keltirar ekanman, bugun birato’la to’rt adabiy avlodning dunyoqarashi, kayfiyati va badiiy tafakkuri mahsuli bo’lmish nasr bilan tanishish imkoni borligini mamnuniyat bilan qayd etgim keladi. Yana bir gap shuki, har bir yozuvchining o’z dunyoqarashi, olamni badiiy-estetik qabul qilish va uni o’quvchiga taqdim etishda o’z individual yondashishi bor. Bu narsa mumtoz adabiyotimizdan boshlab bo’y ko’rsatib keladi. Chunonchi, Navoiy, Bobur, Mashrab va Ogahiy ijodida shaklan o’xshash nuqtalar ko’p bo’lgani bilan mazmunan ularning har biri olamni o’zgacha, o’zicha ko’radi. Dunyoqarashdagi bunday o’zgachalik XX asrga kelganda ijodkorning u yoki bu janrga ko’proq murojaat qilishgacha olib keldi. O’zgarib borayotgan olamni tushunib-tushuntirib berish uchun Qodiriy, Cho’lpon, Oybek va Qahhor salobatli roman janriga qo’l urishdi. Qodiriy tarixiy, Cho’lpon va Qahhor zamonaviy, Oybek, Odil Yoqubov, Pirimqul Qodirov ham tarixiy, ham zamonaviy mavzularda ijod qilishdi. Beriroqqa kelib, O’tkir Hoshimov, Murod Muhammad Do’st roman, Shukur Xolmirzaev, O’lmas Umarbekov, Olim Otaxonlar hikoya, Tohir Malik esa dedektiv qissa janrida muvaffaqiyatga erishdi. XX asr adog’ida olam yana azim evrilishlarga yuz tutdi. Adabiyot uni aks ettirmoqqa bel bog’ladi. Zamonaviy o’zbek nasri ushbu katta ishni kichik janrdan, ya’ni hikoyadan boshladi. U ramz yo’lini tanladi. Xurshid Do’stmuhammad, Nazar Eshonqul, Rahmijon Rahmat, Isajon Sulton kabi qator yozuvchilarning hikoyalari ana shunday hikoyalar bo’lib dunyoga keldi. Bularning hammasi adabiyotimiz manzarasini g’oyat rang-baranglikka olib keldi”[3]. Shu kabi bir necha tahliliy materiallar orqali ham nomi zikr etilgan yozuvchilarning asarlarini

jamlash, o'qib tanishib chiqish va tarjima loyihalari uchun ma'lumotlar bankini shakllantirib olish mumkin. Bunday ma'lumotlar banki albatta bitta adabiyotshunos olimning maqolasi yoki monografiyasiga asoslanib yaratilmaydi. Shu o'rinda tarjimon so'nggi yillarda badiiy tahlil bilan shug'ullanib, adabiyotshunoslikka oid tadqiqotlar bilan shug'ullanib kelayotgan olimlardan Qozoqboym Yo'ldoshev, Erkin A'zam, Bahodir Karimov, Ulug'bek Hamdam, Nurboy Jabborov, Uzoq Jo'raqulov; muharrirlardan Ahmad Otaboyev, Mahmud Sa'diy kabilarning maqola, risola va monografik tadqiqotlari bilan tanishib chiqsa, foydadan xoli bo'lmasdi.

Xulosa o'rinda quyidagilarni keltirib o'tamiz:

1. Zamonaviy tarjimon qanday mavzudagini asarlarni tarjima qilishni;
2. Qaysi yozuvchilarning asarlarini tarjima qilishni;
3. Tarjima tili auditoriyasi masalasini o'ylab ko'rishi kerak.

Adabiyotlar:

1. M. Saydumarova. *A Collection of Uzbek Short Stories. USA: Author-house. 2013.*
2. www.ipa.world.report/readers
3. *Хамдамов Улугбек. Рухни уйғотувчи сўз. Т.: Турон замин зиё, 2017.*

*Elmira Muratova,
Ph.D. Associate Professor,
UzGUWL*

ON TRAINING OF TRANSLATORS/INTERPRETERS FOR CROSS-CULTURAL COMMUNICATION

In his textbook *The Theory of Translation*, N.K. Garbowski quoted Valerie Larbo, who, in my opinion, very accurately conveys the essence of the professional translator: *"In a true translator, the most precious and rare human qualities are invariably combined: self-denial and patience, even charity, scrupulous honesty and intelligence, extensive knowledge, rich and agile memory. And if any of these virtues and qualities may be lacking even in the best minds, then they are never endowed with mediation."*

The main task of upbringing translators is to train qualified specialists of a sufficiently high level, able to perform translations both written and oral at the professional level. Thus, an important part of the training is aimed at development of professional translation/interpretation skills and skills that help mastering the

elements of the translation strategy and technology, accumulating experience in translating texts of varying degrees of complexity. This work is based on the concept of professional competence of an interpreter, determining the scope and nature of knowledge, skills and abilities that he/she must have and the content of the relevant qualification characteristics, which enable him/her to play a key role in cross-cultural communication. The trainees should clearly understand the nature and purpose of the translation, the extent to which the translation should be approached by the translator, and the degree of content and formal affinity of the two multilingual texts is theoretically possible and practically achievable and accessible.

The above may arouse a very simple question: “*What should a translator/interpreter know?*” The answer to this question also seems very simple: a translator/interpreter must perfectly know both languages – the language of the original and the language of the translation, and have the ability to freely move from one language to another, i.e. to have some kind of *a switch* in the head which helps easily manipulate with languages in translation. It refers both to oral and written translation.

So it is obvious that the profession of an interpreter/translator requires (if he/she really wants to become a qualified and experienced specialist) and will always require a systematic, independent work, continuous and persistent improvement of his/her knowledge, skills and habits in order to be acknowledged as a crucial element in cross-cultural environment. Moreover, the initial period of training at the higher educational institution is of special significance, where the future translator/interpreter can choose the right direction of self-education with the help of an experienced teacher. In this regard, the issue of training teachers of translation, able to transfer their knowledge and experience to future translators, is extremely relevant. It is important to emphasize that the profession of a translation teacher actually combines the specialties of a translator/interpreter and a teacher, and requires not only extensive cross-cultural competence and knowledge in different fields but also have cross-cultural communication skills and cross-cultural sensitivity.

Since the professional activity of a translation teacher requires knowledge of translation work "from within" (from inside), special attention should be paid to the structure and content of translation subjects (translation of fiction, scientific-technical translation, translation of official documents, translation of business letters, translation of mass-media, and etc.). It is also important that the training of translators is an important social task that meets today's needs of society. It should also be noted that at present the professional translator/interpreter is not an auxiliary one, but one of the central figures of international communication and mutual understanding. So, in order to teach, it is necessary, first of all, to be a "linguistic person" and have a professional translation competence. The translation teacher should build his/her educational activity with the knowledge that the professional activity of an interpreter/translator involves performing a variety of activities that ensure the variety of inter-lingual communication. Often, the translator/interpreter has to deal with various types of linguistic mediation and "near-translational" activities: abstracting, annotating, drafting reviews, minutes of talks, preparing official documentation, etc.

Therefore, the person, who has his/her own translation experience, the appropriate professional competence, is familiar with the nature of translation activities, can be a translation teacher. Moreover, teachers-translators, teaching different disciplines of translation should be aware themselves and know how to convey the message to students on unexpected difficulties and working conditions future translators might face. In addition, his/her knowledge of a foreign language should be significantly higher than that of future translators. Teaching translation always involves a broad general educational erudition in the field of regional/country studies, history, and literature. As a translator/interpreter, the teacher should supplement his/her knowledge in special fields, to ensure understanding and translation of texts on medicine, economics, law, agriculture, industry, imagery, science, etc. It should be noted that the main difference between a teacher-translator and just an interpreter/translator is that he/she must translate not only professionally, but also be able to explain the general principles, methods and techniques of

translation, to formulate and explain the nature of translation problems, and to show possible solutions to them.

The teacher's ability to analyze interpreters' errors is a special section of translation criticism, which the translation teacher should pay special attention to. Such an analysis not only makes it possible once again to convince oneself that ignorance, illiteracy and mediocrity are incompatible with translation activity, but in some cases it is capable of revealing certain aspects of legitimate interpreter interference.

So, there comes a question on who might have a potential to become a translator/interpreter.

The first important thing is the level of language training for students who want to become translators. When selecting students, it is necessary to undertake a verbal conversation with them, and not just a written test, otherwise one cannot correctly assess not only the degree of their language training, the level of general outlook, but also professional appropriateness in general. It's like enrolling future singers and musicians to music conservatory without listening to their musical abilities, instead, just getting written assurances about the ability to sing or play on any instrument.

The second key issue for a translation faculty is the proper selection of special subjects (both linguistic, and those that are directly related to the training of translators/interpreters, among which, even the psychology of the translator/interpreter's behavior is crucial). And finally, the availability of qualified teachers, preferably those who themselves were in the "shoes" of translators/interpreters.

The dynamics of the economic development of the society, the establishment of direct political, economic, scientific and cultural contacts between independent Uzbekistan and foreign countries arouse high demands on the quality of translation, and require the study of the methods of translation used in the transmission of the content of various texts. The role of any language in the translation is the same as that which it always plays in the life of society, it acts as the most important means of

human communication, reflects any changes in the political and economic life of society and forms one of the incredible parts of human behavior.

Science and technology, being fundamental components of development, transform the rules of production, contributing to the creation, as well as the formation of an educated society. Technological change can create new opportunities in all areas of activity. Cooperation at the national and international levels is being expanded; the use of information and communication technologies is becoming the norm in order to improve the global exchange of information, as well as research, experience, technical and production achievements in the context of international cooperation. In connection with this, scientific and technical translation becomes more and more important in the system of scientific and technical information. Translation of scientific and technical literature is a complex and multifaceted phenomenon that plays an important role in the process of inter-language communication in the field of science and technology. It has a significant impact on the level of scientific and technological achievements of modern society. The complex of problems arising in connection with the scientific and technical translation and activities in this field requires comprehensive reflection not only for the development of its theoretical, methodological and organizational problems, but also for the successful development and improvement of the translation practice.

One of the characteristic features of the scientific and technical literature is its complexity, the saturation of special terminology and the great importance of the transmitted information for this or that sphere of scientific or technical activity. The importance of the goals and objectives of scientific and technical communication, in turn, requires the clarity of the construction of scientific and technical texts, the observance of certain rules in their construction to optimize the process of communication and information transfer. Subordinate to the general norms of modern literary language, the style of scientific and technical texts has some features that must be observed in translation, namely the brevity of the presentation of the material and the clarity of the wording. For example, the headings of Anglo-American technical articles present certain difficulties for translation. The abbreviations used,

omitted auxiliary verbs, unions and articles often complicate the work of a translator/interpreter. Knowledge of the abbreviations is necessary not only for their correct decoding, but also for their skilful use in their own translation. It should always be borne in mind that the abbreviations adopted are official, generally accepted and standard and, therefore, are not subject to any arbitrary changes and substitutions. Some concepts do not have an analogue in the target language; they require the translator to have a very clear knowledge of the new terminology and the ability to accurately transfer it to the target language. In addition to terminology, technical texts are characterized by a wide use of special technical phraseology, and the grammatical structure of sentences in them has a number of features that distinguish it from the structure of sentences in the language of fiction.

As the boundaries of human knowledge expand, there is a growing need for new definitions of concepts, both in the developed and new fields of science and technology, and, accordingly, the vocabulary expands, and the expansion is mainly due to new terms. A new generation of translators, who specialize in direct translation from English into Uzbek and vice versa (and not through Russian), still have to contribute to the creation of technical Anglo-Uzbek/Uzbek-English dictionaries covering various fields of science and technology. The study of problems of translation and "translatability" was in the center of attention of well-known linguists and translation theorists. Translation, as a rule, should act as exhaustive information, as the transfer of the semantic contents of the original and a full functional-stylistic correspondence to it.

It should be noted that a lot of specialists working in various political, economic, scientific, social and other structures strive to master a foreign language for free communication with their foreign colleagues and for independent acquaintance with various materials in a foreign language. Communicative nature of the professional activities of many specialties largely determines the set of knowledge that future specialists should assimilate. The trainees must know precisely the task assigned to them, for what purpose the given transfer is made. The pragmatic aspect of translation is very important, the result of translation depends on this – whether the

translator will strive for maximum equivalence or he/she will make changes to the text of the translation taking into account the stated goal.

Socio-political, economic and legal literature, in this sense, is of particular complexity, since from the epoch to the epoch, from the one state system to another, the lexical and stylistic aspects of these styles also change. Against the backdrop of political and economic events, new concepts, new terms are constantly being added to the language, the approach to the interpretation of seemingly well-established layers in socio-political, economic and legal texts is changing. Given the above, we should admit that socio-political and legal texts are of special difficulty for translation by the fact that they are replete with special terms, especially legal documents. Thus, I should repeat, that the study of special terminology in the process of the formation of highly qualified specialists is extremely important. This issue has its significance in terms of studying vocabulary in foreign language classes, as its study is aimed at building the skills of mastering the language of the specialty and using professional terminology in activities in the chosen specialty. Obeying the norms of the modern literary language, political and especially legal texts, nevertheless, have some peculiarities – the accuracy, clarity, concreteness, completeness and objectivity of the statement, conciseness of formulations is important. Translators/interpreters should remember the mismatch of legal systems of different countries and, accordingly, the mismatch of terminology systems, when the same words can express completely different concepts in two languages. Therefore, it should be remembered that a simplified approach to translation without taking into account the cultural peculiarities of a foreign language text, ignoring the specifics of traditional phrases in a foreign language can lead to all kinds of inaccuracies and even obvious mistakes in translation. To correctly translate a particular term, especially if it is a neologism term, it is important to know its origin, morphological structure and etc.

And yet, the problem how to translate terms remains. If there is no dictionary equivalent, then there are several solutions that can be used. The first one of all is paraphrasing, when the concepts of the original are unfamiliar to the native speakers of the translation language. Another method of translation is the selection of

functional equivalents. This, of course, is difficult when the legal systems of the two languages do not coincide. And the third method is a verbatim (word-for-word) translation, using which one must have a good command of the vocabulary, grammar, and stylistics of the two languages. So, everything can be translated, but much depends on the skills of translators. If they are professionals in their field, they will get as close to the source as possible in meaning, form and content, and most importantly they will observe the norms of their native language.

References:

1. *Garbovskiy N. K. Theory of translation. – Moscow: MSU, Publishing house, 2004.*
2. *Solodub U.P., Albrecht F.B., Kuznetsov A.U. Theory and Practice of Translation of Fiction. – Moscow: "Academy", 2005.*
3. *Pronina R.F. A handbook on the translation of English scientific and technical literature. – Moscow: Higher School, 1965.*

*Nozliya Normurodova,
PHD, TSUULL*

STYLISTIC PROBLEMS OF TRANSLATION: IMPLICITNESS OF LITERARY TEXTS, RENDERING STYLISTIC DEVICES

The requirements of equivalence in the translation of emotive prose differ considerably from these in other styles where form merely serves to convey the content of the utterance and do not fulfill any expressive and aesthetic function (publicist style in all its genres being to a certain extent an exception). In these styles stylistic means and devices are merely used as their indispensable markers. But in the Belles-lettres style form and content are inseparable whole; their common goal is to affect the reader emotionally, to appeal to his feelings and to stir his imagination, to arouse his sense of values both ethical and aesthetic. The approach to the problems of equivalence is broader and more flexible in this style. Losses may be greater here but so are the possibilities of compensation because the object in view is to produce as forceful a stylistic effect as that produced by the original. While in the translation of

official, scientific and newspaper texts the losses are grammatical or lexical, in the translation of Belles-Lettres texts the losses are also stylistic affecting the expressive value of the translated text.

Emotive prose abounds in images which are created by a variety of stylistic devices. A writer's imagery is always subjective, striking and original his images bear the imprint of his individuality. The choice of stylistic devices and the system of imagery determined by the writer's design and form one interdependent whole.

When she paid the coachman she took her money out of a hard steel purse in a very jail of a bag which hung upon her arm by a heavy chain, and shut up like a bite. I had never, at that time seen a metallic lady altogether as Miss Murdstone was.

Расплачиваясь с кучером, она достала деньги из твердого металлического кошелька, а кошелек она хранила, как в тюрьме, в сумке, которая висела у нее через плечо на тяжелой цепочке и защелкивалась, будто норовя укусить. Я никогда до тех пор не видел такой металлической леди, как мисс Мердстон.

Dickens uses many stylistic devices which are built around the same image "hard steel": the translation is just as expressive and no losses have been incurred.

Sometimes in the attempt to preserve the writer's imagery at the same level of expressiveness, the translator "reshuffles" all its components as does Julia Zhukova in her excellent translation of the following extract from Faulkner's story.

They passed so, that semblance of a thrust and a hawk in terrific immobility in mid-air, this an apparition – like suddenness: a soft clatter of hooves in the sere needle and were gone, the man stooping, the woman leaning forward like a tableau of flight and pursuit on a lightning bolt.

Они появились неожиданно как духи, и так же неожиданно исчезли в мягком стуке копыт по сухим сосновым иглам, - две птицы, застывшие в быстром как ветер полете, коршун и его добыча.

These examples especially the latter prove that the conception of equivalence in the translation of emotive prose is flexible, broad and comprehensive. Equivalence in this case is functional, aimed at producing a similar effect in the TL, conveying the

same degree of tension, and of emotive colouring in conformity with the author's design. Substitutions must be qualitatively equivalent. Losses which are inevitable in translation can nearly always be compensated for by a skilful use of substitutions because the same effect can be achieved by different stylistic devices.

Prichard's questions stung him to silent bottled up fury. (J.Hilton).

The causative verb + complex object structure is peculiar to the English language and there is no corresponding structure in Russian (*stung him to fury*). The semantics of the verb "to sting" can be regarded in the Russian translation at the expense of compactness.

Вопросы Причарда так его удивили, что он едва мог сдерживать свою ярость, но промолчал.

The epithet "bottled-up" (*fury*) cannot be preserved in translation because of different collocability (*закупоренная ярость*). Hence a certain loss of imagery, but the referential meaning is rendered by the verb *одержать*.

It is clear from the preceding analysis that fundamental principles of translation are inviolate, but equivalence is not a rigid concept and varies in the rendering of texts belonging to different styles.

Stylistic devices in different languages are, in the main similar but their functioning in each language, their specific weight and the frequency of their use are widely different. This fact accounts for the necessity of stylistic transformations – substitution and compensation. By means of lexical and grammatical transformations the translator achieves an equivalent rendering of the lexical and grammatical meaning of a word or a form. The same principle is valid when rendering the stylistic meaning of the message, that is, reproducing a similar effect in the TL text, arousing a similar response on the part of the TL reader as well as called forth by the SL text. The translator, however, is often compelled to achieve the intended effect by a different device.

"... a blockbuster of a novel. Each chapter leaves the reader banging and eager for more".

Сногшибательный роман! После каждой главы читатель напряженно ждет продолжения.

The reversed epithet is translated by a Russian epithet which is equally colloquial and expressive. Although the semantic aspect is not preserved, the two epithets may be regarded as equivalents because they possess a common seme, namely “to knock down”. Sometimes the English and the Russian epithet which appear to be correlated because of their semantic likeness and because of possessing the same degree of triteness are far from being equivalents as they provoke different connotations, for example, *toothy* – *зубастый*. The former describes a physical feature, while the latter reveals a moral quality.

To the puzzlement of the man speaking to her, she broke into a wide, toothy, unprovoked grin. (C.P.Snow).

К изумлению говорившего с ней человека она неожиданно широко улыбнулась, сверкнув зубами.

The epithet is compensated by the expressiveness of the verb.

It should also be borne in mind that stylistic devices which seem to be identical may have different functional values in the S and T languages. In order to achieve a comparable effect another device should be employed. Repetition may illustrate this point. For example, the five-fold repetition of the word “stop” (*Stop! Stop! Stop! Stop! Stop!*) in Thomas Hardy’s story “Absent-mindedness in a Parish Choir” is compensated lexically by the introduction of conditional words possessing the same degree of expressiveness.

Перестаньте! Сюю минуто перестаньте! Да перестаньте же!

The emphatic effect of repetition in the following example is made up by the use of a synonymous pair and by the addition of an intensifier.

A policy of see no stagnation, hear no stagnation, speak no stagnation has had too long a run for our money.

Слишком долго мы расплачиваемся за политику полного игнорирования и замалчивания застоя в нашей экономике.

Another instance of stylistic substitution in translation is well illustrated by Chukovsky's translation of the alliterative title of Oskar Wilde's essay "Pen, Pencil and Poison" by a rhythmical arrangement of correlated words: "Кисть, перо и отравка". The same principle appears in another variant of translation: "Яд, перо и карандаш".

The preservation of original metaphors in imaginative prose is obligatory as they belong to the main features of a writer's individual style. If for some linguistic reason (different valency, different semantic structure, etc.) the original metaphor cannot be preserved, resort is taken to stylistic replacements or compensation either by substituting another image or by using another stylistic device, e.g.

And Might by limping Sway disabled. (Shakespeare Sonnet 66)

И мощь в плену у немощи беззубой. (пер. С. Маршак)

The metaphoric epithets "limping" and *беззубый* are formally not identical semantic units but as they have a common sense denoting a physical defect, stylistically they may be regarded as equivalents.

The sun would pour through the shutters, tiger-striping the table and floor...

(G. Durrell)

Солнце светило сквозь ставни и столик и пол были похожи на тигровую шкуру.

The metaphor is rendered by a simile.

An original metaphor has sometimes to be substituted for grammatical reasons, for instance, the category of gender may be a case in point.

Can't think how he married that glass of sour milk. (W. Deering).

Не могу себе представить, как он мог жениться на этой чашке кислого молока.

The rendering of metonymy is not always easy because of differences in usage.

So the pink sprigged muslin and the champagne voile ran downstairs in a hurry. (C. Dane).

The metonymies

«розовый муслин в цветочках и палевая кисея бежали по лестнице» are hardly possible in Russian. The following is an acceptable rendering:

Подруги, одна в розовом муслине с цветочками и другая в палевой кисее, быстро бежали по лестнице.

The addition of a concrete word – *подруги* – is prompted by the macro context, but the stylistic effect is certainly lost in translation. What is permissible and possible in our language is impossible in another. Still there are cases when the norms of the Russian language permit the use of original metonymies.

There were only four other people in the bar. I knew them all, or knew what they did for a living: timber, flour, textiles, insurance. Timber and Flower were standing at the counter discussing the cost of labour; Textiles at a table on the opposite side of the room was complaining about his garage bills. Insurance was listening patiently. (J. Braine).

В баре было только еще четыре человека. Я знал их всех, вернее знал, чем они занимаются: строевой лес, мука, текстиль, страхование. Строевой лес и Мука стояли у стойки, обсуждая стоимость рабочей силы; Текстиль, сидя у столика в другом конце бара, жаловался на большие счета за гараж. Страхование терпеливо его слушал.

Another example of different frequency and different specific weight of a stylistic device is presented by the transferred epithet which is a structural variant of the metaphoric epithet. Its expressive force lies in its peculiar distribution: syntactically it modifies one word whereas logically it refers to another. Thus, syntactically it stands apart from the word to which it is semantically attached. Transferred epithets both trite and original are widely used in English while in Russian they are mainly confined to poetry. Such combinations with transferred epithets as “*hasty luncheon*”, “*quick cigarette*”, “*accusing finger*”, “*indifferent shoulder*”, etc. have become clichés through their frequent use.

All in all, when the reader comes across some historical facts, geographic or proper names, quotations, allusions and proverbs, which are not familiar to him, he

miss many important points and there'll be lacunes or blanks in his understanding of the implicit meaning of literary text and can grasp in target language

Sources:

1. Азнаурова Э.С., Абдурахманова Х.И. *Translation - theory and practice*. - Т., 1989.
2. Мусаев К. *Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода*. - Т., 1980.
3. Мусаев К. *Таржима назарияси*. - Т., 2003.
4. Саломов Г. *Таржима назарияси асослари*. - Т., 1990.
5. Komissarov V.N. Korolova A.L. *A Manual of translation from English into Russian*. - М., 1990.
6. Bell R. N. *Translation and translating (Theory and practice)*. London, New York, 1995.
7. Catford J.C. *A Linguistic Theory of Translation*. London., 1965.
8. Neubert A. *Text and translation*. - Leipzig, 1985.
9. Newmark P. *Approaches to Translation*. - Oxford, 1981.

Ўрмонова Низорахон
ЎзМУ доценти, ф.ф.н.

АСЛИЯТ, ТАРЖИМА, ҚИЁСИЙ-ТЕКСТОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Гулбаданбегим каламига мансуб “Хумоюннома”нинг ятилиш тарихига назар солсак, бу тарихий-мемуар асар Бобуршоҳнинг невараси Акбаршоҳ буйруғига биноан ёзилган. З. М. Бобурнинг катта ўғли Хумоюн ҳукмронлик қилган давр тарихини ёритишга бағишланган ушбу асар форс тилида ёзилган бўлиб, аввал “Аҳволи Хумоюн подшоҳ” деб номланиб, кейинчалик “Хумоюннома” номи билан машҳур бўлиб кетади. Бу асарни бемалол гўзал бадий наср намунаси деса ҳам бўлади.

Ушбу мақолада қисқача баён қилишга уринганимиз, бизнинг кўп йиллик илмий изланишларимиз асоси бўлмиш “Хумоюннома” асарининг форсий аслияти, унинг ўзбекча таржимасининг икки нашри ҳамда французча таржимасининг қиёсий-матний таҳлилидир. Бунда гарчи асосий эътиборни тарихий-архаик лексика таржимасига қаратган бўлсак ҳам, иш жараёнида

аслият ва таржималар матни, матнлараро яқинлик ва таржима аниқлиги, матндаги маъно ва сўз, сўз ўзгаришининг маъно ўзгаришига таъсири каби масалалар устида ҳам кузатишлар олиб боришимизга тўғри келди.

Маълумки, оилада ўн учинчи фарзанд бўлиб дунёга келган Гулбаданбегим Бобуршоҳнинг фарзандлари орасида энг узок умр (80 йил) кўрган. У аввал Бобуршоҳ саройида сўнгра Ҳумоюн (1530-1556) ва Акбаршоҳ (1556-1603) саройида яшаб, ўрта аср тарихининг муайян бир давридаги мураккаб муносабатларнинг бевосита гувоҳи бўлган.

Фикримизча, Гулбаданбегим “Ҳумоюннома”ни хотиралари асосида кексайган чоғида ёзган. Шунинг учун ҳам воқеалар баёни, йилларнинг берилишида кетма-кетлик сақланмаган. Бунга мисол қилиб китобда аввал 913 йил воқеаларини, сўнгра эса 910 йил воқеаларини берилишини кўрсатишимиз мумкин. Кобулнинг олинисидан сўнг эса бирданига отаси томонидан Ҳиндистоннинг эгалланганлиги ҳақида, яъни ҳижрий 925 йил воқеалари ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифнинг бундай йўл тутушига сабаб, бизнингча, 15 йиллик воқеалар баёни отаси ёзиб қолдирган “Воқеаномادا” батафсил акс этганлигидадир. Муаллиф шуни назарда тутиб, бу даврга кенг тўхталмаган.

Гулбаданбегим “Бобурнома” асарига юқори баҳо беради. У ўз ўқувчисини муайян воқеалар бўйича “Бобурнома”га мурожаат қилишга ундар экан, баъзи воқеаларга кенг тўхталмай, уларни эслатибгина ўтади. Чунки муаллифнинг иқрорича, “Гарчи бу сўзлар подшоҳ Бобом (З.М. Бобур. –Таъкид бизники. – Ў.Н.) ҳазратларининг “воқеаномалари”да айтилган бўлса ҳам, улар табаррук тутиб, қисқача ёзилди”, дейди (Ҳн. 29).

Олимларимиз фикрича, З. М. Бобурдан сўнг Акбаршоҳ ҳукмронлигигача бўлган давр Мовороуннаҳр, Ўрта Шарқ, Кобул, Ҳиндистон тарихини ўзида акс эттирган “Ҳумоюннома” асари Ўрта аср тарих фани ривожига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган ва ўзининг кўп қирралилиги билан машҳур “Бобурнома”нинг давоми сифатида майдонга келган [1].

Бу асар илк бор 1870 йили форс тилидаги аслиятдан хинд олими Рашид Ахтар томонидан урду тилига ўгирилган (Ҳн. 26). Европада эса “Ҳумоюннома”нинг

Биринчи тўлик инглизча матни шарқшунос Анетта Бевериж томонидан амалга оширилган. Асар таржимаси форс тилида ёзилган нусхаси билан нашр эттирилган.

С. Азимжонова томонидан асл нусхадан ўзбек тилига таржима қилинган асар илк бор 1959 йили чоп этилган бўлса, кейинчалик ушбу таржима 1998 йили “Маънавият” нашриётида қайта нашр эттирилди.

П. Пифарэтти ҳамда Жан Луи Баккэ Граммон [3] (сўзбоши, шарҳ ва изоҳлар, иловалар. Таъкид бизники. –Н.Ў.) “Хумоюннома”ни француз тилига ўтириб, 1996 йили француззабон китобхонларга такдим этдилар.

Асарнинг ўзбекча таржимаси матни ҳақида тўхталсак, у аслиятда акс этган воқеалар баёнига қатъий амал қилган ҳолда, “Фирдавс макон ва жаннат ошиён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз деган ҳукм бўлган эди... (Ҳн. 29) деган сўзлар билан бошланиб, “Подшоҳ ҳазратлари мил тортгандан кейин...” (Ҳн. 103) жумласи билан тамомланади. Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома” асари Ҳиндолнинг ўлдирилиши ва Комроннинг кўр қилиниши ҳақидаги ҳикоя билан узилиб қолади. Унинг сўнгги саҳифалари ҳалигача топилмаган. “Хумоюннома”нинг охири қайси даврларни ўз ичига олганлиги ҳақида бизда аниқ маълумот йўқ. Бу ҳақда ўша давр тарихчилари ҳам бирор нарса демайди [2], деб изоҳ берилади таржималарда.

Французча таржимада ҳам асарнинг асосий матни айнан юқорида келтирилган маълумотлар билан бошланади. Мутаржим аслият Комрон Мирзонинг кўзига мил тортилганлиги акс этган сатрдан узилиб қолганлиги ҳақида изоҳ бериб, (Нп. 162) Хумоюннинг ўлимигача бўлган воқеаларни таржимада акс эттиришга ўзининг масъуллигини такидлайди. Шундай қилиб, чуқур илмий-иждодий изланиш натижаси ўларок, “Хумоюннома”нинг турли тарихий манбалар асосида тикланган французча [3] тўларок матни дунё юзини кўрди.

Таржима матни асар воқеалари баёнига мувофиқ, IX бобни ўз ичига олади ва ҳар бир боб ўзига хос номланади.

Гулбаданбегим “Бу қиссанинг бошида подшоҳ Бобом ҳазратлари (замонида бўлган) воқеалар ёзилади” деб асарни бошлар экан, француз

таржимони I бобни “Mon père, ce héros” (Babur), деб номлайди. Бу боб Гулбаданбегимнинг отаси хақида ўз хотираларига асосланиб ёзган воқеалар баёнидан иборат. Биз таржималарни аслият билан чогиштириб ўрганар эканмиз, таржимонлар томонидан эришилган ютуқ ва камчиликларни илмий таҳлил қилдик. Аслиятдан чекиниш, нотўғри таржима қилиш ҳолатларини аниқладик.

С. Азимжонова таржимаси: “Аграга келганимиздан кейин Бу шийпонда “Тўрхона” (юқори хужра) бино қилдириб, унда ўлтириб Қуръон ёзар эдилар”. Изоҳ: Бобур ўзи ихтиро қилган махсус алифбосида ёзган Қуръони хақида гап боряпти деб ўйлаймиз (Ҳн. 41).

Французчада ўқиймиз: “Après être resté trois mois à Agra Monseigneur y érigea un tur-khana, ou il avait coutume de s’asseoir pour écrire son livre”. (Нн. 40). (C’est-à-dire le Babur-Nama). Бу ўринда ўзбек таржимони Қуръон ёзган, деб тахмин қилса, француз таржимони ўз китобини ёзар эди деб, унга изоҳ сифатида “Бобурнома”нинг ёзилишини келтиради.

Мусхаф, масхаф, мисхаф–а, 1. Варақхоисаҳифабандкардашуда; китоб; мажмуа. 2. Диний. Қуръон (ФЗТ. Т.I. 762). Аслиятда бу сўз мусхаф кўринишида берилганини ҳисобга олиб, биз француз таржимонининг ўз китобини ёзар эди, деган тахминини ҳақиқатга яқинроқ деймиз.

Француз шарқшуносларининг ютуғи, улар “Хумоюннома”нинг илмий-адабий манбалигини чуқур хис қилган ҳолда илмий-матний тадқиқот билан бирга ижодий жараёни уйғунликда олиб борганлигидадир. Мутаржимларнинг илмий изланишлари асарнинг француз тилига қилинган таржималарининг таъсирчанлигини ҳамда эстетик кадр-қимматини янада оширди. Мутаржимлар Хумоюннинг шахсий, тарихий, ижтимоий-сиёсий сиймосини тиклашга ҳаракат қилдилар ва қайсидир маънода бунга эришдилар. Асарнинг французча ҳамда ўзбекча таржималари ягона аслиятга асосланган, аммо бир-биридан катта фарқ қилади. Ўзбекча таржима тили, услуги замондош ўқувчига тушунарли бўлиши учун атайлаб соддалаштирилган, французчага эса илмий тилда ўтирилган.

қўшимча хорижий тилларга таржималарига суянган ҳолда танкидий матнини
қўшимча, лугатини тузиш, шархлаш зарур.

Иш давомида таржима ва илмий тадқиқот, изоҳларнинг ўрни, изоҳлар учун
қўшилган қўшимча манбаларнинг аҳамияти, бевосита аслиятдан
қўшилган амалга оширилган таржималар сифатини очиб беришга ҳам
қўшимча афак бўлинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилсак, ноёб ёзма обидалар, уларни
таржималаринг ҳам ҳар бири алоҳида илмий тадқиқот манбаидир. Демак, бу
борада илмий изланишлар ҳали давом этаверади. Захириддин Муҳаммад Бобур
хўш ва фаолияти ҳамда у яшаган давр муаммоларини “Бобурнома” билан
киёсий ўрганиш, бу асарларнинг жаҳон тилларига таржималари, хусусан
французча таржималарини ўзаро киёсий таҳлил қилиш, уларнинг илмий
қийматини белгилаш, асарларнинг ўзини ўрганиш борасида ҳам, француз-ўзбек
адабий-маданий алоқаларини тадқиқ этиш нуктаи назаридан ҳам жуда муҳим
илмий аҳамиятга эгадир. “Ҳумоюннома”нинг таржималари ҳам асл матни каби
шубҳасиз, инсоният маданий ҳазинасига қўшилган улкан ҳиссадир.
(*Мисолларнинг манбаларига ҳаволалар саҳифаси ҳамда асар номи ўзбекча
таржима учун -Ҳн, Французча таржима -Нп, Фарҳанги забони тожик
лугати учун -ФЗТ тарзида қавс ичида берилди.*)

Адабиётлар:

1. Исмоилов Х. Гулбаданбегим ёдномаси // *Фан ва турмуш*. – Т.: 1983. – №5. – Б. 4-5. *Таржимон маҳорати/ Илмий мақолалар тўплами*. – Т.: Фан. 1979. – Б. 96.
2. Гулбаданбегим. *Ҳумоюннома*. – Т.: Ўзбекистон ФА. № L 17122.1959, - 112 б. (*Ушбу китобда асарнинг ўзбекча ва форсча матни бирга берилган*).
3. *Gul-Badan Baygam. Le livre de Humoyun (Humoyun-nama), écrit par Gul-Badan, fille de l'Empereur Babur. – Paris, Imprimerie Nationale, 1996. – 275 p. Traduit du persan par Pierre Pifaretti. Edition établie, présentée et complétée d'extraits de chroniques persanes par Jean-Louis Bacqué-Grammont*

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКОЯЛАРИ ТУРК ТИЛИДА

Истиклол йилларида XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакиллари: А.Қодирий, Ойбек, О.Ёқубов, Шукрулло, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Х.Тўхтабоев ва бошқа бир қатор адибларнинг асарлари кўплаб хорижий тилларга, шу жумладан, турк тилига ҳам ўгирилиб нашр этилди ва Туркиядаги ўзбек адабиёти ихлосмандларига армуғон этилди. Бу асарлар сирасига Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини ҳам киритиш мумкин. Таржима асарларининг бадиий савияси, сифати хусусида олимлар, тадқиқотчилар томонидан турли фикрлар билдирилди, илмий мақолалар ва монографияларда айрим танқидий мулоҳазалар ҳам берилди.

Ушбу мақолада таниқли сўз устаси Абдулла Қаҳҳорнинг айрим ҳикоялари таржимаси хусусида сўз боради. Унда бадиий адабиётни гўзал, таъсирчанлигини таъминловчи воситалардан бири бўлган ибораларнинг туркча таржимасини таниқли сўз устаси А.Қаҳҳор ҳикоялари мисолида кўриб чиқамиз.

Маълумки, А.Қаҳҳор асарлари турк тилига яқин вақтларга қадар таржима қилинмаган. Эҳтимол, турк ижодкорлари адиб асарларини ўз тилларига ўгиришга яқин-яқин йилларга қадар “журъат қила олмай” келган бўлишлари мумкин. Бирок, 2010 йилда ёш таржимон, бир неча йил Ўзбекистонда яшаган ва ўқиб, магистр даражасини олгач, ЎзМУда талабаларга дарс ҳам берган Филлиз Демиржи адибнинг ўзбек китобхонлари орасида маълум ва машҳур бўлган ўндан ортиқ ҳикоясини туркчага ағдаришга жазм қилди. Унинг таржималари мўъжаз китоб ҳолида “Мумтоз сўз” нашриётида турк тилида чоп этилди [2, 76]. Мухими, бу билан Туркиядаги А.Қаҳҳор ҳикоялари ихлосмандлари ва адабиётшунослар адиб асарлари билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Ушбу китобга сўз боши ёзган проф. Қ.Содиқов бу хусусда шундай дейди: “Абдулла Қаҳҳор ўз асарларида ўзбек тилининг қудратини, бойлигини, услубий имкониятлари чексиз эканини кўрсата олишга қодир бўлган чинакам билимдон, қалами ўткир, айтадиган сўзини минг ўйлаб, бир битадиган ёзувчи эди. Бу ноёб

Таржимоннинг асарлари чет тилларига таржима қилишга арзигуликдир. Эндиги сўз таржимоннинг адиб асарларини маромига етказиб ўгира олишида. Буни эътиборга олинганда, чет эллик китобхоннинг ҳам қалбини ларзага солиб, тўлқинлантириб қўйибди: “...бориши тайин” [2, 3]. Дарҳақиқат, турк таржимони ўзбек адабининг энг сара адибларини ўгиришга киришар экан, кўп ўйлайди. Муаллифнинг қисқа, лекин ўзгаришга эришган жумлаларини, ўзбек халқи орасида машҳур макол, матал ва ғояларини ўгираётганда эса, чўчийди. Баъзида хатоликларга ҳам йўл қўяди, тилларнинг яқинлиги сабаб юзага келган нуксонларга ҳам йўл қўяди.

Таржималарга холис ёндашиб, адибнинг ўзбек китобхонларига яхши таниш “Майиз емаган хотин” ҳикоясидан бир парча ва унинг туркча таржимасига эътибор берамиз: “— *Аёл киши эркакка қўл бериб сўрашдими — бас!.. Рўза тутган киши оғзини чайқаса, сув томоғига кетмаса ҳамки, рўзаси очилади — шу оғиз чайқайдан баҳра олади-да! Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз қўлим билан кўрганман. Ҳаё борми шуларда? Шариат йўли — ҳўп йўл. Ўн бир яшарида паранжи ётинмаган қиздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг. Паранжи ҳаёнинг пардаси-да!*” [1]

Ушбу парча туркчага қуйидагича ўтирилган: “*Kadın erkekle bir tokalaştı mı, bitti! Ne yazık ki, niyetli kişi ağzını suyla çalkalarken boğazına su kaçmasa bile orucu bozulur, çünkü ağzını çalkalarken zevk alır! Usta Mevlâ'nın oğlunun Abdulhamit'in kızıma bir avuç dolusu kuru üzüm verdiğiği gözlerimle gördüm. Sanki onlarda utanma arlanma var? Şeriat yolu çok doğru bir yol. Onbir yaşma erip de parenciyle örtünmeyen kızdan ümidi kesin. Parenci hayanın perdesidir*” [2, 17]. Парчанинг мазмунини таржимада ўз ифодасини топган. Таржимон ҳар бир сўзини ўз ўрнида, аслиятга монанд ўгиришга бутун кучи билан интиланган. Масалан, ... *бас!* сўзини “tamam” ёки “yeter” деб эмас, контекстга мос маънода “*bitti*” деб беради. *Рўза тутган киши* бирикмасини “*oğuc tutmuş kişi*” деб эмас, *niyetli kişi* (турклар рўза тутган кишини “нийатли” дейдилар) деб, *сўв томоғига кетмаса ҳамки* бирикмасини — *boğazına su kaçmasa bile* (сўзма-сўз: *ҳатто томоғига сув қочмаса ҳам*) деб ўгириб, адиб услубини сақлашга интилади. Бирок, “*қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг*” ибораси соддалаштирилиб, *ümidî kesin* (умидни

узинг) шаклида берилади. Таржимон жумланинг янада таъсирли бўлиши учун парчага кириш сўзлари ҳам қўшади (*Ne yazık ki – афсуски!*). Бундан ташқари, ўзбекча хос сўз хисобланган “паранжи”ни *parenci* деб қолдириб бир жихатдан мақбул иш тутса-да, сўзнинг маъносини ҳаволада изоҳламайди. Аслида эса, таржимон турк аёлларининг усмонийлар даврида айни либосни кийганликлари, арабчадан ўзлашган “паранжи” сўзининг лугатлардаги изоҳларини хисобга олган ҳолда “паранжи”ни *ferace* (ар.) шаклида бериши мумкин эди [(“Катта русча-туркча лугат”да сўзга қуйидагича изоҳ берилади: “паранджа – kıl peçe ile beraber giyilen bir çeşit ferace” [3, 315] (жундан тўқилган чачвон билан бирга кийиладиган *фераже*)].

Парчадаги “*Ўн бир яшарида паранжи ётинмаган қиздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг*” жумласида адиб “инсоннинг бир нарсадан батамом умидини узиши” маъносидаги “қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ” иборасини қўллаган. Турк таржимони ушбу иборани “*ümidini kesin*” деб ўгирган. Ўзбек тилида “умид узмоқ” ибораси бор, лекин ёзувчи “қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ”ни қўллаб, ифодани янада кучайтирган, яъни инсоннинг бир нарсадан шунчаки умидини узишини эмас, “батамом умидини узиши”ни таъкидлаган. Турк тилига ўгирган таржимон эса синоним ёки вариант ташкил қиладиган бошқа ибора йўқлиги (балки топа олмагани) боис “*ümidini kesmek*”(“умид узмоқ”) иборасини ишлатиб, вазиятдан чиққан кўринади.

“Майиз емаган хотин” ҳикоясидаги “*Мулла Норқўзи ҳар куни бозордан қайтиб самоварга чиқади ва кўнгли тортган одамларни атрофига тўплаб, ярим кечагача шариатдан юз ўгирган хотинлар тўғрисида шундай вайсаб ўтиради*” жумласи туркча таржимада шундай берилган: “*Mulla Narkuzu hergün Pazar dönüşü semavere çıkar ve samimi gördüğü adamları çevresine toplayarak gece yarısına kadar şeriata yüz çeviren kadınlar üzerine ileri geri konuşup dururdu*” (Д.Ф). Таржимон аслиятдаги *кўнгли тортган* иборасини оддий бирикма (*samimi gördüğü adamları* –самимий деб билган кишиларни) шаклида туркчалаштирган бўлса-да, кейинги ўринда *вайсаб ўтиради* эркин бирикмасини *ileri geri konuşup*

shaklida ibora vositasida ўгириб, “бушликни” тўлдиришга муваффақ бўлган.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, бир тилдаги фразеологик бирликни бошқасига эквивалент ёрдамида таржима қилишнинг иложи бўлмаганда, яъни таржима тилида аслиятдаги иборага мос эквивалент топилмаганда, таржимон муқобил вариантларга мурожаат қилади. Чунки, кўпинча ибораларнинг бошқа тилда эквиваленти бўлмаса ҳам, у бирон-бир муқобил вариантга эга бўлиши мумкин. Муқобил вариантлар ёрдамида таржима қилинганда эквивалент ёрдамида таржима қилгандагига нисбатан ҳам кўпроқ эҳтиёт бўлиш зарур. Чунки икки тил иборалари юзаки қараганда баъзан бир-бирига муқобилдай кўринса-да, аслида улар маъно ва стилистик функция жиҳатларидан бир-биридан фарқ қилиши, яъни бир-бирига сохта муқобил вариантлар ташкил этиши мумкин. Бу, албатта, кўпроқ уларнинг бир-биридан лексик таркиб жиҳатдан фарқ қилиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳар тилда қатор синонимик ибораларни учратамизки, улар ҳам маъно ёки услубий вазифаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Бинобарин, аслият ва таржима тилидаги ибораларнинг маъноларини чуқур билмасдан туриб таржима қилиш кўп ҳолларда аслиятда мужассамлашган маънонинг таржимада акс этмай қолишига олиб келади.

Энди адибнинг машҳур “Ўғри” ҳикоясидан бир неча жумла ва уларнинг туркчага қилинган таржимаси асосида фикримизни давом эттираемиз: *Хўкизинг оқ пошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса, топилди* [1]. Таржимаси: *Oküzün ak padişahın kolunun altından çıkıp gitmediyse bulunur* [2, 42-43]. Ушбу мисолдан ўзаро яқин икки тил орасида қилинган таржиманинг осон эмаслиги сезилади. Ўзбекча жумладаги “оқ пошшо” бирикмаси орқали адиб ўша даврда Ўрта Осиёга ҳукмронлик қилган чор ҳукуматини, “оқ пошшонинг қўл ости” бирикмаси орқали эса “мамлакат чегараси”ни кўзда тутган. Турк таржимони “гап тагидаги гап”га яхши эътибор бермаганлиги боис жумлани сўзма-сўз таржима қилиб, унга “осонгина” ечим топган.

“Бошидан ўтган яхши билади, бирор бадий асарни қардош тилдан ўгиришнинг эмгаги турли оилага кирувчи тиллардан таржима қилиш машаққатидан осон кечмайди. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари, кишини хўп ўйлатадиган томонлари бор: ҳар бир тилнинг услубий ўлчовлари, иборалари, бадий тафаккурнинг талаблари билан боғлиқ воситалари, кочиримлари бўлади. Ана шуларни таржимада худди ўзидай қилиб бера олишнинг, атама маъносини берадиган атама, ибора маъносини берадиган иборани топиб жой-жойига қўйишнинг турган-битгани азоб” – деб ёзади ф.ф.д., проф. Қ.Содиқов [2, 3].

“Ўғри” ҳикоясидан яна бир мисол: *Кечқурун Қобил бобо аминнинг олдига берадиган бўлди. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади. Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз. Чол-кампир кенгашиб, шундай қарорга келишди: бу чиқим охирги ва ҳужизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим, шунинг учун пулнинг юзига қараш ақлдан эмас*[1].

Бир неча мақол ва ибора қўлланган ушбу парча турк тилига қуйидагича ўгирилган: *Akşama doğru Kabil Dede aminin yanına girebildi. Kuru kaşık ağzı yırtar, amine ne kadar parayla varmalıydı? “Verene bir tane çok, alana da on tane azdır”. Yaşlı adam ihtiyar karısına danışıp şöyle bir karara vardılar: Bu son masraftı ve öküün boynuna bağlanan paramn yüzüne bakmak akıl işi değil* [2, 41]. Парча таржимаси оригиналга жуда яқин чиққан, мақолларнинг сўзма-сўз таржимаси туркчада тушунарли, ишончли чиққан бўлса-да, таржимоннинг айрим хусусларга эътиборсиз бўлгани, сал шошилиб иш тутгани сезилади. Чунончи, аслиятда Қобил бобонингқишлоқ оқсоқоли, яъни аминнинг олдига боришга қарор қилганлиги (хали бормаганлиги) айтилган бўлса-да, таржимада чолнинг амин қабулига кирганлигига урғу берилган. Ёки аслиятда “қанча пул олиб борса бўлади” дейилган бўлса, таржимада “қанча пул олиб бориши лозим эди” дейилади. Бундан ташқари, туркчага бир мансаб номи бўлган “амин” сўзи (хос сўз) сифатида таржимасиз ўгирилган. Туркларга нотаниш бўлган бу сўзга изох берилмаган (амин – 1. Ўрта Осиё хонликларида даҳа бошлиги ёки кишлок оқсоқоли; 2. Бозорларда солиқундирувчи амалдор; бозор оқсоқоли; чоризм

...да Фаргона водийсида сайлаб қўйиладиган кишлок оқсоқоли” [4]).
...даги “Чол-камтир кенгашиб” бирикмаси қайтадан туркчага ўтирилса,
... бирикма юзага келади (“кекса одам қари хотинига маслаҳат солиб...”).
...дан ташқари, “хўкизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим” деганда адиб,
...тилган харажат қилингандан кейин хўкизнинг топилиши аниқ”, яъни кафолат
...инланишини таъкидлаган, бироқ таржимон бу бирикмани ҳам сўзма-сўз,
...ўнгина қилиб ўгириб қўя қолган.

Таржимон, биринчи навбатда, аслиятдаги сўзларнинг бадий, услубий,
...ллий ва эстетик вазифасини ҳисобга олиши, сўзнинг маъносига диққат
...лиши даркор, сўзларни айнан “кўчириш” ёки тушириб қолдириш мантикий
...звийлик ҳамда бадийятга путур етказди.

“Ўғри” ҳикоясида муаллиф қўллаган машхур *Текинга мушук офтобга чиқ-*
майди мақоли туркчага *Kedi güneşe bedava çıkmaz* деб айнан, сўзма-сўз ўгириб
қўйилган. Тўғри, туркчада бундай гап бўлмаслиги мумкин. Лекин таржимон
турк тилининг мақоллар хазинасини “ковлаштириб” ўтиришга эринган бўлса-
да, лоақал ўзи тузган гапнинг ғализ чиққанлигини англаши ва ҳеч бўлмаганда
Kedi bile karşılığım almadan güneşe çıkmaz деб ўтириши мумкин эди.

Икки саҳифалик матндан иборат “Ўғри” ҳикоясида муаллиф ўндан ортик
ибора ва ўнга яқин мақол, матал ва афористик бирикма қўллагани адибнинг
фразеология хазинаси қанчалик бой эканлигидан далолат беради. Шулардан яна
бири ўзбек тилида машхур *Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан*
мақолидир: Ушбу мақол-жумлани турк таржимони “*Muhabbetteki erbâbla, seni*
vurur her bâb ile” деб ўгирганки, мақолнинг таржимаси турк ўқувчисига
тушунарли бўлмаслиги ва турк ўқувчисини чалкаштириши тайин. Агар мазкур
ўзбекча мақол сўзма-сўз ўтирилса ҳам, турк китобхонимақолнинг маъноси аён
бўлар эди.

Ҳозирги турк тилида “бир ишни яхши биладиган” маъносидаги “erbap” (ар.
erbâb) сўзи (*Her işi erbabından sormalı* – Ҳар қандай ишни устасидан талаб
қилиш керак [5, 717]) ва “мавзу, хусус” маъносидаги эскирган “bap” (ар. bâb)

сўзи (*Bi bapta malumatim yoktur* – бу борада ҳеч қандай маълумотга эга эмасман [5, 217]) жуда яхши маълум.

Шу ўринда яна бир хусусни таъкидлаш жоиз. Айни мақол О. Ёқубовнинг “Адолат манзили” киссасида ҳам учрайди: *Олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан* [8, 168]. Ушбу ўзбекча мақолни турк таржимони (Ахсан Батур) *Bekçiyle polisten dost, it derisinden post olmaz demişler* [9, 25] деб берган. Бу таржиманинг ҳам ўзбекча матнга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки мақолнинг туркча таржимаси қайта ўзбекчага ўгирилса “*Қоровул билан полиция ходимидан дўст, ит терисидан пўстин бўлмас*” бўлади. Ажабланарлиси, бир машхур ўзбек мақолининг магзини иккала турк таржимони ҳам чақа олмаган. Бунга ўхшаш ҳолатлар китобхонни ўзбек адабиётига кизикишини сўндириши табиий. Таржимонлар ҳеч бўлмаганда, туркларда машхур бўлган “*Davacın hakimse, yarıdıcın Allah olsun*” (сўзма-сўз: “*Агар даъвоғ қозига нисбатан бўлса, сенга Аллоҳдан бошқа ҳеч қим ёрдам бера олмайди*”, яъни “*Додингни худога айт*”) иборасини қўлласалар ҳам бўлар эди.

Адибнинг “Бемор” ҳикоясида ўзбек тилида жуда кўп қўлланадиган “*йўгон чўзилади, ингичка узилади*” ибораси қўлланилган: “*Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вақтларда йўгон чўзилади, ингичка узилади*” [1]. Ушбу гапни таржимон туркчага шундай ўгиради: “*Elbette ki bunların hepsi parayla oluyordu. Böyle zamanlarda kalın incelir, ince de kopar*” [2, 9]. “*Йўгон чўзилади, ингичка узилади*” ибораси ўзбек тилида, асосан, бемор одамга нисбатан қўлланилади. Турк тилида ушбу иборанинг аниқ эквивалент бўлмагани боис таржимон уни сўзма-сўз ўгириб, тўғри иш тутган. Турк китобхони гап нимада эканлигини ҳамон тушунади. Таржимон бу билан турк тилини бир иборага бойитган бўлса ажаб эмас.

Мутаржим аслиятдаги иборани тўғри таржима қилиш учун таржима тилидаги мавжуд синонимик иборалардан энг мосини танлаб олиши керак. Баъзан ҳатто бир-бирига жуда йақин қардош тилларда ҳам бир хил маънода ишлатилган ибораларнинг тузилиши, шакли ва образли асослари бутунлай бошқача бўлиши мумкин. Ғ. Саломов фақат маънолари контекст ичидагина

Бирининг ўрнини коплай оладиган ибораларни муқобил бирикма деб
сўблайди: “Баъзан бир бирикмага айна контекст ичида бир эмас, бир неча
бирикма мувофиқ келиши мумкин. Бирикманинг муқобиллари ёки муқобил
вариантлари фақат контекст ичидагина бир-бирини алмаштира олар экан, бунда
ўз ўрнининг маъноси тўғри келса ҳам, кўпинча шакллари ва, айниқса, объектлари
мувофиқ тушмайди” [6, 267].

Филиз Демиржи қилган таржималарни баҳолашда проф. Қ.Содиқов
фикрига таянган ҳолда фикр билдириш керак бўлади: “Муҳими, у (Филиз
Демиржи – Х.Х.) ўз таржималарида ўзбекнинг руҳини, тилимизнинг жозибаси
ва бойлигини, сўз устаси Абдулла Қаҳҳорнинг сиз билан биз ҳис қила оладиган,
тан берган юксак маҳоратини туркчада бера олган” [2, 3]

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабиёти намуналарининг туркча
таржималари устида олиб борилган тадқиқотлар ўзбек ва турк тиллари айна тил
оиласига мансуб бўлса-да, таржимада мураккаб муаммоларга дуч келинаётгани
ҳақиқат. Демак, бу соҳага ҳам жиддий эътибор бериш ва бадий таржиманинг
умумий муаммоларидан ажратиб қўймаслик ўзбек адабиётининг турк
китобхонларига юқори савияда етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Қаҳҳор Абдулла; Ҳикоялар. –Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. www.zyovuz.com.
2. Kahhar A., Hikâyeler, Çeviren Filiz Demirci, Toshkent, Mumtoz so'z, 2010.
3. Большой турецко русский словарь, –М., ООО «Дом славянской книги», 2009.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 жилдди, 1-жилд: - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.
5. Türkçe Sözlük, Türk Dil Kurumu, 9. Baskı. –Ankara, 1998.
6. Саломов Ф. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966.
7. İldırı Nursan, Özbek Hikâyeciliğinde Abdullah Kahhar, makale, Atatürk Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Sosyal Bilimler Dergisi (Journal of Social Sciences) Sayı/Number 53, Aralık/December 2014.
8. Ёҳубов Одил, Адолат манзили, роман, Тошкент, 1996.
9. Yakuboğlu Adil, Adalet Menzili, Türkçeye çeviren Ahsen Batur, Selenge Yayınları. –İstanbul, 2005.

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАР ТАРИХИ ХУСУСИДА

Ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилига илк таржималари, табиийки, Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Буюк мутафаккирнинг “Лисон ут-тайр” достони Е.Фитцджеральд томонидан инглизчага таржима қилиниб, 1899 йилда АҚШнинг Бостон шаҳрида нашр этилган эди [5, 5]. Худди шу асарнинг насрий баёни канадалик таржимон Гарри Дик томонидан ўзбек таржимашунос олими Н.Қамбаров ҳамкорлигида инглиз тилига таржима қилиниб, 2003 йилда Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида дунё юзини кўрди. “Мухокамат ул-луғатайн” рисоласи Роберт Деверукс таржимасида 1966 йилда АҚШда китоб ҳолида босилиб чиққан бўлса, “Сабъан сайёр” достони АҚШлик профессор В.Фирман томонидан инглизчага таржима этилди. 1988 йилда Ўзбекистон “Ватан” жамияти Навоий хикматларини Маргарет Бетглиннинг инглизча таржимасида латин алифбосида чоп этди. 1961 йилда Тошкентда нашр қилинган “Ўзбекистон гапиради” номли инглизча тўпламга Навоийнинг ғазаллари, рубойлари, хикматларидан намуналар ҳамда “Фарход ва Ширин” достонидан парча киритилган [5, 13].

Сохибқирон Амир Темури каламига мансуб, эски ўзбек тилида ёзилган жанр жиҳатидан хужжатли, тарихий, бадиий, автобиографик асар деб баҳолаши мумкин бўлган “Темур тузуклари” ҳам инглиз тилига энг аввал таржима қилинган маданиятимизнинг нодир ёдгорликларидан биридир.

Адабиётимизни бойитган, юртимизни дунёга танитган “Темур тузуклари” ХУШ асрадаёқ инглиз олимларининг диққатини ўзига тортган эди. Инглиз шарқшунос олими Майор Дэви Ҳиндистонда хизматда бўлган вақтида “Темур тузуклари”нинг Абу Толиб ал-Хусайний томонидан форсчага қилинган таржимасини қўлга киритади ва Буюк Британияга қайтгач, инглиз тилига таржима қилади, асарнинг Жозеф Вайт деган олим тайёрлаган форсча матни

Билан бир муковада 1783 йилда Оксфордда нашр этади [1]. Ушбу нашр “Тузуқлар”нинг дунё бўйлаб тарқалишида катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, француз тарихчиси Л.Ланглэ “Темур тузуқлари”ни ўша Жозеф Вайт тўғрисида ёзган форсча матндан французчага ўгирган эди [2].

Ўзбек адабиётини дунёга кенг тарғиб қилишда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг автобиографик характердаги “Бобурнома” мемуар асарининг инглиз тилига таржималари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Вашингтон университети тадқиқотчиси Д.Ахмедованинг ёзишича, “Бобурнома”нинг биринчи марта инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилиши 1826 йилда юз берган, уни инглиз шарқшунослари Ж.Лейден билан В.Эрскинлар амалга оширишган. Асарнинг иккинчи таржима қилиниши инглиз олими Аннетта Бевериж номи билан боғлиқ. 1900 йилда Буюк британиялик таниқли шарқшунос Х. Бевериж Ҳайдарободда “Бобурнома”нинг бир нусхасини олишга муваффақ бўлади ва уни факсимиле шаклида 1905 йилда Лондонда эълон қилади. Унинг рафиқаси Аннетта Бевериж хоним ана шу факсимиле нусхасидан инглизчага таржима устида узок йиллар меҳнат қилди. 880 саҳифалик асар “Бобурнома инглиз тилида: Бобур эсдаликлари” номи остида икки жилдда Лондондаги “Лузак энд Ко” нашриётида 1922 йилда босилиб чиқади. Ушбу таржима кейинги йилларда яна уч марта (Янги Дехли - 1970, ноширлар Нирмал Д.Жейн билан С.К.Меҳра; Покистон – 2002, ношир – Ниёз Аҳмад; Ҳиндистонда – 2006, ношир – Дилип Хейро) нашр этилди.

“Бобурнома”нинг учинчи таржима қилиниши 1993 йилда рўй берди: АҚШнинг Ҳарвард университетида йилига бир марта чиқадиган “Туркий тадқиқотлар журнали”нинг 18-сонида “Бобурнома” номида аслият нусхаси, амалга оширилган инглизча таржимаси биргаликда чоп қилинди.

Орадан уч йил ўтиб, яъни 1996 йилда мазкур таржима иккинчи марта турли миниатюралар ва хариталар билан бойитилиб, “Бобурнома: шахзода ва император Бобурнинг эсдаликлари” номи остида Вашингтон Д.С. шахрида Артур М.Саклер Галереяси Смисониян институти томонидан чоп этилган. 2002

йилда эса Нью-Йоркдаги “The Modern Library” нашриёти “Бобурнома”ни учинчи марта нашрдан чикарди.

1958 йилда Москвада инглиз тилида “Uzbek poetry”(Ўзбек шеърляти) номида кўп асрли ўзбек шеърлятининг мўъжазгина антологияси нашр этилди [4]. Фикримизча, бу нашр антология сифатида инглизчага таржима йўсинида илк кадамдир. Мустақилликдан сўнг юртимизда бошқа сохалар қатори бадий таржимага, хусусан шеърлий таржимага ҳам эътибор қаратилди.

2007 йилда Ф.Афрузнинг ўзбек, рус, инглиз тилларида “Тасбеҳ” [6] номли учликлардан иборат шеърлар тўплами эълон қилинди. Шоира Ўктамой Холдорованинг “My heart is weeping” [3] (“Юрак йиғлар”) номли шеърлар китоби Ҳиндистонда Қ.Маъмуров таржимасида нашр этилди. 2015 йил Ўзбекистон Халқ шоири Зулфияхоним сайланма асарлари Б.Холбекова таржимасида инглиз тилида нашр этилди. (“I Was Love” “Мен ушқ эдим” “Академнашр” Тошкент- 2015). Худди шу йили Д.Султонова Навоий ғазалларидан 28 тасини инглизчага ўгириб “Наврўз” нашриётида чоп эттирди. Мухтасар қилиб айтганда, булар денгиздан бир томчи холос. Хали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Биринчи ғалда ёшлар орасидан таржима машаққатига бардоши етадиган сабр тоқатли, ўзи ҳам ижод қилиб ҳам тилларни яхши биладиганларини танлаб олиб, уларга алоҳида эътибор кўрсатиш, бадий таржима сир-асрорини пухта ўргатиш орқали таржимонлар сафини кенгайтиришга эришиш керак.

Ўзбек адабиёти, ҳам мумтоз, ҳам замонавий маънода, пурмазмун залворли асарларга бой адабиётдир. Уни кенг тарғиб этиш, нафақат инглиз, балки жаҳоннинг бошқа тилларига ҳам таржима қилиш ҳамisha долзарб муаммолардан бўлиб қолаверади.

Адабиётлар:

1. *Institutes, political and military... written by the great Timour. Oxsford. London, 1783*
2. *Instituts, politiques et militaires de Tamerlan... Par L.Langles. Paris, 1787.*
3. *Uktamoy. “My heart is weeping”. Poems. Aesthetics Pulications Ludhiana (India). 2009*
4. *Uzbek poetry. Oriental literature publishing house. M., 1958*

- 5 А.А.Абдуазизов. "Алишер Навоий меросининг хорижий элларда урганилиши". Ўзбекистон Республикаси "Билим" жамияти. Т., 1991.
- 6 Фарида Афруз. Тасбеҳ. Четки. Rozary. "Шарқ". Т., 2007

*Нафиса Насруллаева
СамДЧТИ катта ўқитувчи,
филология фанлари номзоди*

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ГЕНДЕР БУЁҚЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ БОШҚА ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Гендер буёқли фразеологик бирликларни урганилишини муҳим босқичи инглиз, рус ва ўзбек иборалари ўртасида ўхшаш типларини аниқлашдан иборат. Таржима қилиниши мумкин бўлган инглиз тилининг барча фразеологик бирликлари уч асосий гуруҳга бўлиниб, қуйидагиларни намоён қилади: 1) семантиканинг тўлиқ мос келиши; 2) семантиканинг қисман мос келиши; 3) семантика мутаносиблигининг мавжуд эмаслиги.

Бундан келиб чиқиб, инглиз гендер буёқли фразеологизмлари шакллантирган аёл ва эркак образлари тасвирини узатиш жараёнида тадқиқ этилаётган тилдан рус ва ўзбек тилларига таржима қилишнинг қуйидаги усуллари таклиф этилди:

- 1) Тўлиқ ва қисман эквивалент фразеологизмларни аниқлаш;
- 2) Тўлиқ ва қисман фразеологик аналогларини аниқлаш;
- 3) Калькалаштириш/ярим калькалаш методидан фойдаланиш;
- 4) Луғавий / баён усули / комбинацияли таржимадан фойдаланиш.

Инглиз тилидаги фразеологик бирликларни бошқа тилларга таржима қилишда, эркак ва аёллар образини қайта яратишда муайян кийинчиликлар юз беради, чунки бундай образларда факат шу тил вакилларига хос бўлган миллий ўзига хослик мавжуд. Фразеологик ва паремиологик бирликларни қиёслашда лингвомаданий фарқлар кўзга ташланади, чунки фразеология турли халқлардаги миллий образлар ва маданий концептлар билан чамбарчас боғлиқ.

Тўлиқ фразеологик эквивалентлар семантик, структур-грамматик ва компонент даражаларда бир хил [1, 96], аммо уларнинг микдори жуда кам: *First*

think then speak = Сначала подумай, потом скажи = Аввал ўйла, кейин сўйла; *to lose one's head* = потерять голову = бошини йўқотмок; *Healthy mind in a healthy body* = В здоровом теле здоровый дух = Соғлом танда соғлом ақл; *to bring oil to fire* = подлить масло в огонь = оловга ёғ сепмок; *A good name is better than richness* = Хорошее имя лучше богатства = Яхши ном бойликдан афзал и т.д.

Қисман эквивалентлар мазмун жихатдан тўлик ўхшашлиги ва ифода жихатдан яқин ўхшашлиги билан тавсифланади [2, 14]: *sky pilot* = крылатый всадник = учқур чавандоз; *a son of Muses* = питомец муз, поэт = илҳом фарзанди, калам-қоғоз шайдоси; *a girl's blouse* = баба, базарная баба (о скандальном мужчине) = хотинмижоз, бозорчи (урушқок аёлга ўхшаган эркак хакида); *to keep one's head* = не терять головы = ўзини йўқотмаслик; *ladies' man* – дамский угодник = хотинбоз; *the master of one's destiny (fate)* – хозяин своей судьбы = тақдири ўз қўлида; *Two heads are better than one* = Одна голова хорошо, а две – лучше = Бир калла – калла, икки калла – тилла.

Тўлик аналогларга хос хусусият компонентлар таркибининг турличалиги ва таркибий-грамматик шаклланишининг фаркига қарамай мазмун бир хиллигидир. Фразеологик тўлик аналоглар энг катта гуруҳни ташкил этади: *a Jack of all trades* = мастер на все руки = қўли олтин; *skirt chaser* = бабник = хотинбоз; *a fast worker* = ловкач, шустряк = осмондаги ойни юлиб олади; *the boys (men) in blue* = труженики моря (морьяки) = денгиз захматқашлари; *A fault confessed is half redressed* = Повинную голову меч не сечёт = Эгилган бошни қилич кесмас; *son of a gun* – сукин сын = итвача; *play the woman* – «красная девица», т.е. робкий мужчина = кизмижоз йигит; *a man of letters* – чернильный витезь, писатель = сиёҳдон беки, ёзувчи; *one's husband* – спутник жизни = турмуш ўртоғи.

Қисман аналоглар мазмуннинг тахминий ўхшашлиги билан тавсифланади. Ифода аспекти уларда тубдан турлича: *sugar daddy* (жарг.) – богатый пожилой поклонник = бадавлат кекса ошиқ; *keep bach* (амер. жарг.) – вести холостяцкий образ жизни = буйдоқларча турмуш тарзи; *the apple of my eyes* = свет моих очей

= кўзимнинг нури; *to catch red-handed* = поймать на месте преступления = жиноят устида ушламок.

Тиллараро фразеологик бирликларнинг ўзаро мосини ахтариш жараёнида миллий-маданий-лисоний ўзига хосликка эга лакунар бирликлар ҳам аниқланди: *zoo daddy* – разведенный отец с правом встречаться с детьми, которых он водит в зоопарк по выходным = болалари билан учрашиш хукукига эга бўлган ажримдаги ота; *to enter the House* = стать членом парламента = Парламент аъзоси бўлмок; *to cross the floor of the House* = перейти из одной партии в другую = бир партиядан бошқасига ўтмок; *Tom Tailor* – портной = тикувчи.

Бундай фразеологик бирликнинг аналогши ёки эквиваленти учрамаган ҳолатда, кўшимча тарзда калькалаштириш, луғавий таржима, тавсифлаш ҳамда комбинацияли таржима усулларидан ҳам фойдаланилади.

Жонли фразеологик образ калькалаштирилганда / ярим калькалаштирилганда жуда яхши таржима қилинади. Калькалаштириш оригинал тил ФБ миллий-маданий ўзига хослигини рецептор-тилда аниқ қайта яратиш имконини беради: *honest (or old) Abe* – амер. честный (или старый) Эйб (прозвище президента Авраама Линкольна) = ҳалол Эйб (Президент Авраам Линкольн лақаби); *Mr Fixit* – мистер Наладь-почини = жаноб Уста-тўғрила; *cold war* = холодная война = совук уруш.

Лексик таржимаси ҳам баъзида фойдаланади: *a break in the clouds* = свет во тьме = умид чироғи; *to call things by their true names* = называть вещи своими именами = ҳар нарсани ўз номи билан атамок; *the lay of the land* = букв. положение земли, т.е. состояние чего-либо = нарсаларнинг ҳолати; *to build castles in Spain* = букв. строить замки в Испании, т.е. отдаваться пустым мечтам = ўшалмайдиған орзуларга берилмок; *An unfortunate man would be drowned in a tea-cup* = Неудачный и в чашке чая утонет = Камбағални туянинг устида ҳам ит копади; *a bull in a China shop* = букв. бык в китайском магазине, т.е. большое зрелище в маленьком месте = тор жойда катта томоша.

Таржиманинг комбинацияли усули мазмунни ҳам, ФБ образлиги ҳам максимал ёритадиган таржима усулидир, масалан: *boys will be boys* – мальчишки есть мальчишки, это свойственно мальчишкам = ўғил бола ўғил бола-да, бу ўғилларга хос; *King Log* – король тюфяк, рохля (о человеке пассивном, не умеющем использовать представившиеся ему возможности) = Увада Қирол, бушанг, латта (имкониятлардан фойдалана билмайдиган пассив одам хақида).

Хулоса қилиб айтамызки, эркак ва аёл образлари узатилишининг аниқлиги ва самарадорлиги таржиманинг тўғри амалга оширилишига ҳамда гендер буюғига эга фразеологизмларнинг қўлланиш контекстига боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Калугина Е.Н. Концепты “мужчина” и “женщина” в субстандарте русского и английского языков: Дис. ... канд. филол. наук. – Ставрополь, 2008. – 159 с.

2. Хамматова А.Ш. Сопоставительное исследование глагольных фразеологизмов с компонентами – глаголами динамики в английском и турецком языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Казань: КГУ, 1999. – 21 с.

**Хилола Юсунова,
БухДУ Инглиз тили ва адабиёти
кафедраси доценти**

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ФОЛЬКЛОРИ ХОРИЖ ОЛИМЛАРИ НАЗДИДА

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг Ғарб тилларига ўгирилиши муаммолари ўз вақтида ҳам Ғарблик тадқиқотчиларни, ҳам республикамиз илм аҳлини кизиқтириб келаётгани қувонарли. Хорижда бу йўналишдаги тадқиқотлар у қадар кўп бўлмаса-да, ҳар қалай, бор. Бу жиҳатдан С.Баура ва Ҳ.Паксойларнинг ишларинигина санаб ўтиш мумкин. С.Баура туркшунос олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» тадқиқотидаги маълумотларни ўзининг 1961 йили Лондонда чоп этилган “Heroic Poetry” асарида қайд этиш билан чегараланган. Бу билан у, асосан, турли халқлар эпик асарларини таққослашнинг кўзлаган ва далиллардан амалий материал сифатида фойдаланган[1].

Бошқа америкалик олим Ҳасан Паксой эса «Алпомиш» достони, унинг ўрганилиши, Марказий Осиёда бахшичилик анъаналари ҳамда бунда дин ва оғзаки ижоднинг ўзаро муносабатларига бағишланган “Alpamysh: Central Asian Identity under the Russian Rule” мавзuidaги докторлик диссертациясини ёзди[2].

Халқимиз оғзаки ижодининг инглиз тилига қилинган таржималари тарихи ва уларнинг эстетик сифати муаммоларини ўрганиш, асосан, миллий истиқлол шарофати билан XX асрнинг 90-йилларидагина бошланди.. Б.Шамсиевани инглиз адабиётшунослигида ўзбек фольклорини ўрганиш масалалари кизиқтирган бўлса, Х.Рўзимбоев Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиш тарихига эътибор қаратди[3].

Карл Райхл ўзбек фольклоридан айрим намуналарни икки тилга – инглиз ва немис тилларига таржима қилиб, уларни ғарб мамлакатлари ўқувчилари эътиборига ҳавола эта олганлиги билан эътиборга тушди[4].

Ўзбек халқ эртақларининг немис тилига қилинган таржималари айрим ишларда ўрганилган. Ўз номзодлик диссертациясида, асосан, дostonларнинг немис тилидаги таржималарини ўрганган Й.Нурмуродов қисман латифа ва эртақлар таржимасига ҳам эътибор қаратган. Ишда, айниқса, Карл Райхл томонидан амалга оширилган «Юсуф ва Аҳмад» достони ҳамда ўзбек халқ эртақлари ва латифалари таржималари устида махсус тўхтанилган. Шуниси кизиқарлики, кейинги даврда немис мутаржимлари эртақларимизни бевосита аслиятдан ўз тилларига ўгира бошладилар ва таржима соҳасида янги жараёни бошлаб бердилар. Бу силсилага Карл Райхл, Илза Сиртаутас, Яқоб Таубеларнинг таржималарини киритиш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ишларда ўзбек халқига хос миллий хусусият ва реалаялар, миллий-маънавий кадриятлар тўлиқ ўз ифодасини топган[5].

Туркий халқлар фольклорининг хорижда тарқалишида ўзининг самарали хиссасини кўшган немис фольклоршунос олими Карл Райхл 1980-1989 йиллардаги изланишлари асосида “Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction” (1989, «Ўзбек эпик шеърляти: анъаналар ва бадий услуб») тадқиқотини эълон қилди. 1989 йилда немис туркшунос олими, ўзбек

фольклори бўйича немис тилидаги катор илмий ва бадиий асарлар муаллифи таржимон ва фольклоршунос Карл Райхл “Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction” («Ўзбек эпик шеърляти: анъаналар ва бадиий услуб») асарини нашрдан чикарди. Муаллиф бу асарда эпик ижод намуналарининг поэтик услуби, «достон», «бахши» сўзларининг этимологиясини кўриб чикди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, туркий халклар фольклорининг хорижда таркалишида Карл Райхлнинг хизмати бекиёс катта. XX асрнинг 80-йилларди Ўзбекистонда бўлган тадқиқотчи фольклор жанрларининг қиёсий ўрганилиши устида ўз илмий изланишларини олиб борган. Қиёсий таҳлил асосида туркий халклар оғзаки ижоди намуналари орасидаги ўхшашлик ва фарқларни ёрқин ифодаловчи аниқ ва қизиқарли маълумотлар келтирган.

1992 йилда эса шу асарнинг янада кенгайтирилган ва бойитилган нашри “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” нусхасини Studies in Oral Traditions рукни остида инглиз тилида Нью-Йоркда нашрдан чикарди. Китоб ўн боб, библиография ва атамалар рўйхатидан иборат. Муаллиф маҳаллий тилни жуда яхши эгаллаганлиги боис изоҳлар тўлиқ ва тушунарли бўлишига эришган. Унинг «Кириш» қисмида Райхл ўз китоби ҳақида маълумот берар экан, шундай ёзади:

«The focus of the book will be on what I term the “central traditions”. By “central traditions” of Turkic oral epic poetry I mean the epic traditions of the Uzbeks (and Uighurs), Kazakhs, Turkish people, Karakalpaks, and Kirghiz...

Apart from these central traditions I will touch upon a number of traditions on the western and eastern fringes of what used to be called Western and Eastern Turkestan, i.e. on the epic poetry of the Turkmens, Azerbaijanians, and Turks of Turkey to the west and southwest of Central Asia proper and on the epic poetry of the Altaians and Tuvinians further East.»[6,4-5]

(«Китобнинг асосида «марказий анъаналар» атамасини қўйганман. «Марказий анъаналар» деганда туркий халклар ҳисобланмиш ўзбекларнинг (ва уйғурларнинг), козоқлар, турклар, қорақалпоқлар ва қирғизларнинг оғзаки ижоди намуналари бўлмиш эпосларни назарда тутганман...

Бу марказий анъаналардан ташкари мен Фарбий ва Шаркий Туркистон аталувчи фарбий ва шаркий ўлкаларнинг қатор анъаналари ҳақида, яъни туркманлар, озарбайжонлар, Туркия туркларининг ва Олтой ўлкаси, Узок Туркистондаги Тувиния халқларининг оғзаки ижоди намуналари устида тўхталиб ўтишман.»)

Асар ўн бобдан иборат бўлиб, туркий халқлар фольклори ҳақидаги кенг материалга асосланган. Райхл ўз илмий тадқиқотларини дунёнинг етук фольклоршунос олимлари - С.Баура, Н.Чадвик, А.Фаулер, Ҳ.Зариф, В.Жирмунскийларнинг ишларига асослаган. Шу тадқиқотлар асосида тадқиқотда фольклор жанрларининг таржималари, қиёсий таҳлиллар, сайёр сюжетли, ўхшаш мавзули асарлар устида муаллиф батафсил тўхталган.

Китобнинг “Turkic Epic Poetry: The Earliest Documents” деб номланувчи бобида тадқиқотчи ва таржимон «Ўғузнома», «Девону луғотит-турк», «Дада Қўрқут китоби» каби асарларнинг яратилиши, муаллифи ва маъно-мазмунига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтади. Шунингдек, асарлардан олинган парчалар таржимасини ҳам келтирганки, бу, ўз навбатида, изланишнинг мазмундорлигини кенгайтирса, бошқа томондан, ўша ёзувлар ҳақида қисман бўлса-да, хориж ўқувчисига маълумот етказувчи манба бўлиб хизмат қилади.

Köroğlu Ayvaza teselli etmek için aldı sazını, bakalım ne söyledi...

Köroğlu took his saz (lute) in order to comfort Ayvaz. Let us see what he said...
(Turkish; Radloff, 1899: 5)

...bir bäs keleme söz aydar gerek, gör-baq, name diyyär...

...it is necessary to say a few (lit. one, five) words. Let us see what he said...

(Turkmen; Kargyev, 1983: 42)[6]

Карл Райхл «Девону луғотит-турк» ҳақидаги маълумотларида асар тузилиши, унинг ўрта асрлардаги туркий тилларнинг шевалари, лексик хусусиятлари, шеърый ижод намуналаридан таркиб топганлиги, бу луғат кўпгина хорижлик олимлар эътиборини тортганлиги ва унинг баъзи қисмлари

С.Броккельманн томонидан 1923-24 йилларда инглиз тилига ўғирилганлиги хақида фикр юритган.

Юкоридаги фикрлардан келиб чикиб шуни айтиш мумкинки, Карл Райх туркий халқлар фольклорини ўрганишга ва уни инглиз ва немис тилларига таржима қилишда рағбат кўрсатди. Унинг таржимадаги хиссасини қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, туркий халқлар фольклорининг шеър, кўшиқ, дoston каби турли жанрларини инглиз ва немис тилига таржима қилиб, хориж ўқувчиларига етказди.

Иккинчидан, аслиятдан қилинган таржималарда миллий хусусиятларни сақлаб қолди ва улар орқали туркий халқлар тили, маданияти орасидаги ўхшашлик ҳамда тафовутларни таржима тилида изоҳлаб берди.

Учинчидан, ўз изланишлари орқали таржиманинг назарий асосини ишлаб чиқиб, уни умужахон миқёсида таништиришга ҳаракат қилди.

Умуман олганда, асар халқ оғзаки эпик ижоди бўйича жуда қимматли материалларни ўз ичига олади. Замон ва макон танламайдиган, сайёр сюжетли фольклор асарларининг қиёсий ўрганилиши айнан шу мақсадни кўзлаган олимнинг немис ва инглиз тилларидаги қатор асарларида ўз ифодасини топган.

Адабиётлар:

1. Bowra C. *Heroic Poetry*. London, 1961.
2. Paksoy H.B. "Alpamysh" *Central Asian Identity under Russian Rule, USA, AACAR*, 1989.
3. Шамиева Б. *Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. кан. фил. наук. – Тошкент, 1994.*
4. *Uzbekische Maerchen. Herausgegeben und uebersetzt von Karl Reichl. Bochum, 1978.*
5. Нурмурадов Ю. *Проблема научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. Фил. фан. ном. дисс. – Тошкент, 1982.*
6. Reihl Karl. *Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. Garland Publishing, inc. New York & London., 1992.*

ТАРЖИМАДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАСИ

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати ҳамда улар ўртасидаги муносабатларнинг хажми, характери ва даражаси ҳозирги кунда лингвистика, маданиятшунослик, семиотика ва фалсафа фанларининг мураккаб муаммоси бўлганлиги билан боғлиқдир. Муаммонинг мураккаблиги тил ва маданият тушунчаси кўп аспектига эга бўлиши, улкан хронологик даврийлиги, катта хажмдаги расмий, адабий ва ғайрирасмий, функционал турфа хилликда аниқланади.

Бир қарашда тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги яққолдек кўринса-да, ушбу масала мураккаб бўлиб, ягона ечимга эга эмас. Замонавий лингвистика ва маданиятшуносликнинг талқинини икки гипотеза орқали келтириш мумкин:

- 1) Тил ва маданият орасидаги муносабатни инкор этиш;
- 2) Тил ва маданият орасидаги муносабатни тан олиш. [2.16]

Тил ва маданиятнинг мустақил, алоҳида тушунчалигини таъкидловчи гипотезалар лингвистика ва фалсафада кам бўлсада учраб туради. Баъзи тадқиқотчилар тил ва маданият ўз таркиби ҳамда функцияси бўйича турли хиллигига ургу бериб, тилдан фарқли ўларок маданият одамзод эришган ютуқ деган фикрни илгари сурадилар. Бундай эҳтимолликка ёндашувчи тадқиқотчилар тил ижтимоий, маданий ёки бошқа шартлардан холи равишда ўз қонунлари асосида ривожланувчи ўз имманент тизимига эга эканлигини таъкидлайдилар. “Тил фақат ўз тартиб-қоидага бўйсинувчи тизимдир” [4.66 б]

Шундай бўлса-да, бугунги кунда кўп олимлар лингвистика ва фалсафада тил билан маданият ўзаро боғлиқ деган фикрдалар. Ушбу боғлиқликни биринчи бўлиб ҳал қилишга бўлган ҳаракат В. Фон Гумбольтнинг ишларида кузатилади. У ўзига хос дунё қараш орқали тилда ўз аксини топувчи маданиятнинг миллий характери ҳақидаги гоёни асослаган. Тил ва маданият мустақил феномен сифатида тил белгилари орқали боғланган ҳолда онтологик бирликни ташкил этадилар.

Таржима жараёнини ўрганишда аввало таржима лингвистик фаолиятнинг ядроси ҳисобланса-да, белги тизимлари ёки тузилмаси, белги жараёни ва белгилар вазифасини ўрганувчи семиотикага тегишли эканлигини англашда иборат. [7] Бир тил белгиларидан иборат маънони иккинчи тилга луғат ва грамматика орқали мохирона таржима қилувчи лингвистик ёндашувнинг тасвиридан ташқари бу жараён яна лингвистикага тегишли бўлмаган бошқа мезонлар жамланмасини ҳам ўз ичига олади.

Эдуард Сепирнинг (Edward Sapir) айтишича: “Тил бу ижтимоий воқеликни англаш учун воситадир” ва одамзод ўзининг жамиятида ифода воситачиси бўлган тил ёрдамида фаолият юритади. Унинг такидлашича, тажриба жамоанинг тил кўникмалари билан аниқланади ва ҳар бир тузилма алоҳида воқеликни намоён этади.

Ҳеч икки тил таққослаганда ягона ижтимоий воқеликни тўлиқ бир хил намоён эта олмайди. Турли жамиятлар истиқомат қилувчи ҳудудлар алоҳида дунё сифатида мавжуд бўлиб, уларни бир хил атаб бўлмайди. [5]

Сепирнинг иддаоиси кейинчалик Бенжамин Ли Уорф (Benjamin Lee Whorf) томонидан маъқулланиб, собиқ совет семиотиғи Юрий Лотман томонидан *моделлаштириш тизими* сифатида ривожлантирилди. Лотман адабиёт ва умуман санъатини тилнинг бошланғич моделлаштириш тизимидан ажралиб чиққан иккиламчи моделлаштириш тизими сифатида изоҳлайди ва Сепир ҳамда Уорф сингари “Ҳеч бир тил маданият контексти билан киришмагунча муомалада бўла олмаганидек, ўз марказида табиий тилнинг негизини мужассам этмаган ҳеч бир маданият ҳам мавжуд бўла олмайди” [6] деган фикрни илгари суради. Маданиятни инсон деб олсак, тил унинг юрагидир ва уларнинг биргаликдаги фаолияти давомийликни билдиради. Шунингдек, операция ўтказаятган жарроҳ юракни танасиз аохида тасаввур қилмаганидек маданиятни инобатга олмаган таржимон ҳам шундай катта хавфга йўл қўяди.

Соссюрнинг нуктаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, *butter* сўзининг тушунча ёки моҳияти ва *butter* сўзи ёритган маъно ёки товуш-тасвир *butter* лингвистик белгиси ҳисобланади. [5.696] Тил мустақил алоқалар тизими

да каралса, *butter* оти англиз тилида алоҳида тузилмавий муносабат
 мавжуддир. Лекин Соссюр яна гап таркибида сўзни қуршаб оладиган
 сўзлар билан синтагматик (горизантал) алоқалар ҳамда ассоциатив (ёки
 алоқалар) бутун бир тил эга бўлган алоқалар ўртасидаги фарқлиликни
 кўрсатади. Бундан ташқари, иккиламчи моделлаштириш тизими доирасида
 мутахассиси бошланғич ҳамда иккиламчи ассоциатив хусусиятларни
 баҳолашга олиши лозим бўлганидек ассоциатив алоқа ва таржимон ўртасида
 бир тур мавжуд. *Butter* сўзи бутунлик, тозалик ва юқори мақом
 ассоциацияларининг тўпламини (ишлов берилган сарёғ сифатида
 қўйниладиган, музлатилганда қаттиқ ҳолатга келмайдиган маргарин билан
 қўйслаганда) ўзида акс эттиради. *Butter* сўзини италянчага таржима қилганда
 туғридан туғри ўрнини босувчи *burro* сўзи мавжуддир. *Butter* ҳамда *burro*
 сўзлар истемоли учун мойли, рангли бўлак ҳолатида сотиладиган сутли
 маҳсулотдир. Бироқ алоҳида маданий матнларда *butter* ва *burroni* мутлақо бир
 хил маъно англатади деб қабул қилиш умуман нотўғридир. Италияда *burro*
 олатда оч рангли ва тузсиз бўлиб, асосан пиширик учун ишлатилади ҳамда
 юқори мақом маъносини англатмайди. Британияда *butter* аксинча, асосан, сарик
 рангли ва тузсиз, нон устига суртиб танаввул қилинадиган ва пиширик
 тайёрлашда фаол қўлланилмайдиган маҳсулотдир. Маргариндан
 тайёрланишига карамасдан *bread and butter* ибораси *butter* нинг юқори мақомга
 эгаллиги туфайли кенг тарқалгандир. Шунинг учун *butter* ва *burro* орқали
 тасвирланган предмет ҳамда шу предметнинг маданий матндаги вазифаси ва
 ўрни ўртасида фарқ мавжуддир. Эквивалентликнинг ушбу ҳолатдаги муаммоси
 предметнинг маълум бир матндаги қўлланилиши ва у акс эттираётган
 тушунчани англаш ҳисобланади. *Butter-burro* таржимаси мисоли гарчи бир
 даражада мулоҳаза юритилган бўлса-да, Сепирнинг ҳар бир тил алоҳида
 воқеликни намоён этиши ҳақидаги фикрини амалда эканлигини эслатади.
Butter сўзи аниқ бир маҳсулотни тасвирлайди, лекин аслият тилида бир неча
 маъноларга эга бўлган сўзларни таҳлил қилганда таржима мураккаблашади. [1]

Маданиятлардаги фарк яна сўзларнинг коннотатив семантикасида (эмоционал ва даражалаш хусусиятлари) ўз аксини топиши мумкин. Рус тилидаги “солнце” ўзбек тилидаги “кўёш” ва тожик тилидаги “офтоб” сўзларининг маъносини тўла-тўқис англабмайди. Сўзларнинг кўшимча маъноси, яъни бутун фразеологияни таржима қилишнинг имкони йўқ. Исталган лугатдан бошқа тилларда ягона таржимага эга бўлган сўзни топсак бўлади. Ушбу эквивалентсиз лексика-махаллий маданиятга хос бўлган махсус тушунчалардир. Мисол тариқасида эскимослардаги корни тасвирлаш учун қўлланиладиган сўзлар инглиз тилидаги сўزلардан кўпроқлигини келтиришимиз мумкин. [2]

Адабиётлар:

1. *Translation studies. Susan Bassnett. Taylor & Francis e-Library, 2005.*
2. *Взаимовлияния языка и культуры. А. Кокарева, Пермский государственный университет*
3. *Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – С. 261*
4. *Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. – В кн.: Ф. Соссюр Труды по языкознанию. – М., 1977.*
5. *Edward Sapir, Culture, Language and Personality (Berkeley, Los Angeles: University of California Press, 1956), p. 69.*
6. *Juri Lotman and B.A.Uspensky, 'On the Semiotic Mechanism of Culture', New Literary History, IX (2), 1978, pp. 211–32.*
7. *Structuralism and Semiotics. Howkes. London 1977*

**Нилуфар Сулайманова,
СамДЧТИ катта ўқитувчи,
мустақил изланувчи**

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРДА ДЕЙКТИК СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДАГИ ТАРЖИМАСИ

Ҳозирги замон тилшунослигида номинатив бирликларнинг мулоқот жараёнида бажарадиган вазифалари нуқтаи назаридан дейктик номлашнинг ўзига хос тури сифатида қаралади. Дейксис ҳам ўз навбатида ахборотни аниқ узатиш учун хизмат қилади [1, 5]. Кейинги йилларда кўпгина хорижий тилшунослар дейксиснинг қуйидаги турларини эътироф этмоқдалар: discourse

deixis; emphatic deixis; person deixis; place deixis; time deixis [3, 70]. Макон дейксисини ифодаловчи иборалар юкоридаги мисолларда кўрсатилганидек факринг ўрин-жой хақидаги контекстуал хабарини талаб қилади [2, 163].

Локативликни ифодаловчи дейктик воситалар шахс ва предметларни мулоқот жойидан яқинда ёки узоқда жойлашишига нисбатан тавсифлаш мақсадида қўллаш мумкин. Мазкур тавсифда маконнинг узоқ ёки яқинлиги нафақат сўзловчига, балки тингловчига – адресатга нисбатан ҳам белгиланиши мумкин. Демак, макон дейксисини анафорик боғловчи сифатида қўлланиладиган воситаларни инглиз ва ўзбек тилари бадий микроматнлар асосида синтаксемаларга ажратиб қиёсий таҳлил қилишдан иборат. Яъни гап қурилмасида инглиз тилида предлог + от, ўзбек тилида от туркумининг турлича келишиклар қўшимчаси ёрдамида ва от + равиш + келишик қўшимчалари асосида ифодаланган локатив синтаксемалар вариантлари билан макон дейксиси ифодаланган синтаксемаларнинг ўзаро мутаносиблигини ёки номутаносиблигини қиёсий тадқиқ этишдир.

Бадий асарлардан йигилган мисолларнинг гувоҳлик беришича локатив семани анафорик ифодаловчи воситалар турлича лексемалар ёрдамида берилиши мумкин. Инглиз тили мисолида тағмаънодаги локатив семаларнинг қандай вариантлар бўлишидан қатъий назар, улар қуйидагича ифодаланади:

1. Тағмаънодаги локатив семанинг адессив, аллатив, аблатив вариантлари ифодаланганда маконни эслатувчи анафорик восита there равиши ёрдамида берилади.

1) He had been in the office alone. Haso was there as well.

2) Igor run over to their yard. When he was half-way there he stopped and then walked on.

3) He had got back from the town. Magus was a good man and everybody there esteemed him.

Берилган мисолларда in the office (1) локатив адессив, to yard (2) локатив аллатив, from the town (3) локатив аблатив синтаксемаларни ифодаласада, макон дейксиси there воситасида ифодаланади. Маълумки бадий матнларда

сўзловчи асосан асар муаллифи ҳисобланиб, унинг тингловчиси китобхон бўлиб, содир бўладиган ёки содир бўлмайдиган иш ҳаракат макони ҳар иккаласи учун ҳам узоқдалигини ифодалайди.

2. Here равиши ёрдами:

1) Florik was happy in his dream saloon. We hope to see you here again.

2) He came over to the barber and pointed to the street outside the window.

And here we go upsetting ourselves over nonsense, over uniforms.

3) When Yellow dodo returned from the Secretary's office with his face wreathed in smiles, no further remarks were passed, lither by Florik or by Haso. "I didn't expect to meet you here".

Ушбу гапларда маконга ишора қилувчи синтактик бирлик here - in ... saloon (1), to the street (2) локатив элементларга ишора ёки эслатиш кўзга ташланади, аммо учинчи гапда тағмаёнодаги локативлик имплицит тарзда берилган. Демак, here учинчи гапдаги from the Secretary's office бирлигига тааллуқли эмас. Ёки from here ёрдамида ҳам ишора қилинган макон эксплицит ёки имплицит ҳолатда берилиши мумкин:

а) Эксплицит тарзда:

The old woman ran out of the station quicker then was decent at her age and got away from here.

б) Имплицит тарзда:

I live in Yarden Zane. It is not very far from here.

3. Where нисбий олмоши ёрдамида. Анъанавий грамматикаларда мазкур нисбий олмоши ўрин эргаш гапларни боғлайдиган восита деб тан олинади:

1) Samko went on standing in the same spot where she had stood three days before.

2) Yellow Dodo left the building of the district secretariat, but didn't know where to go.

3) They were women from the court where Igor lived.

Мисоллардан тағмаёнодаги локативликни ифодалаган the building of the district secretariat, from the court, in the same spot синтактик бирликлар

тивликнинг турлича вариантларини ифодаласада, релятив олмоши where
знодаги ифодаланган иш-ҳаракатига қўшимча ахборот мавжудлигини,
матни кенгайтириб, уни тўлғазиб бермоқда.

4. Which релятив олмоши ҳам қўшма гаплар таркибида боғловчи
фасида ҳамда матн доирасида which иштирок этган гап қисмидан олдин
тивлик ифодаланган синтактик бирликка нисбатан анафора вазифасини
таши мумкин:

1) He was sitting in the empty, dirty refreshment room, which smelt of mildow
and stale tobacco.

2) The horses crossed the square at a neat trot and turned off into the street
which led down the alley of chestnut trees to the station.

Бундан ташқари behind which, through which, in the centre of which, in front
of which каби бирикмалар ёрдамида ҳам маконга ишора қилиш ёки уни
таъкидлаши мумкин.

5. Макон дейкисини ифодалашда предлоглар ёки адвербиал элементлар
билан it, them олмошлари орқали ҳам ишора амалга оширилиши мумкин:

a) *in it ёрдамида*: He sat down in a swivel chair with a leather-up-holstered
seat and span round in it.

b) *in front of it ёрдамида*: A bicycle was leaning against the wall of the house
opposite and kneeling in front of it was their neighbour.

в) *in the midst of them ёрдамида*: The secrets of the town below the slopes of
the vineyards are ugly and dangerous. In the midst of them, Eva's image had faded
away.

6. Гумон ёки маконни ифодаловчи ноаниқ олмоши гапнинг бўлишсизлик
шаклида anywhere ёрдамида ҳам маконга ишора қилиши мумкин: I looked for
you at home and in the High street, but you weren't anywhere to be seen.

Ўзбек тили мисолида маконга ишора қилувчи воситалар ҳам ҳар хил
синтактик бирликлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Улар “бу ерда”, “у ерда”,
“шу ерда”, “у ерга”, “шу ерга”, “у ердан”, “шу ердан” кабилар ёрдамида

берилиб, тагмаънодаги локативлик семанинг вариантларига уларнинг ифодаланган локатив синтаксемалар мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин:

1. “Бу ерда” ёрдамида: Саф тортиб турган бир неча хонадан ўтдик ва кабулхона залига етдик. Бу ерда уч марта таъзим бажо келтирдик.

2. “Шу ерда” синтактик бирлик ҳам “бу ерда” каби локатив адессив семани ифодаласада, тагмаъно локатив адессив, аллатив синтаксемаларга ишора қилишда ишлатилади: Жуялик одамларнинг йўл бошлаши билан гимназияга келиб кирди. Шу ерда унга хатни тушинтириб бердилар.

3. “У ерда” синтактик бирлик маконга ишора сифатида ишлатилганда, гапдаги иштирокчи субъект асосан биринчи ва учинчи шахслардан иборат бўлиб, ишора қилинган макон улардан узоқдалигини ифодалайди: Биз сарой ичига кирдик, у ерда мен дарахт тагила ўзини химоя қилган ҳалиги жирканч махлуқлардан учтасини кўрдим.

4. “Бу ерга”, “шу ерга” ёрдамида макон дейксиси ифодаланганда, ишора қилинган макон сўзловчига яқинлиги ёки сўзловчининг маконнинг ўзида жойлашганлигини ифодалаб, локатив аллатив семани ифодалайди: Ибодатхонадаги ашё ва зийнатларни олиб чиқишган, у анча вақтдан бери бўм-бўш ётган. Шу ерга мени жойлаштирмоқчи бўлишди.

5. “У ерга” маконнинг сўзловчидан узоқлигини ифодалаб, тагмаънодаги локатив аллатив синтаксемани ифодаловчи маконга ишора қилинади: Москвага ўқишга жўнамоқчиман. У ерга энг ози тўрт йиллар бўлсам керак.

6. “У ердан” ёрдамида маконга ишора қилинганда тагмаънодаги локативликдан субъектнинг узоқлашиш ҳолатини ифодалайди: Шу мамлакатда яшаб турган пайтимда, у ердан жўнаб кетишимга уч ой қолганда бўлиб ўтди.

7. “Уша ердаги” ёрдамида: Чирчиқ лабига солинган азот заводига экскурсияга чиққанлар, ўша ердаги ишчиларнинг умумий ётоқхоналарига кўнмоқчилар.

8. “бу ердаги” ёрдамида: Бу институтда сақланадиган китоблар ўзбек халқининг бебаҳо ва даҳслис маданий бойлигидир. Бу ердаги кўп китоблар жаҳонда ягона нусхалар ҳисобланади.

9. “Уша ёкка” ёрдамида: Мьюноди, бунака суҳбатларни шаҳардан 20 миля ерда жойлашган чорбоғимда олиб борилгани маъқул, эртагаёк ўша ёкка борамиз.

Демак, макон дейкисини анафорик жихатдан ифодаланиш воситалари инглиз тили мисолида there, here, where, which, behind which, through which, in the centre of which, in front of which, in it, in front of it, in the midst of them, anywhere кабилар ёрдамида намоён бўлса, ўзбек тилида эса бу ерда, шу ерда, у ерда, бу ерга, шу ерга, у ерга, у ердан, ўша ердаги, бу ердаги, ўша ёкка кабилар ёрдамида ифодаланишини кўрдик.

Адабиётлар:

1. *Шматова В.И. Дейкис в системе глагола современного английского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва: МГПИИЯ, 1976. – 23 с.*
2. *Fromkin V., Rodman R. An introduction to language. – Philadelphia: Harcourt Brace Jovanovich College Publishers, 1993. – 544 p.*
3. *Lees R.E. The Grammar of English Nominalization. New York, 1960. – 371 p.*

*Наргиза Тилакова,
ТошДУТАУ уқитувчиси*

ЭКПРЕССИВЛИККА ОИД СЎЗЛАРНИНГ В. ШЕКСПИРНИНГ “ОТЕЛЛО” АСАРИДАГИ ТАЛҚИНИ

Ҳозирги кунда таржимонлик соҳаси бўйича қилинаётган катта ўзгаришлар нафақат хорижий олимлар, балки ўзбек таржимонларининг ишларида ҳам диққатга сазовордир. В. Гюгонинг “Денгиз ишчилари”, О. Бальзакнинг “Горио Ота”, А. Дюманинг “Граф Монте Кристо”, “Уч мушкетерлар” ва шу каби бошқа жаҳон дурдоналари ўзбек таржимонлари томонидан таржима қилинганлиги шулар жумласидандир. Қолаверса, В. Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”, “Қирол Лир”, “Макбетт”, “Отелло” каби жаҳон дилидан жой эгаллаган асарларининг ўзбек таржимони Жамол Камол томонидан таржима қилинган бўлиб, мазкур таржимоннинг ўзбек таржимашунослигига қўшган хиссаси бекиёсдир. Зеро, жаҳон тан олган

ёзувчиларининг ноёб асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши вояга етаётган келажак авлодимизнинг ақлан маънавий ва етук инсонлар бўлиб етишишида қўшилган бир камтарона хисса деб айтиш мумкин.

Ушбу мақоламизнинг асосий мақсади В. Шекспирнинг “Отелло” асаридаги эркалашга оид сўзларни ўзбек тилига таржима қилиш муаммосини ёритиб беришдан иборатдир.

Эркалаш - бу ҳар бир тилнинг ўзига хос воситалари, шакл-усуллари орқали одамларга, жониворларга, табиатга, нарса-ҳодисаларга нисбатан меҳрибонлик, муҳаббат, майинлик, назокат, нафис меҳр билан суйиш, меҳр-шафқат кўрсатиш, ҳамдардлик, ҳамфикрлик ва бошқа муносабатларни ифодалайди. Мазкур мақоланинг асосий мақсади тадқиқ этилаётган тилларда эркалашни ифодаловчи сўзларнинг этимологик хусусиятларини ўрганишдир.

Қ. Мусаев ҳам бу борада шундай дейди: “Қатор ҳолларда эса муайян фикрнинг образли ифодаси учун аслият ва таржима тилларида турли жониворлар номлари қўлланилади. Ўтган асрнинг ўрталарида Америка кино экранларида кенг намойиш этилган “Жунгли” номли фильм қаҳрамони – аёл киши ўрмонда топиб олган чақалокни бағрига босиб, “You are my frog (менинг курбақам)” деган экан, у боласини асло бақа каби бадбашара махлуқка ўхшатмаган, балки ўзбекча “қўзичогим”, “бўталогим” сўзлари каби меҳр-муҳаббат туйғуси билан суйиб эркалатган эди. Қўринадики, ширинсуханлик, меҳр-муҳаббат изхори инглиз ва ўзбек тилларида қатор ҳолларда бир-бирдан фарқ қиладиган турли-туман жониворлар номлари асосида яратилади. Таржимон шунинг учун ҳам санъаткорки, бундай пайтларда у луғавий аниқлик йўлидан бормайди, балки масалага икки тил лисоний бирликларининг вазифавий уйғунлиги нуқтаи назаридан ёндашади. Масалан:

Fare you well, my dove! / Прощай, мой голубчик! / Қўзичогим, яхши қол!

Демак, “кабутар” ўзбеклар лафзида фақат тинчлик рамзи сифатида намоён бўла олади. Инглиз тилида эса, у эркалаш маъносида қўлланилади. У жонли нутқда ўзгача мажозий мазмун касб этишга ожиз” [1, 20].

Жамол Камол В. Шекспирнинг “Отелло” асарини таржима қилар экан,
таржима жараёнида инглиз тилидаги хис-туйғу билан боглик сўз ва
раларни таржима қилишда катта таржимонлик маҳорати талаб
инглигини кўриш мумкин. Асосан, мазкур таржимон сўзма-сўз таржима
ш, маънони миллий-маданий хусусиятлар оқали етказиб бериш, кўшиш ва
қуриб қолдириш каби усуллардан усулларидан фойдаланган.

Сўзма-сўз таржима усули орқали таржима қилинган мисолларни қуйида
қўзиб ўтамыз:

OTHELLO: All's well now, **sweeting**, come away to bed.

ОТЕЛЛО: Тинчлик, ҳаммаси жойида,

Бориб ухлагин, **жоним**.

CASSIO: I know not, **sweet**: I found it in my chamber.

I like the work well: ere it be demanded-

As like enough it will--I'd have it copied:

Take it, and do't; and leave me for this time.

КАССИО: Билмадим, **жоним**,

Мен уйимдан топиб олдим, каштаси гўзал.

То эгаси чиқиб, қайтиб олгунга қадар,

Шундан нусха кўчир энди, ёлғиз кўй мени.

Юқоридаги мисоллардаги *sweeting*, *sweet* сўзлари *жоним* сўзи орқали
ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган. Қуйида эса маънони миллий-
маданий хусусиятлар орқали етказиш борасидаги таржима қилинган
парчаларни кузатамыз:

IAGO: Alas **my friend and my dear countryman**Roderigo!

ЯГО: Эвоҳ, бу **жигарим, дўстим, ватандошим-ку!**

Таржимон *my friend and my dear countryman* сўз бирикмасини *жигарим*,
дўстим, ватандошим кўринишида таржима қилади. Инглиз тилидаги оригинал
маънони ўзбек тилида етказиб беришда у *жигар* сўзини ишлатади. Ваҳоланки,
инглиз тилида ушбу сўз эрқалаш маъносини ифода этмайди. Ўзбек тилида
мазкур сўз инсоннинг ўзига яқин кишиларига нисбатан ифода этилишда

ишлатилади. Демак, бу таржимада тилнинг миллий-маданий хусусиятлари инобатга олган.

Оригинал матндаги сўзни тушириб колдириш усули оркали маънони етказиб бериш ҳам таржимонлик маҳоратининг бир кўриниши деб аташ мумкин. Фикримизни мисоллар оркали ифодалаймиз:

OTHELLO: Not now, **sweet Desdemona**; some other time.

ОТЕЛЛО: Ҳозир эмас, **Дездемона**, сал туриб.

Инглиз тилидаги *sweet Desdemona* эмоционал мурожаат шакли ўзбек тилига *Дездемона* кўринишида таржима қилинган. Бизнинг фикримизча, *sweet* сўзига ўзбек тилида эквивалент келтирилганлигида, ўзбек тилидаги эркалаш маъноси янада аниқ етказиб берилган бўлар эди.

Қолаверса, оригинал матнда бир неча бор қайтариб ишлатилган эркалаш маъносини ифода этувчи сўз ва сўз бирикмаларнинг ўзбек тилидаги эквивалентини турли сўзлар билан таржима қилиш ҳам асл маънонинг етказиб берилишидаги маҳорат деб аташ мумкин:

OTHELLO: **Honey**, you shall be well desired in Cyprus;

I have found great love amongst them. **O my sweet!**

ОТЕЛЛО: **Дездемона**, ёнимдасан, йўқдир армоним,

Яна бир бор хуш келибсан, Қибрисга, **жоним!**

IAGO: In sleep I heard him say '**Sweet Desdemona**,

Let us be wary, let us hide our loves...

Cry '**O sweet creature!**' and then kiss me hard,

As if he pluck'd up kisses by the roots.

ЯГО: “**Жоним Дездемона!**-деди бир пайт гўлдираб,

Эҳтиёт бўл, севгимизни биров билмасин!”...

Кейин қўлларимни тутиб сиқа бошлади,

“**Севгилим!**” деб йиглаб-йиглаб ўпа бошлади.

CASSIO: What make you from home?

How is it with you, my most fair Bianca?

I' faith, **sweet love**, I was coming to your house.

КАССИО: Қандай қилиб келиб қолдинг, ғўзал Бианка?

Биласанми, паривашим, зебо санамим,

Ҳозиргин мен уйингга бормокчи эдим.

Юқорида келтирилган мисоллардан шуни кузатиш мумкинки, оригинал ~~текст~~да ишлатилган биргина эркалаш маъносини ифода этувчи *sweet* сўзи ўзбек тилига *жоним, севгилим, паривашим, зебо санамим* каби эквивалентлар билан ўзбек тилига ўгирилган. Демак, таржимон инглиз тилидаги ушбу сўзни ўзбек тилидаги бир неча синонимларини қўллаган ҳолда оригинал матннинг маъносини етказиб беришга ҳаракат қилган. Бу борада Қ. Мусаев шундай дейди: “Она тили бойлиги билан яхши қуролланган таржимонлар одатда лугавий эквивалентликдан кўра вазифавий уйғунликка кўпроқ эътибор берганлари ҳолда, бадий матннинг эстетик хусусиятини қайта яратадилар” [1, 79].

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, эркалаш маъносини ифода этувчи сўзларнинг таржима қилинишида, оригинал мантдаги ҳис-туйғу билан боғлиқ маънони ўзбек тилига етказиб беришда таржимоннинг маҳорати бекиёсдир. Демак, аслият руҳини имкон қадар тўғри ва тўла акс эттирадиган таржима матни яратиш учун таржимон ҳам талантли бадий сўз устаси ва, ҳам истеъдодли таржимашунос - олим бўлиши керак.

Адабиётлар:

1. Мусаев Қ. *Таржима назарияси асослари*. – Т.: Фан, 2005.
2. Шекспир В. *Сайланма (Жамол Камол таржимаси)*. 3 жилдли. – Т.: ЎЗР ФА “Фан” нашриёти, 2008. Ж. 2.
3. *Shakespeare. W. Othello (The Moor of Venice)*. – Moscow: Издательское товарищество иностранных рабочих, 1936.

ЖОРДЖ ГОРДОН БАЙРОН: “ДАМЕТ”– ТАРЖИМАДА ОБРАЗЛАРНИНГ САҚЛАНИШИ

Инглиз романтик лирикасининг ёркин вакилларида бири, Жордж Гордон Байрон каламига мансуб “Дамет” асари, авторнинг 19-20 ёшлар атрофида ёзган, илк шеърларидандир. Асарда Дамет исмли ахлоқсиз ёш йигитнинг образи тасвирланган бўлиб, шоир замондоши, машҳур ирланд назм устаси Томас Мурнинг фикрича, у Байроннинг автопортретидир. Байроннинг биографлари бу фикрни тўлиқ инкор этмасаларда, уни бироз ўзгача йўсинда талкин қилишади: Байрон ахлоқий бузук, хотинбоз ва қаллоб бўлмаган, аммо ўзини шу образда тасвирлаш унинг ўзига хос шеърий услубидир [2].

In law an infant, and in years a boy,

- *In mind a slave to every vicious joy;*
- *From every sense of shame and virtue wean'd;*
- *In lies an adept, in deceit a fiend;*

[2]

(Ж.Байрон)

- Қонунда гўдак, ёши бўйича

- Шеър ямбик пентаметр вазнида ёзилган ва 14 мисрадан иборат. Ҳар

битта мисра ўзаро қофияланган бўлиб, қофиялар “aa-bb-cc-dd-ee-ff-gg” тарзида тизилган. Таржималар:

- *Бесправный, как дитя, и мальчик по летам,*
- *Душою преданным страстям,*
- *Не ведая стыда, не веря в добродетель,*
- *Обмана бес и лжи*

сочувственный свидетель, [3](А.Блок)

Он словно маленький ребенок, хоть Рафтори одаму эси паст, басир, Тек турфа куфроний ишларга асир, Кўрқмас ҳеч Худодан, элдан уялмас,

йигит

- *Қалби барча ахлоқсизлик қули*
- *Уят ва ориятдан маҳрум этилган,*
- *Устаси фаранг ёлгончи, учига чиққан фирибгар*
- *(сўзма-сўз таржимаси)*

уж годы на исходе,

Подвержена душа его страстям и глупой странной моде,

Стыда не знает он, и добродетель - не его удел чудес,

- *Обману, лжи и наглости он поклоняется как бес, (С. Командровская)*

- *Шайтони лаъиндан фарқи йўқ, хуллас, [1;41]*

- *(А. Парда)*

Инглиз тилидаги “infant” сўзи – “гўдак”, “boy” сўзи эса – “бола” маъносини беради. Шу билан бирга, Байрон мазкур шеърга ўзи берган изоҳига кўра, “infant” сўзи 21 ёшгача бўлган ҳар қандай одамга нисбатан қўлланилади. Демак, қаҳрамон аслида эмизикли гўдак эмас, ҳали 21 ёшга кирмаган йигитдир. Шу тарика таржиманинг тўғри чиқишида сўзларнинг деннотативгина эмас, коннотатив маъносига ҳам таяниш лозим. А.Блокнинг таржимасида бу сўзлар ўз навбатида “дитя” ва “мальчик” бирликлари ёрдамида ўтирилган; агар таржимани Байрон келтирган изоҳсиз ўқисак, шоир томонидан акс эттирилган “пихини ёрган айёрлик” норасида гўдак образи когнитив диссонанс ҳолатини келтириб чиқаради. С.Командровская ўз навбатида аслиятдаги градацияни, таржимадаги “болалик-қарилик” тушунчаларини қаршилантирган ҳолда, антитеза билан алмаштирмакда; ўзбек тилидаги таржимада қаҳрамоннинг ёшига мос бўлмаган маккорлиги образи йўқ қилиниб, унинг ўрнига инсонга тегишли жиҳатлардан унда фақатгина ташқи кўриниши борлиги фикри киритилган; шу тарика аслиятда ёш маккор ва қалъоб тасвирлангани ҳолда, ўзбек тилига қилинган таржимада ички олами хайвондан фарқи бўлмаган, эси паст ва кўзи ожиз қаҳрамон образи қайта яратилмакда. Шеърнинг иккинчи мисрасидаги “mind” сўзи ҳар иккала рус таржимада ҳам – “душа” сўзи билан ўтирилгани ҳолда, ўзбек тилига қилинган таржимада генерелизация усулини қўллаш билан айнан “қалб”нинг асирлиги тушурилиб, маъно умумийлаштирилган, таржимон бу ўринда биринчи мисрадаги “рафтори одаму” бирикмаси билан қаҳрамон қалбининг тубанлиги образини компенсация қилиб бермакда; “vicious joy” бирикмаси А.Блок таржимасида “убийственные страсти” С.Командровская таржимасида эса “странная мода” бирикмаси билан, А.Парда таржимасида “куфроний ишлар” бирикмаси билан алмаштирилган. А.Блокнинг бу бирикмани айнан “убийственные страсти” билан таржима қилишида, қаҳрамон ружуъ қўйган тубанликлар бир кунмас бир кун уни ҳалоқат гирдобига итариб юборишига шаъма қилмакда. С.Командровскаянинг “странная мода” бирикмасининг қўлланилишида, албатта, бунақанги чуқур

маъно кўрилмайди. Фикримизча, таржимон шеърнинг кофиявий чиқиши учун мазкур бирликни қўлламоқда. Балки, таржимон ўзини мазкур қаҳрамондек тутиш баъзи бир ёшларга хос экани, ўзлари танлаган йўлнинг қанчалик хатарли эканини тушунмай, “кўпчилик шунака яшамокдаку!” деган ақида билан ҳаёт кечираётганига шаъма қилаётган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу шоир аслият матнига жойлаган фикрни таржимада тўла тиклаш учун етарли бўлмаган бирикмадир. Бундан ташқари, таржима жараёнида инглиз тилидаги отнинг сон категорияси ва таржима тилларидаги сон категориясида ҳам силжиш кузатилмоқда. Шу тариха, А.Блок таржимасида “joy” саналмайдиган оти, кўплик категориясида ўтирилгач, ўзбек таржимасида ҳам худди шу ҳолат кузатилмоқда. Ўзбек таржимасида “куфроний ишлар”га асир бирикмаси назаримизда жуда ўзбекона ва тушунарли чикқанига эътибор қаратиш лозимлиги ҳолда, соф Ислом динига тегишли атаманинг инглиз шеърятини таржимасида қўлланилиши асар образлилигига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. А.Парда таржимада “Худо” ва “шайтони лаъин” концептларини қаршилантириш орқали унинг нечоғлик тубанлигини кўрсатади. Шу билан бирга, таржимон “элдан уялмас” иборасини киритмоқда. Таржимада қаҳрамонга нисбатан шайтони лаъин метафораси қўлланилмоқда. Аслиятда “Худо” концепти ишлатилмаган, рус таржималарида ҳам у йўқ. Аммо, “куфр”, “Худо” ва “шайтони лаъин” бирикмаларининг таржимага метафорик образлар сифатида киритилиши натижасида ўқувчи кўз ўнгида шеър қаҳрамонининг образи яққол гавдаланади.

-
- *Versed in hypocrisy, while yet a child;*
- *Fickle as wind, of inclinations wild;*
- *Women his dupe, his heedless friend a tool;*
- *Old in the world, though scarcely broke from school;*
-
-
- *Ўта-кетган қаллоб, ҳали бола бўлсада;*
- *Ёввойи майллар шомолидек ўзгарувчан.*
- *Аёлларни алдаб, гофил дўстларидан фойдаланади.*
- *Кўпни кўрган, ҳали мактабни битирмай тўриб.*
- *(сўзма-сўз таржимаси)*

• (Ж. Байрон)

- Искусный лицемер от самых ранних дней,
- Изменчивый, как вихрь на volatility полей,
- Обманщик скромных дев, друзей осторожных,
- От школьных лет знаток условий света ложных.

• (А. Блок)

С молодых ногтей он лицемерит всем и непрерывно
 Меняет мнения свои, как направление
 ветер непостоянный,
 Лжет скромным милым девам и
 друзей обманывать он рад,
 Приверженец законов светских,
 уводящих быстро в ад,

• (С. Командровская)

- Онадан туғилган худписанд, худбин,
 Шамолдай беқуним, беҳаё, бадбин.
 Қизларни алдашга устаси фаранг,
 • Қаллобки, дуч келган ҳоли бўлар танг.

• (А. Парда)

• Мазкур бандда шоир ўз қахрамонининг болаликдан шунақа ёмон аҳволда катга бўлгани, унинг хирслари ўта ўзгарувчанлиги ва атрофдагиларнинг унинг учун заррачалик кадрсиз эканлигини маълум қилади. Шоир унинг ўзгарувчан феълени кўрсатиш учун, ўхшатишдан фойдаланади. “Fickle as wind” ўхшатиши А. Блок томонидан “Изменчивый, как вихрь” деб таржима қилинади. Кўриб турганимиздек, таржимада шамол образи бурон образига ўзгартирилиб, шеърнинг таъсир даражасининг ошишига хизмат қилган. Фақатгина “inclinations wild” инверсияга учраган бирикма таржимада тушиб қолган. Шоир асарнинг қофиясини таъминлаш учун “wild inclinations” бирикмасини инверсия кўринишида беради; мазкур бирикма аслиятда қахрамоннинг нечоғлик маънавий қашшоқлик ва ҳайвоний тубанликда эканлигини кўрсатиб бермоқда. Бошқа томондан, “шамол”нинг “бурон” билан алмаштирилиши, қахрамон хисларининг нечоғлик вайронкор эканига шаъма қилмоқда. С. Командровская таржимасида мазкур образ аслиятдагидек таъсирли чиқмаган. Таржимада қўлланилган ўхшатиш биринчидан кучсиз, иккинчидан умумий бўлиб қолган. Ўзбек тилидаги таржимада шеър қахрамони онасидан разил ва расво туғилгани таъкидланмоқда. Бу билан таржимон халқимизнинг “Букрени гур тўғирлайди” деган мақолига ишора қилмоқда. Аслият матндаги биринчи мисрада унинг туғилиши ҳақида сўз бормади.

Муаллиф Даметнинг ёш бўла туриб, шунчалик иккиюзламачи эканига беради.

• А.Парда “Fickle as wind” бирикмасини “шамолдек беқўним” таржима қилади. Назаримизда, аслиятдан таржима қилган А.Блок, “inclined to wild”ни ташлаб кетган бўлсада, унинг маъносини “вихрь” билан компенсация қила олган. Ундан кейинги “беҳаё, бадбин” сўзлари таржимадаги асар қахрамони характерини очиб беришда жуда муҳим рол ўйнамоқда. А.Парда қахрамоннинг бекарорлиги уни жарга итараётганини моҳирона кўрсатиб берган. Банднинг охирги мисраси ҳар учта таржимада ҳам аниқ берилмаган бўлсада, С.Командровская таржимасида аслиятда мавжуд бўлмаган “дўзах” образи киритилган; А.Парда 3-4- мисралари таржимасида аслият 3-мисранинг кенгайтирилган шакли ва мантикий давомини кўриш мумкин; “Old in the world, though scarcely broke from school!” мисраси тушиб қолмоқда.

• *Damaetas ran through all the maze of sin,*

• *And found the goal when others just begin:*

• *Even still conflicting passions shake his soul,*

• *And bid him drain the dregs of pleasure's bowl;*

• (Ж.Байрон)

• Дамет гуноҳнинг барча лабиринтларидан югуриб ўтган,

•

• — Дамет изведал путь порока до конца

• И прежде остальных достиг его венца.

• Но страсти, до сих пор терзая сердце, властно

• Велят ему вкушать подонки чаши страстной; (А.Блок)

Ашаддий қароқчи эсини еган

Манглайда тамгаси нобакор деган!

Боз қонга бўялган ҳар икки дасти

То ҳануз қилмишин қўймайди асти.

• (А.Парда)

• Бошқалар энди бошлаган вақтида, у мақсадга етди.

• Шунда ҳам қарама-қарши ҳислар унинг қалбини ларзага келтирмоқда,

• Ва ундан маишат жомини тағигача қурутишни утинмоқда;

• (сўзма-сўз таржимаси)

• Порок влечет безумного его на гибельный свой путь,

И в достижении его он познает все мерзости, их суть.

Страсть, истерзавшая его до страшного предела,

Дает ему испробовать остатки чаши своего удела, (С.Командровская)

• Учинчи банднинг С.Командровская ва А.Парда қилган таржималарини таҳлил қилсак, улар аслиятдан анчайин йирик бўлиб, асосан таржимонларнинг ўзлари яратган шеърнинг давоми сифатида қабул қилиш мумкин. Таржималарда “Дамет” – қаҳрамоннинг исми тушуриб қолдирилган. Ушбу тилига қилинган таржимада “Дамет” кишилиқ олмошлари билан таътирилган бўлса, ўзбек таржимасида на қаҳрамоннинг исми на унинг қўлланилиши лозим бўлган кишилиқ олмошларини қўришимиз мумкин; таржимада шунчаки қаҳрамонни тасвирлаш давом эттирилмоқда. Инглиз таржимачисининг яқиндан билмаган китобхон, бу ўринда, шеър нега айнан “Дамет” деб номлангани, “Дамет” нима маъно касб этишини тушунишга қўйишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчининг умумий маънони тушунишини мураккаблаштиради.

• Бундан ташқари, С.Командровскаянинг таржимасида ақлсиз Дамет қўлоқат сари олға қадамлаётган бўлса, ўзбек таржимасида у эсини еган қўлоқчига айланмоқда; унинг пешонасига нобакор тамғаси урилмоқда, албатта бу ҳам таржимон томонидан ишлатилган метафорик образ. Том маънода унинг пешонасига тамға босилмаган бўлсада, у ўзининг тақдирдан қочиб қутулолмайди деган маънони англашимиз мумкин бўлади. Бу фикр Дамет қилган ҳамма қирқдорларини ўзининг маънавий бузуқлиги учун эмас, тақдирда шу нарса битилгани учун қилган деган хулоса уйғотиши мумкин. Албатта, инсон ўз тақдирини ўзи қураётган экан, ҳар бери қилмиши учун ҳам бевосита ўзи жавоб бера олишга қодир бўлиши лозим. Ўзбекча таржимада Даметнинг ҳар иккала қўли қонга ботирилмоқда. Аслиятда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Бизнинг қўз олдимизда жарликнинг энг тубига ғарқ бўлган инсон образи гавдалантирилган бўлсада, унинг қотиллик содир этгани ҳақида аниқ далиллар келтирилмаган. Аслиятда ишлатилган персонификация – “And bid him drain” А.Блокнинг таржимасида яъни “Велят ему вкушать” иборасини қўллаш билан сақланмоқда. Ўзбек тилидаги таржимада жонлантириш санъати тушуриб қолдирилган.

• Ўзбек таржимасининг яна битта қўзга ташланадиган жиҳати

шундан иборатки, аслиятда ҳар битта бандни бошлаб берадиган фикр, яъни Даметнинг ёш холига бу қадар тубан кетгани ҳақидаги фикр, бор йўғи иккинчи банднинг биринчи мисрасидагина, – “Онадан тугилган худписанд, худбин” тарзида берилади. Аслиятда унинг ёшлиги ва ички дунёсида бўлган деградация ҳар битта мисрани очиб беришда қўлланилган. Аммо, унинг онасида шунақанги ёмон бўлиб тугилгани ҳақидаги маълумотни аслият матнида учратолмаймиз. Демак, таржимон, Даметнинг ҳар бир қилмишини тақдир сифатида баҳоламоқда. Унинг ўзи тақдир қурбони, у ҳеч нарсани ўзгартиришга қодир эмас, у мутлақ айбсиз бўлиб қолмоқда. Аммо, шеърнинг ниҳояловчи икки мисрасида, Даметнинг қалби ўзи яшаётган гуноҳлардан чарчагани, зулматдан ёруғлик томон интилаётгани образлари келтирилади. Демак, Дамет ўзининг қилмишларини англаб етгани ҳолда, турмушини ўзгартиришга ҳаракат қилади:

•
 • *But, pall'd with vice, he breaks his former chain,
 And what was once his bliss appears his bane.*
 (Байрон)

*Аммо, гуноҳларга қўмилиб, у эски занжирларини узади,
 Ва қачонлардир унга роҳат бўлганлар энди ман этилган бўлади*
 (Сўзма-муз таржима)

•
 • *Пронизан похотью, он цепь за цепью рвет,
 И в чаше прежних нег свою погибель пьет.*
 (А.Блок)

*Он разрывает цепи наслаждений и утех и похоти внушает,
 И выпивает негу до конца, свою погибель приближает.*
 (С.Командровская)

*Гар йўлга сололмас бандаси ожиз,
 Худо жазосини берар шубҳасиз.*
 (А. Парда)

Байрон икки мисрада ҳар учала таржимада ҳам маънони нотўғри талкин қилиш
қилиш кузатилмоқда. Байрон Даметнинг ақлу-фаросат воситасида ўзи асир
деган тубанлик кишанларидан ҳалос бўлишни истагани, авваллари унга беҳад
қўрқат бахш этган кўнгилхушликлар, эндиликда унга бало бўлиб туюлаётганини
қўрқатди. А.Блок таржимасида мазкур маъно мутлақ тесқари ўтирилган –
қўрқатди, виждонидан бутунлай воз кечиб, ўз ҳалокатини янада
қўрқатди. А.Парда таржимаси, рус тили воситасида қилингани боис,
Байрон аслиятда нима деганини билмаган. Шунинг учун ҳам, таржимон ўзбек
қўрқатди учун жуда ҳам таниш ва яқин бўлган “Гар йўлга сололмас бандаси
қўрқатди, Худо жазосини берар шубҳасиз” иборасини қўллади. Кўриб
турганимиздек, аслият матнига бутунлай тесқари маъно. Байрон унга ғойибдан
жазо келишини башорат қилгани йўқ. Шоир ҳар ким ўз тақдирининг эгаси
деган ғояни илгари сургани ҳолда, ҳаттоки Дамет каби жарликнинг энг тубига
тушиб қолган кишиларда ҳам бошқа ҳаёт ва тўғрилиқ йўлини танлашига
имкони борлигини таъкидламоқда.

Таржима жараёнида, айниқса, шеъринг таржимада сўзма-сўз таржима
қилиш муҳим деган фикрдан йироқмиз. Турли ҳил назарияларда шу ҳолат
бўйича айтилган қонун-қоидалар, ҳар доим ҳам амалиётда силлиққина
ишлайвермайди. Таржимада аслиятдаги каби эстетик таъсирни ҳосил қилиш,
бадий образни тўлақон гавдалантириш айрим ҳолларда таржимонни жумла
қурилишларини ўзгартиришга, таржиманинг турли усулларини қўллашга
мажбур қилиши мумкин. Бироқ эквивалентлик тамойилларини бузиши ва
ҳолатий манзарадан узоқлашиши мумкин эмас. Биз юқорида Байрон томонидан
ёзилган шеърнинг учта таржимон томонидан икки тилга қилинган
таржимасининг лингвопоэтик таҳлилини амалга оширдик. Таржимоннинг
аслият матнини тушуниши, унинг шоир ижоди билан яқинлиқ даражаси,
таржима қилиш услуби каби факторларнинг таъсирида, битта аслият матнининг
бир-бирига ўхшамаган таржималар яратиш мумкинлигини кўрдик. Умуман
олганда, албатта, рус ва ўзбек тилига қилинган таржималарда, таржимонлар
томонидан шеърни рецепторларга яқинлаштириш, улар тушунишлари учун

осонрок қилиш учун, бадий образларни мослаштириш, алмаштириш ва қўшиқ усулларининг қўлланилишини кўрдик.

Адабиётлар:

1. Байрон, Жорж Гордон. "Ушалмаган орзулар", - Тошкент "Ўзбекистон", 2011. – 152 б. (Жаҳон шеърятти дурдоналари).
2. *The Cambridge Introduction to Byron*
3. <http://eng-poetry.ru/Poem.php?poemId=2091>

*Axmedova Tursinoy,
Toshkent farmasevtika instituti o'qituvchisi*

BADIY TARJIMADA LEKSIK BIRLIKLARNI TALQIN ETISH

Badiiy tarjima kecha yoki bugun boshlanayotgan vaqtinchalik hodisa emas, balki uzoq tarixga ega bo'lgan, davrlar o'tishi bilan kengayib, chuqur ildiz otib borayotgan jahonshumul adabiy jarayondir. U jahon xalqlarining madaniyat sohasidagi yutuqlarining boyishiga, taraqqiyotning yuqori pog'onaga ko'tarilishiga, turli millat va elatlarga mansub kishilar o'rtasida do'stlik va birodarlik rishtalarini bog'lashga, insonparvarlikning oliy g'oyalari xizmat qiladi.

Tarjima - doimiy ma'naviy ehtiyoj, rivojlanib boruvchi adabiy jarayonning tarkibiy bo'lagi sifatida davrimizning ilg'or harakatlaridan biridir. Darhaqiqat, «Tarjimaning muvaffaqiyati, avvalo, tarjimon iste'dodiga bog'liq bo'lsa, ikkinchidan ob'ektiv (mavjud) shart-sharoitga, tarjima qilingan asar bilan asl nusxa orasidagi davriy va «milliy masofa», yaqin-yiroqlik, adabiy-estetik an'analar, did va tushunchalar orasidagi tafovutlar, adabiy aloqalar va ta'siming xarakteri, xalq tilining boyligi... shunga muvofiq talab va ehtiyojga ham bevosita aloqador»[2, 59]. O'zbek-ingliz adabiy aloqalari uzoq davrlarga borib taqalsada, bu yo'nalishdagi keskin miqdor va sifat o'zgarishlari respublikamiz mustaqillikka erishganidan so'ng rivojlandi. Ayniqsa, o'zbek va ingliz tillariga har ikki xalq adabiyoti namunalarini bevosita yoki bilvosita tarjima qilish tobora kuchayib bormoqda. Mustaqillik yillarida bevosita tarjima qilishga intilish tamoyili kuchayganligi diqqatga sazovordir. Mustaqilligimiz qo'lga kiritilganidan beri o'tgan davrda Angliya va AQSH yozuvchilarining qator asarlari to'g'ridan-to'g'ri o'zbek tiliga tarjima qilindi.

ko'proq vosita (asosan rus) til orqali tarjima qilish hamon davom etmoqda. Keyingi yillarda iste'dodli tarjimonlar tomonidan ingliz va amerika adabiyotidan bir qancha asarlar rus tili orqali o'zbek kitobxonlari e'tiboriga havola etildi.

Tarjima nafis san'at bo'lib, u tarjimonlardan realistlik tarjima printsiplaridan xabardor bo'lishni va tarjima ustida qunt bilan ijodiy mehnat qilishni talab qiladi. Tarjimada barkamollikka intilish uzluksiz davom etadi. Chunonchi, "Faust" tragediyasi rus tiliga o'ttiz marta, "Hamlet" undan ham ko'proq marta tarjima qilingan. Barkamol tarjimalarni o'qib bahring ochiladi. Shota Rustavelining "Yo'lbars terisini yopingan pahlavon" (Shayxzoda va Mirtemir tarjimasi), R.N.Guntekinning "Choli qushi" (M.Ismoilij tarjimasi), R.Hamzatovning "Dog'istonim" (E.Vohidov tarjimasi) asarlarining ixlos bilan qilingan tarjimalari o'quvchilar qalbini to'lqinlantiradi.

Afsuski, G.Uells, M.Tven, J.London, D.Defo, X.Bicher —Stou va P.Abrahamslar qalamiga mansub bo'lib, badiij barkamolligi bilan boqiylik kashf etgan ko'pgina badiij asarlarning o'zbekcha tarjimalarini ularning inglizcha asiyati bilan solishtiradigan bo'lsak, originalning umumij nafosatiga, ziyinat-oroyish baxsh etuvchi ko'pgina badiij bezaklariga putur yetib, xom-xatala bitilgan kitoblarga aylanib qolganligini ko'ramiz.

Ushbu maqolada tarjima asarlardagi ba'zi bir leksik va frazeologik birliklar tarjimasi haqida qisqacha mulohaza yuritimiz. Tarjima nazariyasiniig stilistik masalalariga mansub bo'lgan leksik va frazeologik birliklar tarjimasi katta amaliij ahamiyatga ega bo'lgan masaladir. So'zana ko'rki uning jimjimador gullari, shakli shamoyilidan tashqari, rang-barang tovlanuvchi ipklarining latifligiga ham bog'liq bo'lganidek, badiij asar nafosati ham uning umumij mazmunidan tashqari, bir necha ob'ektiv mezonlari qatori leksik va frazeologik birliklari sayqaliga ham bog'liqqdir. Badiij tarjima ularning ma'no va ottenkalarini ifodalashni taqozo qiladi.

O'zbek tiliga rus tili vositasida o'girilgan qator inglizcha adabiyotlar tarjimasida asliyatning stilistik bo'yog'iga putur yetkazuvchi leksik va frazeologik birliklar uchraydi. Kattakon shahlo ko'z, chuqurroq, negrcha, bo'lma[1,43] kabi birliklar

shular jumlasidandir. Tarjimada uchraydigan bu soʻzlarni inglizcha originali bilan ruscha tarjimasiga muqoyasa qilinsa, quyidagi hol koʻzga tashlanadi:

Kattakon shahlo koʻz birligi rus tilidagi большие и красивые глаза soʻz birikmasining soʻzma-soʻz tarjimasiga boʻlib, bunda strukturasi (tuzilishi) jihatidan oʻzbek tilidagi anʼanaviy shaklini yoʻqotgan *kattakon* komponenti ortiqchadir. Toʻgʻri, bunday tarkibli birliklar original taqozosiga koʻra qoʻshimcha komponentlar olishi mumkin. Lekin ular tilning stilistik talablariga koʻra oʻzi birikib keladigan leksik birlikka singib ketishi kerak. Ayni holda esa kattakon komponentiga hojat ham yoʻq, chunki uning maʼnosi shahlo koʻz birligining oʻzidan.

Tarjimonning ijodiy mahsuli sifatida vujudga kelgan negrcha soʻzi ham original ottenkasini bermaydi. Oʻzbek tilida xabash va hindi soʻzlari "qora tanli" koʻchma maʼnoda ham ishlatilganidek, ingliz tilida soʻzlashuvchilar shu maʼnoda *negr* soʻzini qoʻllaydilar.

Yuqorida qayd qilingan asarni «Here you Mose and Pete get on the way, you niggers» jumlasidagi «niggers» soʻzi rus tiliga черномазые deb tarjima qilingan: - Моз, Пит! Марш отсюда, черномазые!

Bu jumla oʻzbek tiliga "Qani, hay Moz, hay Pit, yoʻlni toʻsmang, negrchalar!" deb oʻgirilgan boʻlib, yuzaki qaralganda, negrchalar leksik birligi ruscha черномазые tarjimasidan koʻra inglizchasiga yaqinroq koʻrinadi. Lekin aslida esa negrcha undalmasida millatga munosabat maʼnosi yotsa, negr undalmasida esa tana rangiga boʻlgan munosabat yotadi. Shuning uchun ham bu leksik birlik qoramashaklar deb berilishi kerak edi.

Shaklan oʻxshash, lekin semantik ottenkasi jihatidan boʻlgan tafovutni ямочка — chuqurcha birliklarida ham koʻramiz. Ular har ikki tilning lugʻat fondida bir xil maʼno bilan berilgan boʻlsa ham, ekspressiv ottenkasi jihatidan keskin farq qiladilar. Shuning uchun ham tarjimada uning "kuldargich" degan sinonimini berish kerak edi.

Tarjima nazariyasi milliy koloritli soʻzlarga alohida eʼtibor berib, ularni har bir xalqning oʻziga xos leksik birliklari bilan ifodalashni talab qiladi.

Tarjima adabiyotlarda maʼnolari ochilmay qolgan leksik birliklar ham tez — tez uchrab turadi. Masalan, "Otamiz Gueda mandarin edi" (ruschasi: он был

манаром в Гуэ; inglizchasi: He was a mandarin jumlasini o'qigan kitobxon
mandarin"i nima ekan, deb hayron bo'ladi. O'zbek tili leksikasiga qadam
ayratgan bunday neologizmlarga izoh berilsa yoki ularning ma'nosi "Otamiz Gue
katta mansabdor edi" qabilida ochib berilsa, jumla ravon chiqqan bo'lar edi.
"Sovaq shokolad" (mazkur kitobdan, 175 —bet) leksik birligi ham (ruschasi:
шоколад, inglizchasi:cold chocolate) izoh talab qiladi. Bu termin o'zbek
leksikasidagi shirchoy, gulob kabi so'zlar strukturasi asosida "shokoladli sharob"
shaklida berilib, uning tarkibi undirilgan bug'doy yoki arpa damlamasi, sut va
shokoladdan iboratligi haqida izoh berilsa, o'zbek kitobxonlari leksikasiga yangi bir
so'z kiritilgan bo'lardi.

Badiiy tarjimada tilning leksik va frazeologik qatlamlari tutgan o'rin nihoyatda
keng qamrovlidir. Zero, biz maqolada mazkur masalaning ma'lum qisminigina
ta'riflashga harakat qildik, xolos. Umuman, har qanday tilda leksik qatlamlar va
frazeologik qatlamlar bir-biri bilan uzviy bog'liq. Mazkur ikki hodisa birgalikda
ta'hlil va talqin etilishni talab qiladi. Zotan, ularni birgalikda aks ettirish tarjimaning
sifatiga badiiy-uslubiy uyg'unligini ta'minlaydi.

Adabiyotlar:

1. G.Grin."Yuvosh amerikalik", UzDavNashr, 1963, ruschadan M.Normatov tarjimasi.
2. Komilov N. «Qayta yaratish san'ati». Adabiyot va san'at (to'plam) Toshkent. «Fan». 1983.
3. Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari T. 2005.

A.QAHHOR QISSA VA HIKOYALARINI NEMIS TILIGA TARJIMASIDA MAQOL VA MATALLARNING BERILISHI

Maqol-matallarga nisbatan qiyosiy-tipologik holat mazmuniy, morfologik va funksional-pozition doirada tadqiq etish mumkin. Qiyosiy-tipologik jihatdan boshqa frazeologik birliklar kabi maqollarni ham to'rt guruhga bo'lish mumkin [4, 226]

1. Mazkur tilga qadimdan tegishli bo'lgan maqollar.
2. Boshqa tillardan o'zlashgan maqollar.
3. So'z majmualari – aynan tarjima qilingan maqollar.
4. So'z majmualari – qisman tarjima qilingan maqollar.

Birinchi guruhga nemis tilidagi quydagi maqolni kiritish mumkin:

Viele Koche verderben den brei;

Quyidagi o'zbek xalq maqolini birinchi guruhga kiritishimiz mumkin:

Mol olasi sirtida, odam olasi ichida

Bu turdagi maqollar qadimgi va klassik adabiyotidan to hozirgi zamonaviy adabiyotidagi badiiy asarlarda ko'plab uchratishimiz mumkin.

Ikkinchi guruh maqollari o'z mohiyatiga ko'ra xalqaro xarakter kasb etuvchi maqollardir. Bu turdagi maqollar badiiy asarlarda juda kam uchraydi.

Uchinchi turdagi maqollarning bir nechta tilga aynan tarjima qilish mumkin.

Masalan :

Nemischa: "*Liebe ist (macht) blind.*"

Ruscha: "*Любовьслена*"

O'zbekcha: „*Sevgini ko'zi ko'r*“

Bu turdagi maqollar ham badiiy asarlarda ko'plab uchraydi, lekin bularga ekvivalentlarini qidirishga hojat yo'q. Shu sabab tarjima qilish unchalik qiyinchilik tug'dirmaydi.

To'rtinchi turdagi maqollarning uchinchi turdagi maqollardan farqi ular bimechta tilda o'zining so'zma- so'z teng keluvchi ekvivalentiga ega emas. Masalan:

Bu maqol o'zbek tiliga so'zma- so'z quyidagicha tarjima qilinadi:

O'z uyingda devorlar ham yordam beradi.

Bu turdagi maqollarning badiiy asarlar tarjimasida aynan mos keluvchi maqobillari bilan berish maqsadga muvofiq bo'ladi. Tarjimada ham tarjimon iborati uning tarjima qilinayotgan asar tilini qanchalik yaxshi bilishiga bog'liq, tarjimon qanchalik ibora va maqollarni oddiy gapdan farqlay olsagina asarning aslinalidek jonli va ta'sirchan qilib yetkazadi. Buning uchun esa tarjimon asar tilidagi frazeologik va maqol-matallar lug'atidan kengroq foydalanishi talab etiladi.

O'zbek adibi A. Qahhorning "Anor" nomli qissa va hikoyalar to'plamini O. Ostonov tomonidan nemis tiliga qilingan tarjimalarni kuzatish orqali, uning umumiy ahvoli va bu sohadagi yutuq va nuqsonlar bilan tanishishga imkon beradi.

Maqol chuqur ijtimoiy, axloqiy, falsafiy-hikmatona mazmunga ega. Shu sababli ba'zi maqollar butun bir asarning mazmunini o'zida ifodalashi mumkin. "Xalq maqoli har bir kishi amal qilishi lozim bo'lgan o'ziga xos axloqiy hodisalar kodeksidir"[3]. Har bir maqol ham ma'no, ham shakl, ham stilistik funksiyasi jihatidan o'ziga xos xususiyatga ega. Maqol zamirida xalqning donishmandligi ming yillik tajribalari asosida chiqargan muhim hayotiy xulosasi yotadi. Maqollar eng avvalo xalqning urf-odati, qadriyatleri, etnik madaniyati, turmush tarzi, zamon va davr birliklarini o'z ichiga olgan holda paydo bo'ladi.

Ushbu hayotiy xulosani o'zida aks etgan frazeologizmlarni badiiy adabiyotda samarali ishlatish mazmunini boyitadi. Ana endi bu asarni boshqa bir tilga tarjima qilish masalasi qo'yilsa, ushbi asarni o'girayotgan tarjimondan o'tkir ziyraklik va katta matonat talab qilinadi.

Biz ushbu tezisda Oybek Ostonov tomonidan Abdulla Qahhorning "Anor" qissa va hikoyalar to'plamini nemis tiliga qilingan tarjimalaridagi ayrim hikoyalarni tahlil qilib o'zbekcha matndagi maqollarning nemis tilida qanday ifodalanishini misollarda ko'rib chiqamiz.

Ushbu to‘plamidan o‘rin egallagan “Bemor” hikoyasida epigraf olingan “*Osmon yiroq, yer qattiq*” [1,80] maqoli asarning boshdan oxirig jaranglab turadi.

Tarjimon bu maqolni nemis tiliga so‘zma –so‘z shunday tarjima qiladi:

Der Himmel ist weit und der Boden hart. [2,12]

Bu maqolning nemis tilida quydagicha ekvivalenti bor: *Das Leben ist hart. Leben ist ein Kampf.* berilgan tarjima o‘zbekcha maqolga va hikoya g‘oyasiga mos tushgan.

Bu maqol anglatadigan ma‘no shuki, turmush og‘ir kechmoqda, unda yashayotgan bechora odamlarning biror bir chorasi qolmagan, hech bir yoqdan ilinji, hech bir suyanishi mumkin bo‘ladigan tirkak yo‘q, shuning uchun osmonga aytay desa – uzor, yerga aytay desa – qattiq, baribir eshitmaydi.

Kechqurun Qobil bobo aminning oldiga boradigan bo‘ldi. *Quruq qoshiq og‘iz yirtadi*, aminga qancha pul olib borsa bo‘ladi? *Berganga bitta ham ko‘p olgangao‘ruq ham kam.* [1, 77]

Der Onkel beschließt am Abend, am nächsten Tag zum Steuereinnnehmer zu gehen. Wie man sagt „*Umsonst ist der Tod*“, wie viel Geld muss man dem Steuereinnnehmer mitbringen? *Jemandem etwas geben ist immer schwieriger als zu nehmen.* [2, 14]

Tarjimon *quruq qoshiq og‘iz yirtadi* maqolini *Umsonst ist der Tod* idiomasi bilan bergan, lekin “umsonst ist Tod” maqoli bekordan bekorga hechnarsaga erishib bo‘lmaydi ma‘nosini bildiradi. Lekin nemis tilida quydagicha ekvivalenti bor: „*mit schönen Worten koch man keinen Brei*“ maqoli ko‘proq ma‘no jihatdan mos keladi. Bu parchadagi ikkinchi maqolni so‘zma- so‘z o‘g‘irib ma‘zmunni saqlab qolgan.

Maqol va matallarning ma‘nosi kontekst ichida ochiladi. Binobarin, muayyan iboraning ma‘nosini ochish uchun uni kontekst ichidan olib qarash lozim. Masalan, “O‘g‘ri” hikoyasidagi epigrafni olsak:

“Otning o‘limi, itning bayrami” [1,76]

Der Alte fühlt sich schwach und die Beine versagen ihm, dann gerät er in Aufregung, aber was kann er auch sonst tun! „*Wer mit der Regierung spielt, der spielt mit dem Feuer*“. [2, 14]

Yuqoridagi bu maqollarni tarjimon hikoyani mazmunini saqlab qolish

nemis tiliga soʻzma- soʻz tarjima qilgan.

Aksariyat hollarda tarjimon har bir maqol va matallarni asarda
ayotganda voqealar mazmuni, ob'ekti, milliy muhit va uslub
atlariga koʻra oʻgirilayotgan tilidan muqobillar topib qoʻyadi.

Ellikboshi hoʻkizni juda naqd qilib qoʻydi – goʻyo u koʻchaga chiqsa bas –
topiladi. Bu “xudo yarlaqagur” shunchalik qilgandan keyin biron nima berish
da. *Tekinga mushuk oftobga chiqadimi.*[1, 77]

Tarjimon ushbu matalni idioma orqali ifodalab mazmunini ochib bergan.

... Der Dorfschulze war sich sicher mit dem Stier. Als er dann nach draußen
noch einmal ein: „Basta! Der Stier wird gefunden!“ Diesem „von Gottes
Gaden“ soll man für seine Bemühungen etwas geben. „*Wo nichts ist, hat der Kaiser
sein Recht verloren*“.[2, 14]

Shunday qilib, keng maʼnoda maqol va matallarni bir tildan ikkinchi
tilga tarjima qilganda har qanday hollarda ham ularning obrazli timsoli,
mazarda tutilgan maʼno va mazmuni aynan mos keldigan variantlar bilan
oʻgirish maqsadga mofiq keladi, aks holda maʼnoning oʻzgarishiga, maʼnoviy
siljish hodisasi sodir boʻlishiga olib keldi. Koʻplab maqol va matallar boshqa
tildagi, ayniqsa dunyoqarashi, urf –odatleri, dini mutlaq farq qiladigan,
qardosh boʻlmagan tillardan tarjima qilish, murakkab ish va shu bilan
birgalikda hammani ham birday rozi qilib boʻlmaydigan sohadir.

Adabiyotlar:

1. *Abdulla Qahhor. Anor. T., Gofur Gʻulom, 2012.*
2. *Granadapfel. Oybek Ostonov. T., Adib, 2012.*
3. *Mirzayev T. Oʻzbek xalq maqollari, -T.: Sharq, 2012.*
4. *Шански Н.М. Лексикология современного русского языка. М., 1972.*

NEMIS TILIDAGI MODAL YUKLAMALARNING O'ZBEK TILIGA BADIY TAJIMADA BERILISHI

Modal yuklamalar modal fe'llar kabi zamonaviy nemis tilida eng ko'p qo'llanuvchi vositalardan biri. Modal yuklamalar modal fe'llarga qaraganda kundalik muloqot va dialogik nutqda ko'p uchraydi. Ularning borligi nutqqa milliy koloritning boshqa vositalari berolmagan aniqlikni, tushunarlilikni beradi. Gapda ular katta kommunikativ rol o'ynab, subyektiv modallikning turli nozik ma'nolarini beradi. Gapiruvchi nafaqat o'zining suxbatdoshiga informatsiya beradi, balki ayni paytda o'zining aytgan fikrlariga va suxbatdoshiga o'z munosabatini ifodalaydi. Modal yuklamalar so'zlovchining o'y-fikrlari va maqsadini, fikr mazmuniga uning emotsional bahosini tushunishga yordam beradi.

Modal yuklamalar eng avvalo kundalik muloqot tilida ko'p uchraydi. Modal yuklamalar yordamida gumonni ifodalash so'zlashuv nutqida eng ko'p qo'llaniladigan usul. Fikrning mazmuniga va suhbatdoshga subyektiv munosabat hamda emotsiyaning ifodalanishida leksik birliklar, xususan, so'zlarning alohida guruhi – modal yuklamalar xizmat qiladi.

Nemis tilida so'zlashuv nutqini o'zlashtirishda modal yuklamalarni to'g'ri qo'llash talab qilinadi. Modal yuklamalar hech qanday denotativ ma'noga ega emas, ya'ni ular ifodaning mazmunini o'zgartira olmaydi. Buni isboti uchun, gapdan biror modal yuklama olib tashlansa, undagi ma'no o'zgarмай qoladi.

Masalan:

1. Peter kommt *etwa* um drei Uhr. Um vier Uhr wird er sicher da sein.
2. Viele Messesäuger wurden früher intensiv bejagt, *etwa* das Walross, das fast ausgerottet wurde.
3. Möchtest du *etwa* jetzt schon gehen?
4. Soll ich da *etwa* anrufen?

Zamonaviy nemis tilida kuchaytiruvchi yuklamalar (sogar, selbst, zu), undov yuklamalari (wie, wieso), tasdiq – inkor yuklamasi (ja, nein, nicht), modal yuklamalar (doch, denn, nur, nun va hokazo) yuklamalar mavjud. Oxirgi guruh yuklamalarini ko'rib chiqamiz: zamonaviy nemis tilidagi modal yuklarning gapdagi o'rni va ma'nosiga qarab ularni quyidagi guruhlarga ajratish mumkin:

1. Modal kuchaytiruvchi yuklamalar (**doch, denn, schon, nun, mal, einmal**)
2. Modal chegaralangan yuklamalar (**ja, bloß, nur**)

Shuning o'z ma'nosidagi modal yuklama (**etwa**)

Shu guruh yuklamasini ko'rib chiqamiz.

Etwa – *chamasi, taxminan, ... (qanaqa)dir*. Etwa bilan so'zlovchi savolda modalangan narsaning qarama – qarshi tomonini kutganini ko'rsatadi. "*etwa*" modal yuklamasi *etwa* – "taxminan" yuklamasidan kelib chiqqan bo'lib, "ehtimol, balki, mumkin, bo'lsa kerak, aftidan, chog'imdanahotki, rostdan-, chindan ham" degan ma'nolarni anglatadi. Uning boshqalardan ajralib turadigan farqi shundaki, u barcha modallik maylini aniqlamay, balki ba'zan tamomila o'zgartirib, gapga gumon va ishonchsizlik ma'nosini olib kiradi.

Gumon ma'nosi: *Etwa* modal yuklamasi, odatda, so'roq gaplarda uchraydi va ma'no jihatdan *vielleicht, wahrscheinlich* modal so'zlariga yaqinlashadi hamda gumon (shubha) ma'nolarini ifodalaydi.

Masalan:

Ist das **etwa** ein Witz? – *Nahotki bu hazil bo'lsa?*

Bist du **etwa** krank? – *Sen, balki kasaldirsan?*

Anna (lächelnd): klappt sie **etwa** nicht (die Sache)? [3, 46]. – *Anna (kulib):*

ehtimol, ish yurishmayotgandir?

Ist das **etwa** ein Verbrechen? – *Nahotki(rostdan, chindan ham) bu jinoyat bo'lsa?*

Leben hier **etwa** Spinnen? – *Bu yerda (rostdan ham) qanaqadir o'rgimchaklar yashaydimi?*

Hast du **etwa** im Bad das Wasser laufen lassen? – *Vannada suv oqayotganini eshityapsanmi?*

Hältst du **etwa** Kröten als Haustiere? – *Nima, (rostdan, chindan ham) sen qisqichbaqalarni uy hayvoni sifatida saqlaysanmi?*

Einen Hochsitz? Geht der **etwa** zur Jagd? (Alte Liebe S.13) –

Er hat **etwa** 3 Tage gewartet. – U taxminan uch kun kutdi.

Yuqoridagi misollardan ko'rinib turganidek, etwa modal yuklamasining ma'nosi so'roq gaplarda ishonchsizlik va gumon ottenkalarini ifodalaydi, so'roq gapning sintaktik ma'nosi bilan uzviy bog'liq bo'ladi. *Etwa* modal yuklamasi shart ergash gaplarda birmuncha kam uchraydi: *Sag es ihm wenn du ihn etwa siehst (sehen solltest)-Balki(ehtimol) uni uchratib qolsang, unga shuni aytib qo'y*. Shuningdek, inkor gaplarda, asosan, buyruq gaplarda: *Denken Sie nicht etwa, dass... – Mabodo o'ylamayapsizmi...*

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, nemis tilida gumon modalligini ifodalovchi vositalar o'zbek tiliga biroz qiyin va murakkab tarjima qilinadi. Ular o'zlarining anglatgan leksik va grammatik ma'nolari bilan o'zbek tilidagi vositalardan biroz farq qiladi. Modal fe'llarning subyektiv ma'nosi so'zlovchining gapga bo'lgan munosabatini xarakterlovchi modal ma'nolarni qamrab oladi.

Modal yuklamalar yordamida gumonni ifodalash usuli nemis tilida keng tarqalgan va tez – tez uchrab turadi. Modal soʻzlar oʻzining yorqin leksik ifoda mazmuni tufayli, modal feʼllarga qaraganda, gapning turli nozik maʼno qirralariga mazmun beradi. Modal soʻzlar, modal sintaktik guruhlar va modal kirish gaplar gapning umumiy modal xarakteristikasini toʻldiradi. Ular qoidaga koʻra gapda predikativ feʼl sifatida amal qiladi, biroq nafaqat feʼlga, balki gapning barcha boʻlaklariga aloqada boʻladi, modomiki ular feʼl bilan bevosita aloqada boʻlar ekan, feʼllar nemis tilida gap tuzilishining asosiy strukturasi (qurilish vositasi) boʻlib qolaveradi.

Adabiyotlar:

1. Wolf, Norbert Richard. *Zeit in Sprache und Literatur*. In: Anna Seemüller/Tanja G. Baudson, Marin Dresler (Hrsg.): *Zeit in Wissenschaft, Philosophie und Kultur. Eine Publikation des MinD-Hochschul-Netzwerkes.*, S. 229-237. Stuttgart: Hirzel Verlag, 2009.
2. Москальская О.И. *Системный подход к синтаксису предложения. Иностранные языки в школе*, 1971, № 6. 23-b.
3. Milan, C. *Modalverben und Modalität. Eine kontrastive Untersuchung Deutsch-Italienisch*. Niemeyer. Tübingen, 2001. S.106
4. Müller, R. *Modalität und Modalverben im Deutschen*. „Buske“. Hamburg, 2001. S.202
5. Shokirova N. *Nemis tilidagi modal feʼllar. Tafakkur*. Toshkent, 2010.

*Мирмухсин Хамидов,
ТошДАУ ўқитувчиси*

НЕМИС БАЛЛАДАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАЛҚИНИ (Гётенинг “Erlkönig” (Ўрмон шохи) балладаси мисолида)

Таржима – халкларни бир-бирига яқинлаштирадиган, қалбларни туташтирадиган улкан маънавий кўприк. Асрлар бўйи таржимонларнинг захматли меҳнати туфайли Шарқ ва Ғарбда яратилган бадият дурдоналари, тафаккур хазиналари китъалар, мамлакатлараро дўстлик, тинчлик, эзгулик уруғини сочиб, маданият тараққиёти йўлида хизмат қилган. Айни замонда таржима юксак санъат, маҳорат мактаби. У она тилининг бойлиги, жозибаси, гўзаллигини намоёниш қиладиган улкан ижодий майдон. Шу туфайли унга ҳар доим катта масъулият, талабчанлик билан ёндошилган. Бу санъатнинг огир,

116

...ли меҳнатини зиммасига олиш, машаққатларига чидаш осон эмас.
...мон энг аввало катта салоҳият эгаси бўлиши керак. У ўзга тилни қай
...ада билса, ўз она тилини ҳам шунчалик чуқур билиши, нозик маъноларни
... қилиши, ўткир иборалар, ҳикматли сўзлар, мақол-маталлар, ҳаётий
...салар, турмуш икир-чикирларини маҳорат билан гавдалантира олиши
...м.

Бизга маълумки, немис тилидан бевосита ўзбекчага ёхуд ўзбек
...ларининг бевосита немисчага ўгирилган шеър-у, дostonлар, кисса, хикоя ва
...анлар рўйхати унчалик кўп эмас. Аслиятда бадий асарларни
ўзбекчалаштириш ёки бўлмаса немисчадан ўгириш камлигини икки сабаб
...лан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, ғарб тилларидан ўзбекчага ўгирувчи мутахассисларнинг йўқ
...ражада бўлганлиги бўлса, иккинчидан фақат рус тилига таржима қилинган
бадий асарларнигина ўгиришга ижозат берилганлигидир. Гарчи ўзбек
...итобхони И. В. Гёте, Ф. Шиллер, Х. Хайне, Х. Манк, Б. Брехт ва бошқа немис
муаллифлари билан XX асрнинг турли даврларида танишиш имкониятига эга
бўлган бўлсалар ҳам, буларнинг барчаси русчадан ўгирмалар бўлиб, ундан
маълум даражада рус насри ва назмининг таъсири сезилиб турар эди.

Кенг китобхон оммасини турли халкларнинг нодир асарлари билан
таиштириш, уларни инсоният заковати маҳсули бўлмиш юксак даражали
пурмантик фикрлар дунёсидан баҳраманд қилиш маъсулияти республикамизда
бадий таржима ишига катта эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Аmmo шуни қайд қилиш лозимки, таржима қилинаётган асарларнинг
хаммаси ҳам тўғридан-тўғри аслиятдан исталган тилга таржима қилиняпти деб
бўлмайди, уларнинг кўпчилиги, иккинчи, хатто, баъзан учинчи воситачи тил
орқали ўгириляпти.

XX аср охири, XXI асрнинг бошларига келиб эса таржимачилигимиз
амалиётида инглизчадан, немисчадан, французчадан таржима деган ёзувлар
одатийлик касб этмоқда. Таржимада фақат тил билишнинг ўзигина кифоя
қилмаслиги, балки асар яратилган тилда гаплашувчиларнинг урф-одати, расм-

русми, турмуш-тарзи, феъл-атвори, рухияти, кўйинки, менталитети миллий колоритини билиш эътироф этиляпти.

Балладаларни ҳам немис тилидан ўзбек тилига таржима қилиш таржимонлар ана шундай миллий колоритни инобатга олиши ва воқеалар калбдан ҳис қилишлари даркор.

Гёте ва Шиллер балладалари немис адабиётида алоҳида аҳамиятга эга. Шулардан бири 1782 йилда Гёте томонидан ёзилган “Erlkōnig” (Ўрмон шох) балладасидир. Воқеада инсоний кифа асос қилиб олинмаган, балки бошқа кучлар томонидан қамраб олинган. Бу кучлар табиат кучларидир: сувдаги имлаб, авраб чақирувчи куч – сув париси, дарахтлар орасида изғиб юрган шарпалар – ўрмон шох ва унинг қизлари баллададаги манзараларни янада ваҳимали қилиб кўрсатган. Унда табиат кучлари ва шарпалар олдида инсоният ожизлиги тасвирланган. Ундаги воқеалар ўрмон ичида бўлади.

Гёте балладаларида воқеаларнинг бирдан рўй бериши, ҳаяжонли ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Алоҳида – алоҳида ҳолатлар биргаликда тасвирланади ва диалог шаклида ифодаланади:

Er hat den Knaben wohl in dem Arm

Er fasst in sicher, er hält ihn warm-

Mein Sohn, was birgst du so bang dein Gesicht?

(У болақайни маҳкам ушлаб, юрак тафти билан иситиб боради; Ўғлим юзинг бунчалар сўлғин)

Я. Эгамова таржимаси:

Кучиб ўглин бағрига маҳкам

Елар, ўгли алаҳлар ҳар дам.

Болам, нечун юзингда кўркүв

Охирги сатрдаги воқеа муаллифнинг иштирокисиз фожеавий тус олади. Бу ерда воқеа қаҳрамонлари на тасвирланган, на бирор ном билан берилган, унинг кимлиги икки томонлама суҳбатда ойдинлашади:

Siehst, Vater, du den Erlkōnig nicht?

Den Erlenkōnig mit Kron und Schweif?

Тождор кийимдаги ўрмон шохини кўрмаяпсанми?)

Ота боккил ўрмон шохи-ку

Бошида тож, эгнида ридо

Диалогдаги хар бир эътироз мурожаат билан бошланган. Отанинг нутки “*Mein Sohn*”)”, ўғилники “ота” (“*Mein Vater*”) сўзлари билан бошланган. Ўрмон шохи эса “болажоним” (“*Du liebes Kind*”) деб нутқини бошлайди.

Сўнги, якунловчи қатор балладага фожеавий якун ясайди. Барча фантастик кечинмалар болакай тилидан худди реал ҳаётда содир бўлаётгандек сўзлаб бериллади. Унинг нутқи такрорий бўёқдор сўзлардан ташкил топган бўлиб, унда болакай ўз ҳаёлотида кечаётган воқеаларни отасига етказиб туради. Аммо ота бу товушларни на эшитади, на кўради, шунинг учун гўдакнинг ҳоли уч бор такрорланиб янада кучлироқ ва кўркинчлироқ тус олади:

Siehst, Vater, du den Erlkönig nicht?

Mein Vater, mein Vater, und hörst du nicht ...

Mein Vater, mein Vater, und siehst du nicht dort ...

(Ота, ўрмон шохини кўрмаяпсанми? Ота, ота, эшитмаяпсанми? у ерда...)

Баллада сўнгида уч бора болани сўроққа тутган ўрмон шохи, биринчи бор эркалаб, кейин эхтирос ила кўркувни оширади.

Ота ўз тушунчасига эга, шу сабаб унинг учун ўрмонда ҳеч қандай фантастик ҳолат мавжуд эмас. Боласининг кўркув тўла кичкирикларига у бамайлихотирлик билан жавоб бераверади. Аммо хотима жуда аянчли:

In seinen Armen das Kind war tot

(унинг қўлларида бола ўлганди)

Ушбу баллададаги воқеалар Я. Эгамова таржимасида ўз аксини топган. Таржимон аслият воқеаларини теран хис қилган ва воқеаларни ўзидагидек шеъринг усулда таржима қилган.

Хулоса қилиб айтганда, шеъринг таржима, қолаверса, балладаларнинг ўз тилимизда жаранглаши ва унинг моҳиятини ўзбек китобхонига мукамал етказиб бериш, уни жонлантириш, ривожлантириш ўзбек адабиётининг ҳам таракқий топишида асосий омиллардан биридир.

Адабиётлар:

1. Саломов Ф. *Таржима назарияси асослари. Тошкент, 1983.*
2. Бақоева М. К. *Таржима муаммолари. Тошкент, 2009.*

КОНКРЕТ ШЕЪРИЯТНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Рус таржимашунослигининг таниқли намояндаси А.В. Фёдоров таржимашуносликда икки йўналиш, яъни тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишлари мавжудлигини эътироф этар экан, бадий адабиёт таржимасида стандарт ечимлар йўқлигини, мутаржим ҳар бир матнга алоҳида ёндашиши кераклигини уқтиради.[1] Куйида ҳалигача ўзбек тилига ўгирилмаган шеър тури – конкрет шеърият таржимаси ҳақида сўз юритилади. Биз бунда ҳам стандарт ечим йўқлигини эътироф этган ҳолда, дарс жараёнида талабалар билан биргаликда қилинган тажриба-таржималарга асосланамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида чет эл адабиётида бадий ижоднинг конкрет шеърият тури кенг тарқалди. Америкалик олима Виктория Пинеданинг эътироф этишича, конкрет шеъриятнинг айрим унсурлари қадимги юнон адабиётидаёқ учрайди, аммо унинг алоҳида адабий тур сифатида шаклланиши XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган. Конкрет шеъриятнинг ривожланишига асосан швейцариялик Юген Гомрингер, бразилиялик ака-ука Августо ва Ҳоральдо де Кампослар ва Америкалик Эзра Паунднинг ижодий ишлари туртки бўлган [2].

Айрим ҳолларда “конкрет шеърият” ўрнида “визуал шеърият” – “visual poetry” атамаси ҳам қўлланади. Конкрет шеъриятда мавзу ёки муаллифнинг фикри сўзлар ёки ҳарфларнинг саҳифада жойлашиши орқали ифода этилади. Мисол учун Мейжик Глейд қаламига мансуб конкрет шеърни олиб кўрайлик:

)

a

pen

-cil

holds

a gr
eater
know
ledge
than
any c
omp
uter,
a pen
cil hol
ds 100
years
of ex
peri
ence
and
has
been
thro
ugh
the
stori
es of
milli
ons

(Magic Glade. A.Pencil)

Ушбу шеър калам ҳақида бўлганлиги туфайли сўзларнинг жойлашуви шу шаклга мослаштирилган. Унинг ўзбекча сўзма-сўз насрий таржимаси:

“калам ҳар қандай компьютердан кўпроқ билимга эга, каламнинг 100 йиллаб тажрибаси бор ва миллионлаб ҳикоялар битган”. Шеърга калам шаклини бериш учун муаллиф сўзларни бир неча қаторга бўлиб ташлаган. Жумладан, “a pencil”, “experience”, “computer” сўзларининг ҳар бири уч қаторга, “greater”, “through”, “millions” сўзлари икки қаторга бўлиб юборилган ва ҳоказо.

Австриялик Анатол Кнотекнинг “Tears” (“Кўз Ёшлари”) шеъри эса фақатгина бир сўздан иборат бўлиб, унда оқиб тушаётган кўз ёшлари тасвирланган:



Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, конкрет шеър расм ва сўз уйғунлигидир. Рус адабиётшуноси Владислав Кулаковнинг сўзлари билан айтганда, “Бунда шоир рассомга айланади” [3]

Одатда конкрет шеърларда қофия, вазн, банд йўқ. Бу жиҳатдан улар эркин ёки насрий шеърга яқин туради, аммо уларда мазмуннинг расмда ифодаланиши сўз эркинлигини чеклашга олиб келади ва шу боисдан улар эркин шеърлардан тубдан фарқ қилади. Эркин шеърларда фикрни ифодалаш имконияти кенгайса, конкрет шеърда тораёди. Конкрет шеърятдан кўпинча болаларга чет тилини ўргатишда кенг фойдаланишади.[4]

Энди конкрет шеърларни ўзбек тилига таржима қилиш имкониятига келсак, бунда мазмунни қайта яратиш қийин эмас, чунки конкрет шеърда билдирилган фикр мураккаб бўлмайди. Асосий қийинчилик шакл билан боғлиқ.

Салам хакидаги юкоридаги шеърни ўзбек тилига таржима қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз:

)
Қа-
лам
хар
қан-
дай
ком-
пью-
тер-
дан
кўп-
рок
билим-
га эга,
қалам-
нинг
100 йил-
лаб таж-
рибаси
бор ва
мили-
онлаб
ҳико-
ялар
битган.

Ёки юкоридаги “Tears” конкрет шеърини ўзбек тилига ўгирсак, “Tears” сўзи ўрнига “Кўз ёшлар” ни қўямиз, тамом.

Аmmo айтиб ўтиш керак биз келтирган мисолларимиз жуда оддий. Конкрет шеърятнинг мураккаброқ кўринишлари ҳам бор ва бунда шаклни яратиш анча қийин.

Хулоса қилиб айтганда, конкрет шеърятни ҳам ўзбек тилига муқобил таржима қилиш мумкин ва бу болалар адабиёти учун қизиқарли мавзулар қаторидан ўрин эгаллай олади.

Адабиётлар:

1. Фёдоров А.В. *Основы общей теории перевода*. – Москва: Высшая школа, 1983. –С.19.
2. Pineda V. *Speaking About Genre: the Case of Concrete Poetry*. – New York, 1998. – P.23, 48.
3. Кулаков В. *Конкретная поэзия и классический авангард*. aptechka.agava.ru/statyi/knigi/kulakov17.html
4. Белогрудова, В.П. *Конкретная поэзия как средство приобщения учащихся к иноязычному поэтическому слову*. // *Иностранные языки в школе*. – 2010, № 6. – С. 29-33.

*Djalilov Ma'rufjon,
UzSWLU*

TRANSLATION AS A COMMUNICATION PROCESS

The language, as the mirror of the nation, plays an important role in the development of the country. History has seen in a long time for countries being conquered, nations being tortured, cultural and economic infrastructure being destroyed. However, language loss could bring much more devastating outcomes.

It is not a secret that language, as a linguistic phenomenon, has a great impact on the society. The growing generation is truly obsessed with massive information flood that comes from the latest communication means due to the globalization. In fact, it is becoming more difficult to preserve national heritage of the community. Being one of the most important of cultural heritage of the nation, this linguistic phenomenon cannot be neglected.

Today, there is a massive responsibility on the linguists. Besides other subject types of linguistics, translation is considered to be one of the difficult process. The concept of translation is central in the translation studies. It is important to mention

that the concept of translation is polysemantic. Firstly, it refers to translation as an intellectual activity, that is a process, secondly – to translation as the result of this process, a product of translational activity, in other words, the text of translation created by the translator.

One of the most famous linguists V. Komissarov states: “Translation is a complicated and many-sided kind of human activity. Though usually people speak about translation “from one language on another”, actually, it is not simply a replacement of one language with another. The different cultures, people, ways of thinking, literatures epochs, levels of development, traditions and world vies clash with each other in translation”. [2] According to M. Brandes, “translation is a kind of language mediation where the content of the foreign text (original) is transferred to other language by the way of creating a communicatively equivalent text in this language”[1].

All the investigations, which are being fulfilled in this aspect, despite the variety of their subject-matters are directed mainly to improve translation methods of literal texts from one language into another language. Such investigations are of great theoretical and practical significance and present rich material for practice of teaching foreign languages, the theory of translation and compiling different kinds of sources for translating.

A global communication expands throughout the world. A language that is recognised and understood by people everywhere, in many parts of the world the language which has been established is English. In most countries English dominates international business, politics and trade more than any other languages in human history. As David Crystal said: “For this world to be truly global, there must be some commonality on ease of communication”. If tourism and trade around the world are going to operate a global economy function and a global culture flourishing, a widely shared, reasonably accessible language is requisite.

A global economic and political structure needs common trades between them. Here are just a few samples of what people are saying: Experts attribute the worldwide spread of English to British colonialism and American culture, rather than

to the inherent qualities of the language. English is dominating the globe today because, when the sun finally set on the British Empire at the end of World War II, the United States emerged as a global superpower and cultural giant leading the way in medical research, technological innovation, motion pictures and rock and roll. In the XVII and XVIII the centuries, English was the language of the leader of the industrial revolution – also in Britain.

In the XIX and early XX the centuries, it was language of the leading economic power in the U.S.A. Experts say the simultaneous rise of the U.S as a military and technological superpower and the receding of the British Empire gave many in the world both the design and option to choose American English.

As its mentioned above, there are many reasons associated with the rise of English as a Global language. More than one billion people are believed to speak some form of English. Although the numbers vary, it is widely accepted that hundreds of millions of people around the world speak in English whether as a native, second or a foreign languages.

English, in some form, has become the native or unofficial language of a majority of the countries around the world today. In 20 to 30 countries around the world, English is merging with native language to create hybrid English.

It is widely believed that English is truly the world language. English seems to be emerging, if it has not already arrived as a global language. If this were to become official it would reduce the member of mistranslations. It would make communication areas cultures much easier. Language may be corn of culture, but the culture itself would not have to disappear if English were used as a second or third language for the pure purpose of communication globally. English is the only language used in international air traffic control and is virtually the only language of a whole range of other activities from scientific research to pop music whether we like it or not, English language is becoming the global language.

In the XXI the century, the evolution of the English language is occurring at an alarming note, with the blending of cultures and religions and the advent of new technology such as cell-phones, and global messaging software, the basic care of the

languages is becoming to change slangs and shortened versions of words, are becoming universal and accepted. Some of this is like to be trend on fashion, but with a new emphasis on speed and transfer of data many of these word forms will be permanent additions to the global dialect. So it turns out that the sponge like nature of the English language is what has allowed it to become globally accepted and this same feature will allow it to be generally accepted languages of the future, with new concerns of the world.

Sources:

1. Brandes M. *Translational text analysis*. - Moscow, 2001.
2. Komissarov V.N. *Introducing modern Translation Studies*. - Moscow, 2001.

*Наргиза Тилакова,
ТошДЎТАУ ўқитувчиси*

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭРКАЛАШГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ ТАРИХИГА НАЗАР

Эркалаш бу ҳар бир тилнинг ўзига хос воситалари, шакл-усуллари орқали одамларга, жониворларга, табиатга, нарса-ходисаларга нисбатан меҳрибонлик, мухаббат, майинлик, назокат, нафис меҳр билан суйиш, меҳр-шафқат кўрсатиш, ҳамдардлик, ҳамфикрлик ва бошқа муносабатларни ифодалайди. Мазкур мақоланинг асосий мақсади тадқиқ этилаётган тилларда эркалашни ифодаловчи сўзларнинг этимологик хусусиятларини ўрганишдир.

Ҳозирги кунда тилшунослик соҳасида кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилиб, унинг етарлича очиб берилмаган қирраларини тадқиқ этиш ривожланиб бормокда. Эркалаш мавзуси ҳам шу каби тилшуносликнинг ечим талаб қилувчи масалаларидан биридир. Мазкур мавзу бўйича кўпгина олимлар тадқиқот олиб борганлар (Х. Самигова, У.Турсунов, А. Мухторов, Х. Абдурахмонов, Н. Аскарова, А. М. Хамроев, Э. Қиличев ва бошқалар). Лекин, инглиз ва ўзбек тилларида эркалашни ифодаловчи сўзларнинг этимологик

хусусиятларининг таҳлилига бағишланган илмий тадқиқот мавжуд эмас. Эркалаш атамасига тилшунос олимлар турлича изоҳлаганлар.

Ф. Де Соссюр ташки ва ички лингвистикани қарама-қарши қўяди. Унингча, ташки ва ички тилшунослик тилнинг халқ тарихи, географик жойлашиши билан боғлаб текширилиши лозимдир [3, 90-91 б.].

Тилларнинг ички ривожланиши ички ва ташки қонуниятларга бўйсунди, яъни ўзаро ҳамкорлик жараёнида тиллар таракқиёти ички қонунлар таъсирида эмас, балки ташки таъсирига кўпроқ боғлиқ бўлади. Мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланишини мазкур мамлакатларда яшовчи халқ ва элатнинг маданиятини бир-бирига яқинлашувига шарт-шароитлар яратиб беради. Тиллар ҳам бир-бирига таъсир кўрсатиб бойиб боради; бундай ҳамкорлик тилларнинг ички ривожланишига ҳам сабаб бўлади [1, 157 б.].

Тилни ижтимоий жиҳатдан ўрганишда унинг тарихий босқичларининг турли даврларда ривожланиши нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инглиз ва ўзбек халқларининг тарихи ҳамда чегарадош халқларнинг уларнинг тилига таъсири ўз навбатида эркалашни ифода этилишида ҳам аҳамият касб этиши аниқланди. Шу фикрга кўра, эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар қуйидагича гуруҳланди: четдан ўзлаштирилган сўз ва аффикслар орқали ясалган ҳамда тарихийлик жиҳатларга доир эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар.

Инглиз тилига замон тақозоси билан испан, итальян, француз, иврит ва рус тилларидан ўзлаштирилган суффикслар иштирокидаги сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, испан тилидан *-o* (*kidd-o, buddy-o, daddy-o, boy-o*) каби, итальян тилидан *-ola, -ino, -arino, -erino* каби, француз тилидан *-ese, -ois, -ais, -ville* кабилар, испан америка вариантлари, яъни *-aro, -eroo, roo, -oo* (*nigerro, sleepetto*) кўринишлар ҳамда иврит ва рус тилларидан ўзлашган *-ink* (*beachnik, bootnik, autabeatnik*) суффикслари инглиз тили сўзларига қўшилиб ифода этилади [2, 85-87 б.].

Тадқиқотимиз натижалари айнан четдан ўзлаштирилган сўзлар ва суффикслар ўрганилаётган тилларда эркалаш маъносини ҳосил бўлишида ўз таъсирини кўрсатганлигини кўрсатди. Масалан, Вебстер изоҳли лугатининг маълумот беришича [7, 10-580], инглиз тилига француз тилидан *minion, beau, belle*, испан тилидан *cabalero*, италян тилидан *nymph, courtesan, muggle, cicibeo, charlatan, Inamorato, innamorata*, арабтилидан эса *peri, sheik* каби эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар кириб келганлигини кўрсатади. Мисоллар келтириб ўтамыз:

"You," he informs her softly, "are whatever I say you are. You're mine Sweetheart, you better start getting used to that."

"No..." she whispers in protest, but she stops struggling against him.

"If I say so, then you're my minion. You could be my mistress, or my acolyte."[8].

Ўзбек тилида эса араб, форс-тожик ва рус тилларидан кириб келган эркалаш маъносини ифода этувчи сўз ва ибораларни ҳам шу ўринда кузатиш мумкин. Масалан, ўзбек тилининг изоҳли лугатидан олинган маълумотга кўра, ўзбек тилига форс-тожик тилидан *гуландом, гулбадан, девона, дилбар, жигар, жонивор, нигор, маҳлиқо, парирўй*, араб тилидан эса *маҳбуба, махбуб, офатижон, фаришта, хумор, жавҳар, муҳаббат, жинни, маъшуқа, ҳабиб* каби сўзлар ўзлашгандир. Рус тилидан эса *-шика, -чик, -ка* эркалаш ва кичрайтириш аффикслари ўзбек сўзлари ва атокли исмларига қўшилган ҳолда нутқда эркалашни ифодаланишини ҳам учратамыз. Масалан: *Асалишка, асалчик, асалка, Хайришка, Бобурчик, пончик, Наргизка* ва бошқалар шулар жумласидандир.Э. Қиличев бу борада шундай дейди: “Ўзбек тилида, айниқса, ёшлар нутқида баъзан эркалашнинг русча шакллари учрайди: *Назарчик (Назар), Лолячка (Лола), Адик (Адиба)* каби. Айрим русча шакллар эркалаш шакллари билан синоним тарзда ҳам ишлатилмоқда:

Дедилар бир йигинда, керакмасҳеч хон демоқ,

Хайрихоннинг ўрнига Хайричкаси яхишироқ [5, 21 б.].

Юкорида келтирилган мисоллар эркалаш маъносини шаклланишида инглиз тилига француз, итальян, испан тилларининг ҳамда ўзбек тилига эса рус, форс-тожик, араб тилларининг таъсири ўтганлигини кўрсатди.

Тарихийлик жihatдан эса сўзлар янги ва эскирган шаклларга бўлинади. Эскирган сўзлар гуруҳига кирувчи эркалашни ифодаловчи сўзлар ўрганилаётган тилларнинг иккисиди ҳам учради. Масалан, инглиз тилидаги Вебстер изоҳли лугатларнинг маълумот беришича [7, 10-580 б.], *pumpkin, sweeting, leman, mistress, moppet, brave, chit* каби сўзлар эркалаш маъноси эскирган, архаик сўзлар қаторига киради. Оксфорд Thesaurus лугатидаги маълумотларга кўра эса [6, 605 б.], *swain, concubine, doxy, leman, courtesan, cicibeo* каби эркалаш маъносига эга сўзлар ҳам нутқ фаолиятидаги эскирган сўзлар ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида [4, 10-500 б.] *асира, бегойим, бегим, бойвучча, бибиш, бузруквор, волида, қоқиндиқ* каби эркалашни ифода этувчи сўзларини эскирганлигини кўрсатувчи пометалари бўлсада, *малика, малак, хонзода* каби сўзларнинг пометалари мавжуд эмас. Бу сўзлар тарихда аслида подшоҳлар оиласига мансуб шахсларга қарата айтилган бўлса-да, ҳозирги кунда эса ўзбек тилининг адабий тилида суйиш ва эркалаш маъноларда маҳбубларга нисбатан кўчма маъноларда ифода этилиб келинади.

Ўзбек тилида бу каби эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар инсонлар табақасига қаратиб ифода этилади дейиш нотўғри, албатта. Бу сўзлар тилда асл маъносиди ифода этилмасада, эркалаш, ҳурмат маъноларини сақлаб қолган. Ўзбек тилининг изоҳли лугати *қулун* сўзининг ўғил болаларга нисбатан эркалаш маъно ифодалашни ҳақида маълумот беради, лекин ҳозирги кунда бу сўз муомала доирасидан чиқиб кетган дейишимиз мумкин.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, инглиз ва ўзбек тилларида эркалашни ифода этувчи сўзлар этимологик таҳлилга кўра, ижтимоий ҳаёт таъсирида четдан ўзлаштирилган сўзлар ва аффикслар ёрдамида ўз ифодасини топади. Мазкур сўзларнинг баъзи қисми вақт таъсирида нутқ фаолиятидан четлашиб боради. Демак, тарих ва ижтимоий ҳаёт фаолияти эркалаш

носини ифодаловчи сўзларнинг шаклланишида ҳамда нутқда қўлланилишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.
2. Раҳимов Ф. Британия ва Америка сленгининг социоллингвистик хусусиятлари. – / Диск./ Самарқанд, 2006.
3. Усмонов С. Умумий тилшунослик – Тошкент, Ўқитувчи, 1972.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати (2 томли). 2-қисм. – Москва, “Рус тили”, Тошкент, 1981.
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.
6. Oxford Treasures of English. – Oxford, Oxford University Press, 2004.
7. Merriam Webster's Collegiate Dictionary. – USA, Incorporated Springfield, 2003.
8. <http://www.wild-dystopia.net/fiction/luciferssweetheart.html>

*Ma'suma Obidjonova,
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU*

BADIIY ASARLARNI QAYTA TARJIMA QILISH MASALASI

Azal-azaldan xalqimiz ma'naviy qadriyatlarga o'zgacha hurmat bilan qarab kelgan. Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev “bizning eng katta boyligimiz – bu xalqimizning ulkan intellektual va ma'naviy salohiyatidir”[1], deya ta'kidlashlari ham bejiz emas. Ma'naviy va madaniy yuksalish o'z-o'zidan sodir bo'lmaydi. Ma'naviy boy bo'lmagan xalqning kelajagi buyuk bo'lmaligi aniq. Ma'naviyatimiz takomili adabiy aloqalarning yaxshi yo'lga qo'yilganiga ham bog'liqdir. Bu borada tarjima asarlarining rolini ta'kidlamay bo'lmaydi. Jahonning durdona asarlarini o'zbek tiliga o'girish va shu orqali millatimiz ma'naviy xazinasini boyitish borasidagi ishlar uzoq tarixga ega. O'zbek tarjimachiligi tarixi Sayfi Saroyi, Bobur, Ogahiy singari mumtoz siymolarimiz nomi bilan ibtido topsa, XX asrga kelib yirik tarjimashunoslik maktabiga asos solindi. Jahon adabiyotidir namunalarning o'zbek tiliga o'girilishida Abdulla Qahhor, Oybek, E.Vohidov, M. Shayxzoda, O.Sharafidinov, Jamol Kamol, A. Oripovlarning xizmatlari katta. Ular o'z tilimizda yetuk asarlar yaratishgan va qalban ijodkor bo'lishgan. XX asrga

kelib o‘zbek adabiyotshunosligida badiiy tarjimaning nazariy va tanqidiy jihatlarini V.Abdullayev, V.Zohidov, O.Sharafiddinov, N.Mallayev, N.Komilov, G‘.Salomov singari olimlar tadqiq eta boshladilar. Binobarin, A. Oripov jahon adabiyotining durdonalaridan biri hisoblanmish “Ilohiy komediya”ni o‘zbekchalashtirdi. Mazkur tarjimani M.Qo‘shjonov, G‘.Salomov, O.Sharafiddinov, N.Rahimjonov, S.Meliyev kabi adabiyotshunoslarimiz u yoki bu jihatdan tahlilga tortdilar. A. Oripovning o‘zi ushbu tarjima xususida “Men tarjimachilik bilan ham shug‘ullandim. Ushbu mashg‘ulotning eng asosiysi Dantening “Ilohiy komediya”si deb bilaman. Tarjima jarayoni men uchun eng ulug‘ maktab bo‘ldi. Agar qog‘oz ustida eng ko‘p ter to‘kkan bo‘lsam, o‘sha tarjima ustida to‘kkanman. Ona tilimizning naqadar boy ekanligiga imon keltirgan bo‘lsam, o‘sha tarjima jarayonida imon keltirganman. Azbaroyi tarjima asl nusxadan kam bo‘lmasligi uchun tilimiz boyligidan imkon boricha to‘liq foydalanish uchun izlandim, til xazinasidan so‘zlar axtardim[2]” deb xotirlaydi. Darhaqiqat, tarjima murakkab jarayon. “Tarjima do‘stlik ilmidir, tarjima o‘zgani birodar, tanishni qadrdon, do‘stni qarindosh qiladi”, – deb yozgan edi o‘zbek tarjimashunosi Sh. Shermuhamedov.

Badiiy tarjimaning boshqa tarjima shakllaridan farqi ijodkorlik va mahoratni talab qilishidadir. Tarjimon muallif kechinmalarini boshqa tilda asliyatdagidek yetkaza olsa, haqiqiy mahoratga ega ekani oydinlashadi. Tarjimonlikning birinchi sharti ham aslida ijodni, san’atni his qilishidadir. Tarjima jarayonida muallif va tarjimon shaxsi yaqinlashadi, ruhiyatda mushtaraklik paydo bo‘ladi. Ba’zan esa bitta asarni bir nechta tarjimon o‘z tiliga o‘giradi. Masalan, rus adabiyotining durdonasi bo‘lmish “Yevgeniy Onegin” she’riy romanini dastlab Muso Toshmuhammad og‘li Oybek o‘zbekchalashtirgan bo‘lsa, keyinchalik bu ishga Mirzo Kenjabek ham qo‘l uradi.

Bir asarni ikki tarjimon tomonidan tarjima qilinishi va birinchi tarjima ta’siridan chiqqan holda ikkinchi tarjimaning yaratilishi murakkab jarayon. Sababi Mirzo Kenjabek o‘zini Oybekka shogird deb hisoblagan va Oybek

tarjimasidan to'liq xabardor bo'lgan. Biroq har ikki tarjima o'ziga xos, "Yevgeniy Onegin" ikki xil jaranglaydi. Dastlab Mirzo Kenjabekning "Yevgeniy Onegin" tarjimasiga yukunishi haqida Naim Karimov quyidagicha mulohaza yuritadi: "Mirzo Kenjabek "Yevgeniy Onegin"day ajoyib asarning yangi tarjimasiga qo'l urar ekan, o'z-o'zidan ravshanki muhtasham Oybek bilan musobaqaga kirishga majbur edi. Bu katta jur-at va Oybek a'kidlagan mas'uliyatni bo'yinga olishdir. Yosh shoir uchun Oybekdan o'rganish va ayni vaqtda uning ta'siriga berilmaslik, uning tarjimasiga o'xshamagan yangi tarjima yaratish, Pushkinni yangidan kashf etish vazifasi turardi"[3]. Darhaqiqat, bu jarayon anchayin murakkab. Buni Mirzo Kenjabek ham his qilgan. Endi ikki tarjimaning farqli va mushtarak jihatlariga to'xtalsak, dastlabki misralarning o'zidayoq Oybek va Mirzo Kenjabek tarjimasidagi farqlar seziladi. Asar Oneginning amakisini ta'riflashi bilan boshlanadi. Birinchi bo'lim oxirida mazkur misralar uchraydi:

Xo'rsinmog'-u, aytmoq besado:

Qachon seni ko'targay Xudo![5]

Aynan shu satr Oybek tilidan quyidagicha talqin etiladi:

Va hamda xo'rsinib o'ylasang shu on:

Qachon sening joning qabz etar shayton!

Eng asosiy farq shundaki, Mirzo Kenjabek ohang taraflama Pushkin yamblari tempni topa olgan. Biroq Pushkin rusning mumtoz siymosi. Uning tili aynan mumtoz rus adabiyoti ohanglariga yo'g'rilgan. Bu jihatdan Oybek Pushkinga ancha yaqinlashadi. Oybek Pushkin davrini, uning uslubini his qila olgan. Mirzo Kenjabek tarjimasini bu xususiyatlardan yiroq deya olmaymiz. Lekin Mirzo Kenjabek Pushkin va u yashagan davr rus poeziyasidan ko'ra o'zbek millati ruhiga yaqinlasha olgan. Ikkinchidan, tarjima jarayonida frazeologik birliklarni tanlash, tarjima uchun maqbul turg'un birikmalardan unumli foydalanish borasida ham Oybek Pushkinga, Mirzo Kenjabek o'zbek xalqiga yaqinlashishni ma'qul ko'radi. Biz yuqorida to'xtalgan misralar tarjimasini mazmunan yaqin esa-da, tushunchalar jihatdan mutlaqo farqli va hatto qarama-qarshi ham. Mirzo Kenjabek "Xudo joniningni ko'tarsin" iborasini

qo'llaydi. Oybek esa xalqqa biroz yiroq "shayton joningni qabz etsin" birikmasini tanlaydi. Qabz etmoq – bo'g'ilmoq tarzida talqin etilsa, o'quvchi uchun mazkur ibora yangi va Oybekning badiiy topilmasi degan xulosa kelib chiqadi. Bu jihatdan ham Oybek Pushkinga yaqinlasha olgan (asliyatda misra: Вздыхатьидуматьпросебя: Когдажечертвзьметтебя!). Badiiy tarjimaning asosiy sharti bir tildan ikkinchi tilga aynan ma'noni va g'oyani saqlagan holda tarjima qilish. Mazkur jihatdan Mirzo Kenjabek tarjimasini o'zbek o'quvchisiga yaqin. Yana Mirzo Kenjabek ushkin izohlaridan tashqari o'zbek kitobxoniga notanish bo'lgan ayrim so'zlar izohini iqtibos tarzida keltiradi.

Oybek tilida esa mumtoz qochirimlar va slavyan xalqlarining sajiyasini ifodalovchi o'xshatishlar bisyor. Oybekni millat tafakkuridan butunlay uzoqlashib, Pushkin shaxsiga yaqinlashgan deyish ham xato, negaki Oybek tarozining har ikki pallasini mustahkam tuta bilgan. Biz kichik guruhda o'tkazgan tajribamiz davomida talablarning aksariyati Mirzo Kenjabek tarjimasini mutolaa qilganiga guvoh bo'ldik. Buning asosiy sababi esa to'qqiz bo'g'inli she'r shaklidan foydalanilgani va qofiyalarning to'laligi, qolaversa, jummalarning soddaligi bilan izohlanadi. Mazkur jihatlarni hisobga olganda asl adabiyot namunalari qayta tarjima qilishdan cho'chimaslik zarurdir. Jahon adabiyotining ko'plab namunalari qayta tarjimaga muhtoj. Jumladan, L. Tolstoyning "Tirilish", M. Bulgakovning "Usta va Margarita" singari asarlarini qayta tarjima qilish zarurati paydo bo'lmoqda. Masalan, "Tirilish" romani tarjimasida o'zbek tilida muqobili bo'la turib ruscha varianti qo'llangan ko'plab so'zlarni (reaksiya, revolyutsiya, kofe, kabinet, sekretar va hokazo) uchratamiz. Grammatik jihatdan ham tarjima asarlarni payqab olish qiyin emas. Tarjimonlar flektiv tillar sintaktik qurilishi ta'siriga berilib ko'p hollarda tarjimani o'zbek kitobxoniga "begona" qilib qo'yadilar. Mazkur jihatlar inobatga olinsa, tarjima qilingan jahon adabiyotining nodir asarlarini qayta o'zbek tiliga o'girish zarar qilmaydi.

Adabiyotlar:

- 1. Mirziyoyev Sh. M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2016.*

2. *Abdulla Oripov. Adolat ko'zgusi. She'rlar, suhbatlar. Toshkent, 2005.*
3. *Karimov N. Muhabbat dostoni. – Toshkent: G'ulom nomidagi nashriyat, 1988*
4. *Pushkin A.S. Yevgeniy Onegin. Oybek tarjimasini. – T.: 2015.*
5. *Pushkin A.S. Yevgeniy Onegin. Mirzo Kenjabek tarjimasini. – T.: 1988.*

*Arofat Axundjanova,
Tosh DO'TAU talabasi
Ilmiy rahbar: Odilova G.*

KOMPARATIV FRAZEOLGIK BIRLIKLAR TARJIMASIDA ADEKVATLIK MASALALARI

Tilning frazeologizm, metafora, epitet kabilarni o'z ichiga olgan eng faol lug'at qatlamini tarjimada adekvat talqin etish muammosi tarjimashunoslikda jiddiy amaliy izlanishlar olib borishga yo'l ochadi. Negaki, inson tafakkuri atrof-voqealikni obrazli muqoyasada idrok etishga moyil bo'lib, unga nisbatan munosabat maxsus lisoniy vositalar orqali ravshan hamda ta'sirli ifodalanadi, nutq rang-barangligi, hissiy ekspressivligi ta'minlanadi. "Ilmiy adabiyotda badiiy muqoyasa asosida paydo bo'lgan barqaror so'z birikmalarini komparativ frazeologik birliklar deb atashadi. Bunday barqaror vositalar ingliz tilida asosan "as", "such as", "as if", "as though", "like", "seem", o'zbek tilida esa "xuddi", "kabi", "bamisoli", "go'yoki", "singari" bog'lovchilari hamda birliklarning obrazli asoslariga birikib keladigan "day", "dek" qo'shimchalari yordamida hosil bo'ladi" [2,209]. Tasvirlanayotgan subyekt, odatda, kishilarning obrazli tafakkuriga yaxshi tanish bo'lgan timsollarga o'xshatiladi. Lingvomadaniy kuzatuvlar dunyo xalqlari uchun umumiy va xususiy timsollar mavjudligini ko'rsatadi. Buning asosiy sababi turli xalqlarning ijtimoiy-siyosiy, adabiy, diniy-axloqiy qarashlaridagi tafovut ularning ona tilida ham yaqqol aks etib turishidir. "O'xshatishlarning ikki turi, ya'ni: 1) individual-muallif o'xshatishlari yoki erkin o'xshatishlar va 2) umumxalq yoki turg'un (doimiy) o'xshatishlar farqlanadi"[1,5]. Badiiy tarjima jarayonida ularning ikkisi ham birdek muhim ahamiyat kasb etishini hisobga olsak, o'z-o'zidan ma'lum bo'ladiki, asliyatning badiiy-estetik qimmatini saqab qolish nafaqat ijodkorning xos uslubidan, balki tillararo semantik, sintaktik o'xshashlik va

farqlardan puxta xabardorlikni ham talab etadi. Yosh ijodkor tarjimon Alisher Otaboyevning taniqli adib Somerset Moem hikoyalaridan qilgan tarjimalari misolida ingliz komparativ frazeologik birliklarini o'zbek tiliga to'laqonli o'girishda kuzatilayotgan yutuq va kamchiliklar umumiy tahlildan o'tkazilishi mumkin.

Tarjimon aksariyat o'rinlarda obrazli tasvirlarning ikki tildagi vazifaviy uyg'unligiga erishadi, buning uchun xilma-xil tarjima usullariga murojaat qiladi. Birgina "Yomg'ir" hikoyasining qahramoni missis Devidson tasvirida uch o'xshatish qo'llaniladi. Mutarjim muqoyasa obyektlarini bir xil semantikaga ega to'la ekvivalentlari bilan almashtirishga harakat qilishdan tashqari, ishga ijodiy yondashadi hamki, bu asliyatning nutqiy madaniyat darajasidagi ifodaviyligini saqlab beradi:

She was a little woman, with brown, dull hair very elaborately arranged, and she had prominent blue eyes behind invisible pince-nez. Her face was long, like a sheep's, but she gave no impression of foolishness, rather of extreme alertness; she had the quick movements of a bird. The most remarkable thing about her was her voice, high, metallic, and without inflection; it fell on the ear with a hard monotony, irritating to the pitiless clamour of the pneumatic drill.

Missis Devidson qo'ng'ir sochlari tartib bilan turmaklangan, ko'm-ko'k, zag'chanikidek ko'zlariga gardishsiz ko'zoynak taqqan jikkakkina ayol edi. Yuzi qo'ynikidek cho'zinchoq bo'lsa-da, o'zi befarosat emas, aksincha, o'ta tiyrak ayolligi sezilib turardi. U xuddi qushdek chaqqon harakatlanar, lekin hammasidan ham doim bir maromdagi shang'illagan ovozi kishini ajablantirar, quloqqa nuqul bir xil eshitiladigan bu tovush parmaning tirillashidek asabni egovlardi.

Har ikki xalqning olam lisoniy manzarasida kishining epchil harakatlari (*quick movements of a bird*) qushniki bilan muvofiq keladi, parmaning tirillashidek eshitilguvchi yoqimsiz tovush (*voice, irritating to the nerves like the pitiless clamour of the pneumatic drill*) tabiiy, obyektiv o'xshatish darajasida saqlanib qoladi. Asliyatdagi missis Devidsonning yuz tasvirini berishda yozuvchi "her face was long, like a sheep's" – so'zma-so'z tarjimasi – "uning yuzi qo'ynikiga o'xshab cho'zinchoq edi", deya ta'rif beradi. Ammo tarjimada bu birlik aynan saqlab qolinib, o'zbek lingvomadaniyatiga begona bo'lgan o'xshatish etaloni kiritiladi. Chunki ingliz

madaniyatiga ko'ra, "qo'y" obrazi salbiy xarakter ifodalagani bilan, tarjima tilida u yuz tasviri uchun emas, odatda kishining yuvosh tabiatini jonlantirish uchun qo'llaniladi [1, 309]. Oqibatda, tarjimadagi qiyos kitobxon ongida soxta tushunchani gavdalantiradi. Biroq ayol ko'zlarining shakl-u shamoyilini kitobxon tasavvurida oydinlashtirish niyatida "zag'chanikidek ko'zlari" o'xshatishini qo'shish yozuvchining ixcham tasvir uslubiga zarar yetkazmaydi. Yuqoridagi to'liq muqobillik to'g'risida aytilgan fikrlar ushbu parcha tarjimasiga ham mos tushadi:

When the rain stopped and the sun shone, it was like a hothouse, seething, humid, sultry, breathless, and you had a strange feeling that everything was growing with a savage violence.

Yomg'ir to'xtab, quyosh chiqqan paytlari, g'ir etgan shamol esmas, hamma yoq xuddi issiqxonadagidek dim va zax bo'lar, go'yo atrofingizdagi o't-o'lan vahimali shiddat bilan o'sayotgandek tuyulardi.

Fikr bayon etishda hayotiy kuzatishlarga turli xalqlar turlicha yondashadi. Shu ma'noda, ayrim narsa va hodisalar barcha tillarda birdek timsoliy mazmun ifodalayvermaydi. Bunday o'rinlarda frazeologik birlik tarjima tilidagi o'zgacha muqobil variant bilan almashtiriladi:

When I was broken and weary she would put her work aside and take the Bible and read to me till peace came and settled upon me like sleep upon the eyelids of a child.

Holdan toyib, tushkunlikka tushgan paytlarimda, missis Devidson ishlarini bir chetga surib qo'yardi-da, "Injil"ni qo'lga olib, xuddi go'dakni allalagandek, ko'nglim xotirjam tortguncha, o'qib berardi.

O'zbek kitobxonni obrazli tafakkur tarzida "chaqaloq ko'z qovog'idan qo'nim topgan uyqu singari xotirjamlik" tushunchasini yaratib ko'rmagan ekan, "sleep upon the eyelids of a child" birikmasi orqali muallif aytmoqchi fikrni tushuna olmaydi. Inglizlardan farqli ravishda, ular turmushda alla aytib go'dakka halovat berish jarayoniga yaqindan tanish. Ziyrak tarjimon ijtimoiy-maishiy hayot elementi (alla)

dan an'anaviy ifoda vositasi sifatida foydalanadi va leksik, grammatik me'yorlar bo'linmaydi.

Ayrim ingliz komparativ frazeologik birliklarida o'xshatish etaloni uchun tarjima tili vakillariga tushunarli bo'lmagan predmet nomlari asos qilib olinadi. Kitobxon ekstralinglevistik bilimi ularni to'g'ridan-to'g'ri tushunishga yetarli bo'lgan taqdirda ham, bu o'rinda o'xshatishlar tarjimasini kalkalash usulida yetkazib berishdan ko'p ham foyda ko'rilmaydi. Hikoya peronaji suhbatdoshining xush kayfiyatini *"as pleased as Punch"* o'xshatishi orqali ta'riflaydi. "Punch" ingliz xalq og'zaki ijodida o'z yovuz qilmishlaridan mamnun bo'lguvchi quv obraz nomi[3] bo'lgani holda, xushchaqchaqlik ma'nosini kuchaytirish uchun xizmat qilgani noma'lumligicha qolaveradi. Mutolaa jarayonida o'quvchi diqqatini bo'lmay, aksincha, o'zbekcha jarangdor ifodani ta'minlash uchun o'zgacha yo'l tutishga to'g'ri keladi. Qahramonning nutqidagi salbiy bo'yoyqordorlikni saqlash niyatida asliyatdagi leksik birlik tarjimada iboraga aylantiriladi. Bunda har qaysi tilning bayon qilish qoidasi muhim ahamiyat kasb etadi:

-You look as pleased as Punch,-doctor said irritably.

-Og'zingiz qulog'ingiz-da-yu, - dedi doktor ijirg'anib.

"Muqoyasa unsurlari orasidagi mantiqiy bog'lanish ochiq-oydin ko'zga tashlanib turadigan komparativ frazeologik birliklarning muqoyasa obyektlari o'zbek tiliga matniy holat taqozosi bilan goho takroriy so'zlar yordamida o'giriladi. Bunday paytda takroriy so'zning asliyatda mujassamlashgan uslubiy ta'sirchanligini aynan aks ettirishga erishish lozim. Buning uchun tarjimaviy matnni, agar bunga ehtiyoj sezilsa, turli-tuman tasviriy vositalar yordamida asliyatga moslashtirish zarurati tug'iladi"[2,227]. Masalan, navbatdagi parchada dugonasiga erining o'limi haqida xabar bergan missis Makfeyl uning holatini shunday tasvirlaydi:

-I think she's stunned. She didn't cry. But she's trembling like a leaf.

"Trembling like a leaf" o'xshatishining "dir-dir" takroriy so'zi orqali berilishi uslubiy-vazifaviy uyg'unlikni vujudga keltiradi:

...ingcha, esankirab qoldi. Yig'lamadi. Lekin dir-dir titrayapti.

“Dir-dir” soʻzi ayolning qoʻrquv ichidagi hayratini chizib bergani tufayli uslubiy mazmunni roʻyobga chiqaradi, mazmun va vazifa toʻlaonliligini taʼminlaydi.

Biroq tarjimon adekvatlikka erishishning samarali usullarini qoʻllash imkoniyati boʻlishiga qaramasdan, baʼzi oʻrinlarda sezilarli kamchiliklarga yoʻl qoʻyadi. “Nonushta” hikoyasida obroʻli restoranning qoʻl-oyogʻi chaqqon ofitsianti quyidagicha tasvirlanadi:

A happy smile spread over his broad, priest-like face, and he assured me that they had some so large, so splendid, so tender, that it was a marvel.

Ingliz va oʻzbek kishisining diniy tasavvurlari bir-biridan keskin farq qilgani bois “priest-like face” oʻxshatishi muqobil tarjima uchun muammoli vaziyatni yuzaga keltiradi. Mutarjim mazmuniy-vazifaviy uygʻun variantni topa olmaydi, adekvatlikka erishishning boshqa usullari boʻla turib, uni matndan tushirib qoldiradi va tabiiyki, asliyat matni badiiy qimmatini pasayib, ifoda mazmunining xiralashishiga sabab boʻladi:

Uning keng yuziga mamnun tabassum yoyildi va u meni shunaqa katta, shunaqa chiroyli, shunaqa yumshoq sarsabillar borligiga ishontira ketdiki, hang-mang boʻlib qoldim.

Vaholanki, frazeologik birlikni tasviriy yoʻl bilan oʻgirish orqali kitobxonga uning hech boʻlmaganda maʼnosinigina yetkazib berishga qodir edi. Ingliz dunyoqarashiga koʻra, ruhoniy obrazi “iltifotli”, “vazmin”, “hojatbaror” sifatleri bilan xarakterlanishi mumkinligini hisobga olsak, ofitsiantning mijozga sidqidildan xizmat koʻrsatishini “uning mulozamat ifodasi barq urib turgan keng yuzi” shaklida erkin maʼnodagi soʻz birikmasi vositasida oʻgirish alternant sifatida qanoatlaniradi.

“Ruhoniy” hikoyasi qahramoni Albert Formen ruhoniylik libosini oʻzgacha faxr bilan avaylab kiyishga odatlangan. Buni obrazli ifodalashda muallif kiyimni goʻyo alpoka junidan emas, balki mustahkam bronzadan tayyorlangandek taxi bukilmay gavadada tarang turishini bayon etadi:

There had been a christening that afternoon at St. Peter's, Neville Square, and Albert Edward Foreman still wore his verger's gown. He kept his new one, its folds

as full and stiff though it were made not of alpaca but of perennial bronze, for funerals and weddings (St. Peter's, Neville Square, was a church much favoured by the fashionable for these ceremonies) and now he wore only his second-best.

Dindor libosi orqali qahramonning cherkovdagi o'z xizmat vazifasiga bo'lgan munosabatiga ishora qilingani anglanmay, tarjimada qiyos mutlaqo tushirib qoldiriladi. Matn nursiz va quruq ko'rinib, ishonarli o'qilmaydi:

O'sha kuni tush payti Avliyo Pyotr cherkovida cho'qintirish marosimi bo'lib o'tgan, Albert Edvard Formen egnidagi ruhoniyluk libosini nikoh to'ylari va dafn marosimlariga asrab qo'ygandi (bunday marosimlarga obro'-e'tiborli odamlar tez-tez kelib turishardi), hozir egnidagi kiyimi biroz eskiroq edi.

“Qochqinlik poyoni” hikoyasining bir o'rmida ham tarjimon turg'un o'xshatishni moddiy jihatdan aniq o'girib, obrazli-ta'sirchan ifodani boy beradi:

He was lying there on his back with his eyes wide open. He was as dead as mutton. A dagger lay across his throat, and say I'm lair if you like, but I swear to God it's true, there wasn't a wound about him anywhere. The room was empty.

Golland karavotda ko'zini chaqchaytirganча tepaga qarab yotardi. U o'lgan edi. Bo'yniga xanjar qo'yilgan edi. Gapimga ishonasizmi, yo'qmi – bu o'zingizga havola, lekin Xudo haqqi, qasam ichib aytamanki, bu –rost, uning biror joyi hatto tirlalmagan. Xona esa bo'm-bo'sh edi.

Tarjima jarayonida tarjimonning tildagi mavjud ekvivalentlarga jiddiy e'tibor bermagani ko'zga tashlanadi. Zero, “*as dead as mutton*” frazeologik birligining o'zbek tilidagi “itdek o'lim topmoq” muqobili bor ediki, u qochqinlik hayotida darbadar kezgan qahramonning halovatsiz tunlardan birida ajal haydab kelgan o'sha yerda jon taslim qilishi holatini kitobxon tasavvurida maromiga yetkazib gavdalandiradi. Buning o'rniga mutarjim negadir quruq bayon keltirish bilan cheklanadi. Ehtimol, u o'likning “chaqchaygan ko'zi”ga urg'u berib, semantik-uslubiy me'yorni saqlab qoldim degan ishonchda bo'lgandir. Chunki “ba'zan muqobil variantlardan yo asliyatdagisining yoki tarjima tilidagisining muqoyasa belgisi ibora tarkibidan tushib qoladi. Bu hol fikrning og'zaki nutq me'yori doirasida ifoda etilishini ko'rsatgani holda, iborada aks ettirilgan ma'no va obraz butunligining

uzilishiga olib kelmaydi. Bunday paytda badiiy muqoyasa qisqa shaklda purmantiq ifoda etiladi, muqoyasaning tushib qolgan unsuri esa nutqiy vaziyat yordamida ko'ldiriladi"[2,221].

Umuman olganda, yuqorida o'rganilgan hikoyalar tarjimasida mutarjim o'zaro muqobil ikki til komparativ frazeologik birliklarini asliyatdagidek ifoda etishga harakat qiladi. San'atkorning jiddiy mehnati, shubhasiz, ushbu birliklar mazmuniy-uslubiy xususiyatlarini muqobil lisoniy vositalarda qayta yaratish mumkinligini, buning uchun davomli tarzda amaliy-ijodiy izlanishlar olib borilishi kerakligini isbot etadi. Shu ma'noda, yosh ijodkorlarning tarjima muammolarini hal etishda ko'rsatyotgan jonbozligi o'zbek adabiyotini adekvat tarjimalar bilan boyitishda nihoyatda ahamiyatlidir.

Adabiyotlar:

1. Mahmudova N., Xudoyberganova D. *O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati*. –Toshkent: Ma'naviyat, 2013.
2. Musayev Q. *Tarjima nazariyasi asoslari. Darstik*. – Toshkent: Fan, 2005.
3. www.phraes.org.uk

Dilnoza Zokirova,
ToshDO'TAU talabasi
Ilmiy rahbar: Odilova G.

FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR VA ULARNING TARJIMADA QO'LLANILISHI

Tilning boshqa birliklariga qaraganda birmuncha murakkab va mas'uliyat talab qiluvchi til vositalari bu – frazeologizmlardir. Shuningdek, uni tarjimada adekvat talqin etish tarjima jarayonining eng murakkab masalalaridan biridir. Chunki frazeologizmlar ishtirok etgan adabiy asar uning oddiy ifodasiga qaraganda badiiy yetuk, go'zal, nafasatli bo'ladi va o'quvchi(kitobxon)ni ko'proq hayajonga sola oladi, ruhiyatga ta'sir etadi hamda insonning xayolot olamini zabtetadi. Ularning yuqorida aytib o'tilgan vazifalarini hisobga olgan holda, frazeologizmlarni tarjimada to'g'ri talqin etish badiiy asarning emotsional ta'sirini saqlab qolishga yordam beradi.

Buning uchun esa asliyat va tarjima qilinyotgan tildagi frazeologizmlardan xabardor bo'lish talab etiladi. Aks holda, tarjimon qarshisida bu borada bir qancha muammolar paydo bo'ladi.

“Leksik birliklar singari frazeologizmlar ham ko'p ma'noli va ko'p vazifali ekanliklari tufayli, mazmun jihatidan mos ikki til birliklari tarjimada har doim ham bir-birlarini almashtiravermaydilar. Muayyan matniy holatda bir-birlarini almashtira oladigan frazeologik ekvivalentlar yoki muqobil variantlar o'zga bir matniy holatda ma'no belgilari yoki uslubiy vazifalari jihatidan bir-birlaridan farq qilib qolishlari mumkinki, san'atkorning o'z mas'uliyatiga ilmiy-ijodiy munosabatda bo'lishigina asl nusxaning tarjimada noto'g'ri talqin etib qo'yilishi xavfini bartaraf etadi”[1,184]

“Keng ma'noda frazeologizmlarni bir tildan boshqa tilga tarjima qilganda har qanday hollarda ham ularning obrazli tamsiliy (tayanch) asoslari aynan muvofiq keladigan variantlar bilangina o'girish ma'noning o'zgarishiga, ma'noviy siljish hodisasi sodir bo'lishiga olib kelishi mumkin. Shu bilan birga, bunday birikmalarni muqarrar ravishda asar tarjima qilinyotgan tildagi boshqa uzoq muqobil variantlar bilan almashtirishga ortiqcha ruju qo'yish ham uslubni siyqalashtirishga, tarjima tilining leksik-frazeologik va obrazli-uslubiy jihatdan kambag'allashishiga olib keladi”[4, 88].

Tuzilishiga ko'ra gapga va so'z birikmasiga tengligi, bir butun ma'no anglatishi, nutqqa tayyor holda olib kirilishi jihatidan idioma - iboralar ham frazeologiyaning bir turi hisoblanadi. Idioma so'zi esa yunon tilidan olingan bo'lib, o'ziga xoslik, xususiyat ma'nolarini bildiradi[3,65]. Idiomani kontekstdan kelib chiqib, turg'un birikma yoki ibora sifatida qo'llashimiz mumkin. Idioma – “ma'nosi o'z tarkibidagi so'zlarning ma'nolariga bog'liq bo'lmagan, yaxlit holda bir ma'no beruvchi ixcham ibora”[4,174]. Masalan: tarvuzi qo'tig'idan tushmoq, do'ppisini osmonga otmoq, kavushini to'g'irlab qo'yimoq va hokazo.

Tarjima tilida asliyat tilidagi frazeologik chatishmaga, ya'ni idiomaga to'la mos keluvchi idioma bo'lmagan taqdirda uning mazmuniga yaqin keluvchi muqobil variantini topish kerak bo'ladi. “Masalan, “Hamma odamlar ham bir xil emas” tushunchasini inglizlar “All bread is not baked in one oven” (barcha non birtandirda

topilmaydi), o'zbeklar esa "Besh qo'l baravar emas" idiomasi orqali beradilar"[1,198].

"Muqobil variantlar tarjimada bir-birlarini bemaol almashtiraveradilar. Chunki mazkur birliklar tarkibida ularning o'zaro almashinuvlariga xalal beradigan milliy xususiyatli so'zlar uchramaydi. Ammo tarjimonlar goho o'z tillarida mavjud imkoniyatlaridan unumli foydalana olmasdan, ifodaning noadekvat talqiniga yo'l qo'yadilar. Masalan, Jek Londonning "Martin Iden" romanida "biror narsa to'g'risida yaxshi axborotga ega bo'lmoq" ma'nosining obrazli ifodasi uchun "To have something at one's finger-ends" (biror narsa panjasining uchida bo'lmoq) frazeologik birligi qo'llangan. Biroq o'zbek tarjimoni inglizcha iboraga muqobil "(biror narsani) besh qo'lday bilmoq" birligidan foydalanmasdan, muallif g'oyasini oddiy bayon darajasiga tushirib qo'ygan"[1,196].

Idiomaning o'ziga xos belgilari sifatida quyidagilar ko'rsatiladi:

- 1) U faqat ayni tilni o'zigagina xos, demak, boshqa tillarda xuddi shunday idiomalar yo'q;
- 2) Uni bir tildan ikkinchi tilga so'zma-so'z tarjima qilib bo'lmaydi;
- 3) Uning ma'nosi tarkibidagi so'zlarning mazmunidan anglashilmaydi[6, 259];

Frazeologik chatishmalar deb ham nomlanuvchi idiomalar ham frazeologiyaning boshqa turlari kabi milliylikka dahldor bo'lgani bois, tarjima qilishda bir qator qiyinchiliklar tug'ilishi mumkin. Yuqorida ta'kidlanganidek, idiomani so'zma-so'z tarjima qilib bo'lmaydi va idiomaning tarjimaga shakli emas, balki mazmuni ko'chadi. Bu vaziyat esa tarjimon qarshisida bir yo'l qoldiradi. U ham bo'lsa, idiomani o'zga tilda ma'nosi yaqin ibora bilan tarjima qilishdir. Masalan, "Nothing comes out of the sack but was in it" idomasining o'zbek tilidagi ma'nosi "Qozonda bori cho'michga chiqadi" ga mos keladi. "A burnt child dreads the fire" esa "Og'zi kuygan qatiqni ham puflab ichadi" idomasiga to'g'ri keladi. "When pigs fly" frazeologik birligini tahlil qiladigan bo'lsak, uning o'zbek tilidagi "Tuyaning dumi yerga tekkanda" idiomasi talqinida berish mumkin. Ammo ba'zi istisno holatlar ham uchraydiki, unda idiomalarning so'zma-so'z tarjimasi ham kontekstga mos tushib, o'zining ma'no xususiyatini saqlab qoladi. "Masalan, "To suck somebody's blood"

idiomasi mutlaq ekvivalent sifatida o‘zbek tiliga “Birovning qonini so‘rmoq” shaklida tarjima qilinadi va biri ikkinchisi o‘rnida barcha nutqiy vaziyatlarda qo‘llanishi mumkin”[1,186].

Uilyam Sidney Porter (taxallusi O‘ Genri) ning “Ishbilarmon kishilar” deb nomlangan hikoyalar to‘plamidagi barcha hikoyalar turli tarjimonlar tomonidan o‘zbek tiliga tarjima qilingan. Tan olish kerakki, muallif o‘z hikoyalarida frazeologizmlarga deyarli murojaat qilmagan. Masalan, ingliz tilidan Ma‘ruf Abdullayev tomonidan tarjima qilingan O‘ Genrining “So‘nggi yaproq” (The last leaf) nomli hikoyasida bir nechta idiomalarga ko‘zimiz tushadi. Quyida badiiy asarning asliyat holati va tarjima variantida qo‘llangan idiomalarga nazar tashlasak.

“Over on the East Side this ravager strode boldly, smiting his victims by scores, but his feet trod slowly through the maze of the narrow and moss-grown ‘places’.”[2,179]

Ushbu jumla tarjimon tomonidan quyidagicha o‘zbek tiliga o‘girilgan:

“Sharqiy hudud bo‘ylab bu o‘lim xabarchisi hech narsadan tap tortmay ortidan o‘nlab qurbonlarni qoldirib, shaxdam qadamlar bilan odimlab bordi, ammo baqato‘n bosib ketgan o‘sha xarob va chalkash “tor ko‘chalar”ga kelganda qadami sekinlashdi”[3,45].

Tarjimada berilgan “Hech narsadan tap tortmaslik” idiomasi ingliz tilidagi muqobil ko‘rinishi asarda keltirilmagan. Ammo tarjimon bu idiomani qo‘llaganiga qaraganda asarning ta‘sir ko‘lamini oshirishni maqsad qilgan, deya tushunishimiz mumkin. Biroq bu hol me‘yordan ortiq takrorlansa, tarjimon asar muallifining uslubidan chetga chiqib ketishi hech gap emas. Bu esa o‘quvchi(kitobxon) ongida muallifga nisbatan noto‘g‘ri tasavvur qolishiga sabab bo‘ladi.

Keyingi jumлага ham diqqat qaratsak:

“She – she wanted to paint the Bay of Naples some day”[2, 179].

Tarjimasi: “U bir kun kelib Neapolitan ko‘rfazini har xil bo‘yoqlarda tasvirlashni diliga tugib qo‘ygandi”. [3,46]

Ushbu jumlada ham shu hol kuzatiladi. Muallif tomonidan qoʻllangan “xohlamoq, istamoq” feʼli tarjimon tomonidan “diliga tugib qoʻymoq” idiomasi bilan almashtirilgan. Bunda tarjimonning tarjimada idiomalardan foydalanishidan maqsadi asarning badiiy qimmatini oshirish boʻlganligi shubhasizdir.

“For the rest he was a fierce little old man, who scoffed terribly at softness in anyone, and who regarded himself as especial mastiff – in – waiting to protect the two young artists in the studio above”[2, 181].

Tarjimasi: “Uning koʻngli boʻsh odamlarni jini suymaydigan, oʻzini yuqorida yashovchi ikki rassom qizni himoya qiluvchi qoʻriqchi it deb hisoblaydigan badjahl bir chol edi”[3, 50].

Bu jumla ham yuqorida sanab oʻtgan boshqa jumladan farq qilmaydi. Sababi, ushbu jumla tarjimasida keltirilgan “jini suymaslik” idiomasi asarda aynan keltirilmagan. Bunda tarjimon ushbu idiomani kiritib asar muallifning yetkazmoqchi boʻlgan gʻoyasini oddiy bayon darajasiga tushirib qoʻyishdan muhozafa qilgan.

“Dear, dear! said Sue, leaning her worn face down to the pillow; ‘think of me, if you won’t think of yourself. What would I do?’”[2, 82]

Tarjimasi: Nafasingni yel uchirsini! – dedi Syu, soʻlgʻin yuzini yostiq tomon burarkan. – Oʻzingga joning achimasa, menga rahming kelsin! Mening holim ne kechadi?[3, 52]

Ushbu misolda berilgan “Nafasini yel uchirmoq” idiomasi kontekstning mazmuniga mos tushgan, asar mazmunining buzilishi va badiiy qimmatiga putur yetkazilishi kabi holatlarga yoʻl qoʻyilmagan. Biroq bu idiomaning qoʻllanilishi ham muallifning emas, balki tarjimon ijodi mahsulidir.

Tarjimonning muallif asarining badiiy tasvir koʻlamini oshirishga intilishini quyidagi misolda ham koʻrishimiz mumkin:

“The next day the doctor said to Sue: ‘She’s out of danger. You’ve won. Nutrition and care now – that’s all.’[2, 183]

Tarjimasi: Ertasi kuni shifokor Syudiga dedi: - Uning hayoti xavf ostida emas. Sizlar yengdinglar. Unga yaxshi ovqat berib g'amxo'rlik ko'rsatilsa, tez kunda oyoqqa turib ketadi[3, 53].

Bu misolda ham tarjimon "Oyoqqa turib ketmoq" idiomasini tarjimaga kiritgan va bu bilan muallif yetkazishni maqsad qilgan holatni kitobxonga mohirona uzatib bergan. Bundan xulosa qilib shuni aytish joizki, tarjimon muallif uslubidan birmuncha chetga chiqqaniga qaramay, inglizcha birliklarda mujassamlashgan obrazlilikning so'nishini frazeologik birliklarni qo'llab bartaraf qilishga erishgan.

Adabiyotlar:

1. *Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent: Fan, 2005.*
2. *Genri O'. Ishbilarmon kishilar. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017.*
3. *Ochilov E. Tarjima nazariyasi (o'quvqo'llanma). – Toshkent, 2014.*
4. *O'zbek tilining izohli lug'ati. Besh jildli. 2-jild. – Toshkent, 2006.*
5. *Henry O. 100 selected stories.*
6. *Salomov G'. Til va tarjima. – Toshkent: Fan, 1966.*
7. *Salomov G'. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent: O'qituvchi, 1983.*

*Гулноз Мамарасулова,
Облоқулова Шахло
ЖДПИ магистрантлари*

УИЛЬЯМ ВОРДСВОРТНИНГ ШЕЪРИЙ НАЗАРИЯСИ

Вордсвортнинг хаёт фалсафаси, шеърятга оид назарияси ва сиёсий эътиқоди бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди. 1793-йилда шоир бир чақасиз ва уйсиз қолиб, хатто қариндошлариникидан ҳам ҳайдалгач, Франция Инқилобига нисбатан қаттиқ ғазаб хиссини туяди. Вужудини ваҳима ва ишончсизлик қамраб олади. Кўп ўтмай, у Лондондаги Годвин жамияти аъзосига айланди. Журналист, сиёсий файласуф ва романист Уильям Годвин инсоний муносабатларда ҳис-туйғуларнинг роли борасида ташвишланиб, бунини сақлаб қолишнинг бирдан-бири чораси таълим-таҳсил олиш орқали рўй беришини таъкидлайди. Вордсворт файласуф Годвин асарларини ўқишга қаттиқ киришади ва тез орада ўзининг ички оламидаги илк содда эътиқодларидан воз кечиб, дунёга чуқур нигоҳ билан қарашни бошлайди. У деярли тўрт йил мобайнида асабий тушқунликдан азоб чекиб, Годвинча

таълимотга ёпишиб олади. Бу фалсафа натижасида, унинг шеърияти ҳам азият чекади. У “Гуноҳ ва андуҳ” (“Guilt and Sorrow”) поэмасининг услуги “нотўғри”лиги ва тасвир “гоятда ясама” эканлигини билдиради. Худди шу туркумдан бўлган “Чегара аҳолиси” (“The Borderers”) ҳам гўё босим ўтказилгандек ниҳоятда сунъий услубда ёзилган эди.

1798 йилдан бошлаб Вордсворт яна ўзига қайтди. “Барчаси аксинча” (“The Tables Turned”1798), “Насихат ва жавоб” (“Expostulation and Reply ”1798) каби поэмаларининг оханги ва услуги анти-интеллектуал бўлиб, шоирнинг Годвинизм таълимоти билан видолашганидан дарак беради.

“Барчаси аксинча” (“The Tables Turned”) номли шеъри муаллифнинг дўстига китоб мутолаасидан тўхташга даъвати билан бошланади. Кўп ўтириш оқибатида семириш хавфи борлигини ҳам эслатиб қўяди. Сўнгра эса, ташқарида гўзал номошом манзараси акс этаётган бир паллада бунчалик жиддий бўлишнинг нима кераги борлигини уқтиради:

UP! up! my Friend, and quit your books;
Or surely you'll grow double:
Up! up! my Friend, and clear your looks;
Why all this toil and trouble?

The sun, above the mountain's head,
A freshening lustre mellow
Through all the long green fields has spread,
His first sweet evening yellow.

Ушбу шеърИ. Меламеда томонидан рус тилига қуйидагича ўгирилади:

Встань! Оторвьись от книг, мой друг!
К чему бесплодное томленье?
Взгляни внимательней вокруг,
Не то тебя состарит чтение!

Вот солнце над громадой гор
Вослед полуденному зною
Зеленый залило простор

Вечерней нежной желтизною.

Ўзбек тилига қуйидагича таржима қилдик:

Тур! Китобни чет сур, дўстим!

Кўп ўтириш зарардир тайин.

Келакол! Кўнглингни бироз ёз, дўстим,

Нечун юзинг хоргин кун сайин!

Тоглар узра чараклар қуёш,

Майин, эпкин шаббода эсар.

Нурга чўмиб, дала-дашт – у тош

Кечки нафис сарғишлик чулғар.

Шу аснода, муаллиф китоблар одамни холдан тойдиришини айтиб, ундан кўра, атроф-оламни кезганча, сайроқи кушларнинг ҳикматга тўла мусикасини тинглаш афзалроқ эканлигини таъкидлайди. Айниқса, шеърдаги қуйидаги сатрлар ўта пурмаънодир:

Come forth into the light of things,

Let Nature be your teacher.

Рус тилида:

Там просветишься без труда:

Природа - лучший твой учитель.

Ўзбек тилида ушбу парча қуйидагича жаранглайди:

Нурли манзил кутмоқда сени,

Ахир табиатдир – доно устозинг.

(муаллиф таржимаси)

Муаллиф бу оркали дўстига табиат китоблардан кўра кўпроқ таълим-тарбия беришини тушунтириб, қурук саҳифалардан паноҳ излагандан кўра, табиат қўйнида бўлишни айтади.

Ушбу назмий асарнинг мазмун-моҳиятидан шоирнинг турли таълимотлар таъсиридан ҳолис бўлиб, яна ўз оламига қайтганини англаш мумкин эди. Бу эса психологлар уюшмаси мактаби асосчиси Давид Хартлига қўл келиб, Вордсвортнинг карашлари эндиликда Утилитаризм (лот. utilitas — фойда, манфаат) яъни манфаатпарастлик фалсафасига йўнала бошлади. Худди шу

Хатда Кольрижнинг диққатини ҳам ушбу таълимот ўзига тортганди. Хартли ўз таълимотида, шахсиятни шакллантиришда атроф-муҳитга асосий ургуни қўяди. У файласуф Локк каби хиссий идрокни устун қўювчи эмпирист эди. У гоёлар ҳамланмаси назариясини ўрганиш психологияси билан боғлаш борасида катта муваффақиятга эга эди. Вордсворт эса худди шундай каноатланарли психология эълан қилаётганди ва уни топди. Хартли хис-туйғулар (асосий гоёлар) асаб тизимида тебранишларни ҳосил қилишини ўргатади. Хартли ва Локкнинг фикрича, то хис-туйғулар оддий тушунчаларни унга ўтказиб бермагунча, ақл-идрок “бўм-бўш қатлам” (“blank slate”) бўлиб қолаверади; Шу сабабли, хис-туйғу барча билимларнинг асоси бўлган.

Хартли олдидаги қарздорлик “Шеърый киссалар”нинг бошидан охиригача сезилиб туради. Вордсворт асослаган табиат – инсониятга фақатгина билим ўргатади. Буни юкорида “Барчаси аксинча” (“The Tables Turned”) шеърини таҳлил қилиш жараёнида ҳам кузатдик. Ушбу ҳаётий билимларни эгаллаган одамзотгина табиат билан, олис ўлкалардаги деҳқон-у чўпонлар билан ҳамнафас яшайди. Шундай қилиб, у “Шеърый киссалар” да шу каби инсонлар қарашларини тасвирлади. Танқидчилар эса агрономия билан шеърятни аралаштириш беъманилигини айтиб, шоирга чанг солишди. Шунга қарамай, у шеърларини қайта нашр қилиб, ёмон отлик бўлган “Мукаддима” (“Preface”) ни қўшади. Унда Вордсворт танқидчиларга нисбатан аслида ким шеърятнинг асл моҳиятини англамаслигини исбот этади.

“Шеърый киссалар” нинг икки жилдлик иккинчи нашри 1800 йилда якка Вордсворт муаллифлигида чоп этилди. 1798-йилдаги номаълум нашрида фақатгина шарқона шеърлар ва уларга “изоҳлар” бор эди, халос. 1800-йилда эса ундан машхур “Мукаддима” ўрин олди. Вордсвортнинг қайд қилишича, дўстлари уни тўплам ёзишга ундаган бўлсада, бироқ у оддий кириш қисми ёзишни афзал қўради. Бу ҳозиргача шоирнинг ёзиш услуби борасидаги узок баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Шоирнинг энг машхур[1] “Мен булут сингари ёлғиз кезардим”(“I Wandered Lonely as a Cloud”) ёки “Наргиз гуллар” (“Daffodils”) номи билан

шухрат қозонган шеъри [3] 1802 йил 15 апрельда синглиси Дороти билан Камбрия графлигида жойлашган Алсвот қўли ёнбағирларида “Бир тўда тилларанг нарғиз шодаси” га дуч келганидаги таассуротларидан келиб чиқиб, 1804-1807 йиллар оралигида қозғаш туширилади.[2] У йўл-йўлакай гулли тасодифан учратганини шеърнинг биринчи куплетидек таърифлашга шошилади:

I wandered lonely as a cloud
That floats on high o'er vales and hills,
When all at once I saw a crowd,
A host, of golden daffodils;
Beside the lake, beneath the trees,
Fluttering and dancing in the breeze.

Рус тилида И. Лихачева таржимаси:

Печальным реял я туманом
Среди долин и гор седых,
Как вдруг очнулся перед станом,
Толпой нарциссов золотых:
Шатал и гнул их ветерок,
И каждый трепетал цветок.

• Ўзбек тилида муаллиф (Г. Мамарасулова) таржимаси:

Тоғ-у тош ва водий оралаб гўё,
Мен булут сингари ёлғиз кезардим.
Ва ногоҳ учратдим, ростми ё рўё:
Бир тўда тилларанг нарғиз шодасин.
Дарахтлар остида, қўл ёнбағрида
Майин эпкин оҳангида хилпирар, уйнар.

Ёзувчи Памела Вуф (Pamela Woof) шеърдаги ифодаларга “The permanence of stars as compared with flowers emphasises the permanence of memory for the poet”, яъни “Гуллар билан таққосланган юлдузлар шоирнинг ёди абадийлигига урғу беради” [4] дея таъриф беради. У қуйидаги сатрларни назарда тутгани:

Continuous as the stars that shine
and twinkle on the Milky Way,
They stretched in never-ending line
along the margin of a bay:
Ten thousand saw I at a glance,
tossing their heads in sprightly dance.
The waves beside them danced; but they
Out-did the sparkling waves in glee:
A poet could not but be gay,
in such a jocund company:
I gazed—and gazed—but little thought
what wealth the show to me had brought:

Рус тилида таржимаси:

Бесчисленны в своем мерцанье,
Как звезды в млечности ночной,
Они вились по очертанью
Излучины береговой —
Сто сотен охватил на глаз
Пустившихся в веселый пляс.

Плясала и волна; резвее,
Однако, был цветов задор,
Тоску поэта вмиг развеял
Их оживленный разговор,
Но сердцу было невдогад,
Какой мне в них открылся клад.

Ўзбек тилида таржимаси:

Улар порлар эди юлдуз мисоли,
Сомон Йўлини-да гуллаб ёритар.
Бу гуллар тизгинсиз чиройи ила,

Безайди сохилни, ёғду тимсоли.
Кўзларим улардин узолмам нетай?!
Наргизлар рақсига шайдоман, нетай!

Тўлкинлар севинчдан жўш урап тинмай,
Лек бўлмас алардек нафис, бежирим.
Шоирки шодонлик туймоғи табиий,
Шундайин гўзаллик қаршисида жим.
Бундан ортик бахтни туймоқ мумкинми,
Ёлғиз ўзим бунни кузатдим... кўрдим.

Англиялик шоир ва ёзувчи Эндрю Мошен шёърнинг сўнги мисралари
ўқувчи шуурида худди ўзи шу манзарага гувоҳ бўлгандек таассурот
қолдиришини[5] айтади:

For oft, when on my couch I lie
In vacant or in pensive mood,
They flash upon that inward eye
Which is the bliss of solitude;
And then my heart with pleasure fills,
And dances with the daffodils.

Рус тилида:

Ведь ныне в сладкий час покоя

Иль думы одинокий час

Вдруг озарят они весною,

Пред оком мысленным являсь,

И сердцем я плясать готов,

Ликуя радостью цветов.

Ўзбек тилида таржимаси:

Гоҳ қолсам танҳолик қаърига чўмиб,

Ўйчанлик қалбимни тирнаса гоҳо,

Кўзимни юмаман, оламан юмиб,

Наргиз гул нигорин кўрмоқлик учун.

Ва юрак ҳапқирар ҳаяжон ичра,

Наргиз гуллар билан рақсга шошилиб.

1837 йил шотландиялик шоира ва драматург Жоанна Бейли ўзининг Вордсворт билан узоқ йиллик танишлигидан келиб чиқиб, шундай дейди: “У токи бирор маънили гапи бўлмаса, гапирмайдиган инсонлар хилига ўхшайди. Аммо ахён-ахёнда хушчақчақ ва ажойиб сухбатдошга айланади; Агар кимки унинг нақадар илтифотли ва яхши инсонлигини билса, у билан яқинлашишга интилиши табиий.[6]”

1838 йил Вордсвортга Англиянинг Дарем Университетидан инсон ҳуқуқлари бўйича фахрий докторлик унвони тақдим қилинади. Худди шу йили шундай даража билан Оксфорд Университети ҳам уни тақдирлайди[7]. 1842 йил ҳукумат унга яхшигина йиллик нафақа тайинлайди.

Роберт Саутининг вафотидан сўнг, 1843 йил унга “Поэт-лауреат” (Poet-Laureate) унвони берилади. Дастлаб, Вордсворт бу шарафга жуда қарикли қилишини айтиб, рад этган бўлса-да, аммо Бош вазир Роберт Пиль “you shall have nothing required of you”, яъни “сиздан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди” дея уни ишонтиргач, бунга рози бўлади. Вордсворт, шу тарзда, норасмий шеърлар ёзган ягона шоир лауреатга айланди. 1847 йилда кизи Доранинг 42 ёшда тўсатдан вафот этиши уни буткул тушкунликка солиб, янги нарсалар ёзишга умуман қурби етмади.

Уильям Вордсворт 1850 йил 23 апрельда Райдал Моунтдаги уйда зотилжам касаллигининг оғир тури билан ҳасталаниб, оламдан кўз юмди. Бева қолган Мэри турмуш ўртоғининг вафотидан бир неча ойлар ўтиб, унинг “Кольрижга бағишлов шеър” (“Poem to Coleridge”) дея номлаган автобиографик асарини “Муқаддима” (“The Prelude”) номи остида чоп этди. Ўша пайтда асар катта шухрат қозонмаган бўлса-да, лекин ханузгача шоирнинг шоҳ асари сифатида кенг эътироф этилади.

Адабиётлар:

1. BBC. "Historic figures: William Wordsworth (1770–1850)". Retrieved 26 December 2009
2. "William Wordsworth (1770–1850): I Wandered Lonely as a Cloud". Representative Poetry Online. 2009. Retrieved 23 December 2009.

3. Moorman, Mary. *William Wordsworth: A Biography: The Later Years, 1803–50* v. 2, Oxford University Press 1965
4. Pamela Woof (November 2009). "The Wordsworths and the Cult of Nature: The daffodils" *British History in-depth*. BBC. Retrieved 23 December 2009.
5. Motion, Andrew (6 March 2004). "The host with the most". *Guardian Online*. London. Retrieved 29 December 2009.
6. Baillie, Joanna (2010). Thomas McLean, ed. *Further Letters of Joanna Baillie*. Madison, NJ: Fairleigh Dickinson University Press. p. 181. ISBN 978-0-8386-4149-1.
7. Everett, Glenn, "William Wordsworth: Biography" at *The Victorian Web*, accessed 7 January 2007.

**Umida Sotiboldiyeva,
ToshDO'TAU talabasi
Ilmiy rahbar: Odilova G.**

ERTAKLAR TARJIMASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Ertak xalq og'zaki ijodining o'ziga xos janri hisoblanib, zamonlar charxida charxlanib kelayotgan, o'zida axloqiy, ma'rifiy, estetik qarashlarni aks ettirgan badiiy ijod mahsuli sanaladi. Ular oddiygina ko'ngilochar manba, bolalar ovunchog'i bo'libgina qolmay, balki insonni kamolotga erishishida poydevor bo'lib xizmat qiladi. Ular bolaning tafakkurini o'stirishga, ma'naviy yuksaklikka erishishga, fikrlashga undaydi. Qadim zamonlardan buyon insoniyat rivojiga o'z hissasini qo'shib kelayotgan bunday ma'rifiy asarlarini mualliflari aniq bo'lmay, og'izdan-og'izga o'tib, ajdodlardan avlodlarga meros bo'lib kelmoqda.

Ertaklar qachon, qayerda yaratilgan bo'lsin, undan ko'zlangan maqsad yagona- ma'rifatparvarlik, ezgulik, insoniylik. Har qanday xalqning og'zaki ijodida ertak janri juda yaxshi rivojlangan bo'lib, u o'sha xalqning madaniyati, yashash sharoiti, dunyoqarashlarini o'zida mujassamlashtiradi. Xususan, Oxunjon Safarov: "Har bir xalq ertagi o'sha xalq tarixini, ma'naviy-madaniy turmush tarzini, ichki dunyosini, imon-e'tiqodini boshqa qardosh el-u elatlar bilan ijtimoiy munosabatlarini, urf-odatlarini, yashash joyi, iqlimi, tabiiy shart-sharoitlarini o'rganishda muhim

manba vazifasini o‘taydi[2]”- deydi. Bunday ma’naviy boyliklarni bir xalqdan boshqa xalqqa yetkazishda esa mutarjimlar ko‘prik vazifasini bajaradi.

Har qanday boshqa tilga tarjima qilingan asarning mavqei uni tarjima qilgan tarjimon mahorati bilan o‘lchangani kabi ertaklarning ham mohiyatini ochishda tarjimon asosiy rol o‘ynaydi. Sababi, ertaklarning asosiy tinglovchilari bolalar bo‘lib, ular juda ta’sirchan, har narsaga savol bilan qaraydigan, har narsadan mo‘jiza qidiradigan bo‘lishadi. Shu bois, bolalar adabiyoti tarjimasi bilan shug‘ullanuvchi tarjimon zimmasiga mas’uliyat ikki barobar yuklatiladi.

Tarjimon ikki xalq bolasining dunyoqarashi, tasavvuridagi tushunchalarni avvalo o‘zi farqlay olishi lozim. Ertaklardagi mohiyat bir xil bo‘lishiga qaramay, tinglovchining qabul qilish darajasi har xil bo‘lishi mumkin. Masalan: ingliz bolasi uchun ijobiy xarakterga ega bo‘lgan qahramonlar o‘zbek bolasi uchun salbiy qahramon sifatida gavdalanishi yoki aksincha, ingliz ertaklaridagi salbiy qahramonlar o‘zbek ertaklarida ijobiy ahamiyatga ega bo‘lishi mumkin. Qolaversa, har bir xalq ertaklarining boshlamasi, voqealar rivoji, tugallanma qismining ifodalanishida ham bir qancha farqlarni ko‘rish mumkin. Ya’ni o‘zbek xalq ertaklarining boshlamasi bilan boshqa xalqlarning ertagi boshlamasi tubdan farq qiladi. O‘zbek ertaklari an’anaviy “ Bir bor ekan, bir yo‘q ekan ” kabi boshlansa, inglizlarning ertaklarida bunday an’anani har doim kuzatib bo‘lmaydi. Ayrim ertaklar to‘g‘ridan- to‘g‘ri boshlanib ketadi. Voqealar rivojida o‘zbek ertaklarida badiiylikka alohida urg‘u berilsa, ingliz ertaklari qisqalikka, lo‘ndalikka intiladi. Tugallanish shakli ham bir-biridan farq qiladi. Yuqoridagi fikrlarimizga dalil sifatida quyida ingliz ertaklaridan birini tahlil qilib ko‘ramiz:

“*Clever Crispin and the calf* [3]”deb nomlangan ushbu ertakning avvalo mazmuniga biroz to‘xtalamiz.

Bu ertak Krispin ismli poyabzal ta’mirlovchini qassobning buzoqchasini o‘g‘irlagani va evaziga mehmonxona xo‘jayinidan ichimlik talab qilgani, uning bu hiyla-nayrangi ortidan qassob ko‘pgina qiyinchiliklar ko‘rgani to‘g‘risida. Buzoqni bir necha marta o‘g‘irlab, yana qassobga qaytarib sotishidan ham poyabzalchining naqadar ayyor ekanligini ko‘rishimiz mumkin.

Endi ertakning sarlavhasiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, u o'zbekchaga "Aqlli Krispin va buzoqcha" deb tarjima qilinadi. Hali ertakni eshitmagan, o'qimagan bolaning tasavvurida Krispin dono qahramon sifatida namoyon bo'ladi. Chunki o'zbek bolalarining tasavvurida aqlli, dono, zukko, bilimdon sifatlariga ega bo'lgan inson doimo ezgu ishlar qilishi haqida tushuncha mavjud. Agar tarjimon bu kabi xorijiy ertaklarning sarlavhasini mazmunidan kelib chiqmay so'zma so'z tarjima qilsa, o'quvchida tushunmovchiliklar yuzaga kelishi mumkin. Bularni inobatga olgan mutarjim Krispinning xiyla-nayrangidan kelib chiqib ertakni "Ayyor Krispin va buzoqcha" deb nomlasa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Yuqorida aytib o'tganimizdek, ushbu ertak ham to'g'ridan-to'g'ri voqealardan boshlanib ketgan. Ammo an'anaviy kirish "Bor ekanda yo'q ekan, och ekanda to'q ekan, bo'ri bakavul ekan, tulki yasavul ekan, qarg'a qaqimchi ekan, chumchuq chaqimchi ekan, g'oz karnaychi ekan, o'rdak sumaychi ekan" qismi bilan boshlangan ertaklarni o'qishga odatlangan o'zbek bolasi uchun ushbu ertak zerikarli va oddiy tuyuladi. Bu kabi boshlanmalar bolaning fikrini jamlashiga ma'lum darajada xizmat qiladi. Tarjimon ertaklarni ham shunday boshlanmalar bilan boshlasa, bolaning qiziqishi ortadi. Keyin sekin-asta voqealar rivojiga o'tishi mumkin. Shuningdek, yana ertakka qaytadigan bo'lsak, bu ertakni ilk bora o'qiyotgan o'quvchi Krispinning aslida kim ekanligi haqida chalkashlikka duch keladi. Negaki, asliyat tilida bu ism ertakning oxirrog'ida keltirgan bo'lib, ziyrak tarjimon Krispinning poyabzal ta'mirlovchi ekanligini ertakning avvalida aytib o'tadi. Ya'ni: "Bir bor ekan, bir yo'q ekan, qadim o'tgan zamonda bir Krispin ismli poyabzal ta'mirlovchi yashagan ekan" kabi. Shundagina bola ertak davomida uchragan Krispin ismli shaxs kim ekanligini bemalol anglay oladi.

Ertakning asosiy qismi hisoblangan voqealarni tarjimada o'quvchining talabidan kelib chiqib, badiiylilik asosida qilish ertak mazmuni oshishiga xizmat qiladi. Tarjima ishi qanchalik ravon va sodda tilda amalga oshirilsa, o'quvchining o'zi asarni xulosalay olishi mumkin.

"Dono Krispin va buzoqcha" ertagi asliyatda Krispinning aqlini olqishlash bilan yakunlanadi. Lekin o'zbek xalq ertaklarida hech qachon ayyor va hiylagar

qahramonlar mukofotlanmaydi, aksincha o'z jazosini oladi. Shu boisdan, agar tarjimon ertakni "Ayyor Krispin va buzoqcha" deb nomlasa, nihoyasida uni olqishlay olmaydi. Bu vaziyatda u Krispinni "o'z aybidan pushaymon bo'ldi, yoki qassob uning tazirini berdi" singari tugatsa ertakning mohiyatini ochib bera olgan bo'ladi. Aks holda, tinglovchi tasavvurida ingliz xalqiga nisbatan noto'g'ri tushuncha paydo bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, ertaklarda xalqning eng yaxshi sifatleri, insonparvarlik, vatanparvarlik, do'stga sadoqat, jasorat ko'rsatish kabi fazilatlar hikoya qilinadi[1]. Boshqa xorijiy xalqlar ertaklari, shuningdek, o'zbek xalq ertaklarni tarjima qilishda yuqorida tahlil qilgan ertagimiz kabi jihatlariga e'tibor berilsa, bu fazilatlar to'la namoyon bo'ladi, bolalarda ertakka nisbatan talab ortadi. Tarjimon ushbu jarayonning asosiy ishtirokchisi hisoblanadi. Kasbiga nisbatan mehr-muhabbat his qila olgan mutarjimgina bunday jihatlariga e'tibor bilan yondashadi va ertakdan ko'zlangan maqsadni to'la-to'kis yetkazib beradi.

Adabiyotlar:

1. Murodova M. *Folklor va etnografiya. Toshkent, 2008.*
2. Safarov O. *Xalq og'zaki ijodi. T.: Musiqqa, 2010.*
3. Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.

*Isrofilov Doston,
ToshDO'TAU talabasi
Ilmiy rahbar: Odilova G.*

ONOMOTOPIYALAR VA ULARNING TARJIMADAGI O'RNI

Badiiy tarjima tarjimashunoslik ilmining alohida tarmoqlaridan biri bo'lib, o'ziga xos ijodiy va ilmiy yondashuvni talab qiladi. Tarjimon millatlar va madaniyatlarini bog'lovchi ko'priklarning misoli. Bu ko'priklarning umrboqiy va mustahkam bo'lishi uchun tarjimon keng doiradagi lingvistik va ekstralingvistik bilimlarga ega bo'lishi kerak. Badiiy tarjimonning ijod mahsuli o'zga til egalarining ma'naviy ehtiyojini qondirishi va estetik zavq berishi lozim. Tarjimon qo'llagan har bir so'z uchun mas'uldir. Ushbu maqolada badiiy tarjima jarayonida ko'p uchraydigan,

leksikologiyaning bir tarkibiy qismi bo'lgan onomotopiyalar va ularning badiiy tarjimadagi ahamiyati xususida to'xtalamiz.

Onomotopiya so'zi grekcha so'zdan olingan bo'lib, "word-making" so'z yasash degan ma'noni bildiradi[1]. Onomotopiyalar bizning tilimizdagi undov va taqlid so'zlarga mos keladi. U boshqa tillarda ham alohida olingan so'zlar turkumi sifatida qaraladi va o'ziga xos ma'no bo'yoqlarini ifodalash uchun xizmat qiladi. Ular tabiatdagi barcha jonli va jonsiz narsalarning ovozigina, holatiga taqlid qilish, ularni undash, chaqirish, harakatga keltirish natijasida hosil bo'ladi. Aslini olganda, deyarli barcha jonli va jonsiz narsalardan chiqadigan tovushlar va harakat yo'sinlari bir xil. Masalan: hamma itlarning ovozi deyarli bir xil. Lekin ularni nutqimizda ifodalash o'zaro farqlanadi va bu tillar orasida ham farqlarni yuzaga keltiradi. Misol uchun, o'zbek tilida it ovozi *vov-vov*, *irr*, *g'ir* taqlid so'zlari bilan ifodalansa, inglizlarda *bark*, yapon tilida *wan-wan*, grek tilida *gav-gav* so'zlari bilan beriladi. Yoki soatning ovozini olaylik. U inglizlarda *tik-tock*, yaponchada *katchin-katchin*, hindlarda *tik-tik*, bizda esa *chiq-chiq* so'zi bilan ifoda etiladi. Qaychining qirqish jarayonida yuzaga keladigan tovush esa ispanchada *rique-rique*, italyanchada *cri-cri*, portugal tilida *terra-terra* yoki *treque-treque*, zamonaviy greklarda *krist-krist*, hindlarda *katr-katr*, bizda esa *g'irch-g'irch* degan onomotopiyalar bilan beriladi.

Mashinalardan chiqadigan signalni ifodalashda ham qiziq holatni ko'rishimiz mumkin. Masalan: o'zbek tilida *ditt*, *bipp*, *bip-bip*, *boop* onomotopiyalari bilan bersak, fransuzchada *tut-tut*, yaponcha *pu-pu*, koreys tilida *bbang-bbang*, norveglarda *berg-berg*, portugalchada *fom-fom*, vietnam tilida *bim-bim* shaklidagi birliklar bilan beriladi[2]. Quyida biz onomotopiyalarning badiiy tarjimadagi o'rmini ingliz tilidagi ba'zi tarjimalar misolida ko'rib chiqamiz. Avvalo, ingliz onomotopiyalari va ularga xos ba'zi jihatlarga to'xtalamiz. Ingliz tilshunos olimlari ularni o'zaro umumiylik jihatiga ko'ra besh toifaga ajratishgan.

1.Suv bilan bog'liq so'zlar. Bu turdagi so'zlar *sp-* yoki *dr-* tovushlari bilan boshlanadi. Quyida ularning ba'zilarini keltiramiz. *Bloop*, *splash*, *spray*, *springle*, *squirt*, *drip*, *drizzle* va boshqalar.

2. *Tovushga bogʻliq onomatopiyalar* Bu onomatopiyalar koʻpincha *gr-* tovushi bilan boshlanadi. Bu turga nutq aʼzolari: til, tish va lablar orasida hosil boʻladigan tovushlar ham kiradi. Koʻpincha bular *mu-* tovushi bilan boshlanadi. Quyida ularning baʼzilarini keltiramiz. Masalan: *giggle, growl, grunt, gurgle, mumble, mumber, bawl, belch, chatter, blurt* va boshqalar.

3. *Toʻqnashuvga bogʻliq onomatopiyalar*. Bunday soʻzlar ikki va undan ortiq jismlarning bir biriga toʻqnashishidan hosil boʻladi. Odatda metal va shishaning toʻqnashuvidan hosil boʻlgan onomatopiyalar *cl-* tovushi bilan boshlanib, *-ng* tovushi bilan tugaydi. Agar bu toʻqnashuv yogʻochga oʻxshash ogʻir narsalar orasida boʻlsa, bunday taqlid soʻzlar *th-* tovushi bilan boshlanishi mumkin. Quyida baʼzi onomatopiyalarni koʻrib oʻtamiz. Masalan; *bam, bang, clang, clank, clap, clatter, clic, clink, ding, jingli, screech* va boshqalar.

4. *Havo tebranishiga bogʻliq soʻzlar*. Odatda havo hech qanday tovush chiqarmaydi. Ammo u tebranganda turli xil onomatopiyalar hosil boʻladi. Bunday taqlid soʻzlarning yuzaga kelishida oʻpka, til, lab, va tish kabi nutq apparatlarimiz ham ishtirok etadi. Quyida ularning baʼzilari: *fist, flutter, fwoosh, gasp, swish, swoosh, whiff, whoosh, whizz, whip, whisper* va boshqalar.

5. *Jonivorlarning ovozlari*. Agar siz jonivorlarni koʻproq kuzatsangiz, ularning bir biri bilan oʻz tillarida boʻladigan muloqotiga guvoh boʻlasiz. Masalan, joʻjalarning ovozi ingliz tilida *cluck-cluck, bok-bok, tok-tok, kot-kot* yoki *cotcot-codet* kabi onomatopiyalar bilan ifodalanadi. Quyida baʼzi jonivorlarningovozini koʻrishimiz mumkin. Masalan: *arf, baa, bark, bray, buzz, chip, chirp, chortle, cluck, cuckoo, hiss, meow, moo, purr, quack, ribbit, tweet, warble* va hokazo³.

Onomatopiyalardan badiiy matnlarda ham tez-tez uchraydi. Ayniqsa, undan bolalar adabiyotida badiiy tasvir yaratish va bolalarda borliq haqida tasavvur uygʻotish uchun foydalanishadi. Onomatopiyalar shunchaki taqlid va undov soʻzlarni ifodalab qolmasdan, asardagi ijobiy yoki salbiy maʼnoni, hissiy boʻyoqdorlikni ham ifoda etadi. Shuning uchun tarjimon muallif maqsadini toʻgʻri anglagan holda, yuqoridagi ussegment birliklarni ham kitobxonga toʻgʻri yetkazishi kerak. Quyida biz onomatopiyalarning ingliz sheʼriyatida qoʻllanishi va ularning tarjimada uzatilishiga

oid ba`zi misollarga to`xtalamiz. Buni Edgar Allan Poening quyidagi satrlarida ko`rishimiz mumkin.

“How they tinkle, tinkle, tinkle,

In the icy air of night!”

“how they clang and clang, and roar!

What a horror hey outpour.”

“sovuq havoli oqshom,

jiring, jiring, jiring”

Vahimali baqirib,

Chaladi jirring - jirring

Ko`rinib turibdiki, bunda shoir Poe soat qo`ng`irog`ining ikki xil shakldagi onomatopiyasini qo`llaydi. Ya`ni birinchi satrda foydalanilgan *“tinkle”* onomatopiyasi yumshoq ovozni bersa, ikkinchi satrdagi *“clang”* da esa ma`no kuchayadi. Poe bu she`rida qo`ng`iroq ovozining ikki hil shaklini berish orqali o`zaro zid kayfiyatni ifodalaydi.

Yana bir ingliz zabon shoir Langston Hughes ijodiga mansub quyidagi satrlarga qaraylik.

“Thump, Thump, Thump, went his foot on the floor.

He played a few chords then he sang some more...”

Tarjimasi:

Taq-tuq, taq-tuq, odimlaydi kimdir pastki qavatda,

Akkardion nolasidek eshilar ayni shu paytda.

Bu she`rda shoir *“thump”* onomatopiyasidan foydalanib, qahramonining qadam bosishini va oyoq kiyimining ovozi akkardion ovozidek jaranglab eshityotganini ifodalaydi. Avstraliya shoiri Lee Emmet ijodida ham onomatopiyalar ishtirokida yaratilgan quyidagi she`rni ko`rishimiz mumkin.

Water plops into pond

Splish-splash downhill

Warpling magpies in tree

Thrilling, melodic thrill

Ko`lmakda suv shildirar

Quyilar shaldur-shuldur

Daraxtda zog` shaqillar

Taralar ajib bir kuy

Whoosh, passing breeze

Flags flutter and flap

Proak croaks, bird whistles

Shamol esar shovullab

Bayroq uchar hilpirab

Qarg`a “qag”lar, qush sayrar

Shoir bu she`rda onomatopiyalarni qo`llash orqali tabiatning ajib tasvirini so`zlar orqali chizib beradi. Bu she`rni o`qigan kitobxon ko`z oldida tabiat manzarasi jonlanadi va estetik zavq beradi. Yana bir ijodkor Ogden Nashning *“Fossils”* (Keksalar) o`z she`rida hayotni musiqa asboblari kabi tasvirlaydi

<i>“ there were no drums or saxophones</i>	Bo`ldi basdir dombir-dombir
<i>But just the clutter of their bones,</i>	Jarang – juring saksafonlar
<i>A rolling, rattling carefree circus,</i>	Yoqmas endi sho`x polkalar
<i>Of mammoth polkes and mazurkas”</i>	Tinchlik bering der keksalar

Ko`rinib turibdiki, Ogden Nash bu she`rda musiqa asboblariidan chiqadigan onomatopiyalar orqali keksalik davrini tasvirlaydi. Shoir bu she`rda keksalarning sokin, osoyishta hayotni xohlashini, yoshlikdagi raqslar, sho`x musiqalar endi ularni behalovat qilishini va kishilarda keksalik davridagi o`zgarishlarni ajoyib satrlar orqali tasvirlaydi.

Xulosa o`rinda shuni aytish kerakki, badiiy tarjima boshqa san`at turlaridan ajralib turadi. Tarjimondan bir ijodkor adabiy mulkini, qoleversa butun millat ma`naviy merosini boshqa til kitobxoniga imkon qadar yetkazishi talab qilinadi. Tildagi har bir birlik , xususan, onomatopiyalarni ham berishda tarjimondan alohida yondashish talab qilinadi. Yuqoridagi misollardan ham a`yonki, onomatopiyalar ma`lum bir ifodani, tasvir yoki kayfiyatni ifodalash uchun qo`llaniladi. Onomatopiya qo`llangan ko`pchilik she`rlarda yumor ruhi sezilib turadi va u kitobxonga hissiy kayfiyat beradi. Agar tarjimon muallifning maqsadini anglamasa va ularni berishda nomutanosiblikka yo`l qo`ysa, tarjimadan ko`zlangan maqsadga erisha olmaydi.

Adabiyotlar:

1. <https://en.wikipedia.org/wiki/onomatopoeia>
2. <http://www.LiteraryDevices.com/onomatopoeia/>
3. <http://examples.yourdictionary.com>
4. <http://www.quora.com/why-is-onomatopoeia-important-in-poetry>

TARJIMADA BADIY TASVIRNING O'RNI

Har bir xalq adabiyotini jahon miqyosiga chiqishida tarjimaning o'rnini beqiyosdir. Tarjima ikki til madaniyatini birlashtiruvchi ko'prikdir. Tarjima ishlarini rivojlantirishga muhtaram birinchi prezidentimiz Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch" asarida alohida to'xtalgan. Yurtimizda badiiy tarjima ishlarini yanada jonlantirish, bevosita o'zbek tilidan chet tillarga mumtoz va zamonaviy adabiyot namunalarini tarjima qilish ishlarini yangi bosqichga ko'tarishdir. Bu, o'z navbatida, o'zbek tarjimonlari va noshirlari oldiga bir qancha mas'uliyatli vazifalarni amalga oshirish talabini qo'yadi. Hozirgi kunda badiiy adabiyotimizni jahonga olib chiqishda, adabiyotimizni dunyoga chiqarish uchun ko'plab ishlar olib borilyapti. Bizga ma'lumki, o'zbek adabiyoti juda boy, ammo uning nodir durdonalari tarjima qilinmagan. Tarjima qilishda tarjimon uning muqobil variantini topishi, nafaqat o'zining balki jahon madaniyatidan ham xabardor bo'lishi zarur. Bunda tarjimondan mahorat va ma'naviy bilimlarga egalik talab etiladi. "Asliyatda bayon etilayotgan voqelik, turli narsa-hodisalarning tasviri va obrazlarini bor murakkabligi bilan imkon qadar to'g'ri tarjima qilish uchun tarjimon, tabiiyki, original asarda tasvirlangan voqelikka doir bilimlarga ega bo'lishi lozim. Bunday bilimlar, ko'pincha, umumiy ravishda mamlakatshunoslik bilimlari ham deyiladi"

Badiiy tarjimon asliyat tilidan tarjima tiliga matn tarjima qilishda qiyinchiliklarga uchraydi. Buni bartaraf etishda tarjimon tarjimada kelayotgan badiiy tasvirlarini muqobilini tanlay olgandagina, bu o'quvchiga tushunarli va ravon bo'ladi. Badiiy asarda so'z faqat ifoda vositasi bo'lmay, balki u hayot haqiqatini obrazli ko'rsatish, tasvirlanayotgan voqeani estetik baholash, uning ta'sirchanligini oshirish uchun xizmat qiladi. Shu sababli so'z badiiy matnda faqat asarning mazmunini bayon etish hodisasi bo'lmay, ayni paytda ma'lum tasviriy vosita vazifasini ham bajaradi. Badiiy asar tilida tasviriy vosita juda keng qo'llaniluvchi lingvistik xususiyatdir. Unda tilning rang-barang uslubiy imkoniyatlari o'z ifodasini topadi. Xususan, o'zbek

tilida badiiy tasviriy vositalar ko‘plab uchraydi, shu qatori tog‘ tasviri ham. Badiiy adabiyotda tog‘ga ulkan, haybatli, viqorli kabi sifatlar bilan berishimiz mumkin. Shuningdek tog‘ning ulug‘vorligidan o‘xshatishlar qilib, ko‘chma ma’noda ham ishlatiladi. Jumladan, Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” romanida tog‘ tasvirining ko‘plab ko‘chma ma’nolarini uchratishimiz mumkin. — *Vo darig‘! — deb Tohirning otasi og‘ir ux tortdi:— Bizning suyangan tog‘imiz siz edingiz, mulla Fazliddin!.. Endi siz ham quvg‘inga uchragan bo‘lsangiz*[3].

Jumlasida tog‘ tasviri orqali so‘zlovchining yelkadoshi bo‘lgan insonning ulug‘vorligiga, u uchun qadrli inson ekanligiga urg‘u berilgan.

No‘yon Ko‘kaldosh ham qo‘lidagi sallaga endi boshqacha ko‘z bilan qaradi va kulib yubordi. Boshqalar ham yelkalaridan tog‘ qulab tushganday yayrab kular va jilmayar edi. Bobur kulgidan to‘xtab, oti hurkkan navkarga yuzlandi.

Bunda asar qahramonlarining g‘amlardan forig‘ bo‘lganligi tog‘ning qulaganligi bilan tasvirlangan.

Nazarida, tili shishib, shunday katta bo‘lib ketgan ediki, butun tanasini tog‘day bosib yotardi. Bobur ko‘zini ochganini sezib, Qosimbek uning tepasiga keldi:

— *Xayriyat-e!.. Amir-odam, bizni muncha qo‘rqitdingiz?*

Bobur ko‘zlari mo‘ltirab nimadir demoqchi bo‘ldi, ammo behad og‘irlashib ketgan tilini qimirlatolmadi[3].

Bunda og‘riqning kuchliligiga tog‘ tasviri orqali urg‘u berilgan. Bunda og‘riq badiiy bo‘yoqdorlikning yuqoriligi bilan tog‘ning og‘irligiga tenglashtirilgan. Bu kabi badiiy tasvirlarni tarjima qilish jarayonida uning muqobilini topa bilish, bu tarjimonning mahoratidan darak beradi.

O‘zbek adabiyoti qatori jahon adabiyotida ham tog‘ tasvirlarining ko‘chma ma’noda ishlatilgan. Xususan, ingliz yozuvchilaridan biri Margaret Mitchell o‘zining “Gone with the wind” asarida ham tog‘ tasvirlaridan foydalangan.

Sometimes a cultured voice came from the shadows: “Madam, my abject apologies for disturbing you, but could I have water for myself and my horse?” Sometimes it was the hard burring of a mountain voice, sometimes the odd nasals of

the flat Wiregrass country to the far south, occasionally the lulling drawl of the Coast that caught at her heart, reminding her of Ellen's voice.

Bunda ovozning balandligiga e'tibor berilgan.

Shuningdek, yana bir ingliz yozuvchilaridan biri Mario Puzoning "The Godfather" asarida ham bir qancha tog'ning ko'chma ma'nolari ishlatilgan.

The wedding procession pelted the neighbors with sugar-coated almonds, the traditional wedding candies, and with candies left over made sugary white mountain on the bride's wedding bed, in this case only a symbolic one since the first night would be spent in the villa outside Corleone[4].

Bu jumlada shirinliklarning uyumi, ya'ni to'plami tog'ga qiyoslanadi. Qand ko'rinishining oqligi va balandligi badiiy tasvir orqali tog'ga o'xshatiladi. Tasviriylik oz yoki ko'p bo'lishidan qat'iy nazar ularning barchasi muhim bir vazifaga nutqning to'g'ri, aniq mantiqiy ta'sirchan bo'lishiga xizmat qiladi. O'zbek xalqi boy adabiyotga ega, uning asosiy qismlaridan biri xalq og'zaki ijodidir. Maqollarda har bir so'zning ma'no va xilma-xilligi, iboralarning turg'unligi, shakily barqarorlik ustunlik qiladi. Ammo qo'llanilish o'miga qarab ularning ma'no doirasi doimiy ravishda kengayib boradi. Shuning uchun ham maqoldagi har bir so'zga alohida e'tibor berish kerak. Xalq maqollarida ham ham badiiy tasvirlar ko'plab uchraydi. Bu tasvirlar ko'proq o'z ma'nosida emas ko'chma ma'noda qo'llanilishini ham unutmazlik kerak.

O'g'irlik molning tagi qilday, To'g'rilik molning boshi tog'day.

Tog'dagi

kelib bog'dagini quvibdi.

Tog'ni baland

dema, Talab qilsang, chiqasan.

Tog' arqon bilan

egilmas, Mard nomardga teng bo'lmas.

Tog' yerdan o'sib

chiqar, Odam- ota-onadan.

Bu kabi xalq maqollarini tarjima qilishda qiyinchiliklarga uchrash mumkin. Chunki uning ko'chma ma'nosini o'quvchiga yetkazib berishda tarjimondan katta mahorat talab qilinadi. Bu kabi maqollar ingliz adabiyotida ham uchraydi. Jumladan:

The mountain has brought forth a mouse.

Men may meet but mountains never.

Bu maqolni o'zbek tiliga *Tog' tog' bilan uchrashmaydi, ammo odam odam bilan uchrashadi* deb tarjima qilishimiz mumkin. Maqolda tog' tasviri ko'chma ma'noda berilmagan. Bu maqoldagi kabi badiiy tasvirlarni tarjima qilishda uning asosiy ma'nosiga e'tibor berish zarur. Tarjimon ma'lum bir ingliz tilidagi maqolni o'zbek tiliga tarjima qilganda, uning asosiy ma'nosini bera olishi mumkin. Bu kabi ko'chma ma'noda beriladigan maqollar tarjimonga qiyinchilik tug'diradi. Uning asosiy ma'nosini tushunmasdan tarjima qila olmaydi va u asliyatga muqobil tarjima bo'lmasligi mumkin.

Bu kabi badiiy adabiyotda tasviriy vositalarni tarjima qilishda tarjimon kuchli bilim sohibi, mahoratli, ikki til madaniyatidan xabardor bo'la olgandagina, asarni to'g'ri tarjima qila olishi mumkin. Bunda asliyat ruhini imkon qadar to'g'ri va to'liq bera olish uchun tarjimondan yetuk bilim sohibi va talantli so'z ustasi bo'lishligini talab etiladi

Adabiyotlar:

1. I.Karimov. *Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch*. T.: Ma'rifat, 2008.
2. Sh.Sirojiddinov, G.Odilova. *Badiiy tarjima asoslari*. T.: Mumtoz so'z, 2011.
3. *Pirimqul Qodirov Yulduzli tunlar*.
4. Margaret Mitchell. *Gone with the wind*. published June 30, 1996
5. Mario Puzo. *The Godfather*. published in 1969 by G.P Putnam's Sons.
6. Sh.Turdimov. *O'zbek xalq maqollari*. T.: Sharq" nashriyoti. 2005.
7. <http://suratiundhiyu.wordpress.com/>

**Lapasova Kamola,
ToshDO'TAU talabasi
Ilmiy rahbar: Odilova G**

SHE'RIY TARJIMADA UCHRAYDIGAN MUAMMOLAR

Badiiy tarjima tarjimaning boshqa turlariga qaraganda murakkabroq sanaladi, chunki badiiy tarjimada estetik va ekspressivlik kabi alohida xususiyatlari borki, bu xususiyatlar qolgan tarjima turlarida uchramaydi. Estetik xususiyatlar so'z tanlay olishda, gapning qolipini to'g'ri bera olishda, iboralarni o'z o'rnida, to'g'ri qo'llashda ko'rinadi. Tarjimon asarni bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilar ekan, tarjima tilida ham yuqorida sanab o'tilgan xususiyatlarni saqlab qolishi kerak.

She'riy asar tarjima qilish esa tarjimondan nasriy asar tarjimasidan ko'ra ko'proq mahorat talab qiladi. She'rni tarjima qilish jarayonida nafaqat to'g'ri so'zlar qo'llay olish va gap qurilishini to'g'ri tashkil etish, balki she'r ritmi, qofiya, she'riy vazn, maxsus iboralar hamda she'rning qolipi ham muhim sanaladi. Vaholanki, tarjimon tilning bu xususiyatlariga har kungi kundalik hayotida duch kelavermaydi, shuning uchun ham she'riy tarjima tarjimondan nafaqat yuksak mahorat, balki ma'lum darajada she'r yozishga tug'ma qobiliyatni ham talab qiladi. Tarjimon Yanglish Egamova aytganidek: "Badiiy tarjima – yuklsak san'at. Tarjimon esa, xuddi yozuvchi singari san'atkor. U boshqa tilda bitilgan badiiy asarni shakl va mazmun birligini saqlagan holda o'z ona tilidagi qayta yaratadi. Ular o'rtasidagi farq shundaki, yozuvchida erkinlik katta. Tarjimon imkoniyatlari esa cheklangan, u tarjima qilayotgan asar mavzusi, g'oyasi, muallif maqsadi, uslubi, til xususiyatlaridan chetga chiqqan olmaydi. Shu imkoniyatlar doirasida o'z tili qonuniyatlaridan kelib chiqqan holda asarni qaytadan o'z tilida yozib chiqadi"[3]. She'rni bir tildan ikkinchi tilga uzatish jarayonida tarjimon duch keladigan ba'zi muammolar bular: lekisik, badiiy ekspressivlik va ijtimoiy-madaniy muammolar. Tarjima jarayonida tarjimon leksik muammolarga albatta duch keladi. Lekisik muammolardan biri bu so'z qo'llash bilan bog'liq muammo. Asliyat tilidagi so'zni tarjima tiliga to'g'ridan to'g'ri tarjima qilish imkoni bo'lmasa, tarjimon muallif maqsadini anglab yetishi va tarjima tilida mana shu so'zning muqobilini topa olishi kerak. Misol tariqasida A'zam Obidovning Cho'lponning "Go'zal" she'rini o'zbek tilidan ingliz tiliga qilgan tarjimasini keltirishimiz mumkin:

*Poor man, how fall in love me,
For her sake I was inflamed.
Gave my head to deal so lovely,
And for what so long I aimed?
Thus she's bonny that I fondle,
More than moon and sun, best angel!!![1,3]*

Endi xuddi shu she'rning asliyatdagi varianti bilan tanishsak:

Men yo'qsil na bo'lub uni suyibmen?!

*Uning-chun yonibmen, yonib-kuyibmen.
Boshimni zo'r ishga berib qo'yubmen,
Men suyub...men suyub...kimni suyubmen?
Men suygan "suyukli" shunchalar go'zal,
Oydan-da go'zaldir, kundan-da go'zal!!!*

Tarjimon

asliyatda ikki bor takrorlanayotgan "go'zal" so'zini tarjima tilida aynan bir xil so'zlarda emas, balki "bonny" va "angel" kabi ikkita so'z orqali tarjima tiliga olib o'tgan. Buning sababi shundaki, tarjimon muallif she'rga singdirmoqchi bo'lgan ma'noni to'g'ri anglab yetadi va uni tarjima tilida ifodalay oladi. Beshinchi bandda qo'llangan "go'zal" so'zi – insonlarga tabiatan in'om etiladigan chiroyni anglatgani uchun ham tarjimon uni tarjima tilida "bonny" so'zi orqali ifodalaydi. Oltinchi bandda kelgan "go'zal" so'zi esa insonning aqlga sig'mas darajadagi go'zalligini anglatishi sababli ham tarjimon "go'zal so'zini "pretty", "attractive" yoki "beautiful" so'zlari bilan emas, balki "angel" deb tarjima qiladi va muallif ko'zda tutgan mazmuni berishga harakat qiladi. Inson aqlga sig'mas darajada go'zal ekan, demak, u parilardek go'zaldir, shuning uchun ham yozuvchi aynan "angel" so'zini tanlaydi.

Leksik muammolardan yana biri bu – asliyatda berilgan gap qurilishi jihatidan ma'lum qoidalarga bo'y sunmasligi va shu bandlarni tarjima tiliga to'g'ridan olib o'tib bo'lmaslik. Bunday vaziyatda tarjimon gap qurilishiga emas, balki uning ma'nosiga diqqatini qaratishi va muallifning maqsadini to'g'ri anglay olishi kerak. Bu juda muhim sanaladi, chunki aynan shu qism asarning eng muhim bo'lagi bo'lishi va aynan shu gapdan so'ng asarning mazmun-mohiyati butkul boshqa tomonga burilib ketishi mumkin. Bu holda tarjimon tarjima tiliga shu jumlaning ma'nosini olib o'tishi kerak.

Tarjimon tarjima jarayonida duch kelishi mumkin bo'lgan muammolardan yana biri – badiiy ekspressivlikni saqlab qola olish muammosi. Tarjimon she'riy asarni tarjima qilgan ekan, she'rdagi gap qurilishiga ham o'z e'tiborini qaratishi lozim. She'ring asliyatdagi variant inversiyaga uchragan va bu she'ring bo'yoqdorlik darajasini nihoyatda yuqoriga ko'tarib turgan bo'lishi mumkin.

Tarjimon she'rni tarjima qilar ekan undagi bo'yoqdorlik va hissiy ta'sirchanlikni saqlab qola olishi kerak, aks holda tarjima qilingan she'r tarjima tilida asliyatdagidek qadrlanmasligi, kitobxonga hech qanay hissiy ta'sir o'tkaza olmasligi mumkin. Tarjimon tarjima jarayonida iloji boricha so'zma-so'z tarjima uslubiga tayanmasligi kerak, chunki so'zma-so'z tarjimada nafaqat ma'no yo'qolishi, balki uslubiy bo'yoqdorlik ham o'z kuchini yo'qotishi mumkin.

Tarjimon she'riy tarjimada qofiyalarni ham to'g'ri tanlab qo'ya olishi kerak, zero bu ham she'rning ta'sirchanligini oshiradi. Tarjimashunos G'aybulla Salomov aytganidek: "Har bir asarning tabiatiga mos tushadigan ohang kashf qilingandagina uni boshqa tilga tarjima qilishning kaliti topiladi." [2,21]. Ohangni kashf etishning eng yaxshi yo'li esa bu – qofiya, demak she'riy tarjimada qofiya ham nihoyatda muhim, ahamiyatga ega. Misol uchun:

*Qorong'u kechada ko'kka ko'z tikib,
Eng yorug' yulduzdan seni so'raymen.
Ul yulduz uyalib boshini bukib,
Aytadir: "Men uni tushda ko'ramen.
Tushimda ko'ramen, shunchalar go'zal,
Bizdan-da go'zaldir, oydan-da go'zal!.."*

Xuddi shu bandlarning A'zam Obidov tomonidan ingliz tiliga qilingan tarjimasi:

*I look at sky at night in darks,
And ask you from the brightest star.
That star inclining head remarks:
"I always dream of her afar.
In my dream she pretty thus –
Finer than the Moon and us!" [1,3]*

Tarjimon she'rni tarjima tilida toq satrlar bilan juft satrlatni, ya'ni a-b-a-b shaklida qofiyalagan. Tarjimaning bu jihati ham qaysidir ma'noda she'rning asliyat ohangini saqlab qola olgan. Tarjima tilidagi qofiyadosh so'zlar: "darks-remarks", "star-afar" va "thus-us". She'rning tarjima tilida tog'ri qofiyalanishi she'rning ohangdorligini ta'minlaydi, shuning uchun she'r trjimasiga kirishgan tarjimon

she'ning qofiyalanish tizimiga nihoyatda e'tiborli bo'lishi lozim.

Tarjima jarayonidagi muammolardan yana biri bu ijtimoiy-madaniy muammolar, ya'ni tarjimon asar yozilgan til madaniyatiga oid so'zlarga duch kelishidir. Bu vaziyatda tarjima tili vakillari uchun ummuman begona bo'lgan madaniyatga oid so'zlarni berish tarjimaning g'ayrioddiy, tushunarsiz chiqishi va tarjima qilingan asarning o'qishsiz bo'lib qolishiga sabab bo'lishi mumkin. Ijtimoiy-madaniy muammolarning paydo bo'lishiga madaniyatga oid to'rtta asosiy kategoriyani ko'rsatishimiz mumkin: fikr, tarbiya, ma'naviy manbaalar va tabiat. Bu kategoriyalarning har biriga alohida to'xtaladigan bo'lsak, "fikr" (har bir insoning fikrlash doirasi va nimani qanday qabul qilish darajasi) ishonch-e'tiqod, qadr-qimmat va turli xildagi muassasalarni; "tarbiya" (inson ulg'ayotgan muhit, jamiyat va shu jamiyatdan olingan tarbiyasi) urf-odat va turli xil udumlarni; "ma'naviy manbaalar" (shu kungacha bir xalq tomonidan yaratilgan va bugungi kungacha shu xalq uchun ma'naviy-ma'rifiy ishlarida asos hamda yangi asarlar yaratilishiga tayanch bo'lib kelayotgan adabiyot va san'at mahsulotlari) san'at, musiqa, qo'lyozmalarni; "tabiat" (inson yashayotgan tabiiy sharoit va uni o'rab turgan atrof-muhit) o'simliklar dunyosini, havonot olami, va ob-havoning o'zgarishi kabi tushunchalarni qamrab oladi. Misol uchun, she'rda kaola hayvoni haqida gap ketgan bo'lsa va u qandaydir ramzni tashisa, bu ham tarjimon uchun qator qiyinchiliklarni tug'diradi. Chunki, bizga ma'lumki, bu hayvon faqat Avstraliyada yashaydi. Bu hayvon turi boshqa joydan mavjud emas, shuning uchun ham kitobxon uning qanday ramz tashishidan bexabar bo'lishi, yoxud bu hayvonning o'zidan mutlaqo bexabar bo'lishi mumkin. Bu holda tarjimon asliyatdagi ma'noni o'quvchiga yetkazishda qiyinchilikka uchrashi tabiiy.

Umuman olganda, bu to'rt tushuncha har bir xalqda har xil talqin qilinadi, bu esa tarjima jarayonida muammolar tug'dirishi mumkin. Shu sababli, tarjimon nafaqat tarjima nazariyasi mutaxassis bo'lishi, balki dunyoviy bilimlardan yetarlicha xabardor bo'lishi lozim. Yuqorida aytib o'tilganlardan xulosa qilib aytadigan bo'lsak, tarjima tarjimondan juda katta bilim va malaka talab etadi, shuning uchun

tarjimon o‘z ustida doimo ish olib borishi va tarjimonlik mahoratini doimiy ravishda sayqallab turishi lozim.

Adabiyotlar:

1. Obidov A'zam. *Tunes of Asia*. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2004-yil.
2. Salomov G'aybulla. *Tarjima tashvishlari*. - Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1983-yil.
3. "Yoshlik" jurnali. 2013-yil. 12-son.
4. [www.culturesconnection.com/6 – translation – problems/](http://www.culturesconnection.com/6-translation-problems/)
5. Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.>

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА СИНХРОН ТАРЖИМАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

*Bakhodir Samadov,
University of World Economy and Diplomacy*

CHALLENGES OF TEACHING AND STUDYING CONFERENCE-INTERPRETING

Conference-interpreting is getting more and more popular in the world. The demand for conference interpreters is steadily growing. Our country is not an exception in this respect. At the same time we can't boast of the fact that there are well established centers to train interpreters in Uzbekistan. Demand clearly exceeds supply. It should also be mentioned that although the schools of conference-interpreting have become something trivial in many countries of the world it is still not easy to find a high class professional who'd duly satisfy clients' strict requirements: the job is too subtle and sophisticated. A good interpreter is always in demand. So, it is taken for granted that conference-interpreters are rather talented people who are not being trained for mass production, rather, figuratively speaking, they belong to the category of "piece goods".

As a job interpreting has many intricacies and is considered to be a very difficult one, it is included into top 10 most stressful professions by the Forbes. It's not fortuitous that with time best interpreters turn into social and political leaders. A good example to adduce is two CIS ministers of foreign affairs Sergey Lavrov and Abdulaziz Kamilov. Both are former professional interpreters.

Training Center for Interpreters of the University of World Economy and Diplomacy had been set up nine years ago. The first president of Uzbekistan suggested to organize a center to train interpreters at UWED in 2004. It took us more

than 3 years to understand that business trips to foreign training centers for interpreters, master classes of excellent visiting trainers wouldn't be able to drastically change the situation if we, local specialists, won't come to grips with the problem ourselves.

We started by collecting all kinds of the Internet materials and books on interpreting to get a better idea of how to train our students. Although books were scarce and not everything contained in them was terribly clear, we directed our efforts on working out a program of training for the students. First classes we arranged were closer to failure than to success: we didn't know what should be the sequence of tasks in the course of a lesson and what home assignment had to be given to the students. Problems were cropping up like mushrooms after rain. Moving slowly but steadily along the targeted goal we were finally able to realize that training interpreters was a real art. It had very little to do with standard classes of teaching foreign languages. We were to reinvent multifarious exercises to instill the needed skills in our students, we had encountered real eye openers on the way, we were able to conceive the real size of the gap between interpreting and translation. It should be mentioned in passing that we had professional interpreters in the team, availability of experienced professionals is a must for teaching would be interpreters. The problem was that they were not trained as interpreters. They were, so to say, self made interpreters, although some of them had serious practice in the given field. To go on with brief enumeration of our scourges I must mention that the equipment donated to us by the UNDP Uzbekistan was not meant for the training purposes, it was made for professional interpreting.

On the other hand, students enrolled into our Center were confused and perplexed by our demands. They were not ready to meet the requirements put forward by the Center. At that point we had been experiencing something that could be described as a "growing snowball" of problems. Our students' command of English didn't fit the targeted tasks. It had become abundantly clear that the students were not able to express themselves in a fluent and logical way. Even the best ones had problems to express rather simple ideas. After applying all kinds of approaches, it

had dawned on us that they needed to develop their conversational skills as much as possible. Correct usage of pauses, logical stress, switching from one pace of delivery into another and many other oratorical and prosodic devices comprised another problem faced by the students.

I'd like to take this chance now for a brief digression and reiterate the idea which I have been repeating time and again at various gatherings. Our methods of teaching foreign languages practically ignore instructing the main function of the language - the communicative one. We keep making students read and translate all kinds of texts, learn by heart words and combination of words, allot enormous amount of time to syntax and... practically avoid teaching them so called conversational language, pay little or no attention to the development of oratorical skills. Isn't it paradoxical! And it's the conversational speech that should be used as a basis for construction of any linguistic building leaning on its width and depth. In my view, similar thing is taking place with the cross cultural communication training in our country. There are all kinds of attempts to conduct different training sessions and lectures on the subject but they can't be described as fully fledged courses or modules on intercultural communication. At the same time diplomats, all those who specialize in foreign languages and, of course, interpreters are supposed to encounter problems in this field in the first place due to the nature of their job.

Ўзбек тилшунослиги ва таржимашунослиги соҳасида бундай лугатларни яратиш борасида айрим илмий мақолалар ёзилган, холос. Масалан, Ю.Н.Исмоилова миллат маданиятига тааллуқли сўзларни “хос сўзлар” деб атаб *“...хос сўзлар тил тизимида ва лугат таркибида алоҳида аҳамиятли ўринни эгаллайди. Тилдаги кенг истеъмолдаги сўзлардан улар қатор хусусияти, айнан яққол миллийлик, энциклопедик характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Бизнинг назаримизда, хос сўзлар ҳозирда тилшуносликда етарлича тадқиқ этилмаган. Ушбу сўзларни умумловчи ва жамловчи атама ҳам йўқ. Улар лугатларда етарлича талқин этилмаган. Шунингдек, алоҳида хос сўзлар лугатларини тузиш маълум қадар муаммонинг ечимига ҳисса қўшган бўлар эди”*[2, 49], дея ўринлитаъкидлаган.

Шу ўринда табиий савол туғиладики, ўзбек адибларининг классик асарларини чет тилига бевосита таржима қиладиган таржимонлар учун махсус лугатлар борми? Хусусан, миллий кадриятлар, удумлар, байрамлар, маросимлар, колаверса, миллийликка дахлдор барча сўз ва тушунчаларни ўзида акс эттирган лугатлар яратилганми? Тўғриси айтганда, бундай лугатларни тузиш анча мураккаб ва машаққатли жараён бўлиб, уларни ёзиш ҳар бир мутахассисдан катта маъсулият, тажриба, билим ҳамда юқори малакани талаб

этади. Хусусан, мутахассислар миллий-маданий сўзларни хорижий тилларда тўлик ва аниқ изохлаши, кўплаб илмий асосларга таяниши лозим бўлди.

Таржимашунослик соҳасида амалга оширилган кўпгина илмий тадқиқотларда бадий таржимада хос сўзлар, миллий менталитетни акс эттирувчи атамалар, миллий-маданий атрибутларнинг таржима тилида нотўғри берилиши каби бир қанча хато ва камчиликлар таҳлил қилинган. Уларни бартараф этиш учун айрим тавсиялар ишлаб чиқилган, аммо таржимонлар йўл қўйган хатоларни келгусида такрорламасликлари учун керак бўлган асосий *иш қуроли* – таржима лўғатлари ҳануз яратилмаган.

Лексикография шундай нозик соҳаки, тилшуносликнинг ушбу соҳаси билан шуғулланиш сабр – токат, шунингдек, чуқур лингвистик ва филологик билимни талаб этади. Зеро лўғатшунослар ҳар бир сўз хусусиятларини ёритиб, уларни узок кузатувлар давомида тўпланган фактлар билан исботлаган ҳолда шарҳлашлари, жамиятнинг барча тоифасидаги инсонларга тушунарли бўлишини таъминлашлари лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, ушбу соҳа вакиллари чин маънода тил ҳуқуқшуносларидир, яъни улар ҳар бир сўз ва атаманинг филологик ва лингвистик қонуниятларини ҳисобга олиб, лўғат тузиш тамойилларига риоя қилиб лўғат яратишлари лозим, дея таъкидлайди испан лўғатшуноси Натали Мартин.

Демак, бугунги кунда мазкур муаммонинг ечимини излаб топиш зарур. Яъни бундай лўғатларни ким ёзиши керак, бу лўғатлар қандай принципларга асосланиб ёзилиши, сўзлар лўғатларда қандай тартибда жойлаштирилиши керак, деган бир қатор муаммоларни назарий ва амалий жиҳатлари устида бош қотириш вақти келди. Лўғат тузишда муайян соҳадаги сўзларни тўплаб, уларни шарҳлашнинг ўзи етарли эмас, бу жараёни амалга ошириш учун бу борада мавжуд илгор тажрибаларни синчиклаб ўрганиш лозим. Лўғат тузишдан аввал сўзларнинг тушунарсиз ҳолатлари ўрганилиб, ундан сўнг бадий адабиётдан олинган мисоллар асосида лўғатлар тузиб чиқилади. Шунингдек, муаммоли тушунчаларни топишда таржимонларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Нотаниш сўзларни излаб топишда таржимонларнинг асосий

қуроли, албатта, бу – лугатлардир. “*Демак, бадий асар таржимони ҳар қандай ҳолатда ҳам лугатсиз ишлай олмайди, яъни турли бир ёки икки тилли лугатларга мурожаат қилади*” [8,11]. Бу эса лугатнинг таржимашуносликдаги ахамиятини белгилаб беради. Икки тилли лугатларда эса берилган сўзнинг маъносини тўлиқ тушунтириш учун мисоллар таржима асарларидан олинади. Айнан таржима фаолиятида олинган тажрибалар ёрдамида лугатлардаги шарҳлар тартиби белгилаб берилади.

Биз тадқиқот доирасида ишнинг жорийланишига бағишлаб “Миллий-маданий сўзларнинг ўзбекча-французча изоҳли-визуал лугат”и ва “Миллий-маданий сўзларнинг ўзбекча-французча аудиовизуал лугат”ларини илк қалдирғоч вариантини ёзиш учун бир қанча тадқиқотларни ўрганиб чикдик. 1971 йилда чоп этилган “Le Trésor de la langue française” китобида: “*Лугат маданий восита бўлиб, унда алифбо тартибида берилган ҳар бир сўз ҳақида, лугат бир тилли ёки кўп тилли бўлишидан қатъий назар, қуйидаги маълумотлар берилиши лозим: талаффузи, этимологияси, грамматик категорияси, таърифи, тузилиши, қўлланилиш борасида мисоллар, синонимик иборалар*” [4] деган фикрлар билдирилган.

Рус лугатшуноси О.А.Ужова инглиз маданиятига хос сўзларни ёритиб берувчи лугатларни таҳлил қилиб бундай лугатлар лингвомаданий лугатларни тузишда намуна сифатида фойдаланиш мумкинлигини айтади. Чунки, ушбу лугатларда кўплаб маданий сўзлар ва уларга берилган аниқ таҳлиллар берилган. Масалан, О.А. Леонтович ва Е.И. Шейгал “Жизнь и культура США”, Н.В. Муравлева “Австрия. Лингвострановедческий словарь”, В.В.Ощепковой ва А.С. Петриковской «Австралия и Новая Зеландия», Г.Д.Томахина раҳбарлигида чоп этирилган “Мамлакатшунослик лугати”, Д.Т.Мальцевой «Германия: страна и язык» номли мамлакатшунослик лугати, бундан ташқари инглиз тилига хос маданий сўзларнинг асосий манбаи бўлган изоҳли лугатлар: *Oxford Guideto British and American Culture for Learners of English. (1999)* [4].

Юртимиз олимлари томонидан таржима лугатларида берилган маданий

сўзлар ва уларнинг таржималари борасида фикрлар конференцияларда билдирилган. Ўзбек тилшунос олими Ш.Қ.Каримов лугатшуносликнинг лингвомаданий жиҳатлари тўғрисида фикр юритиб, немисча – ўзбекча ҳамда ўзбекча – немисча лугатлардаги “аския” сўзига берилган изоҳнинг “юмор” деб берилиши етарли эмаслигини ва бундай сўзлар миллат маданиятини ўзида акс эттирганлигини ҳисобга олиб, икки тилли лугатларда уларга тўлиқ ва аниқ изоҳ бериш лозимлигини айтиб ўтади[3].

Ўзбекча-французча икки тилли лугатларнинг аксариятида миллий маданиятга хос сўзларнинг нотўғри берилиши ёки умуман тушириб қолдирилиши каби ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, 2008 йилда нашрдан чиққан Ўзбекча – французча лугатда ҳам жуда кўп миллий-маданий сўзларнинг ғализ берилганлигини кузатдик[1]. Мазкур лугатда жаъми бўлиб 12987 сўз бўлиб улар орасида ўзбек халқи миллий-маданиятига хос атиги 35 та сўз ўрин олган. Лугатда берилган халқимиз маданиятига хос сўзларнинг французча таржимасини таҳлил қилинганда аксарият сўзлар нотўғри берилганини гувоҳи бўлинди.

Масалан, лугатда **Аския** - *askiya, concours de jeux de mots.* (19-б). Таржимаси: аския, сўз ўйини мусобақаси тарзида берилган. Ушбу лугат таржима лугати бўлганлиги учун балки, қисқа берилгандир, аммо миллий маданиятимизга хос сўзларни бу қадар содда сўзлар билан ифодаланиши бадий асарлар таржимаси жараёнида ҳам хатоликларга йўл қуйилишига олиб келади. Мободо, таржимон таржима жараёнида мазкур изоҳ яъни “сўз ўйини мусобақаси” тарзида ўғирса матннинг контекстуал маъноси ва прагматик таъсирчанлик даражаси пасайиб қолишига олиб келади. Французларда “Сўз ўйини мусобақаси” яъни “*Les jeux des mots*” аксарият ҳолларда тил ўрганиш методикаси мавжуд яъни “*les mots-valises*”, “*les logogreffes*”, “*le tautogramme*”, “*jouer sur les idées et sur les mots*” каби ўйинлар тўғрисида тасаввурни англатади. “Аския” га “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да қуйидагича таъриф келтирилган:

АСКИЯ [а. L[^]],I (бирл. ^Zj) — *зийрак-лар, закийлар*] I *ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри бўлиб, унда сўз ўйинига, қочириқларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафлар мусобақалашади. Аския, одатда, тўй-томоша, сайл, зиёфат каби йиғинларда ўтказилади. Аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик. А. Қаххор. Минг бир жон. Латифа, лоф, аския, топишмоқ ва мақол жанрлари янги воқеликни ўзига хос ихчам шаклда акс эттиради*[127]. Мазкур изоҳда “аския” сўзи ўзбек халқ оғзаки ижоди намунаси, закийлар ўйини ҳамда тўй ва зиёфатларда айтилиши каби томонларига тўхталиб ўтилган.

Биз тадқиқот жорийланиши доирасида яратилган “Миллий-маданий сўзларнинг ўзбекча-французча изоҳли-визуал луғатида “аския”га француз тилида қуйидагича изоҳ бердик : (askiya – art oratoire populaire ouzbek de la plaisanterie – ўзбекларда ҳазил мутуйиба санъатига асосланган закийларнинг ҳозиржавоблик санъати).

Маълумки, Одил Ёкубовнинг “Диёнат” романидан парча Москвада нашр этиладиган “Lettres soviétique” журналида чоп этилган. Парча рус тилидан француз тилига Элизабет Муравьева томонидан таржима қилинган. Мазкур роман ўзбек халқининг турмуш тарзига хос урф-одатлар, миллий маросим, қадрият ва анъаналарга бой. Асарнинг аслияти билан француз тилидаги таржимасини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида ўзбек халқининг “аския ўйини” ҳақида сўз борган жумлани француз тилида берилишига эътибор қаратдик.

Аслиятда:

“Ёшлар, уст-бошлари чанг-тупрок, кўзлари киртайган, лекин кулишиб, гангир-гунгур гаплашиб, хатто аския айтишиб, шошилмай, бамайлихотир кириб келишарди”[6,74].

Таржимаси:

“ De nouveau il s’etonna : couverts de poussière de sable des pieds à la tête, les yeux cernés par l’insomnie, ils riaient mine de rien, se moquaient les uns des autres, plaisantaient”[8, 346] .

“Аския” сўзи француз тилида “se moquer” феъли оркали берилган бўлиб, французча-ўзбекча луғатда “устидан кулмоқ, масхара қилмоқ, калака қилмоқ, майна қилмоқ”[8,346] тарзида берилган. Ҳар бир халқнинг кулишидан тортиб, то қаҳқаҳасигача бўлган ҳаракатларида инсон хулқ-атворидаги яширин маънолар ўз аксини топган бўлади. Зеро, “*Ўзбекларнинг аския таомили ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Аскиянинг хусусияти, шарт- шароитларини билмаган халқ вакилига бу ҳатто қўполлик бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Ўзбекларнинг кулиши ҳам бутунлай ўзига хосдир*”[10,115]. Эҳтимол, таржимон луғатларда аския сўзининг таржимасини топмаганлиги сабабли “масхара қилмоқ” феъли орқали берган бўлиши мумкин. Таржимада айнан “аския” шарқ халқларига хос, миллий колоритга эга ва ўзбек халқининг закийлиги ҳамда зукколигига асосланган, тўй-тантаъналарда айтиладиган айтишув эканлиги назардан четда қолган. Таржимон ушбу сўзни тўй, сайл, базм ва миллий байрамларда айтиладиган айтишув эканлигини инобатга олиб таржимада аниқ ва лўнда қилиб ифодалаганда таржима китобхони тасаввурида ўзбек оламининг миллий манзарасини қайта яратишга эришган бўлар эди. Бу контекстни қуйидагича таржима қилишни такиф қиламиз:

“Les jeunes couverts de poussière des pieds à la tête, les yeux cernés mais joueux entraient doucement et riant, bavardant même faisaient l’askiya” (a askiya – art oratoire populaire ouzbek de la plaisanterie – ўзбекларда ҳазил мутойиба санъатига асосланган закийларнинг ҳозиржавоблик санъати).

Р.Галиссоннинг тил ўрганиш маданият сўзидан бошланади, яъни маълум тилдаги биргина сўз орқали тил сохибининг миллий хусусиятларини ўрганиш, ҳамда луғат тузишда миллий маданиятга хос сўзларнинг таржимасига жиддий эътибор бериш керак деб таъкидлайди. Хусусан, ҳар бир халқнинг маданий ҳаёти ва рухиятини билдирувчи сўзлар мазкур халқнинг феъл – атворини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Квебек университети олими Клод Пуарье фикрича, луғатнинг вазифаси қанчалик кенг бўлмасин, луғатшуноснинг имкониятлари шу қадар чегараланади. Шундай экан, луғатшунос ҳар қандай сўзни таҳлил этар экан, тил

нормаларидан четлашмаслиги, умумий адабий, маданий ва лексикологик меъёрлар ёрдамида иш кўриши лозим. Шундагина лугат барча учун тушунарли ва мукамал бўлиши мумкин[4,6] деган фикрларни билдиради.

Миллий-маданий сўзларнинг изохли, икки ва кўп тилли таржима лугатларини яратишга бағишланган илмий тадқиқотлар ва назарий ҳамда амалий маълумотлар шуни кўрсатдики, лугатларни тузишда қоидалар барча сўзлар учун умумий бўлса-да, миллий маданиятимизга хос сўзларнинг шарҳи ва изохланиш қоидалари анча мураккаб ва масъулиятли жараён. Аксарият ҳолларда лугатларда киритиладиган бундай сўзлар махсус кўрсатмалар асосида ёритилган. Шунинг учун ҳам миллий-маданий сўзларнинг шарҳини тўғри бериш учун таржимонлар тажрибасига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, америкалик социолингвист Э.Нида таъкидлаганидек, таржима бир тилдан иккинчи тилга янги тушунчаларни етказиб берувчи воситадир [12, 14].

Француз олими Жорж Дюбуа лугатнинг асл моҳияти хусусида сўзлар экан, уларни “objets culturels”, яъни турли минтақалар маданияти ҳақида маълумот берувчи манба, объект дея таърифлайди[4, 6]. Шундай экан, миллий маданий сўзларнинг икки тилли таржима лугатларини тузишда хос сўзларни тўлиқ қамраб олинishi, уларга аниқ ва лўнда изохлар берилиши, транскрипция, транслитерация ва этимологиясига ҳам кенг тўхталиб ўтилиши лозим.

Демак, тадқиқот амалий тадқиқига бағишланган “Миллий-маданий сўзларнинг ўзбекча-французча изохли визуал лугати” хориж тажрибаси ва лексикографик тамойилларга таянган ҳолда яратилди. Масалан:

Классификация (гурухлаш)-мазмун моҳиятига қараб гурухлаш;

Дефиниция –таъриф ва тасниф;

Транскрипция- сўзнинг ўқилишини товушлар ёрдамида ифодалаш

Грамматик категория- сўзнинг роди;

Иллюстрация-предмат ва ходиса расмини акс эттириш;

Этимология – предмет ва ходисаларнинг келиб чиқиш даврини кўрсатиш

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, миллий-маданий сўзлар тил тизимида ва уларнинг луғат таркибида алоҳида аҳамиятли ўрин эгаллайди. Тилдаги кенг истеъмол сўзлардан улар қатор хусусияти, айнан яққол миллий, энциклопедик характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Бизнинг назаримизда, миллий-маданий сўзларнинг алоҳида таржима луғатларини яратиш тадқиқ этилмаган. Бундай сўзлар жамланиб алоҳида махражга келтирилган икки ва кўп тилли таржима луғатларини яратиш лозим. Филологик ҳамда нофилологик луғатларда келтирилган миллий-маданий сўзлар, уларнинг шарҳи ва луғат тузиш принципларини хориж луғатшунослиги мисолида ўрганиш келажакда тузилажак луғатлар учун асосий манбаа ҳисобланади. Ўзбек миллий маданиятига хос сўзларнинг икки тилли таржима луғатларида берилиши, ажаб эмас, жаҳон тилларида ҳам янгича ўзбекона сўзларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлса.

Келажакда таржиманинг лексикографик муаммоларининг ечимига бағишланган бундай миллий-маданий сўзларнинг таржима луғати бу соҳада мавжуд кўпгина муаммоларни бартараф этишга, таржимон меҳнатини энгилаштиришга ва таржима адекватлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Шукуров О., Бойматов Б. *Ўзбек тилининг маънодош сўзлар луғати.* - Т., 2009.
2. Исмоилова Ю.Н. *Немис тилида хос сўзлар ва уларнинг икки тиллик луғатларда ифодаланиши//Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2014.*
3. Кармов. Ш.Қ. *Луғатшуносликда лингвомаданий жиҳатлар //Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2014.-Б.*
4. Martin N.C. *Lexicographie et traduction : les différents types de dictionnaires : classement et typologie.* -Malaga. 1998.
5. Ужова О. А. *Лексикографическое отражение английской культуры в словарях английского языка.* – Иваново, 2011.
6. Ёқубов О. *Диёнат.* –Тошкент, 1979.
7. *Lettres soviétique. Moscou, 1982. №482.*
8. *Французча-ўзбекча луғат. Тошкент, 2008.*

9. Рахимов Х.Р. *Таржима лугати: дефиниция, классификация ва иллюстрация //Лексикография ва фразеологиянинг долзарб муаммолари республика илмий-амалий анжуман материаллари – Тошкент, 2014.*
10. Саломов Ф. *Таржима назарияси асослари.-Тошкент, 1983.*
11. Martin N.C. *Lexicographie et traduction : les différents types de dictionnaires : classement et typologie. –Malaga, 2011.*
12. Ana Gutu. *Théorie et pratique de la traduction. –Chisinau, 2007.*

*Mahfuzaxon Xomidova,
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU*

TARJIMA LUG‘ATLAR VA ULARNI YARATISH ZARURATI

Bizga ma’lumki, tarjima millatlararo muloqotning eng muhim vositalaridan biri sanaladi. Tarjima orqali xalqlar, millatlar, madaniyatlar o‘rtasida aloqalar vujudga keladi, rivojlanadi. Tarjimon esa bu aloqalarning asosiy ijodkori bo‘lib, unga tarjima jarayonida bir qancha ma’naviy va lingvistik bilimlar zarurdir. Tarjimonning bu borada suyanadigan eng asosiy quroli esa ikki tilli tarjima lug‘atlar hisoblanadi. Lug‘atlar asosan 2 turga, ya’ni lingvistik va ensiklopedik turlarga ajralishi leksikografiyaga oid ma’lumotlarda qayd etiladi[2]. Lingvistik lug‘atlar esa o‘z navbatida ma’lum bir tilning xususiyatlarini o‘zida jamlagan holda sinonimlar lug‘ati, antonimlar lug‘ati, morfem lug‘at kabi turlarga bo‘linib ketadi. Ensiklopedik lug‘atlarda esa izohlanayotgan so‘zning barcha xususiyatlariga keng o‘rin ajratiladi.

Badiiy va sohaviy asar tarjimoniga esa ikki yoki ko‘ptilli lug‘atlar yordamga keladi. Shu sababdan ham tarjima uchun ikki tilli tarjima lug‘atlarni yaratish bugunning muhim talablaridan biridir. Shu o‘rinda savol tug‘iladi: axir inglizcha-o‘zbekcha, ruscha-inglizcha, o‘zbekcha-koreyscha lug‘atlar allaqachon yaratilgan-ku? Tarjimonlar ana shu lug‘atlardan foydalansa bo‘lmaydimi?

Albatta, mamlakatimizda til o‘rganishga bo‘lgan qiziqish va ehtiyojdan kelib chiqib ikki tilli ko‘plab lug‘atlar yaratilgan (*o‘zbekcha-inglizcha, o‘zbekcha-koreyscha, o‘zbekcha-ruscha, o‘zbekcha-fransuzcha va hk.*), ammo ularda asosan so‘zlarning bosh ma’nosi bir tildan ikkinchi tilga qiyosan keltirilgan. Bu so‘zlashuv jarayonini o‘rganayotgan kishi uchun yetarli bo‘lsa, tarjimon uchun bu ma’lumotlar kamlik qiladi. Chunki tarjima sohaviy: ilmiy, yuridik, tibbiy yoki badiiy bo‘lishi

mumkin. Bu jarayonda tarjimon ikki yoki uch tomlik umumiy ikki tillik lug'atdan emas, balki sohalar bo'yicha tuzilgan maxsus tarjima lug'atlardan foydalansa ham tarjima ishi yengillashadi, ham uning sifati oshadi. Bu esa aslida o'ta murakkab sanalgan tarjima ishiga qiziqishni birmuncha kuchaytiradi, tarjimon vaqtini tejaydi. Shu bois ham ikki tilli maxsus tarjima lug'atlar yaratish bugun filologlar oldidagi dolzarb masalalardan biridir.

Shu o'rinda ikki tilli maxsus tarjima lug'atlar yaratish tamoyillari va uning turlari xususidagi ba'zi mulohazalarimizni bayon etamiz. Eng avvalo, sohaviy va badiiy tarjimonlar ishini yengillashtirish maqsadida quyidagi mavzularda tarjima lug'atlari yaratilishi kerak:

1. Sohaviy tarjima uchun zarur lug'atlar:

- a) *yuridik terminlar lug'ati;*
- b) *tibbiy terminlar lug'ati;*
- c) *texnik terminlar lug'ati;*
- d) *ilmiy terminlar lug'ati;*
- e) *iqtisodiy-siyosiy terminlar lug'ati;*
- f) *va hokazo.*

2. Badiiy tarjima uchun zarur lug'atlar:

- a) *o'xshatishlar lug'ati;*
- b) *paremiologik lug'atlar;*
- c) *tabiat tasviri lug'ati;*
- d) *ramzlar lug'ati;*
- e) *inson qiyofasi tasviri lug'ati;*
- f) *va hokazo.*

Yuqorida keltirilgan sohalarga oid ikki tilli tarjima lug'atlarning ba'zilari o'zbek-rus, o'zbek-ingliz tillari misolida yaratilgan va ularda asosan bir tildagi leksik birlikka urg'u berilib, ikkinchi tildagi varianti shunchaki keltirilgan. Bu tarjima uchun yetarli hisoblanmaydi. Tarjima aniq va tushunarli chiqishi uchun tarjimon bir tildagi nomni ikkinchi tildagi aniq muqobilini yoki shu tildagi ekvivalentini berishi kerak bo'ladi. Masalan, yuridik uslubga xos matnni tarjima qilish jarayonida advokat

soʻziga duch kelindi. Oʻzbek va rus tillarida advokatlik kasbining barcha turlariga nisbatan faqat “advokat” soʻzi mavjud. Ammo ingliz tilida bu tushunchani bir qancha leksik birliklar ifodalaydi [1,130]. Shu bois ham oʻzbek tilidagi advokat soʻzini ingliz tiliga faqat “*advocate*” birligi bilan berilsa, ingliz oʻquvchisi uchun bu tushunarsiz boʻlib qoladi. Agar yuridik terminlarning oʻzbek-inglizcha maxsus tarjima lugʻati yaratilsa, bu kabi muammolarning oldi olinadi. Boshqa sohalarga oid matnlar tarjimasida ham xuddi shunday muammolar koʻzga tashlanadi.

Badiiy tarjima jarayoni esa tarjimaning eng murakkab turlaridan biri sanaladi. Badiiy tarjimaning murakkablashuviga sabab boʻladigan omillardan biri yuqorida sanalgan tarjima lugʻatlarning mavjud emasligidadir. Masalan, oʻzbek tiliga oid badiiy asarni ingliz tiliga yoki nemis tiliga tarjima qilayotganda tarjimon “*tundek qaro sochlar*” degan oʻxshatishga duch keldi. Buni tarjimada toʻgʻridan-toʻgʻri “*hair as black as night*” deb beradi. Bu, albatta, oʻzbek kitobxonini uchun tushunarli. Chunki uning lisoniy bazasidan bu oʻxshatish allaqachon oʻrin egallagan. Ammo qora sochlarni tunga emas, balki zogʻ, qargʻa kabi qushlarning rangiga qiyos qiladigan yevropa xalqlari uchun bu tushunarsiz boʻlishi mumkin. Agar tarjimonda har ikki tilli oʻxshatishlar lugʻati mavjud boʻlsa, bunday kognitiv dissonansni oldini olish mumkin boʻladi. Shuningdek, ikki tili frazeologik birliklar lugʻatini yaratish ham tarjima jarayoni uchun juda zarurdir. Chunki frazeologik birliklar har qanday badiiy matnning magʻzi hisoblanadi. Oʻzbek tilida yaratilgan badiiy asarlarda maqol, matal, iboralar juda xilma-xil boʻlib ular oʻz oʻrnida mental xususiyatga ham egadir. Misol uchun, oʻzbek paremiologik fondida *ilonning yogʻini yalagan, qoʻy ogʻzidan choʻp olmagan, tarvuzi qoʻltigidan tushmoq, kapalagi uchmoq* kabi frazeologizmlar mavjudki, ularni boshqa bir tildagi muqobilini topish aks holda esa soʻzma-soʻz tarjima qilish kerak boʻladi. Bunday iboralarning ikkinchi bir tilda ham ekvivalenti boʻlishi tabiiy, faqat ifoda vositalari turlicha boʻlishi mumkin. Misol uchun ingliz tilida *to work like a horse* iborasi oʻzbek tilidagi eshakday ishlamoq birikmasiga aynan muqobildir. Bunda mazmun yagona, faqat uni ifodalsh vositasi har bir millatning oʻz mental xususiyatlaridan kelib chiqib, boshqa-boshqadir. Yoxud oʻzbek tilidagi “*musichaday beozor*” iborasi inglizlardagi “*as harmless as a*

dove”(kabutar/day muloyim, beozor) idiomasi-ga muvofiqdir. Shu kabi o‘xshash va farqli frazeologizmlar, umuman leksik birliklar lug‘atining yaratilishi tarjima ishiga munosib ulush qo‘shishi aniq.

Badiiy tasvir vositalari lug‘ati, umuman inson tashqi qiyofasi tarjima lug‘atlarini yaratish ham badiiy tarjima uchun muhimdir. Chunki har qaysi millatning mental xususiyatlaridan kelib chiqib, ularning lisoniy olam manzarasi har xil bo‘ladi. Buni anglagan ziyrak tarjimon o‘xshatishlarni o‘z o‘rnida bir tildagisini ikkinchi tildagi muqobiliga alishtira olsa, u badiiy asar tarjimasining umrboqiyiligini, auditoriyasining kengayishini ta‘minlagan bo‘ladi. Xususan, o‘zbek tilida inson tashqi qiyofasi tasvirini turli narsa-predmetlarga qiyoslash mavjud. *Qo‘y ko‘zi, qirg‘iy burun, do‘ng peshona, g‘uncha lab, qaldirg‘och qosh* kabi birliklar har bir o‘zbek kitobxonini uchun tushunarli bo‘lishi bilan birga, inglizlardagi “*drunken eyes*” birikmasi, ya‘ni alkogol ichish natijasida asosan ayollarning ko‘z holati tasviri sharq xalqlari uchun odatiy o‘xshatish sifatida qabul qilinmaydi. Chunki har ikki madaniyatni har xil. O‘xshatishlar esa bevosita xalq madaniyatining bir qismi sanaladi. Shu sababli ham tarjimada o‘quvchi auditoriyasini hisobga olib, o‘xshatishlarni muqobil varianti qo‘llansa, tarjima kitobxonga tezroq ta‘sir qiladi, yetib boradi. Agar tarjimon har ikki tildagi badiiy tasvir vositalarining qiyosiy variantidan voqif bo‘lsa, mana shu maqsadni amalga oshira oladi. Buning uchun esa unga keng dunyoqarash, chuqur bilim bilan birgalikda maxsus tarjima lug‘atlar ham yordamga kelishi mumkin. Tayyor lug‘at yordamida tarjimon o‘ziga kerakli tasvirning chet tilidagi variantini topadi va tarjimada foydalanadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, ikki tilli maxsus tarjima lug‘atlarni yaratish ona tilimiz, milliy adabiyotimizning bor fasohatini dunyo sahnasiga olib chiqish uchun muhim qadamdir. Bu borada qilinayotgan ishlar ham talaygina va ularni davom ettirish hamda tarjimonning kerakli quroliga aylantirish filolog olimlarimiz, tarjima ishi bilan mashg‘ul tadqiqotchilarimiz oldidagi dolzarb vazifalardan biri bo‘lib qolaveradi.

Adabiyotlar:

1. Usmanova Sh. *Tarjimaning lingvomadaniy masalalari*. T..2015.192 b
2. www.wikipedia.ru

Malohat Norboyeva,
Soliq akademiyasi o'qituvchisi

ILMIY – TEXNIKAVIY TARJIMA USULLARI

Ayrim shaxslar, soʻzma – soʻz tarjimini yoqlab chiqqanlari holda, amaliy faoliyatlarida shu usuldan koʻproq foydalanib kelgan boʻlsalar, koʻpchilik ijodkorlar erkin tarjimini afzal koʻrib, sanʼatkorlar asliyatning harfini emas, ruhini, soʻzini emas, mazmunini, shaklini emas, unda mujassamlashgan axborotni bera bilishi kerak, degan nuqtai nazarni olgʻa surganlar. Chunki inson va uning ichki dunyosi adabiyotda doim xarakter yaratuvchi bosh vosita sifatida namoyon boʻladi.

Tarjima jarayonida faqatgina tushunchani tarjima qilish kerak degan fikr xatodir, matnning toʻliqligi saqlanib qolishi kerak. Tarjimon uchun matnda butun mazmunni tashkil etuvchi birikmani topishi va terminni boshqa soʻzlardan farqlay olishi muhim. Agar tarjimon soʻzning maʼnosi yoki chet tilidagi ekvivalentida ikkilansa, terminologik lugʻatlarda, oʻxshash matnlarda yoki terminologik maʼlumotlar bazasidan qidiradi. Agar termin yangi boʻlsa, tarjimon tasvirlash, kalka yoki neologizm tanlash usullaridan foydalanishi mumkin.

Asliyatni soʻzma-soʻz emas, adekvat tarjima qilish tarjimonning vazifasi.

*Adekvat tarjima oʻzi nima? Adekvat soʻzi (lotincha *adaequatus - priravneniy*) harjihatdan teng, mos keladigan, aynan bir, oʻxshash degan maʼnolarda ishlatiladi.*

Xuddi shundan kelib chiqib, adekvat tarjima deganda, asl nusxani toʻliq aks ettiruvchi, unga muvofiq va u bilan tenglashadigan aniq tarjima tushuniladi.

Qosimova Z. adekvat tarjimaning quyidagi usullarini ajratadi:

•*Ekvivalent tanlash.* (lotincha- *aequivalens-* yaʼni *ravnocennoe, ravnosilnoe*) degan soʻzdan olingan boʻlib, bir xil maʼnoni anglatuvchi soʻz va iboralar osongina ekvivalenti bilan almashtiriladi. Ekvivalent deganda, maʼnolari bir-biriga aynan muvofiq keladigan birikmalar ham, muayyan kontekst ichidagina bir-birining oʻrnini baʼzan shartli ravishda toʻldira oladigan birikmalar ham tushuniladi. Ikki tilda

kontekstsiz ham, ma'nolari bir-biriga monand bo'lgan maqol, matal idiomatik so'z va iboralar ham „ekvivalent birikma“ deb yuritiladi.

• *Adekvat almashtirish*. Bu birmuncha murakkab usul bo'lib, unda originaldagi so'zlarni tarjima tilidagi teng ma'noli ibora va so'zlar bilan almashtirish kerak bo'ladi.

• *Kompensatsiya* (lotincha – compensare- uravnobeshivat, vozmeshat –o'rmini to'ldirmoq)

• *Analogiya* – qiyoslash yoki ekvivalent topish yo'li bilan tarjima qilish usuli

• *Gap tarkibidagi aynan tarjima qilib bo'lmaydigan so'z, ibora va idiomalarning ma'nosini ochib berish, aniqlik kiritish yo'li bilan o'girish*

• *Uslublashtirish* (strelizatsiya) ya'ni qadimiy davrga xos bo'lgan uslubni tiklash yo'li bilan tarjima qilish

• *Umumlashgan tushunchalar, iboralar, frazeologik birikmalar va terminlar aniqlashtirib berish*[2,219].

Adekvat tarjimaga erishish uchun so'z birikmalari, barqaror iboralar, grammatik qurilish, so'z tartibi tarjima tili bilan moslashtirilib, lisoniy vositalar matniy holatlariga, vazifaviy jihatlariga, davriy va milliy xususiyatlariga qarab tarjima qilinadi. Shu o'rinda terminlar tarjima tiliga o'girishida, tarjimon termin xususiyatlarini o'zicha o'zgartish, o'zicha tasvirlarni qo'shish huquqidan mahrumlar.

Ingliz tili soliq va bojxona terminologik tizimida yakka so'zli terminlarga nisbatan birikmali, tarkibi ikki va undan ortiq komponentdan tashkil topgan terminlar salmoqli o'rin egallaydi. Bu sintaktik usul bilan yasalgan birikmali terminlar ingliz tilida muhim nominativ vazifani bajaruvchi manba ekanligi bilsan izohlanadi.

Bunday terminlarda ifodalanayotgan tushunchaning xarakterli belgisiyaqqol ko'rinib turadi. Shuning uchun ham ular soha amaliyoti bilan bog'liq ma'lumotlarni mustahkamlashda qo'l keladi. Ingliz tilidan tarjima qilinayotgan birikmali terminlar o'zbek tilida ham ko'p komponentli birikmalar bilan ifodalashni taqozo etadi. Leksik birlikning sintaktik murakkablashuvi arxaik terminlar iste'molini muayyan darajada cheklashga ham olib keladi. Masalan, har qanday mamlakatning iqtisodiy tayanchi bo'lgan “tax - duty”, “soliq - boj” tizimlar nomi bundan 200 – 300 yil ilgari

“reparation = contribution ” “tovon – o‘lpon – solg‘ut” terminlari bilan ifodalanib kelingan. Ular bugungi kunda arxaizm leksema hamda arxaizm semema hodisasiga uchragan[1,91].

Vaqt o‘tishi va rivojlanish natijasida barcha soha tarmoqlari va shu bilan birga soha terminologiyasida yuksalishlar yuz berdi. Shu sababli, *reparation* arxaik terminini “*tax*” ga o‘zgarishi yoki shu kabi o‘zbek tilidagi *tovon* terminini “*soliq*” terminiga almashinuvi terminlar sohasidagi o‘zgarishlarga misol bo‘ladi.

Ingliz tilida bir va undan ortiq birikmali terminlarni ko‘p uchratish mumkin. Masalan: *Tax code* – *soliq kodeksi*; *Tax roll* – *soliq ro‘yhati*; *Tax revenues* – *soliq tushumi*; *State tax* – *davlat solig‘i*; *State tax inspection* – *davlat soliq inspeksiyasi*; *State tax system* – *davlat soliq tizimi*; *Tax Value* – *soliq qiymati*; *Tax allowance* – *soliq imtiyoz*; *Tax bodies* – *soliq organlari* va h.k.

Soliq terminologiyasida eng ko‘p qo‘llaniladigan, ikki komponentli terminlar miqdor jihatidan ustunlikka ega.

Terminlar tarjimasida, albatta, har doim ham bu komponentlar saqlanib qolmaydi. Masalan: *Tax legislation* – *soliq ishi qonunchiligi*; *Tax liabilities* – *soliq to‘lovlari qarzi* va h.k.

Terminlar tarjimasida, eng avvalo, so‘z bilan termin orasidagi farqni farqlay bilish kerak.

So‘z ko‘p ma‘noli bo‘lishi, yorqinlik hamda ta’sirchanlikka ega bo‘lsa, termin qisqaligi, aniqligi hamda aniqlikka rioya qilishi bilan ajralib turadi. Termin maxsus soha doirasida qo‘llanilib, asosan, bir ma‘noli bo‘ladi. Terminlar, asosan, ot so‘z turkumiga ega bo‘lib, fe‘llar termin hisoblanmaydi.

Soliq terminologiyasida kalka yoki yarim kalka usulidagi tarjima eng ko‘p qo‘llaniladigan usullardan biridir. Terminni kalkalashda butun termin yoki qismi ko‘chirib olinadi, masalan, *declaration* – *deklaratsiya* (*ba‘zi hollarda: yo‘riqnoma, bayonnoma*); *Service* – *servis* (*ba‘zi hollarda xizmat*); *Royalty* – *royalti* (*muddatli to‘lovlar*); *Revaluation* – *Revalvatsiya* (*pul birligi rasmiy ko‘tarilishi*); *Quota* – *Kvota*; *Protectionism* – *Proteksionizm*; *Preferention* – *Preferentsiya*; *Press release* – *Press* – *relis* (*axborotnoma*); *Patent* – *Patent Omologatsiya* (*tovarning texnik*

taivsifnomalar); *Option – Opsion (tanlash huquqi)*; *Order – Order (ruxsatnoma)*: *ya’rim kalka usuliga esa, Statutory tariff – qonun tomonidan o’rnatilgan tarif*; *savings bank – jamg’arma banki*; *State credit – davlat kreditini* misol sifatida keltirish mumkin. Tarjiam ajrayonida kalka usuli qiyinchilik tug’dirmaydi. Terminlar ya’ni ilm yoki fan sohasiga tegishli aniq tushunchani ifodalovchi so’zlar tarjimasini o’zi bilan katta qiyinchiliklarni namoyish qiladi.

Bizning fikrimizcha, termin aynan o’zlashtirish, gibrid shaklida ya’yarim kalka usulida, to’liq tarjima hamda kerakli affiks va suffiks qo’shib o’zlashtirish mumkin.

Adabiyotlar:

1. *Ahmedov O. Soliq va bojxona terminlarining ingliz tilidan o’zbek tiliga tarjimada berilishi. Toshkent – 2012.*
2. *Qosimova S. Ruschadan o’zbekchaga adekvat tarjima qilish xususida. //Badiiy tarjimaning aktual masalalari. T., 1977.*

***Aqida Amirova,
Soliq akademiyasi o’qituvchisi
Mirjalol Abduqahhorov,
Soliq akademiyasi talabasi***

BADIIY VA SOHAVIY TARJIMADA LEKSIK – FRAZEOLOGIK VOSITALARNING QO’LLANILISHI

Mustaqillikka erishganimizdan so’ng o’zbek tilimizga davlat maqomi berildi va chet tillaridan kirgan so’zlarni, fan – texnika sohalarida o’zining barqaror o’rniga ega bo’lgan terminlarni ham o’zbekchalashtirishga intilish ta’sirida termin so’zi atama so’zi bilan almashtirildi va terminologik chalkashlik yuzaga keldi. Ma’lumki, atama so’zi keng ma’noga ega va u har qanday narsaning atalgan nomi, kundalik hayotimizda uchraydigan har qanday so’z tushunilishi mumkin. Termin esa lotincha chegara, chek ma’nolarini anglatib, tor ma’noda biror sohaga tegishli aniq bir tushunchani anglatadi[2,19]. Masalan, soliq sohasiga doir bo’lgan muayyan tushunchalarga nisbatan termin so’zini qo’llash mumkin.

Ilmiy – texnik matnlar tarjimasini deganda biz aniq va tabiiy sohalardagi matnlar tarjimasini tushunibgina qolmasdan balki uni ma’lumotlar ishlanmasining o’ziga xos usuli deb olsak ham boladi. Badiiy asarlar tarjimasini bilan ilmiy asarlar tarjimasini

o'rtasida chegara yo'q. Aytaylik, real tarixiy badiiy asar xuddi ilmiy matn kabi ko'rinishga ega bo'lishi mumkin. Lekin ilmiy matn til va madaniyat chegarasini yengib o'tishi kerak. Ilmiy muloqotni biz har kuni bizga ma'lum, o'sha soha haqida tasavvurga ega bo'lgan jamoalarda amalga oshiramiz. Bizning sohaga tegishli qo'shimcha ma'lumotlarga ega bolishimiz, bilimlarimizni oshirish uchun esa chet tillardagi matnlar bilan ishlashga to'g'ri keladi. Ilmiy – texnik matn tarjimasidan farqli o'laroq obyektivlik, aniqlik, mantiqiylik xususiyatlari saqlab qoladi.

Milliy til bir necha tillarga ajratiladi: umumxalq tili; badiiy nasr tili; she'riyat tili; fizika sohaviy tili; matematika sohaviy tili; elektrotexnika sohaviy tili. Ilmiy – texnikaviy til umumxalq tilidan 4 funksional jihati bilan ajratiladi:

Aniqlik ilmiy – texnik tilning asosiy tasvirlovchi vazifaga ega. Ilmiy-texnik matnda imkon qadar obyekt va mazmunga, jarayonga nisbatan adekvat aloqaga kirishadi.

Tushunarlik ham muhim xususiyatlardan biri bo'lib, qabul qiluvchi shaxsning ilmiy sohalariga adekvat keltirib chiqarish tasavvuri yotadi.

Uchinchi xususiyat bu tejamlilikdir. U ilmiy muloqot chog'ida biron tilga xos sarflanish bilan bog'liq. Ma'lum til vositalari orqali hodisani keng ifodalanish maqsadi yotadi.

Anonimlik matn avtori noma'lum, matn qabul qilivchiga vositasiz yetkazib beriladi[4].

Terminlarni yasashda morfologik usul, ya'ni affikslarni qo'shib yoki qo'shmasdan yangi terminlar hosil qilish muhim ahamiyatga egadir.

So'z o'z ma'nosini yo'qotib termin vazifasini qo'llanganda, lug'atlarda ikki ma'nosi ham beriladi. Masalan, "*der Baer*" so'zining asl ma'nosi – "*ayiq*" deb tarjima qilinadi, lekin texnik ma'noda: *bolg'a*; so'zlashuvda: *semiz* insonlarga nisbatan qo'llanish hollari va iqtisodiy termin sifatida: *birja ishlari bilan shug'ullanuvchi kapitalist; chayqovchi; der Baermarkt – ayiq bozori, ya'ni valyuta kurs narxlarini tushib ketadigan bozor* ma'nolariga ega; *die Schraube an den Baeren* – ayiqlarga bosim o'tkazish, chayqovchilarga ta'sir o'tkazish maqsadida tashkil

qilinadigan maxsus tadbir bo'lib, "ayiqqlar" ni valyutaning sotuvdagi narxidan birmuncha yuqori narxda sotib olishga majbur qilish (SBT 1999). Uebermuedeter Baer – vaziyatdan chiqa olmagan ayiq (ilojsiz), yutqazgan chayqovchi (broker).

Terminlarning tarjimada berilishida stilistik ma'no ko'chish hodisasi hayvonlarning bevosita sohaga doir xususiyatlariga asoslaniladi. Kuzatilgan termin birikmalar o'zida aniq stilistik kontrastni aks ettirgan bo'lib, ironiya bo'yoqdorligini hosil qilgan. Iqtisodiyot sohasida mazkur terminlar semantik nuqtai nazardan teskari fuksiyani bajaromqda (Ayiqlar – kata yovvoyi hayvon, odamlarga bevosita foyda keltirmaydi). Insonga foyda keltiruvchi yoki foydasiz bo'lgan subyektni ifodalovchi leksemalarda leksik ma'no mujassamlashgan bo'lib, ularda iqtisodiyot sohasiga ma'lum darajada ta'sir ko'rsatayotgan jarayon ifodalanadi[1]. Yana bir misol: **"Steuer"** so'zining iqtisodiy ma'nosi: *solliq* bo'lsa, yana ko'pgina : yordam, ko'mak; lepta (Gretsiyada: mayda pul,chaqa;), boshqarish; rul kabi ma'nolariga ham ega. Har bir termin ma'nosini to'liq bilish lozim. *am Steuer stehen* birikmasini **"rul yonida turmoq"** deb tarjima qilamiz; Agar tarjimon ushbu birikmadagi **"Steuer"** so'zini iqtisodiy atama ma'nosida tarjima qilsa, tarjimada qo'pol xatoliklarga olib kelishi mumkin. Iqtisodiy atama bo'lmagan solliq so'zi bilan bog'liq iboralarni keltirib o'tamiz: *ohne Steuer treiben* – aniq maqsadsiz; *das Steuer herumwerfen* – fikrni keskin o'zgarishi; Terminlar frazeologizmlar orqali qo'llanganda, uning asl ma'nosi har doim ham muhim sanalmaydi, chunki frazeologizmlar so'zma – so'z tarjima qilinmaydi. Oqibat natijada tarjimadagi qiyinlik darajasining mezoni keng ma'noda asl nusxa tilining idiomatikligidir[3].

Tarjimada muallif uslubini aynan berish uchun leksik – frazeologik vositalari tanlab ola bilish hal qiluvchi ahamiyatga ega. Badiiy tarjima jarayonida lingvokulturologik birliklar tarjimasi ham tarjimonga bir muncha qiyinchilik tug'diradi. Buning sababi bir – biriga yaqin bo'lmagan tillar oilasiga mansub har ikki xalq madaniyatida qo'llaniladigan o'xshash hamda tarjimasi qilib bo'lmaydigan frazeologizmlarning mavjudligidir.

O'zbek xalqi madaniyati, uning bir necha yillik tarixini olib qaraydigan bo'lsak, unda ayol timsoli ham ijobiy ham salbiy jihatdan tasvirlanganligiga amin

bo'lamiz. Lekin, nemis tilida gi frazeologizmlar tarjimasida quyidagilarni kuzatdik, masalan, *“Eine schöne Frau will jeder küssen”* maqolining soʻzma-soʻz tarjimasi “Chiroyli ayolni har bir kishi oʻpishni xohlaydi” kabi talqin etiladi. Oʻzbek tilidagi ekvalent qilib esa “Chiroy koʻchaniki”, “Xotining chiroyli boʻlsa, dushmaning koʻpayar” maqollari keltiriladi. Bizning fikrimizcha bu holat koʻpincha jamiyat, atrofdagi odamlarga bogʻliq. Chunki bizga maʼlumki, har bir jamiyatda ayol kishining chiroyi boshqalarni, ayniqsa, erkaklarni oʻziga jalb etadi. Mazkur maqolda nemis va oʻzbek xalqlarining bir necha yillik hayotiy tajribalari oʻzining ifodasini topgan.

Xulosa oʻrnida, har bir frazeologizمنىng boshqa bir tilda aynan uning maʼnosiga yaqin boʻlgan variant boʻlishidan qatʼiy nazar, asliyatda va tarjima qilinayotgan tilda oʻzgacha jaranglaydi.

Adabiyotlar:

1. Axmedov. O. *Soliq va bojxona terminlarining ingliz tilidan oʻzbek tiliga tarjimada berilishi.*-T.:2012.
2. Axatova M. *Oʻzbek tilining yogʻochsozlik terminologiyasi, Filologiya fanlari nomzodi...Dis -T, 2004, 19b.*
3. *Fleischer W. "Phraseologie der deutschen Gegenwertsprache", VEB Bibliographisches Institut. Leipzig 1982.*
4. *Naydich, Y. Problematik des Terminologievergleichs von Rechtsbegriffen aus der russischen und osterreichischen Rechtsordnung zum Thema „Aktiengesellschaft“ S.8 (vgl. Arntz/ Picht/Mayer 2009:25 in Anlehnung an Hoffmann 1998)*
5. *Воробьев В. В. Лингвокультурологическая парадигма личности/ В. В. Воробьев. - М., 1996.*
6. *Duden. Redewendungen und Sprichwörtliche Redensarten. Bd.11 Mannheim/ Wien/ Zürich, 2001.*

МУНДАРИЖА

1	Сирожиддинов Ш. Сузбоши	<i>Таржимашунослик: Стратегик мақсадлар, замонавий ёндошув ва ечим</i>	3
---	--------------------------------	--	---

БАДИИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ТАРЖИМАШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2	Гофуров И.	<i>Моҳир ва талабчан таржимон</i>	6
3	Холбеков М.	<i>Жаҳон таржимачилиги тарихини даврлаштириш масаласи</i>	10
4	Бақоева М.	<i>Шеър таржимаси мукамал бўлиши мумкинми?</i>	16
5	Ҳамдамов У.	<i>Жаҳон адабиётининг замонавий муаммолари: таржима</i>	20
6	Абдуллаева Р.	<i>И.Балдауф: „чала мулла бўлишдан қўрқаман</i>	27
7	Odilova G.	<i>Badiiy tarjima: Xorijlik kitobxon talabi, mavzularni saralash, mualliflarni tanlash</i>	42
8	Muratova D.	<i>Ph.D. On training of translators/interpreters for cross-cultural communication</i>	48
9	Normurodova N.	<i>Stylistic problems of translation: implicitness of literary texts, rendering stylistic devices</i>	55
10	Ўрмонова Н.	<i>Аслият, таржима, қиёсий-текстологик таҳлил</i>	61
11	Ҳамидов Х.	<i>Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари турк тилида</i>	66
12	Холбекова Б.	<i>Ўзбек тилидан инглиз тилига таржималар тарихи хусусида</i>	74
13	Насруллаева Н.	<i>Инглиз тилидаги гендер бўёқли фразеологик бирликларни бошиқа тилларга таржима қилиш муаммолари</i>	77
14	Юсупова Х.	<i>Туркий халқлар фолклори хориж олимлари наздида</i>	80
15	Бакиев Х.	<i>Таржимада тил ва маданият масаласи</i>	85
16	Сулайманова Н.	<i>Инглиз ва ўзбек тилларда дейктик синтактик бирликларнинг бадий матндаги таржимаси</i>	88
17	Тилакова Н.	<i>Экспрессивликка оид сўзларнинг в. Шекспирнинг “Отелло” асаридаги талқини</i>	93
18	Буматова А.	<i>Жордж Гордон Байрон: “дамет”</i>	98

19	<i>Axmedova T.</i>	<i>таржимада образларнинг сақланиши Badiiy tarjimada leksik birliklarni talqin etish</i>	106
20	<i>Matyoqubov J.</i>	<i>A. Qahhor qissa va hikoyalari ni nemis tiliga tarjimasida maqol va matallarning berilishi</i>	110
21	<i>Eshnazarov J.</i>	<i>Nemis tilidagi modal yuklamalarning o'zbek tiliga badiiy tajimada berilishi</i>	114
22	<i>Хамидов М.</i>	<i>Немис балладаларининг ўзбек тилидаги талқини</i>	116
23	<i>Очилев Н.</i>	<i>Конкрет шеърятни ўзбек тилига таржима қилиш ҳақида айрим мулоҳазалар</i>	120
24	<i>Djalilov M.</i>	<i>Translation as a communication process</i>	124
25	<i>Тилакова Н.</i>	<i>Инглиз ва ўзбек тилларида эркалашга оид сўзларнинг тарихига назар</i>	127
26	<i>Obidjonova M.</i>	<i>Badiiy asarlarni qayta tarjima qilish masalasi</i>	131
27	<i>Axundjanova A.</i>	<i>Komparativ frazeologik birliklar tarjimasida adekvatlik masalalari</i>	135
28	<i>Zokirova D.</i>	<i>Frazeologik birliklar va ularning tarjimada qo'llanilishi</i>	141
29	<i>Мамарасулова Г. Облоқулова Ш.</i>	<i>Уильям Вордсвортнинг шеърый назарияси</i>	146
30	<i>Sotiboldiyeva U.</i>	<i>Ertaklar tarjimasining o'ziga xos xususiyatlari</i>	154
31	<i>Isrofilov D.</i>	<i>Onomotopiyalar va ularning tarjimadagi o'rni</i>	157
32	<i>Gapporova M.</i>	<i>Tarjimada badiiy tasvirning o'rni</i>	162
33	<i>Lapasova K.</i>	<i>She'riy tarjimada uchraydigan muammolar</i>	165

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА СИНХРОН ТАРЖИМАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

34	<i>Samadov B.</i>	<i>Challenges of teaching and studying Conference-interpreting</i>	171
35	<i>Mustanova Sh.</i>	<i>Some strategies on developing short-term memory of simultaneous interpreters at earlier stages</i>	175
36	<i>Toshpulatov Sh. Norkuvatov S.</i>	<i>Mythbusters in simultaneous interpreting</i>	180

37	<i>Mustanova N.</i>	<i>Consecutive interpretation experience in sharq taronalari festival</i>	184
38	<i>Mirkomilov I.</i>	<i>Significance of background knowledge in confrence interpreting</i>	186
39	<i>Saydaliyev D.</i>	<i>Untranslatability: simultaneous translation</i>	190

**ИККИ ТИЛЛИК ТАРЖИМА ЛУҒАТЛАРНИ ЯРАТИШ
ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАРЖИМАДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ. XXI АСРДА ИЛМИЙ-
ТЕХНИКАВИЙ ТАРЖИМА ТАРАҚҚИЁТИ**

40	<i>Ширинова Р.</i>	<i>Миллий-маданий сўзларнинг таржима лугатларини яратиш тамойиллари</i>	193
41	<i>Хомидова М.</i>	<i>Таржима лугатлар ва уларни яратиш зарурати</i>	203
42	<i>Norboyeva M.</i>	<i>Ilmiy-texnikaviy tarjima usullari</i>	207
43	<i>Amirova A. Abduqahhorov M.</i>	<i>Badiiy va sohaviy tarjimada leksik – frazeologik vositalarning qo'llanilishi</i>	210